

Ҳамидулла Дадабоев



АЖДОДЛАРИМIZНИГ
ХАРБИЙ МАХОРАТИ

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)
Д 15

Д 15 Дадабоев X.

Ажодларимизнинг ҳарбий маҳорати [Матн] / X.Дадабоев. –
Тошкент: Akademnashr, 2016. – 176 б.

ISBN 978-9943-995-09-3

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)

Биз буюк салтанатлар барпо этган, ҳарбий соҳани санъат даражасига кўтарган, эп-юрт шон-шарафи ўйлида ҳар қандай машаққатларга бардош бўриб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб келган бобо-парниңг авлодимиз. Қулингиздаги китобда шу аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати, жанг қилиш санъати, тақтиқ усуслари, қурол-ярголари ва бошлиқа масалалар кенг бўритилган. Шу боис у Ватан, миллат тарихи ва тақдириги биғарқ бўлмаген китобхонларни эътиборсиз қолдирмаиди.

ISBN 978-9943-995-09-3

© X.Дадабоев
«Ажодларимизнинг
ҳарбий маҳорати»
© «Akademnashr», 2016

АМИР ТЕМУРНИНГ ХАРБИЙ МАХОРАТИ

(Рисола)



БҮЮК САРКАРДА

Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари асосида ривожланиш ва тараққий этиш йўлига дадил қадам қўйиб, ўз миллий давлатчилигини қайта тикилаётган келажаги буюк мамлакатимиз бу борада умумбашарий тараққиётга, бошқа халқлар эришган тажрибаларга, айниқса, ижтимоий қадриятларга суюнмоги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимини танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниклаб, буюк мамлакатимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак».¹

Ўзбек халқи довруғининг бутун дунёга таралишида ўзининг бетакрор даҳоси билан жаҳон тафаккури ва маданиятининг бойиб, такомиллашиб боришига бебаҳо улуш қўшган Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Төмур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Абдулла Қодирий сингари атоқли аждодларимизнинг ўрни бекіёсдир.

1996 йили таваллудининг 660 йиллиги улкан тантаналар ва кўтаринки руҳ билан нишонланиши кутилаётган, XIV асрнинг ўрталарида сиёсий майдонга чиқиб Мовароуннаҳрда бир ярим аср давом этган мўғул хонлари зулми ва истибодига барҳам

¹ Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 1993 йил 24 февраль.

берган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан кучли, марказлашган, мустақил давлат барпо этишдек олий мақсадга бор күч-ғайратини, билимини, истеъодини, қобилиятини бағишилаган, ўз ғояларининг ушалиши йўлида Даشت Қипчоқ, Жата, Хоразм, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказ, Кичик Осиё, Миср каби мамлакатларга ҳарбий юришлар қилган улуғ саркарда, давлат арбоби ҳазрати соҳибқирон Темурбек Кўрагоннинг ҳаёти ва фаолияти мана бир неча юз йиллардан бери тарих саҳифаларидан ўрин олиб келмоқда.

Шарқ ва ғарб тилларида буюк тарихий сиймо Темурбек тарихига оид солномалар, адабий-бадиий, илмий асарлар вукудга келди. Жаҳонтир ҳақида ҳар доим ҳам реал тарихий воқеаликка мос келавермайдиган турли-туман афсона ҳамда ривоятлар тўқилиб, машрику мағрибга тарқалиб кетди.

Сир эмаски, совет тарихшунослиги, сиёсатшунослиги ва адабиётшунослигига Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти, у яратган марказлашган давлатнинг туб моҳияти, бош ғояси, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний нуқтаи назардан жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти аксарият ҳолларда ҳукмрон марксча-ленинча дунёқараш замирида сохталашибирлиди, мазмуни жўрттага бузиб талқин қилинди.

Истиқбол туфайли республикамизда содир бўлаётган туб демократик ўзгариш ва қайта қуриш жараёни Темурбекнинг туркий халқлар давлатчилиги анъаналарини, тажрибаларини, ислом ҳамда шариат қонун-қоидаларини барпо этилган кудратли давлатнинг асосий дастури қилиб, ўз сиёсати ва ҳукмини заминнинг жуда кенг минтақаларига ёйғанлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни бекаму кўст билишга, рўй-рост англаб этишга имконият яратди.

Бутун онгли умрини «Рости русти», яъни «Ҳақ бўлсанг на-жот топасан», «Куч – адолатда» сингари инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган шиорларга суюнган ҳолда сиёсат юритишга сарф қилган Темурбекнинг табиат инъом этган ақл-заковат, қобилият ва ҳарбий маҳоратни ишга солиб, давлатни идора қилиш усул ҳамда услублари андозаларини белгилаб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлари, илгари сурган фикр-мулоҳазалари ўз ўтмишига янгича назар билан ёндашётган бу-гунги авлод томонидан ҳар томонлама чуқур илмий асосда ўрганилмоғи, ижтимоий фан соҳалари мутахассислари олиб

боражак тадқиқотлар учун мавзу бўлмоғи керак. Бизнингча, Темурбек асос солган марказлашган давлат ва у олиб борган сиёсат тўғрисидаги холис фикрни сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, иқтисодчилар айтгани мақсадга молик.

Биз эса кенг китобхонлар оммасига ҳавола қилинаётган ушбу рисолада Темурбекнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат топишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик истеъоди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусида манбаларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган тарзда ўз мулоҳазаларимизни баҳоли қудрат билдиримоқчимиз, холос.

Муҳтарам ўқувчиларимизни ушбу рисолада Соҳибқирон исмининг Амир Темур эмас, балки Темурбек шаклида берилиши албатта қизиқтиrsa керак. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, Мовароуннахрда туркийда битилган асарларнинг деярли барчасида жаҳонгирнинг муборак номи ушбу рисолада келтирилган шаклда қайд этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида Соҳибқирон номини ўттиз марта тилга олар экан, бирор марта ҳам Амир Темур демасдан Темурбек деб юритади. Ушбу ҳолатни биз Алишер Навоий асарларида, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида, муаллифи но маълум «Таворихи гузида. Нусратнома» (XVI) сингари ёзма обидаларда кузатишимиз мумкин. Соҳибқироннинг биз келтираётган тарзда номланишини у зот барҳаётлигида ёзилган ҳужжатлар, кундакилар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1403 – 1406 йиллар Самарқандда расмий ташриф билан бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Соҳибқироннинг ҳақиқий номи Темурбек эканligини қайд этиб ўтади.² Англия қироли Генрих IV нинг 1402 йили, Франция қироли Карл VI нинг 1403 йил 15 июняида Соҳибқиронга йўллаган мактубларида ҳам жаҳонгирнинг номи Темурбек шаклида келтирилади.³ Юқорида зикр этилган ашёвий далиллардан келиб чиқсан ҳолда буюк юртдошларимизнинг исмини аксарият

² Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1406). Перевод со староиспанского. – М.: Наука, 1990. – С.69.

³ Қаранг: Умяков И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в. – М., 1960. – С.7 – 8.

форсий адабиётда қайд этилган, Эрон ва Турон халқлари орасида шуҳрат топган Амир Темур шакли билан бир қаторда Темурбек шаклида кўллаш ҳам мақсадга мувофиқдур.

ИСТЕЪДОДНИНГ САЙҚАЛ ТОПИШИ

Темурбек ибн Тарагай ибн Абагай 1336 йилнинг 9 апредида Мовароуннаҳрнинг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)га қарашли Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келди.⁴

Темурбек ёшлик чоғидан ҳарб ишига ўзгача муҳаббат ва эҳтирос билан қарай бошлади. Унда ҳарбий санъатга бўлган қизиқишнинг ўта эрта пайдо бўлишида падари бузруквори, Амир Қазаған (1358 йили шаҳид бўлган) давлатининг арконларидан бири, мардлиги, шижоати ва олижаноблиги билан ном чиқарган Амир Тарагайнинг (1360 йили вафот этган) майлум даражада таъсири борлиги шубҳасиз.

Навқирон ёшга етган Темурбек салкам бир ярим асрлик мўгуллар истибодига чек қўйиш, феодал тарқоқлик натижасида Чигатой улусида ҳукм сураётган ўзаро низолар ва урушларга барҳам бериш, ташки ва ички зугум туфайли тинкаси қуриган ҳалиқ оммасига мадад кўлини чўзиш, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилиш, улусни ташқаридан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилиш сингари олижаноб мақсадларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли ҳокимииятни қўлга киритиш эканлигини яхши англаб етади. Яқин йиллар ичida рўёбга чиқажак режалари ҳакида Темурбек аввалдан уни қўллаб-кувватлаган, кейинчалик эса унинг садоқатли ва ишончли бек ҳамда саркардалари қаторидан ўрин олган Аббос, Довуд, Қумари, Муайяд, Сайфиддин, Сарибўға, Эйгу Темур, Жаку каби тенгқурлари билан очиқдан-очиқ ўртоқлашар эди. Дўстлари Темурбекнинг яқин кезларда давлатни эгаллаш, жуда катта ҳудудда кучли салтанатга асос солиш,

⁴ Қаранг: Ибн Арабшоҳ, Ажкойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажкойиботлари). – Тошкент: Мехнат, 1992. – Б.6; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403 – 1406 годах / Подлинный текст с переводом и примечаниями И.И.Срезневского. – СПб., 1881. – С.238; Якубовский А.Ю. Тимур (опыт краткой характеристики) // Вопросы истории. 1946. №8 – 9. – С.53.

атоқли саркарда бўлиб етишишини олдиндан сезгандай ўзларини унга яқин тутар, у бел боғлаган жуда масъулиятли ва шарафли ишга киришишда мададкор бўлишларини рўй-рост баён қилардилар.

Темурбек қасд қилган юмушни ниҳоясига етказишда унга таянч ва суюнч бўлишга аҳд қилган, шодлик онларини ёки азобу укубатларни у билан баҳам кўришга, оғир дақиқаларда ундан юз ўғирмасликка қасамёд қилган биродарларининг бегараз кўмаги, айниқса, мўғул босқинчилари зулмидан азијат чеккан Мовароуннаҳр халқи барча табақаларининг қўллаб-кувватлаши ҳамда бевосита иштироқида 1370 йили ҳокимиятни қўлга олиш, мўғул истилоси туфайли бирлигидан маҳрум бўлган мамлакатни бирлаштириш, истиқлолни қайта тиклаш баҳтига эришади.

Темурбек таҳтга ўтириш боиси ўлароқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда содир бўлган ижобий ўзгаришлар ўз ифодасини ҳарб иши ва ҳарбий санъатда ҳам намоён этади.

Асосий карвон йўллари устидан назорат ўрнатиш⁵, улус кудратини янада ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устувор мақсадлар йўлида Темурбек ўша даврда төнги йўқ ҳарбий кучлари билан Жата, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Ирок, Шом, Миср, Дашиби Қипчоқ, Шимолий Онадули, Ҳиндистон каби минтақаларга бир неча бор кўшин тортиб борди, оламшумул зафарлар кучди.

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида ҳақли равишда тан олади. Унинг ҳарбий истеъоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди.⁶

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида кўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдирни ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик

⁵ Қаранг: Самарканд при Тимуре и тимуридах: Очерк А.Ю.Якубовского с двадцатью автотипиями. – Л., 1933. – С.13, 15 – 16.

⁶ Қаранг: Муминов И.М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии. – Ташкент, 1986. – С.28 – 29; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг кулалиси. – Тошкент, 1956. – Б.288 – 318; Автобиография Тимура. Богатырские сказания о Чингизхане и Аксак Тимуре. – М.-Л., 1934; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингиз-хане и Тимурлане. – СПб., 1875; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.68.

билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга мусассар бўлди.

Соҳибқирон турк-мўғул халқлари, хусусан, Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қиласиди ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Темурбек барпо этган армиянинг тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ қўйидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланарди:

1. Чингизийлар қўшини ялпи мажбурият асосида ҳарбий хизматга чақириладиган халқ лашкаридан иборат бўлгани ҳолда, Темурбек армияси умумхалқ характеристига эга эмас эди.

2. Чингизхон даврида қўшин асосини қўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек қўшинига олий бош қўмондан кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, хунармандчилик, дехқончилик билан машғул ўтрок аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.⁷

3. Темурбек қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобга олмагандан, пиёда аскарларга эга бўлмаган.⁸

4. Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт очар курол, яъни тўп – раъдни олиб кирди.⁹

5. Соҳибқирон тоғли худудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган маҳсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

6. Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида ётти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.¹⁰

⁷ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский Ю.А. Олтин Ўрда... – Б.93.

⁸ Қаранг: История народов Узбекистана. Т.2. – М., 1947. – С.362; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.293; Якубовский А.Ю. Тимур.. – С.70.

⁹ Қаранг: Беленицкий А.М. О появлении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV – XVI вв. // Известия АН СССР Таджикский филиал. – Сталинабад, 1949.

¹⁰ Қаранг: Якубовский А.Ю. Тимур... – С.70.

7. Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.¹¹

Темурбек қўшини таркибини Мовароуннахр, Даشت Қипчок, Хурсон, Эрон, Бадахшон, Мўғалистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йигилган аскарлар ташкил қиласарди.

Унда мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди: қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби – ясол жангдан-жангга та-комиллаштириб борилган, армия ўз замонасининг илгор қурол ва техникаси билан таъминланган, айнан бир турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан қуроллантирилган қисмлар бир-биридан кийим-боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқланган.¹² Бундай ажралиб туриш жанг пайтида қўшинни бошқаришда жуда кўл келган.

Душман мудофаасини турли усууллар ёрдамида барбод қилиш, ғаним томоннинг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга шаҳарларига қўйқисдан кучли зарба бериш, зabit этилган мамлакатнинг бошлиқларини, айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, қальъа ҳамда қўргонларни узоқ муддат давомида қамал қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг қамровда қуршаб олиш, унинг қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамом яксон этгунга қадар таъқиб қилиш, фатҳ этилган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларни кўзлаб иш юритиш Темурбекка кўплаб зафарлар олиб келди.

Тактика жиҳатидан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Қўшиннинг ясоли, қораҳонийлар, газнавийлар, салжуқийлар, чингизийлар қўшини жанговар тартибидан фарқли ўлароқ, етти қисм – қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Темурбек ўнлик, юзлик, минглик ҳамда туман кўмондон-

¹¹ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Кўрсатилган асар... 2-китоб. – Б.99 – 100.

¹² Қаранг: Разин Е.А. История военного искусства. Т.2. – М., 1957. – С.234.

ларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган. Лашкарбошилик салоҳиятига эга бўлган қўмондонларнинг тўғри танланганлиги ва ўз жойига қўйилганлиги аксарият ҳолларда жангнинг муваффакиятли якунланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига кўшган улкан хизматларидан яна бири қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва, аксинча, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм – кунбул//кумбулнинг жорий этилишидир. Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганнибал, Людвиг XIV, Буюк Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрининг атоқли лашкарбoshiси Наполеон Бонарпарт армиясининг жанговар тартибида қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларнинг Наполеон шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Темурбек армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриклиарини синчилаб ўрганган, зарур топган тактик усусларини ўзлаштирган деган мулоҳазаси, ҳар қалай, ҳақиқатдан йироқ эмас.¹³

Ҳўш, турк-мўғул халқлари армиясининг беш қисмдан иборат анъанавий жанговар тартибига ўзгартириш қачон киритилди, яъни ясолни ётти қисмга бўлишга Соҳибқиронни қандай зарурият мажбур этди деган савол туғилиши табиий.

Ушбу саволга қониқарли жавоб олиш учун Темурбекнинг Балх ҳокими Амир Ҳусайн (1370 йили ўлдирилган) билан иттифоқда 1365 йили Жата (Мўгулистан) хони Илёсхожага қарши қилган, тарихга «Лой жанг» номи билан кирган муҳрабада иттифоқдошлар чериги қандай ясолда жойлашганлигини кузатиш керак бўлади.

Йирик қўшини билан Мовароуннахрга бостириб кирган Илёсхожа ҳужумини даф этиш мақсадида Темурбек ва Амир Ҳусайн черик жамлайди.¹⁴ Амир Ҳусайннинг сипоҳи Чиноз ва Тошкент оралиғида сув бўйини ўз қўнимгоҳи қилиб турган Темурбек қўшини билан қўшилади ҳамда белгиланган будал,

ТУГ ЗАХИР

¹³ Қаранг: Иванин М.И. О военном искусстве... – С.163.

¹⁴ Қаранг: Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Камалак, 1994. – Б.103 – 113.

яъни позицияларига тушади. Илёсхожа сипоҳи ҳам Бодом суви ёқасига ўрнашади. Мухолиф томон қоровулларининг назари бир-бирига тўқнаш келгач, ҳар икки томон байроқларини ҳилпиратиб, дўмбирааларни гумбирлатиб, сафларни ростлайдилар. Амир Ҳусайн баранғарга бошчилик қиласди. Баранғарнинг қунбулида арлот қабиласининг вакили Тиланчи, илғор қисм – ҳиравулда Ўлжайту апарди, Шер Баҳром, Пўлатбўға, Фарход апарди, Малик баҳодир ва ўзга номдор баҳодирлар жойлашади. Жуванғарга Темурбек қўмондонлик қиласди, унинг қунбулида Сарибўға қиптоқ қавми билан турди. Ҳиравулга эса Темурхожа ўғлон тайинланади. Марказ – қўлда Амир Жаку, Амир Сайфиддин, Амир Мурод барлос, Аббос баҳодир ва бошқа атоқли баҳодирлар жангга шай бўлиб туради. Баёндан Темурбек ва Амир Ҳусайн черигининг ясоли баранғар, жуванғар, қўлдан иборатлиги, шу билан бирга, баранғар ҳамда жуванғарнинг ҳар бири қўшимча аскарий қисм – қунбул ва ҳиравулга эга бўлганлиги равшан бўлади. Бу ясонинг нисбатан заиф томони шундан иборат эдикি, баранғар ва жуванғарга қараганда қўл анча кучсиз бўлган, унинг на илғор қисми, яъни ҳиравули, на кўмакчи захира қисми бўлган.¹⁵ Шарафиддин Али Яздий иттифоқчилар лашкарининг сон жиҳатдан ғаним сипоҳидан зиёд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Жанг бошланиш арафасида кучли жала қуйиб, жанг майдони лой бўлиб кетади. Намгарчиликнинг ҳаддан ташқари кучлилигидан кийим-кечак ва асбоб-анжом шу даражада оғирлашади, пиёдада ҳам, отлиқда ҳам қимирлашга мажол қолмайди. Жата лашкари бошларига кигиз ёлиниб, кийим-кечак ҳамда қурол-яргони ёмғирдан пана қиласдилар. Иттифоқчилар қўшини уларга яқинлашиши билан жаталиклар кигизлар остидан чиқиб дам олиб турган отлар билан жангга ташланадилар. Темурбек ёвнинг Амир Ҳамид ва унинг биродари Шангум нўён сардорлик қилаётган баранғарига шикаст етказади. Аммо рақибнинг Шировул ҳамда Ҳожибек қўмондонлигидаги қунбули иттифоқчилар баранғари қунбулидаи устун келди ва унинг сардори Тиланчини қувлаб, ўнг қўлда турган Амир Ҳусайн қошигача олиб боради. Саросимага тушган Амир Ҳусайн аскари қочишга юз тутади

¹⁵ Қаранг: Якубовский А.Ю. Тимур... – С.70.

ва тарқалиб кетади. Лашкарнинг ўнг қанотидаги вазиятдан хавотирга тушган Соҳибқирон ўз қўл остидаги ўн етти фавж билан Амир Шамсуддин бошчилигидаги ғаним қисмига кучли зарба беради ва уни тўзитиб юборади. Қўлга киритилган ютуқни мустаҳкамлаш йўлида Соҳибқирон Амир Ҳусайн ҳузурига чопар юбориб, биргалашиб душманнинг асосий кучларига ҳужум қилишни таклиф этади. Бироқ мутакаббир Амир Ҳусайн: «Бу жангда ҳеч тиришиш керак эмас ва бу борада ортиқча уринмаслик лозим», – деб жавоб қайтаради. Эртаси куни жанг давом эттирилади ва Жата лашкари мағлубиятга учраб қочишга тушади. Иттифоқчилар орқасига қарамай чекинаётган Илёсхожа аскарларини таъқиб қила туриб Амир Шамсуддин қисмидан ажralиб қолган аскарий гурухга дуч келиб қолади ва беихтиёр бу тўп билан жидол қилишга мажбур бўлади. Кутимаган фурсатдан усталик билан фойдаланган душман ўз сафларини қайтадан тартибга келтиради ва таъқибчиларга қарши бирдан ҳужумга ўтади. Иттифоқчилар танг аҳволга тушиб қолади ва улар отларнинг жиловини орқага буришдан ўзга чора тополмайдилар. Қочаётганларнинг отлари лой ва балчиққа ботиб қолади. Тўс-тўполонда ўн мингга яқин аскаридан жудо бўлган иттифоқчилар Кешга қараб равона бўладилар. Мана шу мағлубиятдан керакли хулосалар чиқарган Темурбек 35 йил давомида олиб борган тўхтовсиз юришлари пайтида қўшиннинг жанговар тартибини муттасил такомиллаштириб туришга катта эътибор қаратди. У қўшин маркази – қўлни илғор қисм – ҳиравул ҳамда мададкор қисм – чағдавул билан мустаҳкамлади ва уни фақат олий бош қўмондон олдида масъул қилиб қўйди.¹⁶

Тарихий манбаларда¹⁷ келтирилган маълумотларга қарангда, отлиқ аскарлар Темурбек армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар оғир ва енгил қуроллар билан куролланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил куролланган отликлар асосан разведка ва соқчилик билан шуғулланган, ўта зарур чогдагина душман кучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

¹⁶ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.297 – 298; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.70.

¹⁷ Қаранг: Уложение Тимура. – Казань, 1894. – С.52 – 53; Самарканد при Тимуре... – С.17; Иванин М.И. О военном искусстве... – С.149.

Дубулға, зирх (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва наиза билан таъминланган оғир қуролли суворийлар сара жангчилардан тузилган, ғанимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта рол ўйнаган.

Юришга отланишдан олдин Темурбек аркони давлат, вазирлар, саркардапар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш – машәрататга чорлаган. Айни чөнда, улуснинг турли вилоят ва туманларидан, шунингдек, тобе юртлардан кўшин тўплаш учун маҳсус бўйруқ – тунқал эълон қилинган. Фармон керакли жойларда юқори мансаб эгаси, бош қўмандоннинг адъютанти – таёвчи томонидан тезлик билан етказилган. Тавочининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари кўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб – ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчиши назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тунқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, қалъя, кўрғон доруғаларининг Темурбек томонидан тузилган рўйхат – сонга¹⁸ мувофиқ ўз жангчилари, зарур от-улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган тўпланиш ўрни – миод ерига ўз вақтида кечик масдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Темурбек Дашиби Қипчоққа қилинган юриш (1390 – 1391) олдидан кўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашини ўз ноибларига буюрган. Ҳар бир суворийга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, бир қалқон ва битта кўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўн жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арпа, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

Абдураззоқ Самарқандий ҳар бир жангчининг, шунингдек, ярим ман оғирлигига аркон, бир дона пишиқ тери ва битта қозон олиб келиши лозим бўлганлигини қайд этади.¹⁹

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган.

¹⁸ Қаранг: Тизенгаузен А.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т.2. – С.185; Гереков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.294.

¹⁹ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.295; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.69.

Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халта (чанач)га эга бўлган.

Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўнбегининг алоҳида чодири бўлган. У совут, қилич, ўқ, ёй, садоқ билан куролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган. Юзбегининг ҳам алоҳида чодири бўлган. Унинг қурол-яроғи қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат эди. Унга ўнта қўшимча от берилган.

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулға, зирҳ (чаҳоройна), совут, найза, қилич, садоқ ва ўқ сингари ранг-баранг қурол турлари билан таъминланган.

Пиёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиқкан.²⁰ *Миод ерида олий бош қўмондоннинг боргоҳи тикилган ва у турли рангдаги түғ ҳамда байроқлар билан безатилган.* Белгиланган вақт (*миод вақти*) да лашкаргоҳга етиб келган аскарлар қатъий тартиб ва интизом билан ўз бўлжар (позиция)ларини эгаллаган ҳамда юриш олдидан ўтказилажак анъанавий ҳарбий қўрикка пухта тайёргарлик кўра бошлаган.

Соҳибқирон юриш пайтида тажрибали сипоҳийларга катта ишонч билдирган. Кўп маротабали сўқишиларда суяги қотган, урушни ўзининг бош машғулоти деб санаган жангчилар сафар бошланишидан аввал жам қилинган, улар кирим-чиқим дафтарига, шунингдек, давлатдан маош – улуфа, озиқ-овқат, ём-хашак олувчилар рўйхатига киритилган. Тузилишига кўра Темурбек армияси турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган ўн, юз, минг ва туманларга тақсимланган. Уларга ўнбеги, юзбеги, мингбеги ва туманбегилар сардорлик қилган.²¹ «Темур тузуклари»да қайд қилинишича, қўшин қўмондонла-ри сафига Темурбек олиҳиммат, оқил, мард, тадбиркор, сез-гир, журъатли, саботли, ҳарб ишига жон-дилини бағишлаган истеъдодли шахсларни жалб этиш масаласига катта эътибор берган. Ҳар бир бек ёки амир ўз ноиби – ўринбосарига

²⁰ Қаранг: Уложение Тимура... – С.52,

²¹ Якубовский А.Ю. Тимур... – С.68; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403 – 1406). Перевод со ста-роиспанского. – М.: Наука, 1990. – С.146.

эга бўлган. Бирор бек ёки амир ҳаётдан кўз юмган тақдирда ноиби унинг ўрнини эгаллаган.²²

Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, қўшин тўплаш тўғрисида фармони олий эълон қилиниши билан аскарлар ўз оиласи, асбоб-аслаҳаси, мол-мулки билан миод ерига етиб келган. Ўрдагоҳдаги соҳибқироннинг саропардаси атрофида ҳар бир қисм ва бўлинмаларнинг чодирлари тикилган. Оддий аскардан йирик саркардагача ҳар ким ўз жойлашиш ўрнини аниқ билган. Барча ишлар тартиб-интизом билан, шовқин-суронсиз бажарилган. Қўшин билан бирга қассоблар, баковуллар, қовурилган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, новвойлар ҳам кўчиб юрган. Турли касб эгалари аскарларга хизмат кўрсатган. Ҳатто кўчма ҳаммомлар ҳам жангчилар хизматида бўлган.²³

Темурбек танлаб олган саркардалар ўзларининг ҳарбий маҳоратларини нафакат уруш кезларида, балки тинч меҳнат чогида ҳам намойиш этишга тинмай ҳаракат қиласдилар.

Ҳарбий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафларини пароканда қилиш йўл-йўриқларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат қиласдиган, ҳеч қандай тўсиқлардан тап тортмайдиган, қўшин сафида содир бўлиши эҳтимолдан холи топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темурбек томонидан лашкарбошиликка кўйилган.

Темурбекнинг фармойишига биноан атоқли лашкарбошлилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни бекларбеги мансабига тайинланган. Донгдор амирлардан бирига амир ул-умаро лавозими берилган ва у олий бош қўмондон, яъни Темурбекнинг ноиби вазифасини адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жангларда амир ул-умаро қўшинга қўмондонлик қиласдиган.

Зикр этилганлардан ташқари қўшин қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган. Минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг нафар отлиқлардан ташкил қилинган гурухга иккинчи бек, уч минг отлиқли фавжга учинчи

²² Қаранг: Уложение Тимура... – С.43 – 45.

²³ Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... – С.114 – 115.

бек ва шу тартибда ўн икки минг отлиқ аскарлардан тузилган қүшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қуиي поғонада турган қўмондон ўзидан ююри лавозимни эгаллаб турувчи саркардага бўйсунган.

Темурбек армиясининг турли қисм ва бўлинмаларига уч ўз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбекилик, учинчи юзтаси эса мингбекилик рутбаларини эгаллаган.²⁴ Туманларга Соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда Амир Сулаймоншоҳ, Амир Шайх Нуриддин, Амир Ҳожи Сайфиддин, Амир Шоҳмалик, Амир Аллоҳод (Худайдод), Амир Жаҳоншоҳ сингари номдор лашкарбошилар раҳбарлик қилган.

Темурбек қўмондонлари таркибининг ҳарб ишидан талаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган шахслардан шаклланишига алоҳида диққат қилган.

Жангларда қаҳрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносабиравишда тақдирланиб ўнбеги, такрор жанговар хизматлари эвазига юзбеги ва, ниҳоят, мингбеки амалига кўтарилиш имкониятига эга бўлган.

Ёвнинг аскарий гуруҳини тор-мор этган мингбеки биринчи даражали амир унвонига, йирик душман қисмини мағлуб этган биринчи даражали амир, ўз навбатида, иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсинда ўзга бек ҳамда амирлар юқориоқ ҳарбий мартабага кўтарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб қочган аскарлар ўлжа тақсимотида иштирок этишдан маҳрум қилинган. Муҳорабадан ярадор бўлиб қайтган шахсларнинг иззат-хўрмати жойига қўйилган, уларга Онҳазратнинг марҳамати кўрсатилган.²⁵

Бирор кишварни фатҳ қилган ёки ғаним армиясини мағлубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган²⁶, яъни шарафли баҳодир унвони ҳамда түғ ва ногора бөрилган. Айни шундай юксак мукофот билан мухолифатчи тараф таҳт ворислари раҳнамолигидаги қўшинни паришонликка соглан амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда қилинган.

²⁴ Қаранг: Уложение Тимура... – С.44.

²⁵ Қаранг: Уложение Тимура... – С.45 – 46.

²⁶ Қаранг: Уложение Тимура... – С.45 – 51.

Аттасиёт

Жангу жадал чоғида шижаат күрсатиб, душман гурухини қочиришга мұяссар бўлган ўнбеги шаҳар доруғаси, юзбеги эса вилоят ҳокими вазифасига тайинланган. Муқоталада адув ҳашамлари устидан зафар кучган мингбеги вилоят во-лийси мансаби билан тақдирланган.

Бирор мамлакат ёки юртни эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарилиши учун суюргол тарзида иноят қилинган. Темурбек ва темурийлар даврида суюргол кенг тарқалган феодал ер эгалиги турларидан бири бўлиб, наслдан наслга ўтган. Суюргол эгаси давлат ҳисобига тўланиши зарур бўлган солиқлардан озод қилинган. Бундай суюргол тури «дарбаста суюргол» деб юритилган.²⁷

Темурбек тарбиялаб вояга етказган атоқли саркардалар қаторида Амир Шоҳмаликнинг ҳам ўрин олганлиги тарихдан маълум. Соҳибқрон Шоҳмаликнинг келажақда йирик лашкарбоши бўлиб етишиши мумкинлигини мушоҳада қиласди ва уни бевосита ўзи тарбиялашга майл кўрсатади. Темурбекнинг меҳнати зое кетмайди. Шоҳмалик тадбиркор улуғ беклардан бири бўлиб шаклланади. У Соҳибқронга муносиб хизматлар кўрсатиб олий даражага ва мансабга эришади. Темурбекнинг Шоҳмаликка нисбатан инояти жуда юқори бўлган. «Қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатдаги қайси бир қишлоқни Шоҳмалик ихтиёр қиласа, у қишлоқ унинг суюрголи бўлади», – деб буорганди. Ҳаёт муддатида унинг суюрголи узлуксиз кўпайиб борди. Шоҳмалик ўзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонаҳоҳлар, масжидлар, работлар ва қовузлардан иборат кўй хайрли иморат – қурилишларини ёдгорлик қилиб қўлдириди.²⁸ Шоҳруҳ мирзо даврида Хоразм вилоити Шоҳмаликка дарбаста суюргол қилиб тайинланади «па у Хоразм мутқида осойишта ҳаётни шу даражага етказадики, дунӣ сарқашлари ҳам ўзбек вилоятларию Даشت Қипчоқ мутқабирларини эл қилиб итоатга келтирди».²⁹ Шоҳмалик 1426 йили вафот этгач, Шоҳруҳ мирзо улуғ амирнинг суюрголи бўлган Хоразмни идора қилишни унинг фарзанди Иброҳим сultonга топширади.

²⁷ Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлари кандидати А.Ўринбоевники. – Тошкент, 1969. – Б.344, 459.

²⁸ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн... – Б.343.

²⁹ Ўша жойда.

Довюрак паҳлавонлар ҳарбларда күрсатған жасоратлари учун баланд даражага эришиб, баобрұ кишилар қаторидан үрин олган. Улар гурзи, олачуқ (чодир), мұрассаъ камар, қилич ва саман от каби паҳлавонлик нишонлари билан эъзозланған. Ботирларнинг кўпчилиги кейинчалик ўнлик, юзлик, мингликларга қўмондонлик қилишдек масъулиятли вазифаларга қўйилган.³⁰

Юқорида тилга олинган ўн икки амирдан ҳар бири ўз дошул (табл) ва байроғига эга бўлған. Бош қўмондон ноғора ҳамда аламдан ташқари бурғу, тумантутғ ва чортутғ билан нишонланған.

Мингбеги туғ ва карнай, яъни қўрагага эга бўлған. Юзбеги ва ўнбекига ноғора берилган. Турли қўшун, яъни қисм қўмондонлари тегишли нишонлар билан таъминланған. Бекларбеки ёки амир ул-умаро байроқ, ноғора, чортутғ ва бурғу сингари нишонларга сазовор бўлған.³¹

Бирор лашкарбошининг ҳаёти хавф остида қолган вазиятда уни ғаним ўқидан асраб қолиш йўлида ўз кўксини қалқон қилған жангчилар Соҳибқироннинг ҳурмат-эътибори ва олқишига сазовор бўлған, маҳсус иноятлар билан тақдирланған.

Ғиёсиддин Али ёзади³²: 1398 йилнинг 11 нояброда амирлар Шайх Нуриддин ва Аллоҳдод Ҳиндистоннинг мустаҳкам қатъаларидан бири – Битнирга берилган омонлик учун тўла-надиган мол ва хирожларни қабул қилиш мақсадида келади. Бироқ қатъа арконлари Соҳибқирон билан тузилган сулҳ шартнирини бажаришдан бош тортиб, оммани амирларга қарши ҳуруж қилишни давъят этади. Тенгсиз олишув чогида ярадор бўлған Амир Шайх Нуриддинни битнирликлар асир олиш пайида бўладилар. Аммо Афзун Мазид, Фируз Сеистоний сингари баҳодир жангчиларнинг ҳамда бир неча ичкиларнинг ўзларини йўқотмасдан кўрсатған жасорати туфайли Амир Шайх Нуриддин эсон-омон қуршовдан кутилиб чиқади. Соҳибқирон амир жонига қасд қилмоқчи бўлған душманга қирғин келтирған диловарлар жасоратига таҳсинлар айтиб, инъому икромлар кўрсатади.

³⁰ Қаранг: Ўша жойда.

³¹ Қаранг: Уложение Тимура... – С.51 – 52.

³² Қаранг: Гиясиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию / Перевод с персидского, предисловие и примечания А.А.Семенова. – М., 1958. – С.97 – 98.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг таърифиға кўра, темурий лашкарбоши тинчлик чоғида зарҳал ип билан тикилган ҳаворанг сатин қўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қумматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган соchlар Темурбек аскарларининг нишони эканлигини алоҳида қайд этади.³³

Соҳибқирон юришга жўнашдан анча аввал ёғийнинг қуролли кучлари, мудофаа инишоотлари, у ердаги ички вазият кабилар ҳақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадидан унинг юрти ёки қароргоҳига ўз айғоҳчи (хабаргир, жосус) ларини пешма-пеш юбориб турган. Ганим тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлингандан сўнгнина юришга тараффуддуд кўрилган. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тогига на текислик, на ғадир-будир орқали йўл топиларди. У ерларнинг барча томонларида ўз айғоҳчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар кўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса, яна бири фаҳим Масъуд ал-Қуҳонийу Темур девони асҳобларининг кўзи эди. Жосусларнинг буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсоядаги сўфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхуҳ полвон ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табииатича иш қиласиданлар, гапчиноз қаландарлару саёқ дарвешлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этиқдўзлар, алвасти ва хийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илим талашибида магрибу машарикин кезган, пайига тушган мақсад ўйлида мақр-хйла маконида камолига етган, ўзининг нозик фириби ва даҳоси билан сув билан олов, тўғрилик билан эгрилик ўтасида униб-ўсан, макру хийлада Сосон ва Абу Зайддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳижмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, қачонки ўйлаган ишлари ўзларига тескари натижага бергач, улар ўз сўзамолликлари билан юнонликларни сукутта соглан, икки мухолифни бир-бирига бириттириб, икки душманни бир-бирига қўшган уддабурро кишилар эдилар. Натижада

³³ Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... – С.63.

улар чор атрофда бұлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари ағзал күрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлар, нарх-наволар тұғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг сувратини көлтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб күрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқын ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами (эканлигини), шаҳарлар на қишлоқларнинг исмларини, манзил ва панохжойлар номларини, ҳар жойнинг ахлию бошликлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойлариду фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шұхрати ва наасабини, уларнинг хұнари ва (әга бүлған) воситаларини (тұла-тұқис) баён қипардилар. Натижада Темур ўз фикри билан шу (нарса)ларни яққол күриб, тафаккури воситасида ўз өрларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди».³⁴

Соҳибқорон сафар чоғи қүшинни қийин ва ўтиб бұлмас жойлардан бошлаб борувлы йўлчи, яъни қажарчи//ғажарчиларни маҳаллий ҳалқ ичидан ёллаб олиш масаласига жиғдий ёндашган.

Сафар арафасида Темурбек анъянавий равишида ўз пирлари ва раҳнамолари ҳузурига соғи ишонч ҳамда нок иродат билан ташриф буюриб, зиёрат шартшарини блажо көлтирган. Муқиддас ва муборак мозорларни тавоғ қилған. Майиб-мажрухларға, мұхтож ва ийқесилларға нағзру садақалар улашган.

Егерли миңдорда чөрик жам бұлғач, барча қүшин турлар: доғапар, нағашарпар, қоруандозлар, сангандозлар, тахшандозлар, манжаник, пррода ва тиричарх отувчилар ҳамда бошқа аскарий қисмлар күриқдән ўтказилған. Темурбек армиясида ичига ғиуучи модда – нафт солинган күзачалар иргитувлы ўт сочиш қороли – раъдининг узлуксиз ишлаб туришини таъминловчы махсус түпчилар – раъдиндозлар мавжуд бүлған.³⁵ Мустаҳкам қантая ва құргоншарни қамал қилишда, душман күчларига қыргын көлтирицида самаралы қурол ҳисобланған раъдни бошқарувчи тұпчиларнинг сони, Низомиддин Шомийнинг фикрича, 10 минг кишига ётган. Раъдандозлар

³⁴ Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур... 2-китоб. – Б.71 – 72.

³⁵ Қаранг: Беленицкий А.М. О появлении... – С.7.

Темурбек томонидан илк марта 1379 йили Урганчни мұхоса-
ра қишиш вақтида жангга солинган.

Кези келгандың таъкидлаш лозимки, араб тилига хос **раъд**
сүзи «момақалдиrok»ны билдиради. Тұпни **раъд** термини билан аташларининг боиси шундаки, ундан үк – снаряд отилгандың күчли гумбурлаган товуш чиққан.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида Искандар-
нинг **раъд** түпі билан душман қалъасини үкка тутиш манзара-
сини тасвирларкан, тұпдан үк – тош отилғанда дахшатли садо,
үт-аланга, қора тутун ва бадбүй хид хосип булишини ёзади:

Чу ерга тегиб руст гүйи тилсім,
Нече пора бұлғай анга салб жисм.
Ушалғач, садо чиққай андин ғарип,
Яна шуълаву риҳи дуди ажыб

(Хамса, 1390).

Раъд түпнинг қандай усул билан қуишлиши ушбу достонда
үтә қизиқарлы баён этилған. Аввало, қалай, симоб ва мис қо-
тишмалари темир билан араплаштирилиб, дамлғы үчөк ва күрада
эритилған. Эритмадан ичи бүш, коптоқка үхашаш, думалоқ шакл-
даги снаряд – **раъд тоши** ясалған. Бу снаряд ичи порох – дору
(адөөү) билан тұлдырылған. Снаряд сиртида иккита тешік бү-
либ, уларға үт пилиги – фатила үрнатылған. Сұнгра снаряд тұп
камони – **раъд ёйига** жойлаштирилған. Үт пиликтари ёқилғач,
б. снаряд душман қалъаси ёки күргони томон отиб юборилған.
В: Снаряд ерга тушиб портлаши билан дахшатли садо чиққан. Ал-
батта, бүндай тұплар қамалдагиларни қатты вахимага соглан
ва аксар ҳолларда уларни таслым булишга мажбур қылған.³⁶

Раъднинг Темурбек томонидан қоролланишиша кирилли-
ши XV – XVI асрларда Мовароуннахр, Хурросон ва Эронда
артиллериянинг бوشқа турлары пайдо бўлишида **туртқи** ва-
зифасини үтади. Шулардан бири түркйича **қозон** термини билан номланған тұп бўлиб, у ённинг жонли кучларини ва тех-
никасини яксон қилиш, унинг қалъа ва истекхомларини тұпга
туыш, мудофаа иншоотларини вайрон қилиш каби ҳарбий
операцияларни амалга оширишда фаол қўлланған.

Захиридин Мұхаммад Бобурнинг қайд этишича, қозондан
бир кунда анчагина тошлар отилған: «Бир неча кун кўпрук

³⁶ Қаранг: Дадабоев Х. «Бобурнома»даги баъзи бир терминларга доир му-
лоҳазалар // Адабий мерос. 1988. №1 (43). – Б.38 – 39.

боглагунча Устод Алиқули яхшилар төш отди. Аввалғи күн саккыз төш отти, иккінчи күн үн олти төш отти».³⁷ «Бобурнома»да таъкидланишича, тұлдан отилған төш анча масофага бориб туышған: «Якшанба куни ойнинг саккизида Устод Алиқули үшул улук қозони билаким төш отти, минг олти юз қадам борди».³⁸

Бобурнинг қозон түпини қуйиш жараёнини тасвирилашига зәтибор берамиз:

«Душанба куни муҳаррам ойининг үн бешида Устод Алиқулининг қозон қуярни тафарружиға бордуқ. Қозон қуяр ернинг гирдида саккыз күра қилиб, олотни эритибдур. Ҳар құраның түбидин бир ариғе бу қозоннинг қолибиға рост қилибтур. Биз борғач, күраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдин эриган опот сувдек шарилдаб қолибиға кирап әрди. Бир-икки күн қолиб совуганидин сұнг очтилар. Устод Алиқули күп башошат била киши йибарибтурким, қозоннинг төш уйи бекүсурдур. Дорухонасини қўймоқ осондур».³⁹

Мазкур матний парчада төш уй бирикмаси қозон түпининг снаряд – төш қўйиладиган қисмини билдирса, дорухона төрмини эса порох – дору солинадиган қисмини англатади.

Фармони олийга мувофиқ аскарлар бошдан-оёқ темир совутлар кийиб, зарур қурол-ярголарни олиб отга мингандар, кўрик учун сағларни ростлаганлар. Майдонда ҳар бир қисмга тааппукли кўк, сариқ, бинағаша, қизил, қора рангдаги байроқ ва яловилар ҳиллираб турған. Ҳарбий мусиқачилар ижро шафттан жанговар мусиқалар остида олий бosh қўмандон қўшин қисмларини бирин-котин кўздан кечириб чиқсан. Сағ тортиб турған жангчилар наизаларини баланд кўтариб, ҳаммалири бир мағомда кучли наъра тортиб, сурон солиб юришга шай эканликларини изҳор қўлтанилар.⁴⁰

Таъкидлаш позимки, томурийлар даврида юриш ёки размдан оптдин қўшинини кўрикдан үтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлыш виъян тусига кирған. Кўрикдан нафақат исосий жанговар қисмлар, балки упар ортидан борувчи оғир карвон үргүк (обоз) ҳам үтказилған.⁴¹

³⁷ Бобурнома. – Тошкент, 1960. – Б.408.

³⁸ Кўрсатилган асар. – Б.379.

³⁹ Бобурнома. – Тошкент, 1960. – Б.379.

⁴⁰ Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн... – Б.91 – 92.

⁴¹ Кўрсатилган асар. – Б.68.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Темурбек армиясининг турк султони Боязид Илдирим билан бўлажак жанг олдидан кўриқдан ўтказилиши, яроқ-аслаҳанинг кўздан кечирилиши ўта жонли қилиб тасвиrlанади. Фармони олийга кўра бор қўшин қисмлари Сивос даштида қаторларни ростлаб, кўрикка тайёр бўлиб туради. Соҳибқироннинг осмон авжига етувчи зафарнишон саропардаси баланд бир пушта устига ўрнатилади. Мансур аскарлар бўлим-бўлим, гурух-гурух, фавж-фавж бўлиб дарёмисол мавж уради. Бошдан-оёқ темир совутга бўрканган жангчилар фавжи Соҳибқирон қарши сига етганда унинг сардори илгари юрар ва тиз чўккан ҳолда Темурбек шаънига дую санолар айтар эди. Соҳибқирон ҳар бир туман, минглик ва қўшун жангчиларини мақтovлар билан олқишилар, уларнинг шахдам қадамлар ташлаб боришига мамнуният кўзи билан назар ташларди.

Соҳибқиронда кўриқдан ўтётган черик қисмлари ичида на-бираси Муҳаммад Султон мирзо кўмондонлигидаги навкарлар, айниқса, катта таассурот қолдиради. Амирзода лашкирининг ҳар бир фавжи унинг буйргуга биноан алоҳида рангдаги кийим билан ораста қилинади. Бир фавжнинг курол-яроғи, алам ва байроғи, кийим-кечаги, жибаси қизил, иккинчи гурухнинг ранги кўк, учинчи гурухнинг ранги оқ, тўртинчи фавжнинг ранги бинафша, бешинчи гурухнинг ранги сариқ ва ҳоказо бўлиб, барчаси Соҳибқироннинг таҳсинига лойиқ топилади. Шу алпозда тонг-саҳарда бошланган кўрик пешин охиригача давом этади.⁴²

Темурбек душманига қўқисдан қақшатқич зарба бериш усули билан шуҳрат қозонганди. Ганим ўрдugoҳи аниқланганча, аксарият ҳолларда Соҳибқирон унга маҳфий ёки ўтиш ўта машаққатли бўлган, ҳеч бир кимсанинг оёғи етмаган довонлар, даралар, сўмюклар, тоғу тошлар орқали тунда уловларни жиловидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш ўзининг заррин нурларини бепоён замин узра соча бошлиши билан ғафлат ўйқусида ётган ёғийга қуондек ёпириларди. Ибн Арабшоҳ ҳикоя қилади: Темурбекнинг доруссалтане Самарқандда иморатлар қуриш, боф-бўстонлар барпо этиш, ариқлар қазиб, сувчиқариш сингари ободончилик юмушлари билан банд бўлиб турганлигидан мужда топган қўшни мамлакатлар унинг ҳужу-

⁴² Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо. Ҳ. Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти кўлёзмалар фонди. №4141. 174^а.

мини күтмасдан мудофааға тайёргарлик күрмаган ҳолда хотиржам ҳаёт кечирап эди. Сохибқирон пойтахтдаги ишларни нижоясига етказгач тавочиларга қүшинни тез фурсат ичида Самарқандда тұплаш ҳақида амр қиласы. Аскарлар учун үзи үйлаб топиб, ихтиро қылган йұсина тайёрланған дубулғарни жангилар кийиб, юришга чиқишлиарни буюради. Темурбек сафарнинг йұналишини сир тутади.

Сохибқирон армияси Самарқандын тарк этгач: «Хұжанд, ғарптардың да Туркистаннинг азим шаҳри Жандың юриш қиынша болғладым», – деб овоза тарқатади. Шундан кейин Темурбек қүшин гирдобыға шүңғиб кетади, уннинг отлар бошини қақықта буришини, қайси томонға ҳамла ёки ҳужум қилишини бирор киши англаб етолмайды. Жаҳонгирнинг қүшини көзине коча демай, кундузни кундуз демай, иссик-совуққа, ташаплик да ғарынан қарамай тинимсиз йұл босар, қүшин құнған күр бир мәнзиппәдә күтілаб ҳолдан тойған отлар қолиб кетарди. Ұнуомы, Темурбек уннинг яшинненең пайдо бўлишини хаёнига ҳам көлтирган Озарбайжон ҳамда Араб Ироқига туғаш. Ороннин гарбий сарҳадда жойлашған күркам Ҳамадон шағриға қүшини бўлмиш Луристон чөгарапарида ҳозир бўлади да Малик Изуддин ал-Аббосий ҳокимлик қилаёттанд Баружард қалъасини қамап қишиға киришиади. Қалъа ҳокими қўргонни ҳимон қишиға мұтнақо тайёртарлық күрмаган, етарли қулоғ аспазда, ғана онқат, ом-хащак жамламаганди. Унга мадад берувчи күч ҳам аниқ әмас эди, Боеңден устига улкан қүшиннинг босириб көпшилдидан иочор ахволға тушиб қолған бечора докимнинг Сохибқиронға итоат билдириб, бўйсуниш ва фуқароларига омонийлик суралашдан ўзға чораси қолмайди.⁴³

Томурбек шатрагоқ үйнашы жуда моҳир бўлиб, бу борада маниман дөған рақибларини ҳам дөгда қолдиради.⁴⁴

Шатранж таҳтаси устида рақибини шиддатли юришлар билан довдиратиб, тантаналығында түширишга устомон жаҳонгир маъракагоҳда ҳам ҳар бир қадамини үйлаб қўяр, қўшин дисмларининг ҳаракатини синчиклаб кузатар, жанг тақдирини бўлиши кутилаётган жойларға мадад кучларини вақтида яхратишни олдиндан режалаштиради.

⁴³ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.128 – 129.

⁴⁴ Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... – С.115; Бартольд В.В. Упугбек и его время // Сочинения. Часть 2. – М.: Наука, 1964. – С.60.

Темурбекнинг Ҳиндга юриш қилиб, Дехлига яқинлашиб қолганлигидан таҳликаға тушган ҳиндлар шаҳзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва ўзга номдор ҳинд саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг суворий, йигирма минг сара пиёда ва бир юз йигирма жанговар филдан иборат қўшин билан унга рӯбару бўлади. Соҳибқирон биринчи галда жангчиларнинг капалагини учирив, уларни даҳшатга соглан филларни даф қилиш борасида бош қотиради. Зудликда филларга оғат келтирувчи ўткир тифли учбурчак шаклдаги санчик – мўндулардан минглаб ясалади ва филлар келиши кутилаётган ерларга жойлаштирилади. Иккala қўшин жанг ҳаракатларини бошлагач, Темурбек ўз аскарий қисмларини чекинишга буюради. Темурбек жангчиларнинг тисарилганини кўриб душман қочди хаёл қилган ҳиндлар олға ташланади.

Филлар, уларнинг кетидан отлик ва пиёдалар жунбишга келади. Мўнду тукилган ерга етган филларнинг оёқларига ўткир санчиклар тикон янглиғ қадалади. Оғриқ зўридан кутурган филлар жон аччиғида филбонларни улоқтириб, орқага тумтарақай қоча бошлайди. Улар ортда келаётган ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилиб янчид ўтади.⁴⁵

Соҳибқирон ўта таҳликали онларда ҳам саросимага тушмас, ҳиссиётга берилмас, метиндей мустаҳкам иродаси иккиланишга, қатъиятсизлик кўрсатишга асло йўл кўймасди. Бирор марта ҳам мағлубият («Лой жанг» бундан мустасно) аламини тотиб кўрмаган музafferар қўшин олий бош қўмондоннинг ҳар қандай оғир ва чигал вазиятдан ҳам тадбиркорлик билан чиқиб кетишига бутун вужуди билан ишонар, шунинг учун ғаним билан фақат ғалабани кўзлаган ҳолда жон-жаҳди билан саваш қиласди.

Фикримизни тасдиқлаш мақсадида 1392 йили Шероз ҳокими, музafferарийлар сулоласидан бўлмиш Шоҳ Мансур билан Темурбек қўшинлари ўртасида бўлган жанг саҳнасини келтирамиз.

Отликлар гуруҳидан иборат разведка – қаравул Соҳибқиронга Шоҳ Мансурнинг оз кишига бош бўлиб қочиб кетаётганилиги ҳақида хабар келтиради.⁴⁶ Шу сабабли Темурбек қўши-

⁴⁵ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.173 – 174.

⁴⁶ Қаранг: Гиясиддин Али. Дневник... – С.50 – 53.

нининг зарбдор қисмини Шуштар атрофида қолдириб, кичик бир аскарий гурух билан Шероз томон йўлга чиқади. Фаним айғоқчилари келаётган отряд – фавж қорасини кўргач Шоҳ Мансурга маълум қиласди ва у албатта бирор йўлини тутади деган мўлжал билан Темурбек бамайлихотир от ўйнатиб келмоқда эди. Шерозга уч фарсанг⁴⁷ қолганда фавж кўққисдан бошдан-оёқ темир совутларга бурканган, тахминан уч минг отлиқ наизадорларнинг жанговар тартиб-ясолига дуч келади.

Соҳибқирон ўзи билан келаётган кучларни ўша заҳоти сафга тизади. Тахт вориси Муҳаммад Султон мирзо сўл қанот – жуванғарга, Пир Муҳаммад баҳодир мирзо ўнг қанот – баранғарга бош қилинади. Темурбек ўзига хос гвардиясига қўмондонлик қиласди ва Яратгандан мадад ҳамда зафар тилаб ғанимга қарши марданавор жангга киради. Шоҳ Мансур ҳам қарши тарафдан муҳораба бошлайди. Ҳужумни шиба – қалин ўқ ёмғири ёғдириш билан бошлаган Темурбекнинг жуванғари Шоҳ Мансур қўшинининг ўнг томонини марказ – қўйл ортига чекинишга мажбур этади. Ёвнинг чап қаноти ҳам кучли зарбага учрайди. Мағлубиятнинг муқаррарлигига қарамай, Шоҳ Мансур олишишни давом эттираверади ва қолган кучлари билан Соҳибқирон раҳбарлигидаги гуруҳга кескин ҳамла қиласди. Жанг жуда даҳшатли тус олади. Темурбек атрофида бештacha хослар тирик қолади, холос. Беш юз зирхли, шамшир, наиза ва гурзи тутган суворийлар бошчилигидаги Шоҳ Мансур Темурбекнинг жонига қасд қилиб унга яқинлаша боради. Унинг ўзи уч карра Соҳибқиронга қилич солишига чоғланади. Дастребаки икки зарбани Ҳумори ясовул ва Таваккал бавурчи қайтаришга муваффақ бўлади. Учинчи зарба Ҳуморийни ярадор қиласди. Соҳибқироннинг ҳаёти хавф остида қолганига қарамай, унга зарар етмайди. Жуванғардан етиб қолган кўмак Шоҳ Мансурни чекинишга мажбур қиласди. Ўзини бир оз ўнглаб олгач Шоҳ Мансур яна Темурбекнинг байроби қадалган марказга хуруж қиласди. Бироқ марказни ёриб ўтишнинг уддасидан чиқолмайди, аксинча, Соҳибқирон кучларининг маркази ва жуванғари қуршовига тушиб қолади. Бор аскаридан маҳрум бўлган Шоҳ Мансурни аргумоғидан йиқитишга ултурган Темурбек навкарлари унинг виқор билан:

⁴⁷ Фарсанг (фарсаҳ) – 6 – 7 км га төнг масофа үлчони.

«Мен сиз ахтараётган зафарёр Шоҳ Мансурман. Ичишга сув беринг ва мени Төмур ҳузурига олиб боринг», –дэйишига қарамай, бошини танидан жудо қилишади.

Ибн Арабшоҳнинг мана бу қайдлари ҳам Темурбекка хос бўлган саркардалик салоҳиятининг накадар ҳадсизлигидан далолат беради.⁴⁸

Хинди斯顿да туялар бўлмаганлиги сабабли, филлар бу маҳлуқларни кўргач улардан узоқроқ юришни маъқул ҳисоблар экан. Бундан хабардор бўлган Темурбек беш юзга яқин саркаш туяларни тўплашни, туякашларга пилик тақилган қамишлар ва ёғланган той пахталар улашиб, қўшинлар бир-бирига яқин келиб, жанг бошлаганда туяларни суворийлар олдига қўйиши буюради. Икки тарафдан сафлар тизилиб, жанг ҳаракатлари бошланиши билан туяларга ортилган ёғли пахталарга ўт қўйилади. Олов ҳароратидан жонсарак бўлган туялар филлар томонга елдек учиб кета бошлайди. Қаршидан бўкириб, чопиб келаётган туяларни ва ловуллаб ёнаётган аллангани кўрган филлар устида ўтирган филбону ёйандозларни ағдариб, отлиқларни янчиб, пиёдаларни ер билан яксон қилиб орқаларига тиракайлаб қочишга тушади. Натижада филлардан фойдаланмоқчи бўлган душман улардан манфаат қўриш ўрнига катта талафот беради.

Мўғулларга қарши қилинган сафарларнинг бирида Темурбек қисмлари ғаним лашкари билан кутилмаганда юзма-юз келиб қолади. Аскарларда довдираш ва иккиланиш кайфияти пайдо бўлганлигини пайқаган Соҳибқирон уларга душман лашкаргоҳига қараб юришни давом эттиришни ва ёвга кўринарли жойда отлардан тушиб, уларни ўтлоққа қўйиб юборишни ҳамда ўзларига дам олиб, ҳордиқ чиқаришни амр қиласиди. Мухолиф томон буларни ўз аскарлари хаёл қилиб, бепарвонлик билан Темурбек ёнидан ўта бошлайди. Ҳордиқ чиқариб олган Соҳибқирон аскарлари тезлик билан отларга минади ва сурон соглан ҳолда ғанимнинг орқасидан зарба беради.⁴⁹

Ов – ҷарганинг уруш мактаби эканлигини яхши тушунган Темурбек саҳро, дашт ва яйловларда қўшинининг жанговар ҳолатини назардан ўтказар, имтиҳон қиласиди. Тавочилар қўшин

⁴⁸ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.174 – 175; Яна қаранг: Руи Гансалес де Клавихо. Дневник... – С.124.

⁴⁹ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.80.

қисмларига ов яргини ҳозирлаш, саҳро ва чүлларни ўраш, йиртқич ва бошқа ҳайвонларни қамурға – шикоргоҳа қувлаш тұғрисида фармони олий әълон қилингач, аскарлар ов ҳайвонларини оелоқта тұплашға киришарди. Аркони давлат, беклар, амирлар, миңзолар, сипохийлар ҳам шикорда иштирок этишини хуш құрардилар. Ов изидан елдек учыб бораёттан отларнинг дупури, чавандозларнинг урхо-ури, ҳаё-ҳайи, құсу ноғораларнинг тарақ-туруки, карнауы сұрнай ва бурғуларнинг күкни ларзага келтирувчи садоси айни жаңг майдонини эслатарди.

Шикорга лочину шунқорлар, қыргиілару чопқыр този итлар солинар, сұнgra бир неча күн ов гашти суриларди.⁵⁰

Темурбек ҳарбий юришларға күпроқ күклам, ёз ва күз ойла-рида отланишни маңқул күрар, қишининг қаҳратон күнларини аксарият қишлоғ үчүн мұлжалланған қишлоқларда үтказарди. Жаңгу жадал олатлари ва муҳораба асбоблари тартибиға солиниб, жибахона, яғни қурол-яргө омборидаги жибалар сипохийларға улашилиб, юриш мұхлати етиб келгач, қүшин отларға минған. Айни пайтда, үғруқ – обоз ҳам йүлға чиққан.

Шарағиддин Али Яздийнинг тақиқидлашича, мурчил – сафар тартибиға күра ҳар бир туманбеги, мингбеги, юзбеги, үнбеги үз даражаси, мавқеи ва сафда әгаллаган ўрни – будалға қараб қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган. Олий бош қўмондан томонидан қатъий бөлгиланған ясолни бузган ҳар қандай шахс қаттиқ жазоланған, яғни ясоққа етказилган.⁵¹

Қўшин дам олиш, тұхташ жойи ёки жанггоҳа тушганда лашкаргоҳ атрофи бир-бириға занжирбанд қилинған аравалар билан маҳкам үралған, шох-шаббалар билан түсилған, гирдига четан – чапар қўйилған, ичига мўнду ўрнатилған хандақлар билан иҳота қилинған. Истеъжом кундузги – язак ва тунги – талоя соқчи бўлинмалар ёрдамида қўриқлаб турилған. Фанимнинг қораси куриниши билан ғолиб лашкар хандақдан чиққан ҳамда жанговар саф тузған ҳолда унга юзланған. Юриш ёки муҳораба чогида бошбошдоқлик ҳамда парокандаликка йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир бўлинма, гурӯҳ, қисмнинг үз ўрон – пароли белгиланған.

⁵⁰ Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн... – Б.94; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 2-китоб. – Б.80 – 81.

⁵¹ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник... Т.2. – С.159; Якубовский А.Ю. Тимур – С.69.

Темурбек армияси сафар пайтида қуидаги жанговар тартибда ҳаракат қылған. Биш күчлардан анча илгарида қараевул – авантпост, ундан кейин манглай (хұравул) – авангард, баранғар, жуғанғар, құл, ғағдаевул (форсий адабиётларда соқа) – аръергард юрган. Құшин ортидан үтруқ пешма-пеш келған.

Құшинда сувли түсіктерни кечиб үтишга алохіда эътибор қаратаған. Дарёларнинг саёз ерлари гузар – кечикка айлантирилған ва соқчи отлик гурухлар томонидан эхтиёт қилинған. Дарё ёқасига етиб келған құшин бұлук-бұлук, фәвж-фәвж, қисм-қисм бұлиб кечікден үтішіп келді. Күклам ва куз фаслининг серемғир күнларыда дарё сувининг күпайиши натижасыда гузардан үтиш анча мушкуллашған. Теран дарёлар устида қайиқтар ёрдамида боғланған күпприк орқали оғир техника ҳамда үткіншілдік үтказилған. Суворийлар күпинчә тезоқар дарёлардан отнинг юғани ва ёлиға осилған тарзда, пиёдалар эса мешлар күмагида осонлик билан талафотсиз кечиб үтген.⁵²

Соҳиқирон жанг майдонини танлашда бевосита иштирок эттеген. Жанггоҳнинг текис, кенг ва құшин қисмларини жойлаштырышға күпай бўлиши талаб қилинған. Айниқса, маъракагоҳнинг ичимлик сув манбаига яқин бўлиши ҳамда разм вақтида қуёш нурининг жангчилар кўзига тушмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланған.⁵³

Иирик муҳорабалар пайтида дастаси учига маҳча – ярим ой шакли қадалған жанговар байроқ ва туғлар билан безатилған олий биш қўмондоннинг боргоҳи баландликка тикилған. У ердан қисм ва бўлинмаларнинг майдондаги ҳаракати, жангнинг бориши Темурбек томонидан кузатиб турилған. Одатга кўра боргоҳ олдида ҳарбий оркестр аскарларни мардликка рағбатлантирувчи, уларнинг жанговар руҳини кўтарувчи куйларни тинимсиз чалиб турған.

Соҳиқирон тўқуш бошланишидан аввал, одатича, фатҳ намозини адо эттеген. Тангридан мададу нажот тилаган. Сўнгра чақмоқмонанд саман отига виқор билан миниб савашга бевосита қўмондонлик қилған. Жанг кўп ҳолларда қарама-карши тараф баҳодирларининг яккана-якка олишуви билан

⁵² Қаранг: Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.76; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... – С.99.

⁵³ Қаранг: Уложение Тимура... – С.80 – 81; Шарафиддин Али Яздий. Задарнома... – Б.53.

бошланган. Баҳодирларнинг жасорати ва шахсий тайёргарлиги жангнинг қандай яқунланишига маълум даражада таъсир кўрсатган. Паҳлавонларнинг сони айтарли даражада катта бўлмаган. Баҳодирлар қўшиннинг зарбдор кучини ташкил этган ва уларнинг ҳалокати, одатда, мағлубиятга олиб келган.⁵⁴

Муборизлар кежим – ўқ ўтмас ёпинчиқли жанговар отда майдонга тушиб, бошларига худ – дубулға, юзига бурқа – ниқоб, устларига жіба – зирҳ кийиб, бир қулда қалқон, бир кўлда қилич билан жанг қилган. Отнинг эгарида садоқ – ўқ ёй, тиркаш ва табарзин, яъни ойболта боғлослик турган.

Ҳар икки томон баҳодирларининг яккама-якка олишувларидан сўнг таблу ногора овози, кўсу бургу наъраси, карнай-сурнай садоси худди момақалдироқдай жўш урар, хуружга келарди.

Ботирлар мардонаворлик намуналарини намойиш этиб, жонларини жанг майдонида ҳалокат чоҳига отишга шай турган. Даставвал пиёда новакандозлар, яъни ўқ-ёйчилар фаним аскари устига щиба ёғдира бошлаган. Сафлар бир-бирига қўшилгач, навбат тиғ ва наизаларга, қилич ҳамда қалқонларга келган.

Қаҳрамонлик, жуванмардлик, айниқса, шахсий матонат йигитлик авонида маълум сабабга кўра жисмонан шикаст топган Темурбек учун ҳам бегона хислат эмасди. Қатор савашларда жаҳонгир кўрсатган ботирлик ва жасурлик, сабот ва матонат намуналари омма қалб тўридан ўрин олган, тилларда достон бўлган, турли афсона ва ривоятларнинг туғилишига олиб келган эди.

1379 йили Урганчни муҳосара қилиш чоғида Хоразм хукмдори Юсуф Сўфи Темурбекни яккама-якка олишувга чақиради. Соҳибқирон рақиб даъватини ҳеч иккиланмасдан қабул қиласди. Олишув учун зарур бўлган қурол-яроғ билан ораста бўлган Темурбек ўйноқи тулпорида хандак ёқасига келади ва қальъа бурж ҳамда борулари паноҳида бўлган Юсуф Сўфи ни кураш майдонига чорлади. Бироқ Темурбекнинг жалодат билан маъракагоҳда рапх суришини кўриб ўз сўзидан қайтган Юсуф Сўфи Соҳибқирон билан юзма-юз жанг қилишдан кўра кўргонда қолишни маъқул топади.

⁵⁴ Қаранг: Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М., 1967. – С.33; Гордлевский В.А. Государство сельджукидов в Малой Азии. – М., 1960.

Ушбу воқеадан оз фурсат үтиб Термиздан келтирилган, эндигина дум бериб етилган, тилни ёрувчи қовунларни Темурбек дастурхонига тортишади.

Соҳибқирон қовунларни ўз ғаними билан баҳам кўрмоққа қарор қиласди ва уларнинг бир қисмини олтин лаганларда Юсуф Сўфиға юборади. Темурбекнинг зоҳир этган олижаноблигини ва тантилигини ўзи учун ҳақорат ёки камситиш деб тушунган Урганч ҳокими қовунларни сувга иргитади, лаганларни эса дарвозабонга инъом қиласди.⁵⁵¹

Тарихий манбалар⁵⁶² Темурбекнинг ўн икки минг кишилик қўшини жангга мана бундай тартибида киришини кўрсатади. Мухолифатчи лашкар билан дастлабки тўқнашувни разведка вазифалари билан машгул бўлган ёнгил суворийлар, яъни қаравул бошлаб берган. Шундан сўнг ўнг ва чап қанот илгор қисмлари – барангар ҳиравули ва жувангар ҳиравули мададида асосий илгор қисм – манглай қадам кўйган. Манглай ортидан барангар ҳамда жувангарнинг қолган икки бўлаги, яъни чапавул ва шақавул пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо ушбу куч душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош кўмондон – амир ул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар – кўл (ғўл) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган.

ЎН ИККИ МИНГ ОТЛИҚ ҚЎШИН ЯСОЛИ

↑
Қаравул

Манғлай

(Ҳиравул)

↑
Ҳиравул

↑
Ҳиравул

Жувангар

Барангар

Шақавул

Чапавул

Шақавул

Барангар

Кўл (ғўл)

⁵⁵¹ Қаранг: Бартольд В.В. Улугбек и его время... – С.52.

⁵⁶² Қаранг: Уложение Тимура... – С.80 – 83; Разин Е.А. История военного искусства. Т.II. – М., 1957; Ўзбек совет энциклопедияси. I жилд. – Тошкент, 1971. – Б.462 – 465.

ТЕМУРБЕК АРМИЯСИННИГ ЯСОЛИ

«Төмүр тузуклари» ва бошқа тарихга оид асарларда Төмурбек армияси қатнашган шафқатсиз жангларнинг тактик бориши күйидагича тасвирланган:

↑
Қаравул

↑
Қаравул

Ҳиравул ҳиравули

Ҳиравули бузург (манғлай)

Жуванғар ҳиравули

1-қатор

Баранғар ҳиравули

Жуванғар

Баранғар

Жуванғар ҳиравули

Баранғар ҳиравули

Жуванғар

2-қатор

Баранғар

Иттифоқчилар

Мирзолар

Құл (гүл)

Құшин маркази 40 бүлүк – полкка тақсимланган ва бевосита Сохибқирон қўмондонлигига бўлган. Ушбу бўлукларнинг сараланган аскарлардан ташкил этилган ўн икки бўлукни сафнинг биринчи қаторида, қолган 28 бўлукни эса иккинчи ва учинчи қаторларида жойлашган. Қирқ бўлукнинг ўнг тарафи олдида Темурбек ўғлонлари ҳамда набиралари қисмлари, сўл тарафи олдида эса олий бош қўмондан қариндошлари ва иттифоқчилари қисмлари саф тортган. Бу қисмлар қўшинга истаган пайтда кўмак беришга шай турган. Иккинчи қаторнинг барангарида олти бўлук ўз илфори – ҳиравул билан ўрин олган. Айни шунча бўлук ва ҳиравулга жуванғар ҳам эгалик қилган.

Иккинчи қатор барангари ва жуванғари олдида юқоридаги тартибда биринчи қатор қисмлари жойлашган. Биринчи қатор олдида бош илфор – ҳиравули бузург ёки манғлай ҳаракат қиппани. Енгил суворийлардан иборат икки бўлук – қара-вул қўшинни кўккисдан бўладиган ҳамладан сақлаш, душман кучларининг ҳиракатини кузатиш билан банд бўлган.⁵⁷

⁵⁷ Қиранг. Уложение Тимура... С.83—90.

Мухолиф лашкарда қочиш белгилари ва мағлубият аломати зоҳир бўлиб қолгач, уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилган қувғунчи тайин қилинган. Қувғунчилар шикаст топганларга шундай шиддат билан ҳамла қилганки, душман отлиқларида от суришга мажол, пиёдалар учун эса қочишга паноҳ қолмаган.

Қалъа ёки қўргонга чекиниб, мустаҳкамланишга улгурган ганим мұхосара қилинган.

Қалъа деворлари яқинида манжаниқлар қурилиб, ғантаклар устига ўрнатилган арродалар тикланиб, қамалдагиларга қарата ҳар тарафдан тошлар иргитилган, раъдлар ишга солинган. Борулар остидан нақблар кавланган. Деворларда очилган раҳналар орқали аскарлар селдай ичкарига ёпирилиб кира бошлаган. Қалъага чор тарафдан мўр-малаҳдай ёпирилиб келаётган аскарлар қамал аҳли томонидан отилаётган ўқ, найза, тош, баъзан ёнаётган моддалардан сақланиш учун бошларига қалқон ёки тура тутиб, деворларга кўйилган шотулар ёки деворларга ташланган қаманд ва ҳалқалар ёрдамида юқорига кўтарилган.

Темурбек Дамашқ шаҳри яқинидаги бир қалъани қамал қиласиди. Қалъа мустаҳкам бўлиб, у узоқ муддатли мудофаа учун зарур курол-яроғ, озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминланган, мудофаачиларга Яздар номли саркарда бошчилик қиларди. Аввалига Соҳибқирон бу қалъага унча эътибор бермайди. Бошқа зарурроқ юмушлар, яъни Дамашқ шаҳри аҳлидан берилиган омонлик учун тўланадиган товоғ: мол-дунё, от-улов, жория ва хизматкорлар йигиш билан машғул бўлади. Ушбу иш дўндирилгач, Темурбек юқорида зикр килинган қалъа сари юзланади. Қалъа баланд, бурж ва борулари мустаҳкам эди. Уни бир ҳамла билан қўлга киритиш мумкин эмаслигини сезган Соҳибқирон мұхосара қурол-яроғларини ҳозирлашни амр қиласиди. Жаҳонгир ишни қалъа деворлари ёнида ундан баланд бўладиган тупроқ ўюми – сарқўб тиклашдан бошлайди. Минглаб черик аҳли Амир Жаҳоншоҳ раҳбарлигига теварак-атрофдан ўтин, ёғоч, шоҳ-шабба тўплаб, остидан тош ва тупроқ тўкиб сарқўб барпо этади. Қад ростлаган сарқўбга кўтарилган темурий аскарлар қалъа ичидаги турларни куроллардан ўт ёғдиради. Қалъа рўпарасига ўрнатилган манжаниқлардан иргитилган тошлар билан деворларда

рахналар очилади, унинг остидан *нақб* – ерости йўллари қазилиб, боруларга *илгаклар* ташланади, зич қўйилган нарвонлардан жангчилар қўргонга ёпирилади. Бундай зўр ҳужумни кутмаган мудофаачилар сафида саросима бошланади ва улар қаршилик қўрсатиш бефойдалигини англаб етгач муҳосаранинг йигирма тўқизинчидан куни Темурбекдан омонлик ти-лаб унга қалъани топширади.⁵⁸

Темурбек қўшини забт этилган қалъа, шаҳар ва вилоятларни ўзбошимчалик билан ғорат қилиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум эди. Агарда бирор шахс, Соҳибқиронга «ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам, заррача бўлса-да ноҳақлик кўрсатса ёки нахбу ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкию қони (бехудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат тилаш унга нажот қиласди, аҳли ва хизматкорлари унга наф қиласди ва бирор кимса томонидан «у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйди» дейилмасди. Бу гўё бузилмас (қатъий) қоидаю емирилмас (мустаҳкам) бино эди».⁵⁹

Фақат оммавий талон-торожга рухсат берилгандан сўнг-гина юришда иштирок этаётган ҳар бир киши, хоҳ у номдор лашкарбоши бўлсин, хоҳ оддий аскар, бундан қатъи назар, тенг ғанимат олиш ҳуқуқига эга бўлар, кимки бирор ўлжани биринч бўлиб қўлга *киритса ӯшнга эга чиқар* эди.⁶⁰

Темурбек ўз тасарруфига киритилган мамлакат ва юртлардан ўлжа олинган мол-дунё, яроғ-аслаҳа, қимматбаҳо буюмлар, зебу зийнатларнинг салтанат хазинасига бекаму куст келиб тушишини қаттиқ назорат қиласар, асир олинган олимлар, фозиллар, *меъморлар*, шариат аҳли, нақошлар, тўкувчилар, тоштарошлар, тикувчилар, *дурадгорлар*, жибачилар, ахтасилар, чодир тикувчилар, *сирчилар*, қушчилар, ёйчилар ва ҳоказо аҳли пешани иложи борича заҳмату зарарсиз бир ерга тўпларди. Жам қилинган фазилат соҳиблари, аҳли ҳунар ва бошقا турли касб эгалари номдор бек ёки амирлар кузатувида Самарқандга етказиларди.

Кўп ҳолларда Соҳибқирон обод ва кўркам, маданияти гуркираб яшнаган, маъмур шаҳар ва кентларни, вилоятларни

⁵⁸ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.232 – 234.

⁵⁹ Кўрсатилган асар. – Б.247.

⁶⁰ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.131.

ғорат қилишдан ўзини тијр, у ерлардаги муборак қабристон-лар, машойих ва акобирларни зиёрат айларди.

Унинг бундай феълу хўйидан боҳабар бўлган юрт арконлари унга пешвоз чиқиб, пешкашлар қилиб, ўз халқига омонлик тиларди. Икки орада сулҳ тузилиб, Темурбек кўшини илгарилаб кетарди.

Соҳибқирон жангларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатган ҳар қандай рақибини ҳурмат қилас, жангчиларини ундан ўrnак олишга ундарди. Бунга тарих шоҳид.

Эрондаги Кермон вилояти ҳукмдори Султон Аҳмадга қаравши Алинжак номли қалья бошлиғи Алтун қўл остидаги учюз чоғлик кишиси билан Темурбекка қаттиқ қаршилик кўрсатди. Соҳибқироннинг саркардаларидан Темур Қутлуг Алтун томонидан қилинган шабихун – тунги ҳужум пайтида ўлдирилади. Вақти-вақти билан қалъадан ташқари чиқиб Темурбек аскарлари устига қилинган хуружклар мовароуннархликларни танг аҳволга солиб кўяди.

Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Темурбек қалъани ўн икки йиллик қамалдан сўнг фатҳ этади.⁶¹ Навбатдаги ғоратларнинг биридан қайтган Алтун қалья дарвозасининг ўзи учун беркитиб кўйилганинги кўради. Бўлак бошпаноҳи бўлмаган Алтун тақдирга тан бериб Темурбек ҳукми остида турган, ҳозирги Эрон Озарбайжонига тааллукли Маранд шахри томон ноилож йўл олади.

Алтуннинг қурол-яроғсиз ва аскарсиз ёлғиз ўзи келганлигидан воқиф бўлган Маранд доруғаси дарҳол унинг бошини танидан жудо айлади. Бу нохуш воқеадан изтиробга тушган Соҳибқирон афсус-надоматлар чекади. Сўнгра ўз яқин кишиларидан бирини Марандга юбориб Алтунни ўлдирирган доруғанинг мол-мулкини мусодара қиласи ва унинг ўзини қатл этишига буйруқ беради.

Соҳибқирон бирор ҳисор, шаҳар ёки вилоятни қанча вақт ичида забт этиш мумкинлигини олдиндан яхшилаб ҳисоблаб чиқар ва саркардалардан белгиланган муддатда ҳарбий ҳаракатларни ниҳоясига етказишни қатъий талаб қиласарди.

Ибн Арабшоҳнинг ҳикоя қилишича, 1400 йилнинг 9 августида Темурбек улкан черик билан Сивосга етиб келади.

⁶¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.134 – 135.

Тарихчиларнинг ёзишича, Сивос Туркияning ажойиб ва чироили шаҳарларидан бири бўлиб, тоят гўзал манзилда жойлашганди. Шаҳар мустаҳкам кўрғони, маҳобатли иморатлари, тарихий обидалари, кўркам мақбаралари билан маълум ва машҳур эди. Ҳавоси мўътадил, суви зилол, ҳалқи ўта ҳимматли ҳамда ҳамиятли бўлиб, одамшавандлик, такаллуф, тавозе ва иззат-хурмат қоидаларида етуку баркамол эди. Сивос Қора денгиз ва Арманистонга туташ бўлиб, унда Туркия султони Боязид I Илдиримнинг тўнгич ўғли Сулаймон ҳоким эди.

Сивоснинг осонгина таслим бўлмаслигини пайқаган Темурбек шаҳарни ўн саккиз кунлик муҳосарадан сўнг олишга аҳд қилганлигини баён этади. Ҳақиқатан ҳам Сивос ўн саккиз кун давом этган жангу жадалдан сўнг 1400 йилнинг 26 августида забт этилади.⁶²

Темурбек ўз тасарруфига олмоқчи бўлган улус ёки юртнинг ҳукмдорларига, лашкарбошлиларига мактуб ва элчилар йўллаб, унинг амрларига бўйин эгиб, муқотала ва муқобаласиз Суюргатмишхон (1370 – 1388) ҳамда Маҳмудхон (1388 – 1402) ёки соҳибқирон Темурбек Кўрагон исми билан хутба ўқитиш, шу тартибу расмiga кўра пул зарб қилиш, тобе ва итоатда бўлиш, у ўтказаётган сиёсатни сўзсиз тан олиш каби талабларни кўярди. Кўйилган шартларга мойиллик кўрсатгандарни хурматлар, уларга иззат-икромлар кўрсатар, совға-саломлар тортиқ қиласар, ҳалқига омонлик берарди.

Темурбекнинг талабларини назар-писанд қилмай, у юборган элчиларни ҳисбга олиш ёки қатл этишга ботинган баъзи жойларнинг раҳбарлари аёвсиз жазоланар, мамлакати ғоратга дучор қилинарди.

1400 йилнинг сентябрь – октябрь ойларида Ҳалабга етиб келган Шом ҳокими Сайди Судун Темурбек жўнатган, юқорида қайд этилган мазмунга яқин фармонни кўзга илмай, дипломатия қоидаларини оёқости қилиб, мактуб келтирган элчига ҳамла қиласди ва унинг бошини кесади. Элчининг ноҳақ курбон қилиниши Соҳибқирон ғазабини кўзғайди ва Ҳалаб аҳлининг қирғинбарот қилинишига олиб келади.⁶³

⁶² Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.194 – 195; 2-китоб. – Б.72.

⁶³ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.199 – 205.

Одатга биноан ғалаба ҳақидаги фатхномалар мамлакаттинг ҳар бир чеккаси томон чопарлар орқали етказилган. Бу ҳумоюн фатҳ овозаси рубъи маскуннинг барча ўлка вилоятларига тарқалган, хутба ва пул зарби Соҳибқирон номи ва лақаби билан шарафли қилинган.

Юришдан фатҳу зафар кучиб қайтган музaffer қўшин Мовароуннаҳр ҳалқи томонидан жуда катта хурсандчилик, шоду хуррамлиқ ва тантаналар билан қарши олинганд. Сочки сочиш, пешкашлар келтириш шарти амалга оширилган. Олий бош қўмондоннинг шаънига ҳамду санолар, саломатлигига шукрлар айтилиб, муҳтоҷларга хайру садақалар улашилган. Доруссалтана Самарқандда бир неча кун мобайнинда дастурхонлар ёзилиб, тўю шодиёналар авжига чиқкан. Хосу омга тұхфалар қилинган, ошлар тортилган.⁶⁴

Темурбекнинг саркардалик салоҳияти, шунингдек, унинг бир неча бор кам сонли черик билан кўркув билмасдан кўп сонли ғаним лашкарига қарши жанг олиб борган чогларида яққол кўзга ташланади. «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилинган»⁶⁵лигини, оз ўт кўп ўтинни куйдиришга қодирлигини яхши билган Соҳибқирон кўпинча сон жиҳатдан зиёд бўлган ёв кучларига юзма-юз чиқиб, ўзига хос бўлган чора-тадбирлар кўмагида нусрат қозонарди.

Шарафиддин Али Яздийнинг мана бу сатрларига диққат қиласиз: «Мовароуннаҳр вилоятлари бошдан-оёқ мухолифлар ва душманлар таъсири доирасида бўлганлигидан ҳар бир жойда душман лашкарининг қандайдир бир катта тўпи ўрнашиб олиб, ҳар ким ўз ўрнини бор кучи билан муҳофаза қиларди. Шунга қарамай, осмондай қудратли Соҳибқирон ул диёрга бормоққа азм айлади ва Парвардигор кўмагидан умид килган ҳолда олти юз киши йўлга отланиб, шабғир қилиб, таваккал юзини йўлга қаратди. Жайхун сувидан ўтганларидан сўнг шабғир қилиб тонгга яқин Найистонга етдилар. Ўша куни бир чорбоғда бекиниб турдилар ва отлар йўл чарчоғидан тин олди. Сўнгра Жўйбори мавзесидан шабғир қилиб, Хузор томондан юриб Қаршини ўраб опдилар. Амир

⁶⁴ Қаранг: Гиясиддин Али. Дневник похода... – Б. 185 – 188.

⁶⁵ Куръон. 2-сурә. 249-оят.

Мусо навкарларидан бир тўпи ўша ерда эди, барчасини банди қилдилар. Қайсарнинг қариндошлари: Анонжак, Кўдаҳ ва Ўрдушоҳ ўз қавмлари билан қочиб қолдилар. Дуваррака ва Шайх Али баҳодир эса савдогарларни душманлар деб ўйлаб улар билан жанг қилдилар ва ғолиб чиқиб, тўрт боғлам кимхоб ўлжа олиб ҳазрат Соҳибқирон олдига олиб келдилар. Ул ҳазратнинг бўйруғи билан уларнинг ҳаммасини кам-кўстсиз эгаларига қайтардилар. Қаравунас⁶⁶ лашкаридан беш минг киши Кўзи-мундок⁶⁷ мавзеида туардилар. Амир Сулаймон Ясавурий уларга бориб қўшилди. Баротхожа ва Ҳиндушоҳ ҳам ўз лашкари билан уларга бириқди. Анонжак ва Кўдаҳ Хузор якинидан ўтиб уларнинг қошига кетдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг бу аҳволдан хабари йўқ эди. У кун ботиш олдидан Қаршидан отланиб ярим кечада Навқатга⁶⁸ етиб борди. Ўша ерда қаравунас лашкари ва улар ёнига тўпланган кўп (қўшин) ҳақида хабар топди.

Эҳтиёткорлик шартига амал қилган ҳолда ўша заҳоти ҳовли-жойлар орасидан чиқишига буюрди ва ўша кеча Навқатнинг ташқарисида чўлда тунади... Шу пайт Амир Жаку отдан йиқилиб шундай қаттиқ лат едики, мизожи яшаш йўлидан четга бурилди. Ҳазрат Соҳибқирон ўттизта мукаммал отлиқни унга қўшиб Мохонга юборди. Ўзи эса ҳиммат юзини қатъий равишда қаравунас лашкари билан жангга қаратди. Амирлар ва баҳодирлар барча ул ниятга қўшилиб рози бўлди. Фақат Али Ясавурийгина ул фикрни маъқул топмади ва маслаҳатдан деб билмади. Қариндошлари бу ҳақда ҳазрат Соҳибқиронга арзга келдилар. Ул ҳазрат уни зўрлик билан чақиририб отлантириди.

Шайх Али баҳодир ва Оқбўға баҳодирни олтмишта аскар билан манглай тарзида жўнатди. Душманлар томондан Ҳиндушоҳ уч юз киши билан лашкар олдида келарди. Ҳар иккала томон манглайи бир-бирларига етиб жангга киришдилар. Осмоний қўллов ҳазрат Соҳибқирон сипоҳига, оз бўлишига қарамай, галаба ва ферузлик каромат қилди ва душман манглайнини қувиб, уларнинг қўлигача етказдилар.

⁶⁶ Қаравунас – Чигатой улуси гарбий қисмида жойлашган турк-мўғул қабилалари.

⁶⁷ Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғи.

⁶⁸ Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғи.

Бу ғалаба содир бўлгач, ул ҳазрат тўхтаб отларга дам бердилар. Ўша куни пешин чоғи саодат ила яна отланиб олти юз сипоҳни етти қўшинга бўлди. Зафарпаноҳ сипоҳ душманлардан сон жиҳатдан жуда оз бўлганликлари учун Соҳибқирон жангчиларнинг кўнглини кўтариб, яхши сўзлар айтди. Уларни рағбатлантириш учун тиришмоқ ва жанг қилмоқقا ундан, гавҳар сочувчи сўзлар билан, бугун мардлар учун базм ва ишрат (куни)дир дер эди. Амир Довуд, Амир Сарибўға, Ҳусайн барлос, Амир Сайфиддин, Аббос баҳодир, Оқбўға баҳодир, Ҳиндур, Элчи баҳодир, Дуваррака, Шайх Али баҳодир, Али Ясавурий, Чўбин ва Маҳмудшоҳларнинг ҳар бирини ўз жойларига қўйиб чиқди. Ўзи эса қаравул тарзида олдинга юрди. Ёв яқин келгач, жувангар ва бурангарни тартибга келтириб, кўлни ўзининг ярқираб турган шон-шукуҳи билан безади. Жанг чоғи уч чўк (тўп) бўлиб хужум қилсинлар деб буюрди. Икки томон сипоҳи бир-бирига ташланган чоғда мавлоно Бадруддин ва унинг ўғли қочдилар. Али Ясавурий ҳам иккита навкар билан қочмоққа юз тутди. Ҳазрат Соҳибқирон Тангри кўмаги ила ҳужумга ўтди...

Ўшандай кўп сонли ва шон-шавкатли лашкар бир соат ҳам туриб жанг қиломадилар ва жаҳонгир Соҳибқироннинг бир ҳамласидан орқа ўғириб қочмоқда юз тутдилар».⁶⁹

Темурбекнинг кўшин қисмлари тоғли ҳудудларда ҳам муваффакият билан жанг ҳаракатлари олиб бориш, мустаҳкам қалъя ва ҳисорларда ўрнашиб олган душманини мағлуб этиш қобилиятига эга эди. Фикримизни Низомиддин Шомийнинг кўйидаги қайдлари билан мустаҳкамлаймиз:

«Соҳибқирон кўл остидаги ҳарбий кучлар Андароба мавзеига етганда у ернинг мусулмон ахолиси Темурбекдан ўзларини мажусийлар зулмидан халос этишни илтимос қиласди. Соҳибқирон гайридинлар ўтказаётган азоб-уқубатга чек қўйиш мақсадида тезлик билан кўшин сафларини ростлайди ва мажусийларга қарши юради. Рустам баҳодир мирзо ва Бурҳон ўғлон бошлиқ қисмларни Катур қалъаси томон йўллаган Соҳибқирон, ўз навбатида, катта ҳарбий қисм билан қалин қор ичидан йўл очиб, оғир сўқмоқ ва довонлар орқали баланд бир чўққига кўтарилади. Барангар ва жувангар аскарлари қор билан қопланган

⁶⁹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома... – Б. 157 – 160.

жар ва дараларга учиб тушмаслик мақсадида бөлларига арқон боғлаб чүққидан пастга тушадилар. Темурбек құшинининг кутилмаганда пайдо бўлганилигидан боҳабар бўлган мажусийлар кўч-кўронини тоғ устига олиб чиқишиди. Темурбек қўшини ғанимларнинг кўпдан-кўп кўй-кўзиларини ўлжа қилади, уй-жойларини қўлга киритади. Асосий кучлар етиб келгач, тоғ тепасига чекинишга улгурган душманни бартараф этиш учун қисмларга тоққа кўтарилишга ижозат берилади.

Қўшин қисмлари фармонни адо этишга киришиди. Шайх Арслон ёвнинг кўп тўдаларини жуванғар қисмлари қароргоҳи томон қувлаб боради ва уларни маглуб этиб аксариятини асир қилади. Али Султон кофириларга бошқа тарафдан қирон келтиради ва уларнинг қўнимгоҳини эгаллади. Мислсиз матонат ва қаҳрамонлик намуналари намойиш этган Амир Шоҳмалик ёғийнинг кучли зарбаларини қайтаради.

Мубашшир тўра ҳам ўзга жангчилар қатори тўқнашувда жасорат кўрсатади. Менгли хожа бир гуруҳ сара баҳодирлар бошчилигида олға ташланади ва тоғ тепасига чиқиб олади. Суюнчак баҳодир ўз жангчиларини жанговар сафга тизиб душман билан шиддатли жанг қилади. Шайх Арслон аскарлари ва мулоzимлари ҳамроҳлигига тоғ тепасига чиқади ва у ерда жойлашиб олган мажусийларни қиличдан ўтказади.

Мусо, Ҳусайн Малик ва Амир Ҳусайн ҳам оғир жанг олиб боради. Ўзга минглик ва туман сардорлари душман гуруҳларини, уларнинг истеҳкомларини қуршовга олади.

Уч кун давом этган саваш чоғида мажусийларниң кўпчилиги қурбон бўлади. Тўртинчи куни кофириларнинг акобирлари чорасиз аҳвол ҳамда заифлик сабабли Темурбекка итоаткорлик кўрсатади ва аҳли учун омонлик тилайди. Соҳибқирон мажусийлар исломни қабул қилган тақдирдагина омонликка сазовор бўлишлари, бошлари амал сиртмогидан халос қилинishi мумкинлигини баён этади. Мажусийлар жонларини асраб қолиш, ўғил-қиз ва хотин-халажини тутқунлиқдан саклаб қолиш ниятида ўз динларидан воз кечиб, иймон келтиришиади.

Соҳибқирон уларнинг ҳаммасига инъомлар бериб ва иззат-икром кўрсатиб, ўз уй ва юртлари томон қайтишларига ижозат беради.

Аммо бахти қаро мажусийлар ўз маконларига эсон-омон етиб олгач исломдан юз ўғирадилар ва Амир Шоҳмалик

аскарларига тунда шабихун қиласылар. Мажусийлар томонидан зохир этилган бу ҳаракат уларнинг Соҳибқирон күшинлари томонидан тор-мор этилишига, хотин-халаж ва ўғил-қизларининг банди қилинишига, мол-мұлкларининг талон-торож бўлишига олиб келади».⁷⁰

ҚАРОР ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, Жўжикон авлодидан бўлган Тўхтамишхон отаси Тўйхожа ўғлон Ўрусхон томонидан қатл қилингандан сўнг Оқ Ўрдадан қочиб, 1376 йили Самарқандга, Темурбек хузурига, мадад ва паноҳ излаб келади.⁷¹

Узоқни кўра билувчи, ақли теран ва тезфаҳм Соҳибқирон ёш, файратли ҳамда истеъодди хонзоданинг кўнглени кўтариш, қўллаб-қувватлаш, лозим топса тўс-тўполондан боши чиқмай қолган Оқ Ўрда сиёсий-ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб, у ерга ўзининг ишончли кишинини хукмдор қилиб кўйиш мақсадида Тўхтамишхонни керакли хурмат-эҳтиром билан қаршилади, совға-саломлар, тортиқлар инъом қилади. Зарур қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, от-улов ва қўшин билан таъминлаб Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда таҳтига эга чиқиш йўлида қилган барча юришларида кўмак беради.⁷²

Яқиндан берилган мадад туфайли Тўхтамишхон 1378 йили Оқ Ўрда таҳтини қўлга киритади, 1380 йили Калка дарёси бўйида Мамайнин маглуб этган Тўхтамишхон Сарой ал-Жадид, Сарой Боту, Саройчиқ, Ҳожитархон сингари шахарларни забт этади ва ўзини Олтин Ўрданинг мутлақ ҳокими деб эълон қиласди. Жўжи улуси раҳбарлигини куч билан қўлга олган Тўхтамишхон олиб борган сиёсат ва ҳарбий ҳаракатларнинг асосий йўналиши жанубга, яъни қачонлардир Чифатойхон ва Хулагуҳон улуслари ҳисобланган Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонга қаратилганди. Бу улуслар XIV аср ўрталарига келиб таназзулга юз тутган, ерлари Темурбек ва унинг фарзандлари томонидан

⁷⁰ Қаранг: Гиясиддин Али. Дневник похода... – С.192 – 195.

⁷¹ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.287 – 288; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.61 – 62.

⁷² Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.288; Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XII – XIV вв. – М.: Наука, – С.64 – 65.

эгалланмоқда эди. Ўз хатти-ҳаракатларини яқын ўтмишда жуда катта ҳудудда⁷³ ҳукмронлик қилған буюк, эндилікда ўзаро уруш ва низолар туфайли майдың бұлакларга ажралиб кетген, ўз умрорын тутатаётган чингизийлар салтанатини қисман бұлса-да қайта тиклашдек аниқ мақсадға қаратған ёш, ғайратли, шу билан биргә, ўта баджахл Тұхтамишхон бир умр миннатдор бўлиши лозим топилған ҳомийси ва мададкори Темурбек билан очиқдан-очиқ муносабатларни ёмонлаштириш, муҳолифатчилик қилиш күчасига қадам кўяди. Соҳибқирон билан алоқаларни бутунлай узган Тұхтамишхон унинг тасарруфига кирған мулкларга тажовуз қилиш ниятида 1382 – 1384 йиллар давомида катта кўшин тузиш, уни керакли қурол-яроғ билан таъминлаш каби зарур чора-тадбир билан машғул бўлади. 1384 йилнинг ниҳоясида Тұхтамишхоннинг юз минг кишилик кўшини Дарбанд ва Ширвон орқали Кура дарёсидан ўтиб, Соҳибқирон мулки ҳисобланған Табриз останасида пайдо бўлади. 1385 йил бошида шаҳар хон томонидан забт этилгач, унинг чериги Марағага қараб юради. Бу ердан ортга қайтган Тұхтамишхон лашкари йўл-йўлакай Озарбайжоннинг Маранд ва Нахичеван вилоятларини яксон қилади. Юришни шу йўсинда яқунлаган хон кўшини Қорабоғда тўпланди ва у ердан Олтин Ўрда сари жўнайди.⁷⁴

Келаси 1386 йили Темурбекнинг айнан Аррон даштида қишлоғ учун тушганлигидан бехабар Тұхтамишхон Озарбайжонга қайта юриш бошлийди. Олтин Ўрда лашкари Дарбанднинг жанубидаги Самур дарёси бўйларида Темурбек аскарларига дуч келади. Бўлиб ўтган қисқа жангдан сўнг Тұхтамиш кўшини шимол томон бурилиб кетади.⁷⁴

1387 йили Тұхтамишхон Темурбекнинг Эрондалигидан фойдаланиб Соҳибқирон салтанатининг марказий қисмларига хужум қилиш қарорига келади. Дастрлабки зарба Оқ Ўрданнинг маркази Сифноқ томонидан берилади. Сабронни эгаллай олмаган кўшин ўтрорга йўл олади ва у ерда унча катта бўлмаган Темурбекка тегишли аскарий гурӯхни мағлуб этиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудига бостириб киради. Тұхтамишхон иккинчи йўналишдаги зарбани Хоразм орқали

⁷³ Қаранг: Тизандуазен В.Г. Сборник материалов... Т.2. – С. 157; Егоров В.Л. Историческая география... – С.218 – 219.

⁷⁴ Егоров В.Л. Историческая география... – С.219.

амалга оширади. Самарқанд ва Бухоро қуршовда қолишиғ қарамай, Тұхтамишхон бу шаҳарларни ишғол қилишининг удасидан чиқолмайды. Асосий куролли кучлар билан Шероздә турган Темурбек қамалда қолғанларга 30 минг кишилик мадад жүнатади. 1388 йилнинг февралида Соҳибқирон бор амиясини бошлаб душманга қарши йўлга чиқади. Тұхтамиш Темурбек билан юзма-юз тўқнашишдан воз кечиб зудлик билан Даشت Қипчоққа қайтиб кетади.

Тұхтамишхон Олтин Ўрдадан бир неча чақирим масофа-да жойлашган Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қилган ҳужуми унинг муайян бир ҳудуд учун эмас, балки умуман Темурбекка қарши олиб бораётган сиёсатининг натижаси эканлигини Соҳибқирон англаб етганди.

1388 йилнинг сўнгига ўз қўшинини рус, булғор, бошқирд ва бошқа ҳалқлар ҳисобига мустаҳкамлаган Тұхтамиш жана Темурбекка қарши отланади. Қозогистон чўллари ва Сирдарё бўйлаб ҳаракат қилган улкан қўшиннинг илғор қисми 1389 йил бошида Арис дарёсининг этагида жойлашган Зарнук шаҳри яқинида Темурбек томонидан исканжага олиниб, тор-мор этилади. Бу вақтда Тұхтамиш қўшинининг асосий қисмлари билан Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Саброн шаҳрини эгаллашга беҳуда уринмоқда эди.⁷⁵

Темурбек Тұхтамишхон томонидан амалга оширилаётган ғанимлик ва ғаразгўйлик ҳаракатларига чек қўйиш ҳамда Соҳибқироннинг Эрон заминидаги мавқеи кучайшининг олдини олиш учун Олтин Ўрда ва Миср ўртасида тузилиши режалаштирилаётган иттифоққа барҳам беришга мажбур бўлади. Натижада Темурбек 1391 йилнинг қиши фаслида Тұхтамишхонга қарши юришга азм қиласиди.⁷⁶ Салтанатнинг турли вилоятларига тавочи ва чопарлар юборилиб, оммавий сафарбарлик ҳақида фармони олий эълон қилинади. Бир йилга етадиган озиқ-овқат, ем-хашак йигиши ва ҳозирлаш чоралари қўрилади. Ҳар бир жангчи бир ёй ва ўттиз дона ўқ, тиркаш ўқдони билан, бир қалқон, битта қўшимча от, ҳар ўн аскарда бир чодир, икки бел, бир кетмон, бир ўроқ, бир арра,

⁷⁵ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. ... Олтин Ўрда... – Б.288 – 289.

⁷⁶ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.302; Егоров В.Л. Историческая география... – С.220; Тизангузен В.Г. Сборник материалов... Т.2. – С.160 – 171.

бир теша, юзта игна, ярим ботмон арқон, бир тери ва қозон бўлиш шарти қўйилади. Темурбек буйруғига биноан улови бўлмаган навкарларга отлар берилади. Давлат хазинаси-нинг эшиклари очилиб, амирлар, беклар, лашкарбошиларга сафар олдидан тортиклар қилинади. Лашкарнинг жанговар руҳини кўтариш мақсадида аскарларга совғалар улашилади.

Жам бўлган кўшин Самарқанддан йўлга чиқади ва Сирдарё-дан кўпприк орқали ўтиб Тошкентга қараб юради. Қишининг мъ-лум қисмини Тошкентда ўтказишга қарор қилган Темурбек, одатича, пири Шайх Маслаҳатнинг макбарасини зиёрат этиш учун Ҳужандга боради. Тошкентта қайтиб келган Соҳибқирон безгак касали билан оғриб¹ қирк кунгача ётиб қолади. Аркони давлат, бөкү умаро ва аҳли лашкарнинг кўнгиллари ғамгину паришон бўлади. Дард аригач, Темурбек Дашиб Қипчоқ юришига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Бек ва нўёнларга туҳфалар қиласди, сипоҳга ош бериб, барчанинг кўнглини хушнуд айлайди. Кўшинга қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўл бошлоғчилар – қажарчилар белгилайди. Бу гал қулавузлик, яъни йўлбошловчилик қўлиши вазифаси чингизий шаҳзода Темур Қутлиг ўғлон ҳамда Идигий ӯзбек (рус манбаларида Едигей) зиммасига юқлатилади. Шу аснода Мироншоҳ кўрагон мирзо Хурсон лашкари билан келиб Ҳумоюн ўрдуга кўшилади.

Мамлакат ишларини идора қилиш вазифаси вақтингчалик Шоҳруҳ мирзо ва Жаҳонгир мирзога топширилади. Амир Лаъл билан Амир Милкат амирзодаларга ноиб этиб тайнланади.

Барча ташкилий юмушлар ниҳоясига етгач, Тошкентдан 1391 йилнинг 22 январида қўзғалган Темурбек армияси ўт-тор томон йўлга чиқади. Рақибининг улкан кўшин билан көлаётганлигидан чўчиган Тўхтамишон у билан бўлажак тўқнашувни иложи борича кейинга суриш мақсадида Темурбек ҳузурига ўз элчиларини тўққизта чопқир от ва бир қанча шунқорлардан иборат совға-саломлар билан юборади.

Хоннинг элчилари орқали йўллаган узр-маъзур, тавба-тазарру ҳамда содик бўлиш ҳақидаги ваъдаларини диққат билан тинглаган Темурбек айтилган сўзларнинг барчаси сохта ва найрангдан ортиқ нарса эмаслигини яхши пайқайди. Лашкарбошилар, аркони давлат, амирзодалар, нўёнлар иштиро-кида ўтказилган ҳарбий кенгаш – машваратда Тўхтамишхонга қарши юришни давом эттиришга қарор қилинади.

1391 ийл ҳут ойи охирларыда икки юз минг кишилик қүшин Яса, Қорачуқ, Саброн орқали Сариқўзан (Сарисув) мавзеяга чиқади. Кучли сел келиши туфайли қўшин бир неча кун шу ерда макон топади. Сел камайгандан сўнг Соҳибқирон қўшини дарёдан гузар орқали ўтади. Бир кун кечаси Идигуй ўзбекнинг икки навкари қочиб Тўхтамишхон ўрдugoҳига кетганлиги маълум бўлади. Қочоқларни тутиш мақсадида юборилган таъқиблар уларни тополмай қайтиб келади. Соҳибқирон икки кеча-кундуз йўл юриб толиккан қўшинни Улуғ тоғ (ҳозирги Қозогистондаги Қарсақпай кони яқинидаги Олтин чўку номли тоғ) ёнбағрига ҳордик олиш учун туширади. Ўзи эса хослари ҳамроҳлигига тоғ бошига чиқиб, теварак-атрофга, ястаниб ётган даштга назар ташлайди ва бу ерда мазкур юриш ҳакида хотира қолдиришига қарор қиласди.⁷⁷ Фармони олийга қўра жангчилар атроф жавонибдан харсангошлар ташиб келиб белгиланган жойга тўплайдилар. Уста тоштарошлар ишга тушиб Соҳибқироннинг Тўхтамишхонга қарши қўшин тортиб ушбу мавзега етганлиги тарихини тошга битадилар.

Туркий ёзувда нақш қилинган хотиранинг матни кўйидагичадир: «Тарих етти юз тўқсон учта, кўй ийл ёзнинг ора ой Туроннинг султони Темурбек икки юз минг⁷⁸ черик била испом учун Тўхтамишхонни(нг) хонига йуриди. Бу ерга етиб, белгу бўлсун теб бу йўбани қўпарди. Тангри нисфат бергай, иншаоллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилғай, бизни дуо била ёд қилғай».

Ёдгорлик биттач, қўшин яна йўлга чиқади: Илончук дарёсини убур қилгач, саккиз кечга ва кундуз тинимсиз от суриб толиқкан Темурбек сипоҳни Анақарғуй (Қозогистондаги ҳозирги Анақарқуюн) мавзесига туширади.

Беш-олти ойдан бери ғаним кетидан изма-из келаётган қўшиннинг озиқ-овқати деярли тугаш арафасида эди. Соҳибқирон қўшин бекларига иложи борича ун, буғдой, арпа каби озиқ-овқат маҳсулотларини тежашни буюради. Аскарлар биёбондаги қушларнинг тухумларини пишириб ейиш ҳамда атала – буламуқ ичиш билан қаноатланади.

Оғир вазиятдан чиқиши, яъни қаҳатдан халос бўлишнинг бирдан-бир иложи чарга ови уюштиришига амр қилинади. Ов жуда

⁷⁷ Қарант: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.303 – 304; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.63.

⁷⁸ Содиков Қ. Амир Темурнинг уйгур ёзувли битиги // Соғлом авлод учун. 1995. №1.

муваффақиятли бұлади, күплаб жайрон, ёввойи әчки, кийик ва бошқа саҳро жониворлари үлжас қилинади. Емиш муаммосини өнгән Тәмурбек сафарни давом эттиради. Лашкар деңгизмонаңд жүш ва хурушға келиб, тартиб ва қоида билан фавж-фавж, гурух-гурух бўлиб ёгий томон мутаважижиҳ бўлади. Тобол, Ёйик (Урал), Самар дарёларидан кечиб ўтган қўшин Ийк дарёси яқинида қунишга қарор қиласди. Амирзода Муҳаммад Султон баҳодир тутиб келтирган тилдан душманнинг яқиндалиги тўғрисида маълумотга эга бўлган Соҳибқирон ражаб ойининг душанба куни қўшинни зудлик билан Ийкни кечиб ўтишга бошлайди. Кўриқдан дастлаб манғлай, сўнг кўл – марказ ўтади. Баранғар ва жуванғар лашкарига сувдан сузиб ўтишга буйруқ берилади.

Бу орада душман қароргоҳини аниқлаш мақсадида жўнатилган разведкачи гурух – қараевулнинг сардори Амир Эйгу Тәмур қарши томон қаравуллари билан бўлган тенгсиз тўқнашув пайтида вафот этади. Икки тарафнинг соқчи бўлинмалири тез-тез юзма-юз кела бошлайди. Бироқ ёвнинг асосий кучлари ҳадеганда кўзга ташланавермайди.

Озиқ-овқатнинг соат сайин камайиб бориши, узоқ йўл босган аскарларнинг ҳолдан тоиши ҳисобига Темурбек армиясининг тинкасини қуритиб, унинг жанговар руҳини сусайтириш тактикасини усталик билан қўллаётган Тўхтамишхонни Умаршайх мирзо, Амир Суюнчак, Султон Санжар, Амир Ҳожи Сайфиддин ва Амир Аббоснинг ўғли Усмон қўмондонлигидаги йигирма минг жаррор отлиқ аскарлардан иборат илғор қисм – манғлай охири-оқибат тўхташга ва жангга киришга мажбур этади.

1391 йилнинг 18 июнида Самара вилоятининг Қундузча мавзеида Темурбек ва Тўхтамишхон ўртасида икки томондан таҳминан 400 минг аскар иштирок этган, ўша даврдаги энг даҳшатли ва йирик масоф – жанглардан бири юз берган.

Ушбу жанг саҳнаси, Темурбек қўшинининг жанговар тартиби Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий асарларида муфассал тасвиранланган.

Ясолни тузишга бевосита Соҳибқироннинг ўзи раҳбарлик қиласди. У қўшинининг қисмларини жанг майдонига жойлаштиришда янги усуслни қўллайди ва уларни етти қўлга ажратади. Султон Маҳмудхон номи билан ораста қилинган ва марказга қўйилган қўлга бевосита Амир Сулаймоншоҳ қўмондонлик қиласди. Бу қўлнинг кетидан Темурбекнинг иккинчи қўли туралади.

ди, унга бошчилик қилиш Мұхаммад Султон миразға буюрилади. Уннинг ортидан бевосита Темурбек иктиёрида бұлған 20 күшун әхтиёт қисм қилиб жойлаштирилади. Баранғарға Амирроншоқ миразонинг құли қўйилади, Амир Ҳожи Сайфиддиннинг құли қунбул – қанот қўриқчиси вазифасини ўтайди. Жуванғарға Умаршайх миразонинг құли жойлаштирилади. Унга қунбул тарзида Бердібек Сарибўға ўғли раҳбарлигидаги қўл туради. Бу қисмга ҳам жуванғар, ҳам қўлни қўриқлаш вазифаси юқлатиласиди. Марказ – қўл манғлай – авантгард билан таъминланади. Қўлнинг орқа томонида олий бош қўмандон, яъни Темурбек қароргоҳи ўрнатилган чағдавул жойлаштирилади. Шу ерда жам бўлған әхтиёт кучлар жанг тақдирининг Темурбек фойдасига ҳал бўлишида катта рол ўйнайди.

Ул тарафда Тўхтамишхон ҳам ўз сипоҳини беш қўлга бўлиб, уларга хонзодалардан Тош Темур ўғлон, Бек Бориқ ўғлон, Элтиқмиш ўғлон, Али ўғлон, Жўжихон улуси умаросидан Алибек, Сулаймон, Кўнғирот Наврӯз, Оқ бўға, бийлардан Айсабек, Ҳасанбек, Кўка ва Ёғли сингари Дашиб Қипчокнинг номдор саркардаларини бошлиқ қилиб саф чекиб турарди.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда Темурбек ва Тўхтамишхон қўшинларининг жанговар тартиби – ясолини қуидагича схемалаштириш мумкин:

Тўхтамиш армияси

Чағдавул

Баранғар

Қўл

Жуванғар

Хиравул

↓ Қаравул ↓

↑ Қаравул ↑

Манғлай (Хиравул)

Кунбул Жуванғар

Баранғар Қунбул

Қўл

Чағдавул

Темур армияси

Төмурбек жанг олдиdan аскарий қисмларга чодирлар ти-
киб, овқат пиширишни, емак билан машгул бўлишни бую-
ради. Жангчилар ўт ёкиш ва емак пиширишга тутинади.
Нусратпаноҳ кўшиннинг бу даражадаги виқор ва саботи
Тўхтамишхон лашкарини нафақат таажжубга балки ғулғу-
лага солади.

Соҳибқирон жидол ва қитолга шуру қилмасдаи аввал
отидан ёрга тушади. Сидқ ва ниёз юзидан икки ракаат на-
моз ўқиб, Тангридан нусрат ҳамда зафар тилайди. Шундан
сўнг ҳар икки қўшиннинг диловарлари ва икки мамлакатнинг
сафдорлари жаподат майдонига қадам қўйиб тўқиш бошлай-
дилар. Даставал Амир Ҳожи Сайфиддин ўз рўпарасида тур-
ган ганимнинг жувангарига ҳамла қиласди ва уни синдиришга
муяссар бўлади.

Душман қисмнинг сафи бир-биридаи айрилиб қочмоққа
юз тутади. Шу пайт душманнинг бир неча бўлимлари Амир
Ҳожи Сайфиддин аскарларига ҳужум қилиш ниятида унинг
изига тушади. Душман режасини ўз пайтида англаб етган
Амир Жаҳоншоҳ ӯзининг лашкари билан тебраб бу гурухнинг
иўтини тусади.

Амирзода Умаршайх баҳодир журъат шамширини ғило-
фиддан сугуриб, ўз аскарлари билан хасм барангарига ташла-
нади.

Тўхтамишхон Соҳибқирон қўли билан жанг қилишга бо-
тинолмай, у ердан юз ўгиради ва амирзода Умаршайх
қисмларига қараб юзланади. Бироқ амирзода унга қаттиқ
қаршилик кўрсатади ва у ердан тебранмакни хаёлига ҳам
контримайди. Иш чиқмаганини кўрган Тўхтамишхон Шайх
Темур ва Салдуз кўмандонлигидаги қисмларга ҳужум қиласди.
Темурийларнинг кучли тирборонига дуч келишига қарамай
Тўхтамишхон Салдуз фавжини яксон қилиб, ўртасидан
бронд ўтади. Шундан сўнг Умаршайх мирзо ўз одамлари би-
лан хон қаршисига чиқиб уруш бошлайди. Маъракагоҳнинг
бошқа жойларида ҳам Темурбек аскарларининг қўли ба-
ланд көла бошлайди. Охир-оқибат Даشتி Қипчоқ лашкари
фирор йўлни тутади.

Жанг Темурбекнинг тұла устунлигига ўтади. Бутунлай
тор-мор этилган Тўхтамишхон кўшини қолдиқлари Итил
(Волга)га қадар таъкиб қилинади. Катта миқдордаги ғанимат-

ни күлга киригтан музaffer қүшин жангдан кейинги йигирма олти кунлик ҳордиқдан сўнг келган ўйли билан юртига қайтади. Ўн бир ой давом этган ҳарбий сафар ниҳоясига етади.⁷⁹

Олтин Ўрданинг ушбу мағлубияти унинг иқтисодиёти, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига унчалик зарар етказмади, салтантнинг тақдирини узил-кесил ҳал қилмади. Тұхтамишхон Соҳибқирон билан олиб борилаётган сиёсий курашни давом эттириш учун ҳали етарли куч-куваттаға эга әди.⁸⁰

ТҰФОН

1394 йилнинг кузида Темурбек қүшинларининг Шимолий Озарбайжонда турғанлигидан фойдаланған Тұхтамишхон Дарбанддан үтиб, Ширвоннинг кент ва туманларини ғорат қилишга киришади. Бундан хабар топған Соҳибқирон хон билан қайта тұқнашишдан үзга чора йүқлигини англаб юришга тайёр гарлап күришга фармон беради. Қүшиннинг юриш яроғи, озиқ-овқати, кийим-кечеги назардан үтказилиб, хосы омга маوش – улуфа улашилади.⁸¹

Қишлоғасының Кура дарёси ёқасидаги қишлоқ, яъни қишлоғда үтказған Темурбек қүшини баҳорнинг дастлабки илиқ кунларыда Дарбанд томон үйлігі тушади. Шарағиддин Али Яздийнинг таъқидлашича, туркий халқлар одатига биноан жуванғар қүшиннинг олдода ҳаракат қилған. Үрни келгандада шуни қайд этиш лозимки, туркий ва мұғул халқтарнинг урф-одатича, қүшин қанотларининг үнгі ва сұлға тақсимванисиши бу халқтарнинг дүнө томонлари ва қисмлари орасидаги нисбатни аниқлашдаги анъанавий тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлған.⁸²

Темурбек юриш чоғида уруш ҳаракатлари вақтидаги қоңун-қоидаларга сўзсиз амал қилишни уқтирган ҳолда Тұхта-

⁷⁹ Қаранг: Егоров В.Л. Историческая география... – С.220; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.302; Тизенгаузен В. Сборник материалов... Т.2. – С.172 – 173.

⁸⁰ Қаранг: Егоров В.Л. Историческая география... – С.220; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.308; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.63.

⁸¹ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.309; Хизриев Х.А. Нашествие Тимура на Северный Кавказ // Вопросы истории. 1982. №4. – С.47.

⁸² Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.174.

мишга Шамсуддин Олмалиқни элчи қилиб юборади.⁸³ Тұхтамиши үрдусига көлган элчи хонға Соҳибқирон мактубини топширади ҳамда у айтған гапларни баён қилади. Тұхтамиш, Шарағиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек билан сулх тузиш тараддуудига тушган, аммо баъзи бир саркарда ва нұғнларниң таъсирида үз фикридан қайтған ва дағал мазмунда битилған жавоб хатини элчига топширган. Элчи Албұруз төгіннің этакпаридағи Самур водийисіда вақтінча қурилған Томурбек қароргоҳига қайтиб келади ва Соҳибқиронни музокара натижаларидан бохабар қилади.

Дашти Қипчоқ хони билан сулх тузиш нияти рүёбга чиқмаган Темурбек қүшинни жанговар тартиба тизиб, Дарбанд довонидан ошиб, Догистоннинг Тарки (хозирги Махачқалъа яқыннанда) шаҳри атрофида дам олиш учун тушади. Шу чоғда Тұхтамишхон Соҳибқирон ҳузурига үз айғоқчиси Үтрокни әлчи сифатида жұнатади. Соҳибқирон лашқаргоҳига яқын көлтән элчи у ердаги аскарларнинг күплигидан қути үчиб зудликда хон қошиға қайтади ва Тұхтамишхонға бу ҳақда хабар беради. Тұхтамишхон иккіланмасдан Қыйсу дарёсидеги кечикнинг муҳофазасига Қазанчи нүён бошчилигидаги үз армиясینинг ҳиравулини ажратади.⁸⁴ Темурбекка қарашли қарашуп – разведка бу ҳақда Соҳибқиронни хабардор қилади, Соҳибқирон катта бир суворий гурухға саркардалиқ қилиб таным ҳиравулиға қарши юради ва уни биринчи ҳамладаёк мағлұмтабы әтади.⁸⁵

Шундан кейин Темурбек қүшини Чечен-Ингушия худудларига қадам қояды. Сунжи дарёсининг Терекка қүйилиши үнг қыртогида лашқаргоҳ учун жой тайинланади. Соҳибқирон Төрек дарёсидеги мавжуд кечикларни кечикмасдан әгаллаш ниятида Сунжининг этагига қараб унинг үнг ва сүл қырғоқлары бўйлаб тез ҳаракат қилади.⁸⁶

Тұхтамишхон Темурбек келгунга қадар Терекдан ўтиб, мудофаа иншоотлари куришга, дарёнинг чап қырғонини арава,

⁸³ Қиранг: Егоров В.Л. Историческая география... – С.160.

⁸⁴ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II – С.119 174; Хизриев Х.А. Нашествие... – С.47.

⁸⁵ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.310; Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.119, 175; Хизриев Х.А. Нашествие... – С.47.

⁸⁶ Қаранг: Хизриев Х.А. Нашествие... – С.47.

дарахт, чапар ва туралар ёрдамида мустаҳкамлашга улгурган эди.⁸⁷ Шунга қарамай, Темурбек Тұхтамишхоннинг хиравулини янчид Сунжи дарёсини жанг билан кечиб үтади. Эртаси кечик топиш, шунингдек, озиқ-овқат ва ем-хашак тай-ёрлаш мақсадида Соҳибқирон Терекнинг үнг соҳили бўйлаб Жулат томонга юра бошлади. Тұхтамишхон үз рақибининг дарёдан үтишига йўл кўймаслик учун қаравул ажратади ва бу соқчи қисм дарёнинг чап қирғоғи ёқалаб мовароуннахрликларни тинимсиз кузатиб боради.⁸⁸ Иккала қўшин уч кун давомида шу алпозда аста-секин ҳаракат қилиб боради. Учинчи куни Темурбек лашкаргоҳда бўлган аёлларга дубулғалар кийиши, эркакларга эса иккитадан от олиб лашкаргоҳни тезда тарк этишини амр қиласди. Қароргоҳда эрлар шаклига кирган аёллар, улар назоратидаги ғуломлар ва асирлардан үзга жонзор қолмайди. Тунни бөдорлиқда үтказган Темурбек Тұхтамишхон соқчи гуруҳининг кўзини шамғалат қилиб Терекдан кечиб үтишга муюссар бўлади.⁸⁹

1395 йилнинг 14 апрель сешанба куни Тұхтамишхоннинг армиясини жанговар сафга тизиб жанг қилиш мақсадида келлаётганидан хабар топган Темурбек қўшиннинг манғлай (хиравул), баранғар ва жуванғар қисмларини олга юритиб душманга қарши боради. Шу куни ҳар бири 300 минг атрофида икки армия бир-бирига яқин масофага келиб, үз қароргоҳларни ўрнатади ва тунни эртанги куни бўлажак ҳал қилувчи тўқнашув хаёлида үтказади. Үзининг жанг олиб бориш та-мойилларига содик Темурбек қўшин тавочиларига ўрдугоҳнинг гирд айланасини мустаҳкамлаш ва ҳифзлаш, ённинг эҳтимолдан холи бўлмаган тунги ҳамласини бартараф этиш чораларини кўришга амр қиласди. Қароргоҳ атрофида хандақлар қазилиб, ичига мўндулар ўрнатилади, чапарлардан тўсик ҳамда ғовлар бунёд этилади. Бош хандақлар олд томондан қазилган ташқи хандақлар билан муҳофазаланади. Ўрдугоҳда бемақсад у ёқдан бу ёқда юриш ман қилинади.⁹⁰

⁸⁷ Қаранг: Хизриев X.А. Кўрсатилган асар.

⁸⁸ Қаранг: Тизенгауен В.Г. Сборник материалов. Т.II. – С.170; Хизриев X.А. Кўрсатилган асар.

⁸⁹ Қаранг: Клавихо Руи Гонсалес. Дневник... – С.143 – 144; Хизриев X.А. Нашествие... – С.48.

⁹⁰ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.310.

Жанг майдони сифатида иккала лашкарбоши ҳам ҳозирги Шчодринский ва Шелковский қишлоқлари орасидаги, отлиқлар бомағол ҳаракат қила оладиган кенг даштни танлайди.⁹¹

1395 йилнинг 15 апрель чоршанба куни Темурбек ва Тұхтамишхон қүшинлари ўртасида иккинчи марта ўша даврнинг инг катта ҳамда даҳшатли жанг бўлиб ўтади.

Соҳибқирон бу гал ҳам ўз аскарларини 1391 йилдаги жанг чогидати жанговар тартибга тизиб етти қўлга бўлади. Марказда кўп, унинг олдида асосий ҳиравул (манғлай), ортида ёзи чиғдавул жойлашган. Қүшиннинг ўнг қанотида барангар ва жуванғар ҳиравуллари билан ўрин олган.⁹² Асосий ҳиравул бошқа қўлларга нисбатан олдинда юрган ва душман сафларини ёриб ўтиш вазифасини ўтаган. Чагдевул бошқа қўлларга мадад жўнатиши ҳамда қўлнинг кет қисмида жойлашган олий бош қўмондоннинг кузатув таянчини муҳофаза қилиши керак бўлган. Шу тариқа асосий кучларни ҳимоя қилиунчи қисмларни янчидан ўтган қарши томон албатта бошқа қисмларнинг зарбасига дуч келар эди.⁹³

Биринчи қатор ёнгил қуролли жангчилардан ташкил топган бўлиб, асосан жангни бошлаб бериш, душман сафларини пироканда қилиш ва саросимага солиш билан банд эди. Оғир қуроллар билан қуролланган иккинчи қатор душманнинг асосий зарбасини даф этишга мўлжалланганди. Марказда жойлашган қисм, яъни қўл (ғўл) қўшиннинг ўзагини ташкил этар ва кўп ҳолларда жангнинг тақдирини ҳал қиласарди. Қалъя ва кўргонларни қамал қилишда, мудофаа жанглари олиб боришида қўл көлувчи пиёда аскарлар бош ҳиравул (манғлай), кўп, барангар ва жуванғар олдидан ўрин олади. Ўнг ва сўл қанотларнинг илғор қисмлари ҳамда чағдавул фақат суворийлардан иборат эди.

Тактик жиҳатдан бу ҳарбий бўлинмалар мустақил равишда ҳаракат қиласарди ва фақат олий бош қўмондонгагина бўйсунар эди.⁹⁴

⁹¹ Қаранг. Хизриюн X.А. Нашествие... – С.48.

⁹² Қаранг. Грюкоу Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.311; Хизриюн X.А. Нашествие... – С.49.

⁹³ Қаранг. Заходор В.И. Империя Тимура // Исторический журнал. 1941. №8 – Б.86; Хизриюн X.А. Нашествие... – С.49.

⁹⁴ Қаранг. История Узбекской ССР В 4-х т. Т.1. – Ташкент, 1967. – С.456; Хизриюн X.А. Нашествие... – С.49.

Ясолнинг бу тартибда тузилиши бир қатор афзаликларга эга эди. Биринчидан, у отлиқ ва пиёдаларнинг ёвга ёпирилиб кучли зарба бериш, тинимсиз хужум учун қулай вазият яратиш, иккинчидан, хиравул ҳамда ғағдавул паноҳида кўшиннинг иккى қаторга тизилиши айланана мудофаанинг мустаҳкам бўлиш имкониятини туғдирар, душманнинг қанотдан ёки айланниб ўтиб орқа томондан зарба беришига тўсқинлик қиласарди.⁹⁵

Темурбек қўллаётган ҳарбий усульнинг устун томонларини 1391 йилги жанг чогида пайқаб олган Тўхтамишхон ҳам ўз армиясини жанггоҳда худди рақибидек жойлаштиради.

Тўхтамиш армиясининг жанговар тартиби

Чагдавул

Қунбул Баранғар Қўл Жуванғар Қунбул

Манғлай (Хиравул)

↓ Қаравул ↓

↑ Қаравул ↑

Манғлай (Хиравул)

Жуванғар хиравули Баранғар хиравули

Қунбул Жуванғар Қўл Баранғар Қунбул

Чагдавул

Темурбек армияси ясоли

Чоршанба куни қүёш ўз заррин нурларини ер юзига сочиши билан маърака майдони жунбишга келади. Қарама-қарши томон кўшинлари жанговар байроқларини кўтариб, такбир нидосини айтиб, бир-бирига юзланади. Жанг муқаддимаси олтин ўрдаликларнинг Кунча ўғлон, Бек Ёрлик ўғлон, Оқтау, Довуд Сўфи ва Удуруку кўмондонлигидаги кўшилмаларининг Соҳибқирон кўшинининг жуванғарига қаттиқ ҳужуми билан бошланади.⁹⁶ Сўл қанотнинг қўққисдан берилган

⁹⁵ Қаранг: Хириев Х.А. Нашествие... – С.50.

⁹⁶ Қаранг: Хириев Х.А. Нашествие... – С.51.

зарба натижасида оғир ақволга тушиб қолғанлигидан воқиф бұлған Темурбек үз ихтиёрида олишувга шай турған йигирма етти сараланған қисмдан күмак ажратади. Мададға үз вақтида етиб келған аскарлар душман шиддатини қайтариб, қарши ҳужумға үтади ва ёвни қочишга мажбур этади. Қочаётгандарни таъқиб қилишга қизиқиб кетған анчагина суворийлар жаңгоҳдан узоклашади. Рақиб жангчиларининг йўл қўйган тактик хатоси натижасида вужудга келған вазиятдан фойдаланған Тўхтамишон үз сарфларини қайта тартибга солиб, таъқибчиларга зўр беради ва уларни тарқатиб юборади. Кутимаганда Темурбек қўл остида турған қисмлар душман исканжасига тушиб Соҳибқироннинг ҳәти хавф остида қолади. Шарағиддин Али Яздийнинг тасвирилашича, Темурбекка биринчи бўлиб кўмакка етиб келған Амир Шайх Нуриддин бошчилигидаги отлиқлар зудлик билан отдан тушиб, ёпирилиб кепаётган хон аскарларини ёйлардан отилаётган шиба ўқи билан тўхтатади. Муҳаммад Озод, унинг биродари Алишоҳ ва Тўкал бавурчи каби амирлар араваларни бир-бирига боғлаб куран ясайдилар.⁹⁷ Темурбек шу аравалар, улар устига қўйилган тура ва чопарлар паноҳида бўлади. Айлана мудофаада қолған Темурбекка Аллоҳдод, Зирбек Жаку, Ҳусайн Малик қавчин бошлиқ аскарлар бўлим-бўлим, фавж-фавж бўлиб ёрдамга кела бошлайди. Бироқ Тўхтамишон қўшинининг ҳамласи борган сари кучая боради. Қўлдан кўмакка ташланған Муҳаммад Султон баҳодир мирзо ҳамда Устайбек қўмондонлигидаги кучли қисмларнинг жангга кириши, айниқса, Амир Жаҳоншоҳ ва Амир Ҳожи Сайфиддин қўл остидаги аскарларнинг пиистирмадан туриб Тўхтамишон армиясининг жуванғарига кучли зарба бериши вазиятнинг маълум дараҗада яхшиланишига сабаб бўлади.⁹⁸

Жангнинг иккинчи куни яна Тўхтамишон қўшинининг ҳужуми билан бошланади. Хон Исабий ва Бахши Ҳожи қисмларидан ташкил топған жуванғарини муҳорабага ташлайди. Темурбекнинг ҳиравулини улоқтириб ташлашга муваффақ бўлған бу қўшин қаноти Соҳибқирон баранғарида жойлашган Амир Ҳожи Сайфиддин туманини қуршаб олади ва тўзитиб юборади. Бир

⁹⁷ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.176; Хизриев Х.А. Нашествие... – С.51.

⁹⁸ Қаранг: Хизриев Х.А. Нашествие... – С.51 – 52.

қанча жангчиларининг тарқалиб кетганлигидан саросимага тушмаган Амир Ҳожи Сайфиддин туманинг қолган қисми билан қаршилик кўрсатишда давом этади. Ўз сафдошларининг отлардан сакраб тушиб тиз чўккан ҳолда ғаним устига ўқ ёғдираётганлигини кўрган аскарлар орқага қайтиб улар сафига кўшилади. Жангнинг кескин пайтида қийин ахволда қолган бу туманга Амир Жаҳоншоҳ баҳодир, Темур Ҳожа Оқбуға ва Рустам баҳодир мирзо мадад кўлини чўзади. Кечгача давом этган жанг ҳеч бир томоннинг устунлигисиз тўхтайди.

Жангнинг сунгги – учинчи куни яна Олтин Ўрда қўшинининг кучли ҳужуми билан бошланади. Тўхтамишхон отлиқ ва пиёдани сафга тизиб, марказ ҳамда қанотларни қўшимча кучлар билан мустаҳкамлаб, ташаббусни ўз қўлига олиш илинжиде жасур ва сараланган аскарларини рўпаратан ҳужумга ташлайди.⁹⁹ Айни пайтда, хоннинг ишончли саркардаридан бири Яғлибой ҳам жуванғар билан жангга киради. Темурбек бу жуванғарнинг анча заифлашиб қолганини сезган ҳолда асосий зарбани унга қаратади. Темурбек жангчиларининг шиддатли ҳужумларига бардош беролмай пароканда бўлган хон аскарлари қочишга тушади.¹⁰⁰ Тўхтамишхоннинг жуванғари Усмон баҳодир бошчилигидаги Темурбек қўшини баранғари томонидан яксон қилиниб, улоқтириб ташланади. Яғлибой Усмон баҳодир билан бўлган яккама-якка олишувда ҳалок бўлади.¹⁰¹ Жанггоҳнинг бошқа жойларида ҳам Соҳибқирон кучларининг қўли баланд кела бошлайди.

Ниҳоят, Темурбек бутун жанг майдони бўйлаб ҳал қилувчи ҳужумга ўтади. Уч кун давом этган шафқатсиз кураш натижасида тинкаси қуриган Олтин Ўрда армияси қаршилик кўрсатишга мадори қолмайди ва узил-кесил мағлубиятга учрайди.¹⁰² Тўхтамишхон жанг майдонини хослари паноҳида ташлаб қочишга улгуради.¹⁰³ Темурбекнинг ушбу даҳшатли тўқнашув чоғида жуда танг ахволга тушиб ундан фақат

⁹⁹ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.465, 466; Хизриев Х.А. Нашествие... – С.58.

¹⁰⁰ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.208; Хизриев Х.А. Нашествие... – С.53.

¹⁰¹ Қаранг: Хизриев Х.А. Нашествие... – С.53.

¹⁰² Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.121, 178.

¹⁰³ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.465, Гревков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.312.

бор истеъдод, ғайрат ҳамда кучни ишга солиб шараф билан чиқиб кетиши унинг құдратли ҳарбий кучга эга, салоҳиятли саркарда билан қарама-қарши келганилигидан далолатдир.

Ибн Арабшохнинг ёзишича, Тұхтамишхон армиясининг мағлубиятта учрашига унинг сағидаги баъзи бир лашкарбошилар үртасидаги ихтилоф ва нифоқ маълум даражада сабабчи бўлади. Жангнинг учинчи куни иккала қўшин бир-бирига юзма-юз келиб жанг бошланиш олдида Даشت Қипчоқ қўшини барангари қўмондонларидан Оқтау бошқа бир қисм сардоридан бор бўлган хунини талаб қилиб хондан ўша нўённи ўлдириш учун ижозат сўрайди. Тұхтамишхондан рад жавобини олган Оқтау жizzакилик қилиб жангтоҳни ўз аскарлари ва қабиладошлари билан ташлаб кетади. Бу қабила Рум ерлари томон йўл олади ҳамда Андрианопол атрофидаги музофотларга ўрнашади. Бу хиёнат Олтин Ўрда хонининг кучини заифлаштириб, қолтан қисм аскарларини саросима ва ваҳимага солади.¹⁰⁴

Темурбек хоннинг ўрдугоҳида ташлаб кетилган жуда катта хазина ва бойликка эга бўлади. Соҳибқирон жангда алоҳида ўрнак кўрсатган саркардалар, баҳодирлар ва жангчиларга ўлжани тақсимлаб, ўзи Итилнинг қуи томонларига қараб чекинган Тұхтамишхонни қўлга тушириш ҳамда унинг Дон (Тан), Днепр (Узи), Қрим ва Марказий Кавказ тоғларидан паноҳ топган қолган-кутган гурухларини йўқ қилиш ниятида душман кетидан тушади.

Бу гал Темурбек жанг натижаси билан киғояланиб қолмасдан Олтин Ўрда давлатининг асосий ҳудудлари бўйлаб ҳаракат қилишни режалаштиради. Шимолий Кавказдан тезлик билан йўлга чиқкан Соҳибқирон Итил ва Дон дарёлари оралигига юриб, ҳозирги Волгоград шаҳри яқинидаги Тураптур кечуви орқали Итилдан ўтиб, Олтин Ўрданинг XIII аср ўрталарида қурилган Ўқак шаҳри томон юзланади. Шаҳарни эгаллаб, ғорат қылган Темурбек қўшини хонни Итилнинг юқори оқими бўйлаб таъқиб қилишда давом этади.¹⁰⁵

Булғория орқали Литва қироли Витовт ҳузурига кетишга ултурган Тұхтамишхон¹⁰⁶ изини йўқотиб қўйган таъқибчилар Самара кечигидан бошланувчи йўл бўйлаб ғарбга бурилади.

¹⁰⁴ Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б. 155.

¹⁰⁵ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.313; Хизриев X.А. Нашествие... – С.54.

¹⁰⁶ Қаранг: Хизриев X.А. Нашествие... – С.53.

Маълум масофадан сўнг жануби-гарб тарафга қараб от жиловини бурган Соҳибқирон кўшини Днепрнинг чап соҳилида жойлашган шаҳарлардан ўтиб, Қрим яримороли сарҳадларида пайдо бўлади.¹⁰⁷

Шундан сўнг Темурбек Рус ерларига қадам қўяди. Йўлйулак Олтин Ўрда зодагонларидан бирининг ҳарбий кучларини қуршовга олиб, тор-мор этган кўшин Дон дарёсининг юқори оқимида жойлашган Елец шахрини эгаллайди.¹⁰⁸ Доннинг сўл қирғогига кечиб ўтган Темурбек сафар давомида улкан ўлжаларни кўлга киритиб, Қуий Волгабўйидаги Балжаман шаҳрига, у ердан Дон ёқалаб Азов (Азақ)га келади. Кўшин юришида давом этиб Азовдан Кубан чўлларига қараб жўнайди. Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Темурбекнинг елдай учиб келишидан таҳликага тушган черкаслар Азов билан Кубан ўртасидаги яйловга ўт қўйиб юборади. Бир неча кун давомида мовароуннаҳрикликларнинг ем-хашак йўқлигидан қаттиқ азият чеккан от-уловлари ҳолсизланади, юриш сурати сусаяди. Бундан даргазаб бўлган Соҳибқирон черкасларнинг адабини бериб кўйиш мақсадида уларнинг юртларини хонавайрон қиласди.¹⁰⁹

Манбаларнинг хабар беришича, Олтин Ўрда шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб Темурбек қўмондонлигидаги бош кучлар билан бир қаторда бошқа, нисбатан кичик ҳарбий қисмлар ҳам ҳаракат қилган.¹¹⁰

1395 йилнинг қаҳратон қишида Соҳибқирон армияси Олтин Ўрданинг йирик шаҳарлари – Ҳожитархон ҳамда Сарой ал-жадид тарафга қараб сафарга отланади. Иккала шаҳар ҳам айтарли қаршиликсиз таслим бўлишига қарамай, батамом таланади ва ёкиб юборилади.¹¹¹

1396 йилнинг баҳорида Темурбекнинг ғолиб армияси Дарбанддан ўтиб Озарбайжонга қараб юзланади.

¹⁰⁷ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.185.

¹⁰⁸ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.315.

¹⁰⁹ Қаранг: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.315.

¹¹⁰ Ўша жойда.

¹¹¹ Қаранг: Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов... Т.II. – С.184 – 185; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.317; Егоров В.Л. Историческая география... – С.119; Ртвеладзе Э.В. О походе Тимура на Северный Кавказ // Археолого-этнографический сборник. Т.VI. – Грозный, 1976. – С.103 – 128.

Шундай қилиб, бир йил, яъни 1395 йилнинг кўкламидан 1396 йилнинг баҳоригача ўтган вақт ичидаги Соҳибқирон томонидан «Олтин Ўрданинг қудратини ва унинг улуғ давлатчилик сиёсатини қайта тиклаш»¹¹² мақсадида сиёсий майдонга чиқсан Тўхтамишхоннинг мавжуд иктиносидий, ижтимоий ва ҳарбий имкониятлари барбод этилди. Темурбек берган бу кучли зарбадан сўнг Олтин Ўрданинг аввалги қудрати ва шуҳратини қайта тиклашга қурби етмади.

ҲИНДИСТОН ФАТҲИ

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Фиёсиддин Алининг Темурбекнинг Ҳиндистонга қилган юришига бағишинган тарихий асарида битилишича, 1395 йили Тўхтамишхонни маглуб этган Темурбек Самарқандга қайтади ва қиш фаслини Оҳангаронда ўтказади. Пир Мұхаммад мирзони Мұгалистонга ҳоким этиб тайинлаб, унга чегараолди ҳудудларни мустаҳкамлашни, Хитой ва Ҳутанга қилинажак юриш учун озиқ-овқат ва ем-хашак жамғаришни буюради. Шу орада унга Ҳиндистонда исломнинг мавжудлиги, бироқ у ердаги аҳолининг асосий қисмини мажусийлар ташкил қилиши, мусулмон ҳокимлар будпараст оммадан фақат ўлпон йиғиш билан кифояланадаётгани ҳақида бирин-кетин хабарлар кела бошлайди. Мажусий қароқчиларнинг ёвуз ниятларига чек қўйиш, мўминларни улар ўтказаётган зулмдан озод қилиш, савдогар ва сайёҳларнинг хавф-хатарсиз келиб-кетишини таъминлаш каби мақсадларда Темурбек Хитой ва Ҳутанга қилиниши лозим бўлган юриш ўрнига Ҳиндистон томон қўшин тортади.

1398 йилнинг 15 августида Темурбек қўшини билан Кобул бўсағасида тўхтайди. Сафарда Соҳибқиронга Сароймулк хоним, Улугбек мирзо ва бошқа шаҳзодалар ҳамроҳлик қиласади. Йўл мاشақвати, айниқса, Ҳиндистоннинг жазира маисиқ ва гармселининг аёллар ҳамда ёш болалар соғлиғига ёмон таъсир қилишидан хавотирга тушган Темурбек маҳди улё Сароймулк хоним ва Улугбекни доруссалтана Самарқандга қайтаришга қарор қиласади. Шу кунлари Чигатой улусининг хони

¹¹² Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда... – Б.288.

Маҳмудхон ибн Суяргатмишхон Султон Ҳусайн баҳодир, Рустам баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Ғиёсиддин тархон, Ҳамза Тағойбӯға барлос, Амир Шайх Арслон, Амир Суёнчак баҳодир ҳамкорлигига Темурбек қароргоҳига келади ва Ҳиндистон сафарида иштирок этишга жазм қилганлигини билдиради.

1398 йилнинг 23 августида Темурбек қароргоҳига Темур Кутлуғ, Идику ҳамда Хизр Ҳожанинг элчилари ташриф буюради. Элчилар хурмат-эҳтиром билан қарши олинади. Элчи-ларга зарбоф тўнлар кийдирилиб, уларнинг шарафига базм берилади. Ўша куни Темурбекнинг эътиборли амирларидан Сарибӯганинг ўғли, фаросатли, мардлиги ва садоқати туфайли Форс вилоятининг доругаси лавозимига тайинланган Шайх Нуриддин Муҳаммад ўрдугоҳга келади. Соҳибқирон лашкари тушган юртга тортиқ сифатида олиб келинган ов күшлари, олтин билан безатилган эгар-жабдуқлар, ажойиб қурол-яроғлар, кийим-кечаклар, құмматбаҳо тошлар, тилла ҳамда күмуш буюмлар йигитланларни лол қолдиради. Девон муншийлари – дафтардорлари уч кун давомида келтирилган тұхфаларни рўйхатга олиб дафтарга битадилар. Шайх Нуриддин Темурбекнинг олқишига сазовор бўлиб, шохона совғалар билан сарафroz этилади.

Ағфонлар томондан вайрон келтирилган Эрёб қалъасини ўн тўрт кун ичида қайта тиклашга улгурган Темурбек у ергаги жомеъ масжидини таъмирилаш ва жиҳозлаш ишларини ниҳоясига етказиш вазифасини Амир Шоҳмалик зиммасига юклаб юришни давом эттиради.

20 сентябрь куни Темурбекнинг кўшини Синд дарёси қирғоғига етиб келади. Дарёга мўғулча кўпrik солиш ҳақида олий фармон берилади ва кўпrik зудликда битирилади. Шу куни кўшини ва йироқ давлатлардан келганд элчилар, жумладан, Макка ҳамда Мадинадан ташриф буюрган элчи Муҳаммад Маданийга ўз ватанларига қайтишга ижозат беради. 24 сентябрда музaffer қўшин Синддан кечиб ўтади ва Чўли Ҳусрав мавзеида тұхтайди.

Қисқа мuddатли ҳордиқдан сўнг йўлга чиқсан кўшин 6 октябрда жуда кенг ва чуқур Чинора дарёси ёқасига тушади.

Уч кун мобайнида қайиқлар ёрдамида болгланган кўпrik орқали кўшин қарши қирғоққа ўтади. Октябрнинг 13-куни Талмин шахри атрофлари Темурбек қўшинининг ранг-баранг байроқ

ва яловлари билан безалади. Омонлик тилаган шаҳар халқига икки юз минг бош қорамол ҳисобида солик солинади. Итотдан бўйин товлаган баъзи талминлик фуқароларни қаттиқ жазолаган Темурбек 19 октябрь куни Баёқ дарёси қирғогида жойлашган Жол мавзеида кўнади. Ушбу манзилда Темурбекка томимийлик Нусрат исмли шахс бир неча минг кишилик аскарлари билан истеҳкомда турғанлиги тўғрисида маълумот кела-ди. Соҳибқирон шу ондаёқ кўшинни сафга тизади ва ғанимга қарши юради. Барангтарда Амир Шайх Нуридин ва Амир Аллоҳдод, жувангарда Амир Шоҳмалик ва Амир Шайх Муҳаммад Эйгу Томур, кўлда Султон Али тавочи хуросонлик пиёдалар билан ҳаракат қиласди. Иккала кўшин орасида даҳшатли жанг содир бўлади. Нусрат қисмлари, айниқса, қўлга кучли зарба беради. Қулнинг кўмандони Султон Али ва қатор амирлар ярапланади. Жанг Шайх Нуридин ва Аллоҳдод бошчилигидаги ўнг қанот аскарларининг душманни ён томондан айланаб ўтиб қуршовга олгунга қадар давом этади. Қайсар ёвни мағлуб этган Темурбек аскарлари 21 октябрда Жол кўлидан кўп машаққат ва қийинчиликлар билан ўтиб, Шоҳнавоз номли манзилда тўхтайди. Бир неча беклар раҳбарлигидаги кувғинчи гурухлар жангдан қочган Нусрат тарафдорларини таъқиб этиш учун жўнатилади. 1398 йилнинг 24 октябрида Шоҳнавоздан кўчилиб, Жанжон қишлоғи қаршисида оқувчи Баёқ дарёси қирғогида тушилади. Кўшин икки кун давомида бу дарёдан комада ўтади. Баъзи бир шижаотли аскарлар тўлқинлари жўш уриб турган Баёҳдан эсон-омон сузига ўтишга муваффақ бўлади. 25 октябрь куни Мўлтондан Пир Муҳаммад баҳодир мирзо Жанжондаги Темурбек лашкаргоҳига ташриф буюради. Орадан тўрт кун ўтгач амирзода катта зиёфат беради ва бобоси Темурбекка арабий аргумоқ отлар, тилла камарлар, идиш-төвоклар, эгар-жабдуқлар, аёқ (қадаҳ)лар, кийим-кечаклардан анъянага кўра тўқиз тарзда пешкашлар қиласди. Пешкашларнинг сони икки кун давомида муншийлар ва дафтардорлар томонидан ҳисобга олиниб рўйхатга битилади.

Соҳибқирон набираси көлтирган тортиқларнинг барчасини амирларга, вазирларга, хосларга унвонига ва тутган мавқеига қараб бўлиб беришни буюради.

Мўлтон қалъаси ва унинг атрофидаги мавзеларни забт этиш чоғида Пир Муҳаммад баҳодир мирзо бошчилигидаги

лашкар оғир қийинчилекларга дуч келади. Сурункали давом этувчи ёмғир мавсуми натижасида юзага келгандай лойгарчилик күпгина от-уловларни ишдан чиқаради. Құшиннинг ҳаракати чекланиб қолади. Вазиятдан фойдаланған ёғий ҳам тез-тез ҳамла қила бошлайди. Бироқ Соҳибқирон сардорлигидаги улкан құшиннинг үз вақтида етиб келиши Пир Мұхаммад мираның мушкулини осонлаشتыради. Темурбекнинг фармонига құра Пир Мұхаммадға үттис минг от берилади. Натижада уловсиз қолған суворийлар қайтадан отта эга бўлади.

Ноябрь ойининг иккинчи куни Темурбек құшини Ҳимивол мавзеида қўнади ва бу ердан бир туман отлиқ аскарлари билан Ажудан шахри томон илғаб юради. Амир Шоҳмалик ва Давлат Темур тавочи Диболпурга йўналиш учун лашкаргоҳда қолдирилади. 4 ноябрда Ажудан шахри жангиз кўлга киритилади. Шариат пешволаридан мавлоно Носириддин Умар шаҳарга доруга этиб тайинланади. Шу куни Темурбек Ҳиндистоннинг йирик дарёларидан ҳисобланмиш Ажудандан ўтиб, Холисгири қалъасига етиб келади. Пешин намозини адо этган Соҳибқирон 100 км узоқлиқда жойлашган Битнир қалъаси сари равона бўлади. Режалаштирилган мақсадга иложи борича тезлик билан етиш йўлида Темурбек бир дақика бўлса ҳам ором билмайди. Кунни тунга улаган Соҳибқирон қайд этилган масофани тўхтамасдан босиб ўтади ва мўлжалдаги жой, яъни Битнирга 6 ноябрь куни икки минг суворийдан иборат қисм билан етиб келади.

Битнир қалъаси Ҳиндистоннинг энг мустаҳкам қўргонларидан бири бўлиб, унга рожа Дулжин ҳокимлик ва кўмондонлик қиласарди. Рожанинг қўл остида катта миқдордаги лашкар жам бўлиб, ҳар қандай ташки ҳужумни бартараф этишга шай турарди. Қалъанинг мустаҳкамлигидан, құшиннинг кўп сонлилигидан бамайлихотир бўлган рожа Темурбекка қарши жанг қилишга қарор беради. Соҳибқирон құшини ҳам саф тортиб жанггоҳга қараб йўл олади. Барангargа Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Аллоҳход, жуванғарга Халил сulton мирзо, Шайх Мұхаммад Эйгу Темур ва ўзга амирлар раҳбарлик қиласади. Дастраслабки ҳамладаёт қалъа остонасидағи искеҳомлар кўлга олинади. Аммо биринчи куни ҳиндупарнинг жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатуви сабабли қалъани забт этишга муяссар бўлинмайди.

Қамалдагиларни осонгина бүйсундириб бўлмаслигини фаҳмлаган Темурбек қалъани қамалга олишни, ҳар амир ўз қисми жойлашган позиция – бўлжардан истехком сари ер ости йўли – нақб қазишни амр қиласди. Темурбек аскарлари амалга ошираётган ишни қалъа дэворлари устидан ва буржу боруларидан кузатиб турган ҳиндулар қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушуниб етадилар, уларнинг улууглари Соҳибқирон қошига бўйин эгиб келиб омонлик беришни илтимос қиласдилар. Темурбек уларнинг илтимосини қондиради. Рожа Дулжин қалъадан ўз муовини ва ўғлини турли-туман тухфалар – лочинлар, арабий аргумоқлар, зебу зийнатлар билан Темурбек қароргоҳига жўнатади. Соҳибқирон уларнинг иккаласига зарбоф тўнлар, олтин билан безатилган шамширлар ҳадя этади ва қалъага қайтиб кетишга ижозат беради.

8 ноябрь куни қалъадан Шайх Саъдуддин Ажудоний ҳамроҳлигига чиққан рожа Дулжин Темурбек қароргоҳига келади. Соҳибқиронга ов кушлари, олтин билан безатилган эгар-жабдуқлар, тубучоқ отлар пешкаш қилинади. Барча беклар, амирлар ва амирзодаларга саман отлар ҳадя этилади. Ўз навбатида, рожа ҳам зарбоф тўн, мурассаъ камар ва тож билан тақдирланади. Битнир қалъасидан 13 ноябряда йўлга чиққан Темурбек кўшини бир қанча манзилларни босиб ўтиб, аҳолиси тумтарақай қочиб кетган Фатҳобод қўрғони атрофида тўхтайди. Қочоқлар ортидан қувғинчилар тайин қилингач, 17 ноябряда бу ердан отларга минилиб, Раҳтпур истехкомидан ўтилиб, Ахруний қалъасига етилади ва шу манзилда кўшин бўлжари белгиланади. Эртасига сафар ҳаракатлари давом эттирилади. Тухна мавзеи зафарли кўшин туғлари билан безалади. Бу ернинг аҳолиси ҳам Темурбекнинг келаётганлигидан хабар топиб яшаш жойларини тарқ этган, атрофдаги дашт, ўрмон ва тоғу тошлардан паноҳ топганди. Мавлоно Носириддин Умар ва Таваккал Қарқара қўмондонлигидаги таъқиб учун жўнатилган отлиқ гурӯҳ қочоқларнинг бир қисмини қиличдан ўтказиб, бир қисмини асир олиб, анчагина қорамолни ўлжа қилиб келади. Орадан икки кун ўтгандан сўнг Соҳибқирон Тухнани тарқ этади. Сулаймоншоҳ баҳодир бошчилигидаги ўғруқни Сомона шахри томон жўнатган Темурбек яширинишига улгурган життонларнинг жазосини бериш мақсадида от суради. 21 ноябрь куни

Темурбек қүшини Сомона шаҳри яқинидан оқувчи Кўҳгар дарёси бўйида ўғрук билан қўшилади ва тўрт кун давомида шу ерда муқим туради. 25 ноябрда Темурбек отланиб Пули Кўйлага етиб келади ва илғор учун тўрт томонга юриш қилган Султон Маҳмудхон, Султон Ҳусайн баҳодир мирзо, Рустам баҳодир мирзо, Ғиёсiddин тархон, Жаҳоншоҳ, Шайх Арслон, Ҳамза Тагойбўға, Амир Мубашири, Севинчак баҳодир раҳбарлигидаги қўшин билан қўшилади. Тонгласи Пули Кўйландан эсон-омон ўтилиб, Шоҳмалик раҳбарлигига етиб келган ўғрук билан дийдор қўришилади. Шундан сўнг Соҳибқирон қўшинни жанговар тартибга тизиб Дехли шаҳри сари равона бўлади. Барангтарда Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Рустам баҳодир мирзо, Халил султон мирзо, Сулаймоншоҳ баҳодир, Амир Шайх Нуриддин, Мизроб мирзо, Ёдгор барлос ва бошқа амирлар, жуванғарда Султон Маҳмудхон, Султон Ҳусайн баҳодир мирзо, Жаҳоншоҳ баҳодир, Амир Шоҳмалик, Шайх Арслон, Шайх Муҳаммад Эйгу Темур, Севинчак баҳодир, қўлда ўнг минг аскардан иборат гвардия – сонсиз, Аллоҳдод, Али Султон тавочи ва бошқа туманларнинг саркардалари йиғрма курух (40 км) масофада ҳаракат қилиб боради.

Қалъаи Асинди ва Туғлуқпур ҳисорини йўл-йўлакай забт этган улкан қўшин 2 декабрь куни кимсасиз қолган Панипатга етиб келади. Шаҳар омборларида сақланаётган катта миқдордаги фалла сипоҳга ва мулозимларга олий фармонга биноан таҳсиланади. Орадан икки кун ўтгач барангтар ва жуванғар кўмандонлари биргаликда қисмларнинг қурол-ярголарини, кийим-кечакларини назардан ўтказадилар. 6 декабрь куни барангтар беклари Дехли шаҳридан 2 фарсанг масофадаги Жаҳоннумой мавзенигача бўлган жойларга ҳужум қилиш ҳақида Темурбек буйруғини бажаришга киришади. Ҳужум чоғида кўплаб мажусийлар талон-торож қилинади, асир олиниади. Улкан ганиматни қўлга киритган аскарлар ғолибона ва шодиёна аскаргоҳга қайтиб келади.

9 декабрда Соҳибқирон Жаун дарёсидан кечиб ўтиб, теварак-атрофи ям-яшил ўтлоқ билан қопланган Луни қалъаси яқинида тушади. Аввалроқ қалъага жангу жадалсиз таслим бўлишни таклиф этиш мақсадида Жаҳоншоҳ, Шоҳмалик ва Аллоҳдод юборилганди. Лекин бу ердаги Маллухоннинг тарафдорлари таклифни қабул қилмай қаршилик кўрсатишни

маъқул кўради. Қалъа аҳлининг бундай қароридан бохабар бўлган Темурбек зудлик билан қалъагирлик асбобларини шайлашни, тўш-тўшдан нақблар қазишни амр қиласди. Хуфтон намози вақтида қалъа таслим бўлади. Ичкаридаги мајусийларнинг аксарияти ўз хотин-халажи, бола-чақаси ва уй-жойини ёқиб юборади. Темурбек қўшини тунни қалъа ташқарисида ўтказади. Эртасига қўргонда уруш ҳаракатларини давом эттираётган Маллухоннинг содик навкарлари Соҳибқирон аскарларининг шиддатли ҳамласига бардош беролмай яксон бўлади. Қалъа ғорат қилинади.

Декабрнинг 11 куни Темурбек Луни қалъасини тарк этиб, Жаҳоннумой яқинидаги Жаун дарёси қирғоги бўйлаб юриши давом эттиради. Дарёдан гузар топилгач, орқага қайтишга ва ўрдугоҳга тушишга буйруқ берилади. Бу ерда қўшин икки кун ором олади.

Рабиулоҳир ойининг биринчи куни, яъни 11 декабря Соҳибқирон Амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва Амир Жаҳоншоҳ баҳодирларни Дехли шаҳрининг жанубида жойлашган юртларни ғорат қилиш учун жўнатади. Ўзи эса етти юзатча зириҳпўшлар ҳамроҳлигига Жаҳоннумой атрофларини синчиклаб кўздан кечиради, жойнинг тузилишига, у ердаги обьектларга диққат-эътиборни қаратади. Кузатув ниҳоясига етгач, Темурбек бўлажак жанг майдонининг ўрнини белгилайди. Шу орада Маллухон тахминан тўрт минг отлиқ ва беш минг пиёда аскарлар ҳамда йигирмата фил билан қалъадан ташқари чиқиб Темурбек қўшинига қарши кела бошлайди. Жаун дарёси ёқасида турган Севинчак баҳодир ва Сайийд Хожа Мубашир бошчилигидаги уч юз кишидан иборат гурӯҳни ҳиндлар ўққа тутади. Кўмак учун етиб келган икки катта мададкор қисм Маллухон лашкарига селдай ёпирилиб дастлабки ҳужумдаёқ ғанимни Дехли томон юз буришга мажбур қиласди. Тартибсиз чекинаётган рақибини тезкорлик билан таъқиб этган Соҳибқирон ўзининг осмонўпар саропардасини 1398 йилнинг 11 декабрида Дехли шаҳри бўсағасидаги мавзеда тикади. 13 декабрь куни Темурбек Луни қалъасининг шарқроғида лашкаргоҳ қуришни ҳукм қиласди. Соҳибқироннинг қароргоҳида машварат бўлиб ўтади.

Ҳарбий кенгашда юришда иштирок эттаётган амирзодалар, улуғ амирлар, қўшун, туман сардорлари, аркони давлат

ҳамда ғуломлардан ташкил қилингандың минг кишидан иборат олий бош құмандоннинг шахсий гвардиясы ҳисобланыш соңсиз иштирок этиши шарафига мүяссер бўлади. Темурбек машваратда кутилаётган даҳшатли жангни олиб бориш, ғаним билан жантаги кириш, унинг сафларини орқа томондан айланиб ўтиб бузиш, саваш гирдобидан қандай чиқиш тартиб-коидаларини бамайлихотир, аниқ ва равшан ифода этиди. Ҳарбий ҳаракатларнинг муқаддимаси ва якунининг қай маромда бориши ишонч билан таърифланади. Ҳиравул, баранғар, жуванғар, қўл, ҷағдавул ва соңсизнинг жанггоҳдаги ўрни аниқ кўрсатилади. Бу қисмларнинг жанг чоғида амалга оширадиган вазифалари, душман ҳамласини қайтариш ва қайта ҳуқумга ўтиш усуслари белгиланади. Соҳибқирон баёни этаётган фикр-мулоҳазалардан унинг бўлажак жангда ғала-ба қозонишига иймони комиллигини сезиб турган машварат аҳли ҳарб ишидаги бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, зафар байрогининг янада маҳобатлироқ ҳилпирашига ўз ҳиссаларини кўшишга яқдиллик билан аҳд қиласидилар.

Ушбу кун тарих машъум бир воқеанинг шоҳиди бўлади. Йирик лашкарбошилар ва мирзоларнинг Синд дарёси қирғоқла-ридан Дехли остонасигача бўлган сафар пайтида асир қилингандын юз мингдан ортиқ мажусий ҳиндларнинг Султон Маҳмудхон билан кутилаётган жангда ўз ўртдошлари томон оғиб, Соҳибқирон сипоҳига ортдан хавф солиши эҳтимолдан холи эмаслиги, шу сабабли уларнинг баҳридан ўтиш мақсадга муво-фиқ деган фикрлари Темурбек томонидан инобатга олинади.

Натижада ўрдugoҳга жам бўлган тутқунлар ёппасига қи-личдан ўтказилади.¹¹³

15 декабря Темурбек бошчилигидаги Мовароуннаҳр қўшини Жаун дарёси ёқалаб ҳаракатни бошлайди. Дарёни кечиб ўтиб қарши қирғоқдаги Пуштаи Баҳоли тепалигига ту-ташган жарлик ичига хавф-хатардан холи бўлиш мақсадида жойлашади. Икки кун дам олган кўшиннинг илғор, ўнг қанот, сўл қанот, марказини жанговар тартибга тизган Соҳибқирон 17 декабрь куни маъррака майдонига қараб юради.

Баранғардан Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Сулаймоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар, жуванғардан Султон Ҳусайн баҳодир

¹¹³ Қаранг: Гиясиддин Али... Дневник... – С.111.

мирзо, Халил султон баҳодир мирзо, Жаҳоншоҳ баҳодир ва бошқа саркардалар, ҳиравулдан Рустам баҳодир мирзо, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик, Аллоҳдод сингари амир ва беклар ўрин олганди. Соҳибқирон ўз шахсий гвардияси – сонсиз, қўмак учун мўлжалланган қисмлар билан кўлда жойлашади.

Рўпарада шаҳзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қанча ҳинд саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг кишилик суворий, йигирма минг сара пиёда ва бир юз йигирмата жанговар филдан таркиб топган қўшин ҳам сафга тизилиб, осмоний қўмак ва раббоний мададга суянган ҳолда лашкар тортиш қоидаси ва қўшин безатиш услубига биноан асбоб-аслаҳаларини тартибга солиб, урушу тўқушга шайланади. Қўшин сафи олдида ҳаракат құлувчи төғмонанд ҳайбатли филларнинг ҳартумлари бир-бирига боғланган, филлар устига думалоқ қажавалар ўрнатилган, уларда бир неча тирандозлар жойлаширилганди. Филлар қатори ёнидан тўп отувчилар, яъни раъдандозлар ўрин олади.

Темурбекнинг ҳумоюн қўшини кўпдан-кўп жангу жадалларда иштирок этган, манаман деган рақиб лашкарларини синдирган, унга ўша даврдаги ҳарбий санъатнинг барча сир-асрорлари, қонун-қоидалари маълум ва ойдин эди. Бироқ музaffer мавкиб мана шу кунга қадар девларни ҳам қочишига ундейдиган, қўнғироқ ва занглар тақилган даҳшатли филлар ёрдамида жангга отланган душман билан юзма-юз келмаганди. Айниқса, илгари филларни кўрмаган отларнинг ҳуркиб қочиши темурийларни анча қийин аҳволга солиб қўяди. Баъзи жангчилар ғулғулага тушади, уларни ваҳима босади. Иккала қўшин бир-бирига жуда яқин масофага келган чоғда Темурбек ўз қароргоҳи ўрнатилган Баҳоли дўнглигидан атрофни кузата боштайди. Дўмбира овози, ногора наъраси, карнай-сурнай садоси остида қаравул ҳамда илфор қисмларнинг тўқнаш келиши жанг бошланганилигидан далолат беради. Ушбу лаҳзада Соҳибқирон сарой мулозимларидан Мавлоно Носириддин Умарга тош устига жойнамоз тўшашни буюради. Темурбек Яратганга ҳамду санолар айтиб, ундан қўмак ва шафоат тилаб икки қатла саждага боради. Бу пайтда Шайх Нуриддин, Шоҳмалик, Аллоҳдод ва бошқа номдор амирлар қўмондонлигидаги ҳиравул қисмларнинг аҳволи оғирлашиб қолган, душман кучларининг асосий зарбасини

қайтариш уларнинг зиммасига тушганди. Анчагина талафот кўрган илфорга ўз вақтида берилган кўмак ўзини ўнглаб олиш имкониятини яратар, ғаним эса марказ – кўлга суқилиб кириш имкониятидан маҳрум бўларди.

Вазиятнинг ўта хавфлилигини сезиб турган Темурбек кўлдан нафақат ҳираувулга, балки душманнинг шиддатли ҳужумларини даф этиш билан банд бўлган баранғарга ҳам Али Султон тавочи қўмондонлигидаги отпик қисмни зудлик билан мадад сифатида ажратади. Ўз вақтида берилган ёрдамдан баҳраманд бўлган, жанговар руҳи кўтарилиган ҳираувул ва баранғар ахли янги куч-ғайрат билан ёвга ташланади ҳамда ташаббусни ўз кўлига олишга мусассар бўлади. Илғор қисм ва ўнг қанот аскарларининг жанг чоғидаги жасорати ва матонати бошқа қўшин қисмлари жангчилари кучига куч, қувватига қувват кўшади. Қуролдош дўстларининг мардлиги ва қаҳрамонлиги уларни жасоратга ундаиди, галабага илҳомлантиради. Бу қисмлар баъзи бир аскарларни саросимага туширган баҳайбат филларни писанд қилмай уларга найза санчар, олов ва тутуни ҳаммаёни тутувчи, гумбир-гумбири жангтоҳни ларзага келтирувчи тўп – раъдларни қўзга илмай душман кишиларини қиличдан ўтказарди. Филлар устидаги кажавадан ўрин олган ғаним ўқчилари туркий мерғанлар отган ўқлардан тутдай тўкилар, от ва фил оёқлари остида қолиб ҳалок бўларди. Айниқса, ярадор филларнинг филбонларни улоқтириб орқага қарамай қочиши ҳинд аскарларига катта қирон келтиради. Ўқ ва найза санчилишидан заҳмат етган бу ҳайвонлар ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилади, қаторларни янчиб ўтади ва тўзитиб юборади. Ёв сафларида парокандалик ва бошбошдоқлик аломатлари сезила бошлайди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига Пир Мұхаммад баҳодир ва Сулаймоншоҳ баҳодир қўмондонлигидаги баранғар, Султон Ҳусайн баҳодир, Халил Султон баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Фиёсиiddин тархон саркардагидаги жуванғар, Рустам баҳодир, амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳмалик, Аллоҳходдод раҳбарлигидаги ҳираувул, ниҳоят, Соҳибқирон бошчилигидаги кўл жангчилари ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшади. Душман қўшини кўп курбон кўришига қарамай сабот ва матонат билан қаршилик кўрсатар, мардлик ва жасурлик намуналарини намойиш этарди. Бироқ

борган сари уларнинг сафи сийраклашиб, қаршилик кўрсатиш имкониятлари чеклана боради. Ниҳоят, Темурбекнинг ҳиравул, қунбул ва қўл қисмлари рақиб қўшинини куршовга олишга муваффақ бўлади.

Филлар қўлга киритилади. Жангроҳ минглаб ғаним аскарларининг мурдалари билан тўлиб кетади. Кичик отлик гуруҳ ҳимоясида жанг майдонини ташлаб қочган Султон Маҳмуд ва Маллухон Деҳли шаҳрига нажот топиш мақсадида беркинади. Жанг ниҳоясига етгач, Соҳибқирон барча амирзодалар, лашкарбошилар, бек ва амирларни ўз қароргоҳига муҳорабанинг қай йўсинда борганилиги, барангар, жувангар, қўл, ҳиравул, қунбул, сонсиз ва бошқа қисмларнинг жанг майдонида қандай ҳаракат қилганлиги, ғаним билан бўлган аёвсиз курашда алоҳида жасорат, матонат ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатган аскарлар, қўмандонлар, ҳарбий бўлинмалар, қисмлар ҳақида ҳисбот беришга тўплайди.

Ўнг қўл, сўл қўл, марказ, илғор ва бошқа қисм саркардапари, амирзодалар, номдорbekлар ҳамда амирлар ўзлари бошқарган қисм ва бўлинмаларнинг, қолаверса, ҳар бир жангчининг кучли душман билан бўлган тўқнашувда Соҳибқирон белгилаган режа бўйича ҳаракат қилганлиги, ёвнинг кучли ҳужумлари мардонавор қайтарилгач, унга қақшатқич зарба берилганлиги, ғалабани қўлга киритишида марказ – қўлдан ўзга қисмларга ўз вақтида бериб турилган мададнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги, ғалаба ёр қўшиннинг ҳар бир аъзоси – жанг сафининг диловарлари, диловарлик маъракасининг паҳлавонлари, қаҳрамонлик жангроҳининг баҳодирлари бўлмиш марду майдон кишилар, душман қанчалик қасд қилмасин, ҳаммасини орқага кайтарганлиги, иш ўку ёй отишдан тиғу найза санчиш ва яkkама-якка олишишгача етганлиги, ботирларнинг урҳа-ур, ҳаё-ҳай, ҳайқириқ ва наърларидан маъракагоҳ парзага келганлиги, дўмбира, ногора, карнай, сурнайлар овозидан гардун кулоги кар бўлганлиги ҳақида тўлқинланиб ва жўшиб ҳикоя қиладилар. Айниқса, Халил Султон баҳодирнинг маъракада кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати ҳаммани қойил қолдиради. Эндиғина ўн беш ёшга қадам кўйган мирзода жанг алангаси айни авжга чиққан, икки муҳолиф худди довул натижасида жунбишга келган икки дengиз тўлқинлариdek бир-бирига туташган маҳалда қаҳр-ғазаб

шамширини баланд күтариб ғаным аскарларига ўз ўлжасига чапдастлик билан ташланган арслон мисол ҳамла қилади. Темурний жангчиларга хавф солаётган тоғсифат филларга қарши дадил ҳаракат қилиб улардан бирини ўлжа олади ва бобоси Темурбек ҳузурига олиб келади. Тұла эъзозу икромлар билан Халил Султонни бағрига боссан Темурбек навқирион мірзо күрсатған шижаат, мәрдлик ва садоқат ҳар қандай таҳсингә лойиқлігіні ахли лашкарға маълум қилади ҳамда ушбу қаҳрамонлік лавхаларини тарих саҳифаларига зархал ҳарфлар билан битиб күйишга ижозат беради. Сұңг шикаст топтан душманині таъқиб қилиб борган Темурбек күшини пешин намози вактида Дөхли дарвозалари ёнида пайдо бўлаади. Шаҳар ҳалқига ҳеч қандай озор етказилмай Соҳибқирион от жиловларини орқага буришга ва Лаби ҳовузи хос номли жойда кун ботгунча тұхташга ҳукм қилади.

Чоршанба кунига ўтар кечаси Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қатор ҳиндистонлік сардорлар Дөхлининг жанубий дарвозалари орқали қочишига юз тутғанлиғи ҳақида маълумот олинади. Темурбек ўша заҳотиёқ амирлар билан маслаҳатлашиб, қочоқларни таъқиб қилиш учун қувғинчи гуруҳ жұнатади.

Эртасига, яны 18 декабрь куни Соҳибқирионнинг зафар белгилари битилгандар байроқлар билан сарбасар бўлган осмонўпар саропардаси қабул учун майдон дарвозаси рӯпаратасидаги ийдоҳоға тикилади. Дөхли шаҳрининг бузурглари, саййидлари, қозилари, аъёнлари тўпланишиб ташқари чиқади. Маллухоннинг собиқ ноибларидан Фазлуллоҳ Балхий каби уламолар, девонхона хизматчилари, шайхлар ҳам булар билан биргалиқда келиб Темурбек гиламини ўпиш шарафига мұяссар бўладилар. Келганлар Соҳибқириондан дехлиликларнинг гуноҳидан ўтиб, уларга омонлик беришни илтимос қилади. Пир Мұхаммад баҳодир мірзо, Сулаймоншоҳ баҳодир ва бошқа амиру беклар шу илтимосни қондириш маъқул деган фикрни билдирадилар.

Жұма куни Мавлоно Носириддин Умарға фозилу фузало, олиму уламо, шайху машойих, садру судур ва бошқа аркони давлат ҳамроҳлигига шаҳарга кириб, Темурбек Кўрагон номига хутба ўқишига амр қилинади.

Темурбек эришилган зафарларнинг безаги бўла олувчи бу тарихий ғалабани осон қўлга киритишида мададкор бўлган

Тангрига шукроналар айтишга ва миннатдорлик туйғуларини адо этишга киришади. Ҳумоюн қўшинининг фатҳи хабаридан иборат фатҳномалар рубъи маскуннинг атроф жавониб ерларига шамолдек тез учувчи чопарлар орқали юборилади.

1399 йилнинг биринчи январида Соҳибқирон музaffer кўшинга Ҳиндистон юриши ниҳоясига етганлиги, йирик жангларда улкан ғалабалар қўлга киритилганлиги, кўпдан-кўп қалъа, ҳисор, шаҳар, вилоят ва юртлар забт этилганлиги, бөхисоб молу дунё, зебу зийнат, асиру тутқунлар ўлжа қилинганлиги, энди Ватанга, доруссалтана Самарқандга қайтиш вақти көлганлиги тўғрисида фармони олийни эълон қиласди.

ЯШИННИНГ СЎНИШИ

Шимоли-ғарбий Онадўлига Ўрта Осиёдан кўчиб келган қайи қабиласи асосида шаклланган Салжуқийлар салтанати XIII асрнинг охирига келиб Европада бир қатор йирик ғалабаларни қўлга киритади. Булғория ва Сербиянинг турклар томонидан забт этилиши Венгриянинг мустақиллигига тўғридан-тўғри хавф сола бошлади. Венгрия қироли Сигизмунд кўмондонлигидаги Ғарбий Европа рицарларидан ташкил топган юз минглик армиянинг 1396 йил 25 сентябрь куни Дунайнинг ўнг қирғофида жойлашган Никополь шаҳри бўсагасида сulton Боязид I Илдирим қўшини томонидан тор-мор қилиниши туркларга шарти кетиб, парти қолган Византия империяси қаршилигини синдириб, унинг пойтахти Константинополни эгаллашга йўл очиб беради.¹¹⁴ Бироқ тез орада ҳалқаро вазиятда кескин ўзгаришлар содир бўлади ва усмонийлар салтанатининг тақдиди қил устида қолади.

Шиддатли ҳарбий амалиётлар туфайли Европанинг катта қисмини бўйсундирганлиги учун Илдирим, яъни яшин, чақмоқ лақабини олишга мусассар бўлган сulton Боязид I ҳамда ўз ҳарбий қудратининг чўққисида бўлган жаҳонгир Темурбек мақсадлари Кичик Осиёда тўқнаш келади.

¹¹⁴ Қаранг: Умняков И. Из истории... – С.3; Петросян Ю.А. Османская империя. Могущество и гибель. – М.: Наука, 1990. – С.10 – 36; Рансимен С. Падение Константинополя в 1453 году. – М.: Наука, 1983. – С.32 – 54.

РУМ СУЛТОНИ БОЯЗИД ИЛДИРИМ БИЛАН БҮЛГАН ЖАНГ

Тарихнинг далолат беришича, Темурбек ўз қўшини билан Шарқий Онадўли сарҳадларига 1386 йили илк қадам қўян ва Арзинжон шахри яқинидаги туркларнинг катта ҳарбий қўшинларини мағлуб этган эди.¹¹⁵ Орадан саккиз йил ўтгач, 1395 йили Соҳибқирон бу ўлкаларга иккинчи бор юриш қилади. Усмонийларнинг Сивосгача бўлган анчагина ерлари талон-торожга дучор бўлади. Боязид Илдиримнинг ўғли, Сивос вилоятининг ҳокими Эртуғрул Темурбекка қарши ҳаракатларнинг бирида ҳалок бўлади.¹¹⁶ Фатҳ этилган Сивосдан кутипмагандаги Соҳибқирон Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдодга қараб от суради.

Ироқ, Шом, Даشتி Қипчок, Ҳиндистон сингари мамлакат ерларини хос ўзиники қилишга мусассар бўлган Темурбек салтанатнинг жануби-ғарбий чегараларига яқин жойлашган Болқон ҳамда Кичик Осиёда барпо этилган кудратли усмонийлар давлатининг кучайиб кетишидан, албатта, манфаатдор эмасди.

1401 йилнинг қиши кунларини Қорабоғдаги қишловда ўткаётган Темурбек айни пайтда Византияning пойтатхи Константинополни ҳам куруқлик, ҳам дengиздан муҳосара этиб, мустаҳкам ва кучли истехкоми бўлган бўшаҳарни кўлга киритиш баҳтига муваффақ бўлолмай турган Туркия Султони Боязид I Илдирим (1389 – 1402) қароргоҳига элчи юбориб, ундан византияликларнинг турклар томонидан забт этилган барча ерларини эгаларига қайтариб беришни қатъий талаб қилиб қўяди.¹¹⁷ Темурбекнинг масалани бундай алпозда кўндаланг қўйишидан дарғазаб бўлган, шунингдек, яқинлашиб келаётган хавфнинг нақадар даҳшатли эканлигини унчалик кўзга имлаган, маълум дараҷада манманлик ва мутакаббirlilikka берилган шижоатли ҳамда қизиқон Боязид, ўз навбатида, дагал, ҳақоратомуз сўзлар билан битилган жавоб мактубини Соҳибқиронга йўллайди.

¹¹⁵ Петросян Ю.А. Османская империя... – С.26.

¹¹⁶ Қаранг: Рансимен С. Падение... – С.49; Петросян Ю.А. Османская империя... – С.27.

¹¹⁷ Қаранг: Умняков И. Из истории... – С.3.

Ибн Арабшоҳ Боязид мактубининг қуйидаги курақда турмайдиган жумлалар билан тугалланганини алоҳида қайд этади: «Мөн биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтамасдан бизнинг мампакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга көлсанг-у, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин».¹¹⁸

Айни замондаги, султон ўз кучларини Константинопол қамалидан олиб Темурбекка кучли зарба бериш ниятида Онадўлида жамлай бошлидай.¹¹⁹

Султон Боязид Бурса шаҳрида турган чоғда Темурбек жўнатган элчи иккинчи бор ўша талаб билан унинг қароргоҳига қолади. Соҳибқирон билан бўлажак жангда ўзининг ғалаба қозонишига тўла ишонган Боязид элчини: «Майли, Темур урушни бошлийверсин. Мен у билан сулҳ тузишдан жанг қилиши афзал кўраман», – деган жавоб билан қайтариб юборади.¹²⁰ Натижада Темурбек султонга қарши юришга жазм қилади. Руи Гонсалес де Клавихо Темурбекнинг Боязидга қарши қўшин тортиш сабабини мана бундай тушунтиради: Арзинжон ҳокими Таҳуртандаги ерлари усмонийлар давлати мулклари билан чегараодош эди. Таҳуртандага тааллуқли ерларга, айниқса, Камоҳ қалъасига эга бўлиш ниятида юрган Боязид ундан қалъани топширишни ва бож тўлашни талаб қилади. Таҳуртандаги бож тўлаши мумкинлигини, аммо қалъани аслю бермаслигини баён қилади. Боязид Таҳуртандага элчи йўллаб қалъани нима бўлса-да бериши лозимлигини, ако ҳолда бор мулкларидан ажралишини билдиради. Таҳуртандаги ушбу вақтда Эронда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Томурбекка совға-саломлар билан мактуб жўнатади. Мактубда у Соҳибқироннинг тобеси эканлигини билдиради ва ундан мадад сўраб ҳимоясига олишини илтимос қилади. Темурбек Боязидга элчи юбориб ундан Таҳуртандаги фуқароларига ҳеч қандай зарар етказмаслиги лозимлигини талаб қилади.¹²¹

¹¹⁸ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 2-китоб. – Б.258 – 259.

¹¹⁹ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.258 – 259; Петросян Ю.А. Османская империя... – С.26; Рансимен С. Падение... – С.49.

¹²⁰ Қаранг: Петросян Ю.А. Османская империя... – С.26.

¹²¹ Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... – С.66.

«Равзат ус-сафо»да ўз манзилларига қайтишга ижозат берилган турк элчиси орқали сultonга юборилган мактубнинг мазмуну куйидагичадир:

«Чун жиҳод ва ғизо ойини ул мамлакатда қойимдурур ва бизнинг мижозимизга мувофиқ эрмасдурким, ул диёрга мансур лашкар убуридин осиб етгай. Ва биз мунча мадоротариқин маслук тутадурмизким, агар Тахуртанинг мутаалиқотин юбориб фарзандларнинг бирин бизнинг қошимизга равона қиласанг, то ани ўз фарзандларимиздин киромийроқ тутадурмиз ва икки ародин муҳолифат губори туруб Рум мамлакати санга топширулгай. Ва ул диёрнинг одамлари шул васила билан фориғбовла осудаахвол бўлуб, куффор иноди дафъига ва фужжор фасоди раъига машғул бўлгай. Ва ёвуқдурурким, агар муҳим бу минвол била ўтса мунинг баракоти дунё ва охиратда ҳамманинг рӯзгорига восил ва мутавосил айлангай».

Рум ёрларини мукаммал билувчи қулавуз – йўлбошловчилар тайин қилингач, Соҳибқирон кўшинни кўриқдан ўтказишини тавочиларга буюради. Яқинлашиб келаётган жангнинг турклар учун ҳаёт-мамот жангни эканлигини, шу сабабли уларнинг бир томчи қони қолгунча саваш қилишлари табиий эканлигини жуда яхши пайқаган Темурбек Самарқандга чопар йўллаб таҳт вориси ҳамда валиаҳд Муҳаммад Султон мирзо ибн Жаҳонгир мирзога атоқли саркарда Амир Ҳожи Сайфиддин ҳамроҳлигидаги мадад кучлар билан тезликда ҳузурига етиб келишга амр қиласди. Ўзи эса Румга юзланади ва 1399 йили Боязид томонидан фатҳ қилинган, Арзинжон шаҳридан 38 км узоқликда, Фрот дарёсининг гарбий соҳилида жойлашган Камоҳ қалъаси опдида тушади. Камоҳ қалъаси ғоят пишиқ, мустаҳкам ва баланд бўлиб, бир тарафидан унинг деворлари тагидан Фрот дарёси оқиб ўтса, иккинчи тарафдан буржу боруларини кенг бир водий химоя қиласди. Водийга киришнинг асло имкони йўқ эди, чунки у жой Фрот дарёсига кўйиладиган ирмоқ йўли эди. Қолган икки тарафда эса қирва тепаликлар мавжуд бўлиб, у ёрдан қалъага яқинлашиш мумкин эмасди. Мирзо Муҳаммад Султон ва Амир Ҳожи Сайфиддин бошчилигидаги Мовароуннаҳр кўшини етиб келгач, Темурбек Камоҳ қалъасини эгаллаш вазифасини валиаҳд набираси зиммасига юклайди.

Қалъа муҳосараси 1402 йилнинг май – июнь ойларида соҳидир бўлади. Темурбек қалъага унинг орқа томонида жойлашган эгри-бугри водий орқали яқинлашишга қарор қиласди. Соҳибқирон буйругига биноан қўшин ахли теварак-атрофда бор бўлган дараҳтларни кесиб, ёғоч, хода ва шоҳ-шаббаларни водийга ташлайдилар, уни ер билан баробар қиласди. Томурбек тадбири амалга ошса, бошига қандай кулфатлар тушишини фахмлаб қальсадан ўт, ёнаётган нафт ҳамда махсус туз, кўмир ва олтингурут араплашмасидан тайёрланган ёнуви мураккаб модда – боруд ташлаб ёғоч ва шоҳ-шаббаларни ёқиб юборади. Муваффақиятсизлиқдан эсанкирамаган Соҳибқирон қалъани забт этишининг бошқа бир тадбир-чорасини кўради. У лашкарга қалъа атрофидан бир халтадан тошигиб келишни ва сойни тошлар билан тўлдиришни буюради. Водий тошлардан тўлгач, аскарлар тўда-тўда, гурух-гурух, франж-фавж бўлиб унинг устидан юриб ўтиб қалъага яқинлашиди. Қалъагирлик асбоб-олатлари ишга солиниб, ҳисор деворларига шоту ва нарвонлар қўйилиб, аскарлар ташланган киманд ва арқонларга осилиб юкорига кўтарила бошлидай. Фаросат билан кўрилган тадбирга ҳар қандай қаршилик кўрсатишини бөхуда эканлигига шак-шубҳаси қолмаган мудофаачипарнинг таслим бўлиши ва омонник тилашдан ўзга иложлари кўпмайди. Қалъага кирган Темурбек водийга келтирилган тошларни аввалиг жойларига олиб бориб ташлашга амр қиласди. Шундан сўнг Соҳибқирон қалъага аёнларидан Аш-Шамс номи кишини доруга қиласди у ерин тарк этади.¹²²

Кўп фурсат ўтмай Темурбек Анқарани қамал қилишга киришади.¹²³ Соҳибқироннинг бу ҳаракати, аслида, тактик тадбир бўлиб, тажрибали саркарданинг асосий мақсади Боязидни узининг асосий кучларини шаҳар мудофаасига ташлашга мажбур этиб, сўнг унга қақшатқич зарба бериш эди. Темурбек ишлатган тактика ҳийла иш беради. Тўқат шаҳри яқинида асосий ҳарбий кучлари билан турган Боязид Соҳибқирон аскарларининг Анқарани муҳосара қиласи, унинг деворлари тагидан нақблар қазиётганидан воқиф бўлади ва қамалдагиларга ёрдам беришга шошилади.

¹²² Қиранг. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 2-китоб. – Б.259 – 263.

¹²³ Қаранг. Пётросян Ю.А. Османская империя... – С.26 – 27; Рансимон С. Пілдение... – С.49.

Қаравуллар Соҳибқиронга Рум қайсари катта сонли лашкари билан тўрт фарсаҳ масофада тушганлиги хабарини етказгач, Темурбек қамални бекор қиласди ва рақибини кутиб олиш тараддудини кўради. Қўшин қисмларини жанггоҳнинг жанг олиб боришга қулай ерларига жойлаштиради. Ўрдунинг теграсида хандаклар қазилиб, мазбут ва маҳкамлик чоралари кўрилади. Натижада Боязид армияси ўзи учун ўта нокулай шарт-шароитда урушга киришга мажбур бўлади. Султон черики, айниқса, сув танқислиги туфайли вужудга келган ташналиқдан қаттиқ азият чекади. Рум черики жойлашган ердаги мавжуд ягона булоқ ҳам Темурбек аскарлари томонидан яроқсиз ҳолга келтирилади.¹²⁴

Клавихо иккала армиянинг жанголди ҳаракат (маневр)ларини куйидагича тасвирлайди: Темурбекнинг Туркия сарҳадларига қадам қўйганлигидан хабар топган Боязид ўз йўлини ўзгартиради. Анқара қатъасида ўғруқни қолдириб, қўшинни тезкорлик билан ўз рақиби томон бошлиайди. Темурбек Боязиднинг айёронча ҳаракатларидан боҳабар бўлгач, Арзинжон-Сивос йўлини тарқ этди ва сўлга бурилиб баланд тоғлар орқали юра бошлиайди. Темурбекнинг бошиқа томонга бурилганлигини Боязид душман қочди хаёт қилиб жон-жаҳди билан Соҳибқирон кетига тушади. Соҳибқирон тахминан саккиз кун давомида тоғларда тин олади. Шундан сўнг текис йўл орқали Анқара томон равона бўлади ва у ерда қолдирилган Боязид ўғруқини кўлга киритади. Соҳибқироннинг Анқарада эканлигини билган султон у томонга иложи борича тезроқ жўнайди. У Анқарага етиб келганда қўшиннинг тинкаси қуриган, ҳолсизланган эди. Темурбек бу маврарни рақибини алдаш мақсадида амалга оширганди.¹²⁵

Темурбек ва Боязид ўртасидаги ҳал қилувчи тўқнашув 1402 йилнинг 25 июлида бўлиб ўтади. Манбаларда таъкидланишича, Туркия султонининг қўшини тахминан 160 минг жангчидан иборат бўлган.

Темурбекнинг ушбу жангда қанча миқдордаги аскар билан қатнашганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин баъзи тарихнависларнинг Анқара бўсағасидаги жангда икки томондан салкам ярим миллион киши қатнашганлиги ҳақидаги

¹²⁴ Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо... – Б. 176.

¹²⁵ Қаранг: Руи Гонсалес де-Клаеихо. Дневник... – С. 69.

мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мовароуннарликларнинг сониғаним кучларидан кам бўлмаганлигини илғаб олиш мумкин.

Саркаш Рум қайсари ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишидаёқ тактик жиҳатдан қўпол хатоликларга йўл қўяди. Қўшиннинг жанг майдонида ноқулай ўрнашиши, жангчилар ва лашкарбошилар орасидаги ҳарбий интизомнинг бўшлиги, бўлажак оғир тўқнашувдан олдин олиб борилган тайёргарликнинг жуда сустлиги, сultonинг хасислиги туфайли аскарлар оладиган маошнинг ҳар вақт ҳам ўз муддатида берил маслиги сингари салбий омиллар туркларнинг Соҳибқирон билан бўладиган жангда муваффақиятсизликка учрашини маълум даражада олдиндан белгилаб қўйганди.

Кун чиқиши билан жанг бошланади. Икки тарафдан табл ва ногоралар урилиб, карнай ва сурнайлар чалиниб, бутун маъракагоҳ аскарларнинг шовқин-сурон, дод-войига тўлиб кетади, еру кўк титраб, теварак-атроф алғов-далғов бўла бошлайди.

Соҳибқирон армияси ўзининг анъанавий жанговар тартиби – ясолда ҳаракат қиласди.¹²⁶ Сипохнинг қирқ қўшун – қисмдан ташкил этилган хумоюн маркази – қўлга Соҳибқирон бевосита қўмондонлик қиласди, жуванғар лашкари Шоҳруҳ мирзо ва Халил Султон мирзо иқболи билан зебу зийнат топади. Улуғ беклардан Амир Сулаймоншоҳ, Амир Ёдгор Андҳуний, Рустам Тағойбўға, Севинчак баҳодир ва ўзга марду майдонлар амирзодалар мулозаматида бўлади. Жуванғар ҳиравулига Султон Ҳусайн мирзо, Али Султон тавочи ҳамда Мусо тайинланади. Баранғар аскарларига Амираншоҳ, мирзо етакчилик қиласди. Амир Шайх Нуриддин, Амир Бурундук, Али Қавчин, Амир Тахуртан, Мубашир Ҳожи, Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Ҳожи Сайфиддиннинг ўғли Султон Санжар, Умар Тобон, Амир Шайх Иброҳим Ширвоний амирзода қошида туриб хизмат камарини белларига маҳкам боғлайдилар. Баранғар ҳиравулига Абу Бақр мирзо, Амир Жаҳоншоҳ, Амир Қаро Усмон туркман, Таваккал барлос, Пир Али сулдуз сингари лашкарбошилар қўйилганди.

Марказ – қўлнинг ўнг тарафида Тоштемур ўғлон, Умаршайх мирzonинг фарзанди Аҳмади мирзо, Шоҳсувор, Жалол бавурчи, Тобтуқ, Юсуф мўғул, Ҳожи Бобо сувчи, Искандар, Хиндубўға

¹²⁶ Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо... Б.170 – 179.

ва Хожа Юсуф сингари атъёну ашроф ҳамда саркардалар жойлашади. Құлнинг чап томонидан Жалол Ислом, Таваккал қарқара, Али Мұхаммад, Шохвали, Жонибек, Тангрибермиш хожа, Мұхаммад Халил, Шайх Ҳусайн каби баҳодирлар үрин олади. Бу күчпарга ўзға қисмларга мәдәдкор булиш вазифаси юқлатылғанды. Марказ – құлда армиянинг асосий зафарпайкар байроби қадалғанды. Құшиннинг сафлари олдида Ҳиндистон юриши чогида ўлжа қилинган үттизә жанговар фил саф тортиб турар, уларнинг устида үтиргар нафтандозлар ва камонкашлар ҳар дақықағанымга ажал үкіни ёғдиришга тайёр әдилар.

Қарши тарафда Боязид Илдирим Рум ҳамда Фаранг мамлакатларидан жамланған ҳадсиз черикігі тартиб беріб, уларға үзіннинг әңг ишончлы кишиларини сардор қилиб Сохибқиронға зарба бериш ниятида турар әди. Рум құшиннининг олд қисміда сұлтоннинг қайниси қора лиbos кийган йигирма минг кишилик фаранглайлардан иборат лашкари билан саф тизиб туради. Бу лашкар жангчилари бошидан-оёғигача төмір со-вутға چулғанған бўлиб, кўздан ўзға аъзолари кўринмасди. Улар устидаги жавшан бандларига кулф солинган, то кулф очилма-гунча совут ва дубулғани ечиб бўлмас әди.

Лашкарнинг жуванғарига кінья Степан қўмондонлигидаги серб дружиначилари қўйилғанды. Черик қалби марказидан Боязиднинг ўзи үрін олади. Үғиллари Мусо, Исо ва Муста-фони чағдавулта жойлаشتыради. Рум умаросининг бошқа кўзға қўринган вакиллари ўзға амир ва поишшолар билан ўз-ларига муқаррар бўлган ерларга ўрнашади.

Жанг муқаддимаси Мироншоҳ мирзо кўл остидаги баранғарнинг ғаним жуванғарига берган кучли зарбаси билан бошланади. Серблардан ташкил этилган румликларнинг бу қаноти мато-нат билан мовароуннаҳрликларга қаршилик қурсатади.

Боязиднинг қисм қўмондонларидан бири Амир Жаҳоншоҳ ва Амир Қора Усмон томонидан қилинған ҳамлага бардош беролмай ўз одамлари билан маъррака майдонидан юз ўғира-ди. Сұлтон Ҳусайн мирзо байроби остида тўпланған баҳодир суворийлар ҳам душманга қырғин көлтиради. Темурбекдан жангга киришга рухсат олган Мұхаммад Сұлтон мирзо сўл қа-нотга мадад беришида отланади ва румликларнинг баранғари-га кўмак бериш учун ошиқаётган гурӯх билан рӯбарў келади. Иккى тараф ўртасида уруш ангиз бўлади. Оқибат амирзода сипоҳи ғолиб келади.

Умаршайх мирзонинг ўғли Пир Мұҳаммад мирзо, Искандар мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва Амир Шоҳмалик мубориз аскарлар билан илгари юриб Рум чериқидан күп кишини қиличдан ұтказади. Шундан сүнг Соҳибқироннинг барча амирзодалар, умаролар, нўёнларнинг биргалиқда жасорат ва мардоналик кўрсатиб Боязидга хужум қилиш тұғрисидаги хукми қисмларга ёйилади. Қўшиннинг барангаридан Мироншоҳ мирзо, Амир Жаҳоншоҳ, Амир Шайх Иброҳим, Аббоснинг ўғли Ҳожи Абдуллоҳ, Амир Ҳожи Сайфиддиннинг ўғли Султон Санжар, шунингдек, Шоҳрух мирзо, Халил Султон мирзо, Амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тағойбўға ва ўзга номдор амиру беклар, уруш майдонининг шершикор қаҳрамонлари иттифоқ бўлиб румликларга ташланади.

Мұҳаммад Султон мирзо ғаним барангари жойлашган ерни эгаллашга муваффақ бўлади. Боязид вазиятнинг бу тарзда жиддийлашганидан таҳликаға тушиб ўз барангари га кўмакка келади ва мирзони эгаллаган жойидан суреб ўзи у ерга жойлашиб олади. Черикнинг шикаст топган ўнг ва сўл қанот жангчилари султон атрофида тўплана бошлиди.

Кечәётган ҳолатни синчковлик билан кузатиб ва таҳлил этиб турган Соҳибқирон ҳамда падари бузрукворининг мулолими бўлган Шоҳрух мирзо Боязид Илдирим томон равона бўлади. Мироншоҳ мирзо, Султон Ҳусайн мирзо, барангар ва жуннгарнинг сардорлари ва улуғлари ҳам ўша томон от суродилар, султон ҳамда унинг қисмларини ҳалқага оладилар. Моҳир мерғанлар томонидан ёғдирилган ўқ ёмғири румликларга катта талафот келтиради.

Шиддатли тўқнашув кескин ва узоқ давом этади. Ниҳоят, Темурбек қисмларининг қисувига бардоши қолмаган султон аскарлари чекина бошлайди. Боязид қўмондонлигидаги жангчилар сүнгги нафасгача қаршилик кўрсатишда давом этади. Яничарлар битта қолмай қириб ташлангандан сүнг Боязид ва унинг иккинчи ўғли Мусо Темурбек аскарлари, аниқроги, Соҳибқирон томонидан 1388 йили Чигатой улуси жонлигига кўтарилилган Султон Маҳмудхон ибн Суюрғатмишхон тариғидан асир опинади.¹²⁷

¹²⁷ Қаранг! Бартолид В.В. Улугбек и оғо время... – С.48.

Султоннинг тўнғич фарзанди Сулаймон серблар паноҳида жанггоҳдан қочишга муваффақ бўлади. Туркларнинг жанг майдонидан қочиб кутулган гурухлари Анадўлиҳисор калъасига кириб яширинади...

Фотиҳ Темурбек музaffer армияси билан бутун Фарбий Онадўли бўйлаб зафарли юришини давом эттиради. Жиддий қаршиликка дуч келмаган Соҳибқирон қўшини Кўнья вилоятини талон-торож қиласди. Усмонийлар салтанатининг қадимий маркази Бурса ҳамда Даниэли ва Измир шаҳарлари ёкиб юборилади. Темурбекнинг Онадўлига қилган ҳарбий сафари чоғида эришган ажойиб ютуқларидан яна бири унга кучли истеҳкомга эга бўлган Измир қалъасининг таслим бўлишидир.¹²⁸ Измирни мудофаа қилаётган Родос рицарлари Соҳибқироннинг қалъани жанг-жадалсиз топшириш ҳақидаги талабини рад этади. Тинчлик йўли билан Измирга эга бўлиш режаси амалга ошмаган Темурбек уни раъдлардан тўпга тутишга амр қиласди. Қалъа деворларига бақамти саркўблар барпо этилиб, у ерга гилдиратиб чиқарилган манжаниқ ва арродалардан мудофаачиларга қаратса тошлар отилади. Қалъа деворлари тагидан нақблар қазилиб, улар шоҳ-шаббалар билан тўлдирилади ва ёкиб юборилади. Истеҳкомнинг турли жойларидан раҳналар очилади. Соҳибқирон Измирнинг бошқа шаҳарлар билан алоқасига чек қўйиш мақсадида шаҳар бандаргоҳ (гаван)ини тош билан тўлдиришга қарор қиласди. Икки ҳафталик муҳосарадан сўнг шаҳар қаттиқ ҳужум йўли билан Соҳибқирон томонидан фатҳ этилади. Мудофаачиларнинг бир қисми очик денгиз орқали қочишга улгуради. Қочолмай қолганлар Темурбек аскарлари томонидан қатли омга гирифтор бўлади.

Темурбек вақтинчалик ўз бирлигидан маҳрум бўлган усмонийлар давлати сарҳадларини 1403 иили тарк этар экан, Ойдин, Гармиён, Қараман ва бошқа бир қатор бейликларга мустақиллик беради. Усмон авлодлари тасарруфидаги ерларни Соҳибқирон Боязид I Илдиримнинг тўрт ўғлига бўлиб беришлини маъқул кўради. Натижада ака-укалар орасида таҳт учун кураш бошланиб кетади ва у бир неча йилларга чўзилади.¹²⁹

¹²⁸ Қаранг: Петросян Ю.А. Османская империя... – С.27.

¹²⁹ Қаранг: Петросян Ю.А. Османская империя... – С.28 – 259.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Темурбек ҳукмронлиги даврида ҳарб иши ва ҳарбий санъат ўзининг олий поғонасига кўтарилди. Соҳибқирон барпо этган қудратли ва ўта интизомли армия жаҳоннинг ўша даврдаги энг илғори сифатида кейинчалик буюк саркардалар, тарихчи олимлар томонидан эътибор этилди, бир неча асрлар мобайнида ҳарб ишида андоза вазифасини ўтади.

Соҳибқиронинг ҳарбий таълимоти буғунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Темурбекнинг ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъатидаги новаторлиги республикамиз сарҳадларини кўз қорачигидай сақлаш мақсадида барпо этилган миллий армиямизнинг ҳар бир аъзоси учун дастуриламал бўлмоги мақсадга мувофиқдир.

ЯКУНЛАНМАГАН ЮРИШ

Деярли ўттиз беш йиллик ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўпдан-кўп юрт ва мамлакатларни ўзи асос соглан қудратли салтанат тасарруфига киритишга муваффақ бўлган Темурбек 1404 йилнинг сўнгги кунлари яқинлашиб келаётган дамларда дилига анча муқаддам туғиб қўйган, фикру зикрини чулғаб олган орзу, яъни турли-туман ажойиб-ғаройиблардан ташкил топган, Мовароуннаҳр авзоига нисбатан ғоятда сирли ва ажиб туюлган Хитой ўлкасига йўл олиш режасини рўёбга чиқаришига қатъий қарор қиласди.

Бу пайтга келиб Темур давлати ва Хитой мамлакати ўтасидаги дипломатик алоқалар маълум даражада йўлга қўйилган, савдо карвонлари Буюк ипак йўли бўйлаб қатнаб турарди.

Баланд тоғлар ортидаги поёнсиз ерларда жойлашган Хитойга бориб-келиб турган тожирлар, савдогарлар, элчилар Томурбекка бу юрт ҳақидаги керакли маълумотлар: қўшинлар сони, курол турлари, жанг қилиш усуллари, шунингдек, иуllibар, кечувлар, довонлар, даралар ва бошқа ҳарбий аҳамиятти молик хабарларни етказиб турарди.

Соҳибқирон сўнгги йилларда Хитойда содир бўлган сиёсий улгаришлар, яъни мўғулларнинг бу заминдан қувиб чиқарганиши ва маҳаллий Мин сулоласига асос солиниши Чинда ишабиттан мусулмонлар аҳволининг кескин ёмонлашувига

сабаб бўлганилигидан, айниқса, Мин сулоласи асосчисининг исломга душманлик назари билан қараётганидан яхши хардор эди.

Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, Темурбек 1399 йил қиши мавсумини Қрабоғда ўтказаётган чоғда Хитой хоқонининг ўлимидан маълум фурсат олдин арзимаган баҳона билан юз мингдан зиёд аҳли мусулмонни қаттл этганлиги, ўз ҳукмронлиги остидаги эл-улусларда мавжуд бўлган исломни йўқ қиласанлиги тўғрисидаги мудҳиш хабарни эшитади.¹³⁰

Соҳибқирон аҳли мўминларни улар бошига тушган зулму жафодан халос қилишга, Мин давлати кучайиб кетишининг олдини олишга қандай йўл билан эришиш мумкинлиги тўғрисида кўп бош қотиради. Ниҳоят, бунинг учун урушдан бошқа илож йўқлигига икрор бўлади.

Шарқ томонга бўлажак юришга бир неча йил давомида пухта тайёргарлик кўрган Соҳибқирон фармони олий эълон қилиб, тавочиларга тезда лашкарнинг сонини ҳисобга олиш, изофа – қўмакчи кучлар бера олувчи вилоят, шаҳар ва туманларни рўйхатта киритишга ҳукм қиллади.

Ҳумоюн хабар элтувчи буйруқлар тавочилар орқали салтанатнинг барча томон ва чеккаларига қанот қоқади. Вилоят, юрт, ўлка, музофотларнинг ҳокимлари, атоқли саркардалару лашкарбошилар олий бош қўмондоннинг муҳри билан зийнатланган ёрликларга бўйин эгиб, буйруқда аниқ кўрсатилган миқдордаги аскар, қурол-яроғ, аслаҳа-анжом, озиқ-овқат, ем-хашак билан ваъдалашган жой – миод ерига белгиланган муддатда етиб кела бошлайди.

Темурбек боргоҳининг тупроғи Эрону Турон, Ҳурносуны Озарбайжон, Мўгулистону Даشت Қипчоқ ва ўзга юрт улуғларининг бўса жойига айланади.

Ўрдугоҳда йигилаётган черик аҳлини тавочилар тартибга солиб, уларнинг сонини дафтларларга киритадилар. Ўнлик, юзлик, минглик, туман бекларидан тортиб жангчиларнинг ҳар биригача улуфа – маош, инъом ва тортиклар берилади.

Ушбу масъулиятли сафарга мутасадди бўлган ҳарб аҳли қурол-яроғ, аслаҳа-анжом, кийим-кечак ва ҳоказоларни тартибга

¹³⁰ Қаранг: Бартольд В.В. Улугбек и его время. Сочинения. Т.II. Ч.2. – М., 1964. – С.68.

келтириш, синону қиличларни ўткирлаш, қалқону зирхларни таъмирлаш, айилу узангиларни шайлаш сингари ишлар билан машғул бўлиб турган чоғда Темурбек давлатнинг бошқа зарур ва кечиқтириб бўлмас юмушлари билан банд бўлади. Сарой-мulk хоним мадрасасига келиб тушган Соҳибқирон суюкли на-бираси Пир Мұхаммад ибн Жаҳонгир мирзога тулпор от, зар-боф тўн, мурассасъ камар ва ҳокимлик нишони ҳисобланувчи жиға инъом қилиб, уни Жанубий Афғонистонининг Зобулистон вилоятини бошқариш учун жўнатади.¹³¹

Шу аснода Самарқандга Миср кишварининг ҳукмдори Малик Фарруҳдан Темурбекнинг ашаддий ғанимлари ҳисоблан-миш Султон Аҳмад жалойир ва Қора Юсуф туркманларнинг ҳибсга олиниб, банди қилинганилиги ҳақидаги нома билан элчи келади. Соҳибқирон Миср элчисига марҳамат назари билан қараб, уни шоҳона совға ва тухфалар билан хурсанд қиласди.

Шундан сўнг Малик Фарруҳнинг ҳибсдаги Султон Аҳмад жалойирнинг кўл-оёғини кишанлаб зудликда Самарқандга юбориши зарурлиги қайд этилган мактуб элчига топширила-ди ва унга юритига қайтиб кетишига ижозат берилади.

Айни шу кезларда пойтахтга Фаранг ва Даشتி Қипчоқдан ташриф буорган элчиларга ҳам ўз масканларига жўнаб ке-тишгә руҳсат этилади.

Элчиларни кузатиш маросими билан боғлиқ ишлар ниҳоя-сига оттач, Соҳибқирон Тошкент, Сайрам, Ақпара, Янги (Ав-лий Ота), Мўгулистон вилоятининг Хитой чегарасигача бўл-ган ҳукуматини амирзодай жуванбаҳт Улуғбек Кўрагон ибн Шоҳруҳ мирзога, Андижон, Ахсикат, Хўтан, Кошғар вилоят-парининг ҳокимлигини эса амирзода Иброҳим султон ибн Шоҳруҳ мирзога марҳамату мурувват қилганилигидан аркони давлат, бегу бегот, амиру умаро, фозилу фузало, фақиру фу-қарни хаబардор қиласди.

Ҳидигина ўн бир баҳорни қаршилаган ёш мирзолар Темурбекка ўзларига кўрсатилган лутфу иноятлар учун чексиз миннадорниклар билдириб, салтанат тахт поясига мулозим-лиқ килишига тайёр эканликларини изҳор этиш билан бирга бағбонларидан ишъом этилган юртларга жўнаб кетмасдан у

¹³¹ Китой юриши билан боғлиқ воқоянип баёни аксар ҳолларда Мирхондий. Сийор ғомонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Равзат ус-сафо» бўлганни сиптига Қаранг. Мирхонд. Раъзат ус-сафо. 213^а – 217^а.

кишининг музaffer лашкаргоҳида қолишга ижозат сўрайдилар.¹³² Оз фурсатдан кейин Пир Муҳаммад Тағойбӯга, Шайх Баҳбул, Баён Темур Оқбӯга, Муҳаммад Озод сингари номдор лашкарбошилар кўшиннинг асосий кучларидан ташкил топган ўнг кўл – барангар қисмларини тўпланиш ўрни қилиб тайинланган Тошкентда жамлаш учун Сайрам, Шоҳрухия ва ўзга вилоятларга илдам равона бўладилар.

Биҳихоним мадрасасидан отланиб Кўксаройга тушган Соҳибқирон ўзининг ноиби этиб белгиланган Амир Бурундуқка сафарга отланаётган кўшиннинг аниқ сонини олиш, сипохнинг қурол-яроғ, озиқ-овқат, уст-бош, ем-хашак билан қай даражада таъминланганини аниқлаш, эҳтиёткорлик ва хавфсизлик чораларини кўриш каби вазифаларни юклайди.

Ўз хизмат бурчини сидқидилдан ўташга киришган Амир Бурундуқ Темурбекка Мовароуннаҳр, Туркистон, Хоразм, Балх, Бадахшон, Хурросон, Мозандарон, Итилбўйи ерларидан йигилган икки юз минг кишилилк отлиқ ва пиёда кўшиннинг Хитой сафарига шай турганлиги ҳакида аҳборот беради...

Кези келганда қайд этиш лозимки, «Равзат ус-сафо» муаллифи Мирхонд темурий амирзода Султон Аҳмаддан Темурбек Кўрагон кўшинининг адади, яъни сони битилган девонхона дафтарининг унинг кўлида эканлиги ва бу дафтарда Хитой сафарига отланиш учун мўлжалланган икки юз етмиш икки минг олти юз икки аскарга маош – улуфа берилганлиги ҳамда шу даврга келиб Соҳибқирон армиясининг умумий сони саккиз юз минг суворий ва пиёдалардан иборат эканлиги ҳақида маълумот борлигини қайта-қайта эшитганлигини ёзади.¹³³

Амир Бурундуқдан керакли аҳборотни олган Темурбек барангар – ўнг қанотта Халил султон ибн Мироншоҳ мирзо, Аҳмад ибн Умаршайх мирзони бош қилиб, уларга Амир Худайдоди Ҳусайнӣ, Амир Шамсуддин ибн Аббос баҳодир, ўзга кўшун ва туман бекларини мулозим қилиб Тошкент, Сайрам ва Шоҳрухияни ўз аскарий қисмлари учун қишлоғ қилинишларини буоради.

Сўл қанот – жувангар кўмондонлиги Султон Ҳусайн (Соҳибқирон қизининг ўғли) мирзога топширилиб, мазкур кўшиннинг Ясси (ҳозирги Туркистон) ва Сарбонга бориб, қишини ўша

¹³² Қаранг: Бартольд В.В. Улугбек и его время... – С.71.

¹³³ Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо... 214^а.

ерларда ўтказилишига фармон қилинади. Самарқанд хукуматини вақтингчалик бошқарып туришни Амир Арғуншох, молия ишлари билан машғул бўлишни Шайх Чехрага буюрган Темурбек 1404 йилнинг 27 ноябрида қўшиннинг маркази – қўлга раҳбарлик қилиб, кўёшдек ёрқин байроқ ва ой кўринишили аламларни ҳилпиратиб, қўсу ногораларни уриб Хитой томонга қараб йўлга чиқади ва Қорабулоқ мавзеида ором олиш учун тұхтайди. Ушбу мавзеда барпо этилган лашкаргоҳга теварак-атрофдаги ерлардан аскарлар гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж бўлиб келиб қўшилади. Бир оз муддатдан сўнг Қорабулоқдан отланган қўшин анчагина масофа йўл босиб, Томлиғ мавзеига етиб келгач, ҳавонинг авзои бирдан бузилиб, еру осмонни зулмат қоплади. Изғирин шамол эсисб, ҳавонинг ҳарорати кескин пасаяди. Аввал кучли ёмғир, сўнгра қалин қор ёғади.

Қаттиқ совуқ шиддатидан аскарларнинг аъзойи бадани титрайди, ёнаётган гулханлар сўнади, оқиб турган кўлу дарёлар музлайди, дараҳтларнинг шохлари оқ либосга бурканади, тепаликлардан сойлик ва жарликларга томон шарқираб оқаётган ирмоку жилгалар яхлайди, ҳайвонлар ўз тўқайзору уяларига яширинади. Борлиқ бу совуқ оғатидан қутулиш илинжида Аллоҳдан паноҳ тилайди. Совуқ даҳшатидан замин юзи сарғаяди, боғларнинг кўрку жамоли губорсимон тусга киради, майсазор ва чаманзорларнинг жисми сўлиб, улардаги гўзаллик ва кўркамликдан нишон қолмайди.¹³⁴

Соҳибқирон қўшини Туронзаминда шу вақтда қадар бўлмаган жуда кучли совуқ хуружига эътибор бермай, от-уловларга ёлинчиқлар ёпиб, аскарлар чакмону совутлар кийиб юришда давом этади ва илгарироқ қишлоғ учун тайёрланган Оқсулотдаги бошпаналарда мақом тутади. Оқсулотда Темурбек 28 кун давомида, яъни 1404 йилнинг 25 декабригача қолиб кетади. Бекларнинг, хосларнинг кўпчилигини қишини ўтказиш, отларни емлаш учун Тошкентга жўнатади. Ўрдугоҳда Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик, Амир Хожа Юсуфдан бўлак саркардалар қолмайди.¹³⁵

¹³⁴ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.319; Мирхонд. Равзат ус-сафо... 214⁶.

¹³⁵ Қаранг: Фасик Ҳавафи. Муджмал-и фасихи (Фасихов свод) / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – С.125 – 126.

Қүёш жадий буржига кириши билан, яъни 1404 йилнинг 22 декабридан совуқнинг шиддати янада зўраяди. Ибн Арабшоҳнинг тасвирлашича, агарда бирор киши нафас чиқарса, унинг нафаслари соқол ва мўйлови билан музлаб қолар, агар киши туфласа, туфуги ерга бориб етмай яхлаган ўқ сингари ерга қадалар эди.¹³⁶

Мана шундай оғир шароитга қарамай Соҳибқирон 25 дебръ куни Оқсулотдан йўлга чиқади ва муз билан қопланган Сирдарёдан эсон-омон ўтиб, 1405 йилнинг 14 январида Ўтрорга етиб келади.

Ўтрор ҳокими Бердивекнинг уйига тушган Темурбек ҳут ойининг ўртасида ҳаракатга келиши лозим бўлган баранғар, кўклиамнинг дастлабки кунларида юришга чиқишга тайёр турган жуванғар ва ўзи раҳбарлик қилаётган марказ – кўл қисмлари босиб ўтиши мўлжалланган йўлларнинг аҳволини билиш мақсадида Сайрам ҳамда Кулон томонга кишиларини жўнатади. Боргандар у ерларга икки найза бўйи қор тушганлигини, қалин қор касратидан йўлларнинг, дараларнинг бутунлай бекилганини маълум қиласидилар.

Шу аснода дашту сахроларда сарсону саргардон кезиб юрган Тўхтамишхон ўзининг содиқ навкари Қораҳожани Ўтрорга, Темурбек хузурига, элчи этиб юборади. Девонхонада чингизий хонзодалар, темурий мирзолар, йирик саркардалар билан юриш бобида сухбат қилиб ўтирган Соҳибқирон қабулига ташриф буюрган Қораҳожа Тўхтамишхоннинг Темурбек билан бўлган жанг жадалдан сўнг кўп азоб-уқубат чекканлиги, душманлари таъқибидан қочиб чўлу биёбонларда оч-яланоч юрганлиги, энди Соҳибқирон гуноҳларидан кечиб унга марҳамат кўрсатса, ортиқ итоат ва тобелик доирасидан ташқарига чик маслиги ҳақидаги тавба-тазарруга оид сўзларини баён этади.

Соҳибқирон элчига лутф кўрсатиб, Тангри таоло изн берса, Хитой юришидан кейин ўзаро уруш ва низолардан боши чиқмай қолган Даشت Қипчок ва Жўжи улусини гина ва кудурат булғанчидан мусаффо этиб, Тўхтамишга топширишга жазм қилганилигини хонга етказиши Қораҳожага тайинлади.

1404 йилнинг 9 февралида Темурбекнинг соғлиги тўсатдан ёмонлашиб, иситмаси кўтарилиб кетади. Соҳибқироннинг хос

¹³⁶ Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... 1-китоб. – Б.321.

табиби мавлоно Фазлуллоҳ томонидан беморни дарддан халос этиш йўлида қилинган барча муолажалар ҳеч қандай натижа бермайди.

Қазо вақти етишаётганини сезган Темурбек иффатойин маликаларни, жуванбаҳт амирзодаларни, зафарёр улуғ амирларни ўзининг қошига ундан, уларга мулк ва миллат, дин ва давлат, кўшин ва раиятни бошқарища мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш, адолат билан сиёсат юритиш, она замин тупроғини ғаразли назардан кўз қорачигидай сақлаш борасида бир неча сўзлар айтади.

Ўлимидан олдан Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир мирзони ўзининг валиахди – таҳт вориси этиб белгилаганини, шу сабабли қолган барча шаҳзодалару лашкарбошилар Пир Муҳаммад мирзонинг таҳт меросхўри эканлигини тан олиб, унга итоатдан бўйин товламаслик ҳақида қасам ичишларини талаб қиласди.

1405 йилнинг 18 февраль куни шом билан хуфтоннинг орасида ҳазрат Соҳибқирон Темурбек Кўрагон бир неча бор калима тоййибани тақрор этиб, азиз жонини Яратганинг кўлига топширади.¹³⁷

Соҳибқироннинг шамсий йип ҳисоби билан 70 ёшда тӯсатдан вафот этиши Хитойга қилинган ҳарбий юришни давом эттириш ва уни ниҳоясига ётказишга имкон бермади.

¹³⁷ Қаранг: Мирхонд. Равзат ус-сафо... 217⁶; Фасих Ҳавафи... – С.126; Якубовский А.Ю. Тимур... – С.73 ва ҳ.к.

ХОТИМА ҮРНИДА

Атоқли саркарда, буюк давлат арбоби, истеъдодли ташкилотчи, ватанпарвар ва халқпарвар инсон Темурбек Кұрагоннинг Туркистон халқларини бирлаштириш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий нұқтаи назардан күчли империя тузищдек ўта масъулиятли вазифани у ddalaш борасида тинмай фАО-лият күрсатганига салқам етти аср бўлди.

Бу йил, яъни 1996 йили истиқлол нашидасини сураётган эркесвар халқимиз ўзининг улуғ ўғлони – Соҳибқирон Темурбек ибн Тарагай таваллуд топган куннинг 660 йиллигини тантанали нишонлади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган қарорида бу шонли сананинг Ватанимизда кенг миқёсда нишонланиши алоҳида таъкидланади. Шунга мувофиқ «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказиш, маҳсус халқаро сайёҳ йўллари очиш, Соҳибқирон номи билан бевосита боғлиқ бўлган обидалар, қадамжоларни таъмирлаш ва сайилгоҳларга айлантириш, жаҳонгирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар нашр қилиш, бадиий, ҳужжатли фильмлар яратиш каби ишларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилган.

Ушбу рисолада Темурбекка дунёвий шуҳрат келтирган, номини машриқдан мағрибга қадар достон қилган асосий сифати, яъни саркардалик истеъододи ҳақида юритилган мулоҳазалар Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги кўпдан-кўп тарихий-илмий асарларда келтирилган ҳужжатли материалларга асосланган.

Муаллиф мазкур мўъжаз рисолада буюк ватандошимиз Темурбек Кұрагоннинг жаҳон ҳарб иши ва ҳарб санъатини ривожлантириш борасида олиб борган саъй-ҳаракатлари ҳақида маълум даражада китобхонларга малумот беролса беҳад мамнун бўлур эди.

ЛУГАТ

Адовий – порох, дори
Адув – ёв, ғаним, душман
Алам – байроқ, ялов
Амир ул-умаро – баш құмандон
Аррода – тош ирғитүвчи мослама, манжаниқ
Ахтачи – сарой отбоқари
Бавурчи – сарой ошпази, бакавул
Баранғар – қүшиннинг ўнг қаноти
Баранғар ҳиравули – ўнг күл, ўнг қанот авангарди
Бекларбеги – баш құмандон, амир ул-умаро
Боргоҳ – ҳукмдор чодири; ҳукмдор қабулхонаси
Бору – қалъа девори
Будал – қисмларнинг жойлашиш ўрни, позиция
Бурж – қалъа деворининг чүккиси, минора; шахар дөворининг бурилиш жойларида қурилган ва соқчилар туралдиган коровулхона
Бурқа – яккама-якка олишив өзгіда паҳлавонлар юзига тутиладиган симли никоб
Булжар – ҳарбий қисмларнинг йиғилиш ўрни, қүшин тұлаптасынан учун белгиланған жой
Бўлук – полк
Гузар (гоҳ) – кечув, кечик
Дафтардор – кишим-чиқим, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи
Доруга – шахар, қалъа, құрғон бошлиғи
Дору – порох, дори
Дорухона – тұлпнинг порох солинадиган қисми
Ёгий – ёв, душман, ғаним
Жиба – совут
Жибахона – аспаҳаона, қурол-яроғ омбори
Жидол – жанг, саваш, уруш
Жуванғар – қүшиннинг чап қаноти, сүл күл
Жуванғар ҳиравули – чап қанот (күл) авангарди, илғор қисми
Ички – сарой мулозими
Каманд – ҳалқа, сиртмоқ; арқон
Кежим – жанговар от ёпинчиги

Куран – аравалар ёрдамида доира шаклида қурилган
лашқаргоҳ, лагер
Күрага – ногора
Күс – довул, катта ногора
Манжаниқ – тош отиш қурули, катапулта
Манглай – илғор қысм, авангард
Масоф – жанг, саваш
Машварат – ҳарбий кенгаш
Маърака – жанг, уруш
Маъракагоҳ – жангтоҳ, жанг майдони
Мингбети – минг жангчидан иборат қисм кўмондони
Минглик – минг аскардан иборат ҳарбий қисм
Миод вақти – ваъда вақти, келишилган вақт
Мубориз – баҳодир, пахлавон
Мужда – хабар
Мунший – девонхона котиби
Мурчил – қисмларнинг жанговар сафар тартиби
Муқотала – жанг; уруш
Мұхосара – құршов, қамал
Мунду – ўткір тиғли (учли) санчиқ
Найзавар – найзадор
Нақб – еrosti йўли
Нақбкан – еrosti йўли, яъни нақб қазувчи
Новакандоз – ўқ-ёйчи
Пешкаш – совға, тортиқ
Раъд – тўп, замбарак
Раъдандоз – тўпчи; раъд тўпи отувчи
Сангандоз – тош отувчи
Саркуб – қалъя, қўргон деворлари ёнида сунъий равища
хосил қўлинган тупроқ уюми
Саропарда – ҳукмдор чодири, ҳаймаси
Сонсиз – Темурбекнинг шахсий гвардияси
Сирчи – шиша ясовчи уста
Суюргол – зодагонларга мъялум шарт ва имтиёзлар асо-
сида бериладиган ер, мулк
Табарзин – ойболта
Табл – довул, ногора
Тавочи – ҳукмдорнинг фармойишини қисмларга етказувчи
амалдор, адъютант

Талоя – тунги соқчи гурүх
Тахшандоз – тахш (арбалет) отувчи
Тиркаш – ўқдан
Тұман – 10 мінг кишилік ҳарбий қысм, дивизия
Тұманбоги – туман құмандони, генерал
Тұңқап – құсіннинг бөлгіланған (миод ери) жойға тұпла-
ниши тұгрисидеги опий бош құмандон буйруғи

Тұра – одам бүйігі төң қалқон

Тұқиши – жаңғ, саваң

Үлдуға – искарлар маоши

Фағж – гурүх, отряд

Фатила – пилик, ўт пилтиги

Хабаргир – айғоқчи, жосус, разведкачи

Худ – баһодирлар дубулғаси

Чапавул – құшин сұл қанотининг бир бұлғаги

Чапар – хандаклар гирдига үрнатылған четан

Чарға – ов, шикор

Чагдауул – құсіннинг аръергарди

Чаҳоройна – совут, зирх

Черик – құшин, лашкар

Шабихун – тунги ҳужум

Шақавул – құшин үңг қанотининг бир бұлғаги

Шиба – қалин ўқ Ѽмғири; қалин ўқ Ѽғдириш

Юзбеги – юз кишидан иборат қысм сардори

Юзлик – юз кишидан ташкил этилған ҳарбий бўлинма

Язак – кундузги соқчи отлиқ гурүх

Яғовул – амалдорни кузатиб борувчи, соқчи, қўриқчи

Ясол – жанговар тартиб, саф

Ясоқ – жазо, ўлим жазоси

Ўнбеги – ўн кишидан иборат бўлим сардори

Ўнлик – ўн кишидан иборат ҳарбий бўлим

Ўрон – парол

Ўрдугоҳ – лашкаргоҳ, лагер

Ўғруқ – құшин ортидан келувчи кўч-кўрон, обоз

Қажарчи – йўлбошловчи, йўл кўрсатувчи

Қамурға – ов қилинадиган жой, шикоргоҳ

Қаравул – асосий кучлардан анча илгари юрувчи развед-
качи суворий гурүх, аванпост

Қишлоқ – қишлоғ учун мўлжалланған жой

есеп, жазон

Қозон – түп, замбарақ
Қорураандоз – ичига ёнувчи модда – нафт солинган шиша
ирғитувчи
Қувгунчи – таъқиб этувчи, қувувчи
Құнбул – құшин қанотларини ҳимоя қилувчи қисм
Қулавуз – йұлбошловчи, йұл құрсатувчи
Құл – құшин маркази
Құшун – ҳарбий қисм
Ғұл – құшин маркази
Ҳарб – уруш, жанг
Ҳиравул – илғор қисм, авангард

МАҚОЛАЛАР

ҚҰҚ ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШ

Үрхун-Энасой руник битиклари, хитой ва араб муаррихлари қаламига мансуб тарихий асарлар шундан далолат беради, қадимги туркй қабила ва уруғлар күпдан-күп ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этган. Ҳарбий иш, күргина халқларда бұлғани каби, құқ турклар учун ҳам умумхалқ ҳарактерига зәға әди. Улар жуда ёшлиқдан ҳарбий иш билан шуғулдана бошлаган. Ҳарбий машғулотлар ҳар бир фуқаро учун мажбүрий ҳисобланған. Натижада ҳарбий қурилиш, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат билан боғлық тушунчаларни информаловчи терминнелер тизими қадимги туркй тилде вужуда келген ва фаол құлланған.

Маълумки, VI асрнинг иккинчи ярмида элхон унвони билан шұхрат топған Бумин (Хитой ёдномаларида Тумин) қаған раҳбарлигига Жүжан хонлигига қарши олиб борилған милий озодлик рухидаги сиёсий кураш мұваффакият билан яқунланади ва 744 йилга қадар ҳұмқы сурған Құқ Турк хоқонлигига асос солинади. Ҳоқонлик асосини туркй уруғ-қабилалар ташкил қыларди. Объектив сабаблар болис 582 йили Шарқий ва Фарбий Турк хоқонликларыга бүлиніб кетған салтанат ўзининг салқам иккى асрлік тарихи давомида чегара-дош давлатлар, айниқса, Хитой ва Эрон билан күп маротаба тұқышшан. Сон-саноқсиз савашу тұқышлар ҳарбий структуралық тәсілдерге, ташкилий жиһатдан такомиллашу-вига, ривожланишига замин яратған.

Ҳарбий лавозим ва рутбаларнинг энг чүққисида олий бөш күмбөндөн вазифасини бажарувчи қаған, яғни давлат бошлиғи турған. Аксарият вазиятларда қағаннинг шахсан ўзи су – лашкарға сардорлық қылған, ҳарбий юришларда фаол иштирок этған. Қадимги туркй ёзма обидалардан бири

бүлгән Кул тегин битиктошида Иккінчи Турк хоқонлиги (682 – 744)нинг асосчиси Элтариш (асл исми Құтлуғ) қағаннинг 47 мартта ҳарбий сафарларда қатнашғанлиги, 21 жанғда шахсан қылым чопғанлиги қайд этилған. Айнан мана шу жадаллар қаған ҳоқимиятининг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Фикримизнинг далилы сифатида Элтариш қағаннинг түнгіч үгли Мұғилон, яғни Билға қағаннинг саркардалик фаолияти орқали ҳукмдорлик шохсупасига күтарилганини мисол тарзидан көлтириш мүмкін. Құқ Турк хоқонлигидә қаған ва *тегин* (хөнізода, таҳт вориси) сингари ҳарбий-маъмурый мансаб-пардан сүңг йабғу (жабғу) ҳамда шад (хитой солнномаларида ша) рутбалари энг олий ҳарбий лавозим ҳисобланған. Ҳарбий саркардалар сифатида йабғу ва шад қүшиннинг үнг ва сүп қанотларига құмандонлик қылған. Уларға фақат қаған ав-подига мансуб шахсларгина тайинланған.

Хитой муаррихларининг тақиғдлашича, Буминнинг үғли Муганхон даврида йабғу (хитой обидаларида шеху) ҳукмдордан сүңг давлатдаги мавжуд олий ҳарбий-маъмурый мансаб-парнинг биринчиси тарзидә фаолият құрсаған. Farbий Құқ Турк хоқонлиги (582 – 630)да йабғу давлат бошлиғи ва олий бөш құмандон маъносини билдирган. IX аср муаррихи Абу Жаъфар Мұхаммад ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» асарыда ёзилишича, Мовароуннахрнинг Қутайба ибн Муслім томонидан забт этилиши пайтида Тохаристон ҳукмдори Аш-Шаз жабғу унвонини әгаллаб турған.

Әзтироф этиш керакки, Биринчи Құқ Турк хоқонлиги (552 – 630) барпо бүлгүнга қадар ашина уруғига мансуб қадимии турклар элида энг олий ҳарбий-маъмурый унвон йабғу қаналған. Ҳоқонлик ташкил этилғач, давлат бошлиғи қаған, уннинг ноиби эса йабғу истилохлари билан атала бошлаган. 552 йили жужанлар устидан узил-кесил ғалаба қозонилиб Құқ Турк хоқонлигига асос солингандан кейин йабғу унвонини әгаллаб турған Буминга қаған, Farbий Құқ Турк хоқонлигининг ташкилотчиси бүлған Истами (577 йили вафот этған)га эса баҳодир жабғу унвони берилади.

Шад юқори ҳарбий-маъмурый рутбалардан бири эди. Бу унвон түрк қабилалари ва уруғлари ичидә жуда қадимдан мавжуд бўлиб, уни дастлаб Надилу ва уннинг үнинчи фарзанди Ашина олган. Одатта кўра шад унвони қаған уруғидан

бүлган шахсларга насиб қилган. Билга қаған битиктошида зикр этилишича, Элтариш қаған вафотидан сүнг ҳокимият унинг иниси Қапаганхон кўлига ўтади. Қапаганхоннинг ҳоқонлик йилларида унинг жияни Мўғилон-Билга қаған тардущ халқининг шади – сардори этиб тайинланади ҳамда сайланма ҳарбий қисмларга лашкарбошилик қиласди. Хитой обидаларида қайд этилишича, 634 йили Фарбий Кўк Турк ҳоқонлиги таҳтига ўтирган Ишбара Тўлишшадхон кўл остидаги юртни ўн қисм – аймоққа тақсимлайди. Ҳар бир аймоққа бир шадни бош қилиб, уларга бир донадан ўқ беради. Шундан сүнг ўнга чап қанотларга бўлинган бу аймоқлар ўн шад ҳамда ўн ўқ номлари билан юритилган.

Таъкидлаш жоизки, Кўк Турк ҳоқонлигига йабгу ва шад унвонлари меросий ҳисобланган, уларнинг эгалари аксар ҳолларда кейинчалик қаған – ҳукмдор курсисини эгаллаган.

Хоқонликада ҳарбий маслаҳатчи мансаби мавжуд бўлиб, у айгучи истилоҳи билан юритилган. Элтариш қаған, Қапаганхон, Билга қаған ҳукмронлиги замонида бу масъулиятила лавозим Иккинчи Кўк Турк ҳоқонлигининг таркиб топишида улкан хизматлар қилган доно сиёsatчи, етук дипломат, моҳир саркарда Тўнкукка насиб этган.

Йирик саркардалар, истеъододли қўшин кўмандонларига шарафди су баши унвони берилган. Бу олий ҳарбий унвонга салтанат олдидаги буюк хизматлари, лашкарбошилик салоҳияти билан донг таратган саркардаларигина лойиқ кўрилган. Иккинчи Кўк Турк ҳоқонлигига Кул тегин, Мўғилон, Инал қаған (Қапаганхоннинг укаси) сингари аскарбошилар су баши унвон билан шарафланган.

Хоқонликада мавжуд юқори ҳарбий рутбалардан яна бири ала марқан бўлиб, у олий бош кўмандоннинг бўйруқларини керакли жойларга зудлик билан етказиш ва унинг икросини назорат қилиш билан машғул эди.

Маълумки, ҳоқонлик кўпигина ургу-қабила, элат ва ҳалқларнинг федератив асосда биркувидан ташкил топган. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида ургу-аймоқ томонидан сафарбар қилинадиган ҳарбий кучларга шу ургу ёки аймоқнинг сардори – бег раҳбарлик қилган. Ҳоқонлик таркибида бўлган ўлка ва вилоятнинг қўшиллари ҳарбий маъмур – тутуқлар томонидан бошқарилган. Қаған томонидан ўлка, вилоят ҳоқимлигига

тайинланган тудун (тутун)лар ҳам ҳарбий ҳаракатларда фиол қатнашган. Хитой тарихий манбаларида Ғарбий Кўк Турк ҳоқонлиги ҳукмдорларида бири Тўнга йабгу қаған ўз тасаррӯфидан бўлган вилоят ҳоқимларига *силлиғ* (хитойча *симиға*) унвони бергани ва уларнинг фаолиятини назорат килиши ҳамда солигу ўллонлар йигиши ваколатига эга бўлган тудун/тутунларни вилоятларга жўнатганини қайд этилган.

Урхун битиктошларида аввал мустақил бўлган, кейинчалик Кўк Турк ҳоқонлигига киритилган, айни замонда, ўз бошқарув ҳуқуқини саклаб қолган қарлук, уйгур, аз каби ургу-қабилаларнинг бошликлари элтабар унвони билан аталган. Элтабар ҳам худди бег, тудун ёки тутуклар сингари қаған аскарлари имидда ёки ўз холиҳа ҳарбий ҳаракатларда қатнашган.

Ҳукмдордан бошқариш учун мулк олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий зодагонлар, ўз навбатида, мамлакат ҳарбий кучлари учун аскар етказиб берардилар. Сафарбар қилинадиган жангиларнинг сони муайян бошлиқ томонидан эгаллаб турилган мулкнинг катта-кичиликлигига боғлиқ бўлган.

Юриши олдидан ҳоқонликнинг турли вилоятларидаги қўшин бошликлари, тобе юрт сардорлари лашкар йигиши ҳақидаги мажус сарфармон – йўлғиг олган. Фармонга биноан ҳар бир вилоятнинг ҳоқими, туман, шаҳар беклари, қалъа, кўргон бошликлари қаған томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ ўз отлиқ аскарлари, курол-яроги, озиқ-овкати, ем-ҳашаги билин олий бош кўмандон томонидан белгилаб кўйилган жойда ҳозир бўлган.

Ҳоқонлиқдаги синфий табақаланиш қўшин тузилишига юм ўз таъсирини кўрсатган. Чунончи, черикнинг зарбдор қисмини ташкил этган суворийлар турк зодагонлари ва уларнинг фарзандларидан тузилган.

Аждодларимиз томонидан жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб суворийлар сафининг жорий қилиниши (ҳар бир отлиқ аскар орасидаги масофа 20 метр, жанговар каторлар сони эса 10 та бўлган) отлиқ қўшиннинг душман устидан тўла устунлигини таъминлаган. Ҳоқонликнинг совутли мунтазам суворий аскарлари – атлар су нафакат текисниқда, балки тоғли худудларда ҳам муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиб, кўп асрлар давомида унга тенг келадиган рақиб топилмади.

Найза билан жанг қилиш санъатини моҳирона эгаллаган турк суворийлари хитойлик пиёда найзабозлар ва эронлик отлиқ ўқчилар – камончилар билан бўлган муҳорабаларда аксар зафар қозонар эди.

Археологии ва тарихий маълумотларга қараганда, турк суворийиси кўкрак қисмида думалоқ қалқони бўлган зирх – йарак билан таъминланган, бошига темир дубулға – йашик кийган, қилич, шоҳсимон камон – ўа/йаъ, найза – сунгуг ва тўймок билан қуролланган. Оғир қуролли отлиқ аскарлар жангла ҳал қилувчи рол ўйнаган. Тобе юртларнинг жанчиларидан тузилган енгил суворийлар асосан разведка ҳамда соқчилик вазифаларини бажарган. Улар зарур пайтлардагина жангта кирган.

Ўтроқ аҳолидан сафарбар қилинган пиёда аскарлар – йаъдаг сунинг сони суворийларга нисбатан бир неча бор оз бўлган. Пиёдалар қалъя, кўргон, хисор ёки мудофаа истеҳкомларини забт этишда кўл келган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Кўк Турк хоқонлигига темир қўйиш ишининг жуда қадимдан ривож топиши Хитой ва Эрон лашкарларидан ҳар жиҳатдан устун совутли қўшиннинг тузилишига имконият яратди.

Туркий кўшин ўн, юз, минг, туман сингари бўлинма ва қисмлардан ташкил этилган, уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбошилар кўмондонолик қилган. Бу лашкарбошлилар, ўз навбатида, юкори погонада турган ҳарбий мансабдорларга бўйсунган. Хитой согномаларида таъкидланишича, хунлар даврида (мил. ав. VII аср – мил. 215 йил) олий ҳарбийлавозим туманбоши ҳисобланган, у ўн минг кишилик ҳарбий қисмга сардорлик қилган. Туманбошиларнинг сони 24 нафарга етган.

Кўк турклар қўшинида ғанимнинг ҳарбий кучлари, у ердаги сиёсий вазият тўғрисида келтириладиган маълумотларга алоҳида эътибор берилган. Ҳарбий ҳаракатлар бошланишидан анча олдин ёв ҳакида зарур хабарлар олиш максадида унинг юртига ёки қароргоҳига кўруг, яъни айғоҷилар пеш-ма-пеш юборилган. Сафарга чиқиш олдидан черикни қийин ва нотаниш жойлардан бошлаб борувчи ўерчилар тайинланган.

Жангта киришдан аввал туркийлар душман лашкаргоҳи – ўрдусини аниқлаш ниятида разведка ишларини олиб боришган. Бунинг учун маҳсус отлиқлар гурухи – йалма фаолият кўрсатган.

Лайгоқишиллик билан шуғулланувчи бу суворий гурӯҳ кўп ҳолларда оғининг соқчиларига ҳамла қилган ва «тил» келтирган.

Көракли миқдордаги лашкар жам бўлгач, қўшиннинг хисоби олинган, жанговар отлар, уловлар серсув ўтлоқларда бўқинган, ов чоғида ўлжа қилинган ёввойи ҳайвонлар ёки бўқинган жониворлар гўшти қоқланган, уларнинг терисидан кимим-кечак тикилган, жангчилар курол-ярогини созлашган.

Су башининг бўри боши тасвири туширилган зарҳал байроқлар ва туглар билан безатилган қароргоҳи – ўрдуда ҳарбий машварат – кенгаш чақирилган, унда бўлажак жангнинг тактик жиҳатлари таҳлил этилган, бўлинма ва қисмларнинг жони майдонидаги ўрни белгиланган, ҳар бир саркардага олиқ-равшан вазифалар юклитилган.

Ўрхун-Энасой битикиларида ёзилишича, хоқонликда қўшиннинг жанговар тартиби классик беш қисм – ўнг (ўнг қанот), ўл (чап қанот), йизак ёки илки су (илғор қисм), ўрту (марказ) ва көд (аръергард)дан ташкил топган. Асосий кучлардан бир нома кунлик масофада душманнинг кўқис ҳужумидан огоҳ тутуни соқчилар гурӯхи – қарағу ҳаракат қилган.

Қўшин – су юрт, яъни дам олиш ёки тўхташ учун белгиланган жойда тушганда унинг чор атрофи иҳота қилиниб, соқчи суворийлар – қарағу томонидан қўриқланган. Тунлари бу соқчи гурӯҳ ўз кишиларини маҳсус парол – им орқали бегоналардан ажратиб олган.

Жанг ҳар иккала томон мубориз – алларининг яккама-якка олишуви билан бошланган. У ёки бу алпнинг қўли баланд копиши ё мағлуб бўлиши лашкар кайфиятига кучли таъсир кўрсатган.

Ат-Табарийнинг қайд этишича, турк қўшинида қонун туслига айланиб қолган бир одат бўлиб, унга мувофиқ яккама-якка жанг қилиш учун маъракагоҳга тушган баҳодир бир қўлида түғ тутган ва от эгарида осиглиқ турган табл (ноғоранинг бир тури)ни қоқсан ҳамда ўз черигидан белгиланган узоклиқдаги масофага келиб душман паҳлавони билан бўладиган олишувга шай турган. Шундан сўнг иккинчи ботир сафдоши (у ҳалок бўлган тақдирда) қилган ҳаракатни айнан тақрорлаган ва янада берироқ масофага келиб турган. Ниҳоят, учинчи баҳодир жанггоҳга от суреб, довулини чалгач, бутун қўшин жангга кирган. Хитой ёдномаларида туркйларнинг ҳарбий

юришларга чиқиш ёки чиқмасликни ой ва ёритқичларнинг вазиятига қараб белгилашлари, ой камолга тўлганда урушга отланишлари, завол чоғида эса жанг майдонини тарк этишлари таъкидланган.

Мухораба пайтида ғанимидан кўли баланд келган жангчига жангдан сўнг мукофот тарзида шароб тўла коса тутилган, қўлга киритган ўлжасининг кўп бўлаги унга берилган. Ҳалок бўлган сафдошининг жасадини жанг майдонидан олиб чиқкан аскарга ҳалок бўлганинг ашёлари тортиқ қилинган. Суворийларнинг эркин ҳаракатлана олишини таъминловчи маъракагоҳларни излаб топиш, қишининг изғирин совуқлари, ёзнинг жазирама иссиқларида душманга рўпара келиш, айниқса, ёвни ичимлик сув манбаидан ажратиб қўйиш туркларнинг етакчи ҳарбий тактик амалиётларидан ҳисобланган.

Ҳижрий 110 (728/729) йили Амулда уч ой туриб қолган Хуросон амири Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Сулаймон Қатон ибн Қутайбани ўн минг кишилик илғор қисмга бош қилиб Сўғд ва Бухорони форат этиш учун жўнатади. Балх (Аму) дарёсини кешиб ўтган арабларни турк хоқони, Самарқанд ва Бухоронинг бирлашган иттифоқи кучлари куршовга олади. Ашрас зудлик билан Масъуд исмли саркардани суворийларга раҳнамо қилиб куршовда қолган Қатон ибн Қутайбага мадад бериш учун жўнатади. Бироқ бу суворий мададкорлар турк хоқони томонидан тор-мор көлтирилади. Вазиятни ўнгаш ниятида Ашраснинг ўзи араб қўшинига саркардалик қилиб йўлга чиқади. Мъялум фурсатдан кейин у Қатон ибн Қутайба билан қўшилади ва Бухоронинг жануби-ғарбида жойлашган Байканд (Пайканд) бўсагасида тўхтайди. Турк хоқони ташналик азоби билан душманнинг тинка-мадорини куритиш мақсадида араблар аскаргоҳи ёнидан оқиб ўтвучи сув манбаини бўғиб қўяди. Ариқ сувининг қуриб қолганлигини кўрган истилочилар кудуқ қазиб сув чиқаришга киришадилар. Аммо бу уриниш натижасиз тугайди. Ночор аҳволга тушиб қолган Ашрас лашкари Байканд томон юради. Турк хоқони уларнинг ўилини тўсib чиқади ва икки ўртада шафқатсиз жанг бошланади. Сувсизликдан ҳатто қурол қўтаришга мажоли қолмаган арабларнинг аксарияти бу тўқнашувда ўлади.

Турклар томонидан ҳарбий ҳаракатлар вақтида пистирма қўйиш тактик амалиёти кўп ҳолларда ғаним кучларининг

шикаст топишига сабаб бўлган. Ҳижрий 102 (720) йили Хурросон амири Саъид Ҳузайна бошлиқ араблар Балх дарёсини гузар қилиб, Сўғд тупроғига қайта қадам кўяди. Кичик бир во-дийга кирган арабларнинг суворийлари тўсатдан рўпарадан келаётган турк хоқонининг отлиқ аскарларига дуч келади. Икки орада рўй берган қисқа олишувдан кейин турклар орқага чекина бошлайди. Уларни енгилди деган янгилиш фикрга борган араблар таъқиб этишга киришадилар ва пистирмага йўлиқадилар. Қаршидан берилган шиддатли зарбага бардоши қолмаган босқинчилар маглуб бўлади.

Кўк Турк хоқонлигининг кўшини турли табиий ғов ва тў-сикларни енгib ўтиш, Кам (Энасой), Иртиш, Йинжу ўкуз (Сир), Балх сингари чуқур ва кенг дарёларни кечиш қобилиятига эга бўлган. Бунда кўпприк ёки қайиқ ва мешлардан фойдаланилган. Баъзан дарёлардан отлар билан сузib ўтилган.

Қарши томондаги соҳилда ўз лашкари билан турган Хурросон ҳукмдори Асадга зарба бериш мақсадида ҳижрий 119 (736) йили Амунинг чап қирғогига келиб тўхтаган турк хоқони қўйисар ва азим дарёни кечиб ўтиш борасида донгдор, саноқсиз жангу жадалларда суюги қотган тажрибали саркардалари билан маслаҳатлашади. Кўпчилик асов Амуни бу жойдан кечиб ўтишнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Фақат Ал-Иштихоний номли сафдошигина Амуни кечиб ўтишнинг ягона йўли борлигини, уни амалга ошириш учун 50 минг кишилик хоқон кўшини ёппасига сувга ташланиши лозимлигини ва шу усул билан Амунинг шиддатини бартараф этиш мумкинлигини айтади. Бу фикр хоқонга маъқул тушади. Бор довул ва ногораларнинг кучли гумбури, аскарларнинг заминни ларзага келтирувчи суронлари остида эллик минг кишилик лашкар ўзини бирданига Амуга уради ва ҳеч қандай заҳмату талафотсиз нариги соҳилга ўтиб олади.

Хуллас, ҳарбий кучларнинг ўз даври талабларига тўла жавоб берадиган даражада бўлишига алоҳида эътибор қаратиш Кўк Турк хоқонлигининг устувор вазифаларидан бири саналган.

Жамият ва бошқарув.
2000. №2. – Б.29 – 33.

ХАЛОСКОР

Жалолиддин Мангуберди мұғуллар билан илк бор 1216 йилнинг кўкламида тўқнаш келганди. Найман ҳукмдори Кушлуқхоннинг Кошғар ва Баласағун шаҳарларини эгаллаб, қорахитойлар етакчиси Гўрхонни асир этганлиги ҳақидаги хабарни олган Чингизхон тўнгич ўғли Жўжини 20 минг кишилик мўғул суворийларига сардор қилиб найманлар устига жўнатади.

Айни шу пайтда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам 60 минг лашкари билан Кушлуқхонга қарши ҳарбий сафарга чиқади. Иргиз дарёси музлаганлиги туфайли ундан кечиб ўтишнинг иложи топилмаганлиги боис Хоразм қўшини бир қанча муддат сув бўйида тўхтаб қолишига мажбур бўлади. Ниҳоят, Иргизни кечиб ўтишга эришган Хоразмшоҳ икки дарё оралиғида сон-саноқсиз ўлклиларни, ҳали қотишга ултурмаган қонларни кўради. Жасадлар орасидан бир ярадорни топадилар, ундан бу кирғиннинг Жўжихон томонидан содир этилганини билиб олиб, ўша он мўгуллар ортидан қубиб борадилар.

Этранги кун тонг-саҳарда Хоразм қўшини бамайлихотир кетаётган Жўжихонга етиб олади ва ҳеч иккиланмасдан жангга киради. Қўшинда бор бурғую карнайлар, қўсу ногораларнинг қулоқни ларзага солувчи садолари остида мовароун-нахрликлар сафларни ростлайдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ жанговар байроқлар билан зийнатланган марказдан ўрин олади. Ўнг ва сўл қанотларга Кутлуғхон ҳамда Инончхон сингари тажрибали саркардалар қўмондонлик қилади. 18 ёшли Жалолиддин ўнг қўлдан жой опади. Жўжихон ортидан етиб келган лашкарни кўргач ўз нўёнлари билан кенгашади. Нўёнларнинг Султон Муҳаммад билан жанг қилмаслик тўғрисидаги

маслаҳатларини рад этган Жўжихон қўшинларини тартибга келтиради ва жангга киради. Икки тараф сафлари аралашади. Даҳшатли жанг кечга қадар давом этади.

Кун ботишига яқин Жўжихон бир кишини султоннинг қароргоҳига элчи қилиб йўллайди ҳамда Чингизхоннинг ушбу мўгул лашкарини бу диёрга бошқа бир мақсад, яъни Кушлуқхонни даф қилиш учун жўнатганини, хоразмшоҳ билан урушмоқча ижозат бермаганинги маълум қилади. Айтилган гап пардан ғазабга тушган Султон Муҳаммад қўшинни Жўжихон томон ташлайди. Мўгуллар сон жиҳатдан оз бўлишига қарамасдан қайта жангга киради ҳамда хоразмликларнинг сўл қанотига қақшатқич зарба беради ва уни тўзитиб юборади. Марказда жанг қилаётган Султон Муҳаммаднинг ҳаёти хавф остида қолади. Хоразм қўшинини ушбу жангда мағлубиятдан ўнг қанот жангчилари, айниқса, Жалолиддиннинг ёвнинг чап қинотига кучли зарба беришигина сақлаб қолади. Қуёш ботиши билан икки рақиб эртанги кун жангни давом эттириш ниятида ўз позицияларига қайтади. Ушбу кунги муҳорабада ким голибу ким мағлуб эканлигини англаб бўлмасди. Тунда ўз лашкаргоҳини минглаб гулханлар ёқиб қопдирган ҳолда ташлаб кетган мўгуллар катта тезлиқда чекинишга мажбур бўлади.

1220 йили отаси Султон Муҳаммад томонидан таҳтовориси этиб тайинланган Жалолиддин Хоразмга келади. Ҳокимиятнинг Жалолиддин кўлига ўтганлигидан норози бўлган укаси Кутбиддин Ўзлуғшоҳ ва Кутлуғхон бошлиқ баёт қавми амирлари уни асир олмоқчи ҳамда ўлдирмоқчи бўладилар. Амир Инонхон орқали суиқассдан хабар топган Жалолиддин дўсти Темур Маликнинг уч юздан ортиқ жангчилари ҳамроҳлигига саҳро орқали Ҳурсон томон шитоб билан от суради. Савдо карвонлари ўн олти кун давомида ўтадиган оғир йўлни бир неча кун ичидаги босиб ўтган Жалолиддин Наса (Нисо) вилояти худудига қадам кўяди. Буни олдиндан фаҳмлаган айёр Чингизхон уларни кўлга тушириш мақсадида Марв чегараларидан Наса шаҳрининг шимол тарафида таҳминан 7 – 8 км масофада ўрнашган шаҳристонгача бўлган ерларга етти юз суворийдан иборат пистирма қўйганди.

Саҳродан тўсатдан қуондай чиқиб келган Жалолиддин ўзидан икки баробар ортиқ душман билан юзма-юз келади.

Қора рангдаги байроқларини ҳилпиратиб от суриб келаётган хоразмликлар мұғулларға ҳамла қиласы да ғанимни төр-мор кептиради. Мағлуб бўлган босқинчиларнинг от-улови, қуроляроги, озиқ-овқати, өм-хашаги Жалолиддиннинг кўлига ўлжа тушади. Мовароуннаҳр тупроғида мұғуллар устидан қозонилган ушбу биринчи ғалаба истилочиларнинг енгилмаслиги ҳақидаги мишишларни чиппакка чиқарган, хоразмликларда эса ёвга нисбатан адоват ўтини янада авж олдирганди.

1221 йилнинг баҳорида Жалолиддин ўн минг кишилик аскари билан Ҳиротни тарк этган қайнотаси Аминулмулк билан Фазнада қўшилади ва Қандахор қалъасини муҳосара йўли билан эгаллашга интилаётган мұғул ҳарбий қисмларига кўқисдан ҳужум қиласы. Кутимаган шиддатли зарбага дош беролмаган босқинчиларнинг деярли барчаси қиличдан ўтказилади. Қирғиндан омон қолган бир нечтагина мұғул жангчиси Чингизхон қароргоҳига етиб боради ва уни содир бўлган шармандали воқеадан воқиф қиласы.

Ўттиз минг кишилик лашкари билан Фазнага келган Жалолиддинни шаҳар аҳолиси зўр шод-хуррамлик билан қарши олади. Халажлар сардори Сайфиддин Иброқ, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғонлар бошлиғи Музаффар Малик ҳамда қорлуқлар раҳнамоси Ал-Ҳасан ўз ҳарбий қисмлари билан Жалолиддинга қўшилади. Натижада сultonнинг қўшини тўксон минг кишига етади. Қандахорда юз берган фалокатдан хабар топган Чингизхон Жалолиддинга зарба бериш, унинг қаршилигини синдириш мақсадида тажрибали нўёни Шиги Қутуқу қўмондонлигидаги ўттиз минг аскардан иборат лашкарни шошилинч сultonга қарши жўнатади. Душманга нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб ўтида ёниб юрган Жалолиддин мұғулларни Чорикорнинг шимоли-шарқида, Ғурбанд ва Пандшир дарёларининг қўшилиш жойида жойлашган Парвонда қарши олишга жазм этади. Парвон жангидан олдин Жалолиддин Чорикорнинг шимолидаги Волён Қутал қалъаси бўсағасида Такачуқ нўён ва Мўлғур нўён бошлиқ мұғул айғоҳчи гурухи га ногаҳон кучли зарба беради ҳамда ёвнинг мингдан ортиқ аскарини ҳалок қиласы. Озгина мұғул аскари Пандшир дарёсидан сузиб ўтиб жон сақлайди.

Парвонда бўлган аёвсиз муҳорабада Жалолиддин қўшиннинг марказидан ўрин олади, ўнг қанотга Аминулмулк, сўл

қанотта Сайфиддин Иғроқ сардорлик қиласы. Жанг Шигу Қутуқу құл остида турган марказий қысмга Жалолиддин томонидан берилген зарба билан бошланади. Пиёда аскарлар томонидан берилген қақшатқыч ҳужумдан эсанкираган ёвнинг әзірліктері аралашып кетади. Иккі томоннинг бирортасига ҳам заңдар ёр бўлмайди. Шиги Қутуқу хоразмликлар билан бўлгани жанг шиддатидан танг ахволда қолади ва ҳарбий ҳийла ишлатиш йўлига ўтади. Тунда мўғуллар кўшинда бор намат ҳамда кигизлардан кўғирчоқ одам ясаб, отларнинг устига ўрнатиб, тонгда уруш майдонида қайтадан саф тортади. Жалолиддиннинг лашкари мўғуллар сафи ортидан сафланганларни кўриб уларга мадад етиб келмоқда деб хавфга тушади, қокимоққа жазм қиласы. Душманнинг ҳарбий ҳийла ишлаташинлигини пайқаган Жалолиддин ўз жангчиларини бундай ғимон ниятдан қайтаради. Бу гал мўғуллар пиёда бўлиб жангга киради. Жалолиддин ўз аскарларини отта миндиради ва ганимга ҳужум қиласы. Охир-оқибат душман лашкари шикаст топади.

Шиги Қутуқу қолган-қутган аскарлари қуршовида жанггоҳни ташлаб Талоқонда турган Чингизхон томон қочишига мажбур бўлади.

Парвонда зришилган зафар чоғида мовароуннаҳриклар куплига улкан ўлжа тушади. Ўлжаны тақсимлаш вақтида бир чопқир от туфайли Аминулмулк ҳамда Сайфиддин Иғроқ ўртасида жанжал келиб чиқади. Қизишиб кетган Аминулмулк Сайфиддиннинг бошига қамчи билан уради, Жалолиддиннинг ўз қариндоши Аминулмулкни жазоламаганлигидан аразлаган Сайфиддин Иғроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Малик ўз қисмлари билан ундан ажралиб Кермон томон кетади. Натижада Жалолиддиннинг кучи анча заифлашади, душманга қириши туриш мушкуллашади.

Шиги Қутуқу нүён бош эгиб Чингизхон ҳузурига келгач, мўғуллар зудлик билан кўшин тўплайди ва Жалолиддинга қарши йўлга чиқади. Сон жиҳатдан бир неча баробар зиёд ғаним билан юзма-юз тўқнашиши маъқул кўргмаган Жалолиддин Синд дарёси томон от суради, у ерга етгач уни тарқ этган амирлар билан қайта қўшилиб Чингизхонга қарши жангга киришга қарор қиласы. Бироқ унинг бу режалари амалга ошмайди. Фазнадан чиқиб кетиш пайтида Жалолиддин бетоб бўлиб

колади. Бир неча кундан сўнг соғайған султон, Шаҳбиддин Насавийнинг таъкидлашича, Гардиз шаҳрида тұхтаган мұғулларнинг илғор қысмига тунда қўқисдан ҳамла қилади. Душманнинг жонига чопқир отлар ора киради. Синд дарёси қирғоғига қайтган Жалолиддин кечув учун қайиқларни ҳозирлашга, кетиб қолган қисмларни қайташишга жон-жаҳди билан киришади. Аммо бу ишларнинг рӯёбга чиқишига ёв тўсқинлик қилади. Сепдай етиб келган Чингизхон дастлаб султоннинг Ўрхон бошлиқ арьергардига хужум қилади ва уни яксон этади. Ўз режаларини амалга оширолмагач ўт ва сув орасида турган Жалолиддиннинг сон жиҳатдан уч-тұрт баробар кўп душман билан фанимнинг Чингизхон жойлашган марказига хужум қилади ва уни икки бўлакка бўлиб юборади. Ёв қочиш тараффудуга тушади. Бироқ ўн минг кишилилк мўғул жангчиларидан иборат пиистирма хоразмилкларнинг йўлини тұсади. Бу пиистирма Аминулмұлқ кўмандонлигидаги ўнг қанотни яксон этади ва уни Жалолиддин зўр шикоат билан жанг қилаётган марказгача кувиб боради. Хоразмилкларнинг сўл қаноти ҳам душман ҳужумига бардош беролмайди. Қийин аҳволда қолган султон етти юзга яқин суворийлар ҳамроҳлигига марданавор жанг қилиб, душманга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, уларни чапга, чапдан ўнгга кувади ва ҳар бир ҳамла пайтида ўнлаб фанимни жаҳаннамга юборади.

Жалолиддиннинг танг аҳволини кўрган Чингизхон уни тириклийин кўлга олишни аскарларига буюради. Душман сultonни ўртага олади, ҳалокат ҳалқаси тобора торайиб боради. Мўгуллар ўз ниятларига етай деб турган онда Ахос Малик Жалолиддинни куршовдан олиб чиқишига эришади. Жанг чоғида султоннинг саккиз ёшли ўғли душман қўлига тушади, Чингизхон уни катл этишига хукм қилади. Жанг майдонидан қалби гирён ҳолатда чиққан Жалолиддинга онаси, хотини ва ҳарам ахли душманга асир тушишдан ўлимни афзал кўришлари, шу боис ундан ўзларини ўлдиришларини ёлвориб сўрайди. Ноилож қолган султон қариндошлари билан видолашади ҳамда уларни Синдга гарп қилишга ижозат беради. Кўшинидан, оиласидан, ёру биродарларидан жудо бўлган Жалолиддин қора тўриқ отга миниб ғанимга қайта ҳужум қилади. Лекин қаттол душман ўзининг разил ниятидан қайтмаган, қандай бўлмасин уни кўлга олиш пайида эди. Буни

сезиб турган султон отининг жиловини Синд томон буради. Дарёнинг нариги қирғогига соғ-саломат ўтиб олган Жалолиддиннинг қаҳрамонлигини ўз кўзи билан қўриб турган мағрур Чингизхон султонни таъқиб қўлмоқчи бўлганларни қайтарида, унга оғаринлар айтади ва ўз аъёнлари ҳамда фарзандларига қарата шундай дейди: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилган эмас. У саҳрода шер каби, дарёда эса наҳанг сингари баҳодир. Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб – ўт ва сув гирдобидан халослиғ майдонига омон чиқа олсин!» Жалолиддин Синдан сузиб ўтишга муваффақ бўлган тўрт мингта яқин аскарлари билан қўшилади ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари томон равона бўлади.

1227 йилнинг ёзида Табризда турган Жалолиддин Баёжу нўён, Нақу нўён, Асан Тўған нўён, Ётмас нўён ҳамда Ясавур нўён бошлиқ мўғул қўшинининг Жайхундан ўтиб Хуросон сарҳадларига кирганлиги хабарини олади. Султон зудликда Исфаҳон томон от суради. Исфаҳонга етиб келган Жалолиддин тўрт минг кишилик язак, яъни илғор қисмни Рай ва Да-магон тарафга душман ҳақида маълумот келтириш учун юборади. Мўғуллар Исфаҳоннинг шарқий томонидан тахминан 30 км масоғадаги Ас-Син қишлоғига тұхтайди. Жалолиддин мунажжимларнинг маслаҳатига биноан уч кун давомида ўзини сафарни бошлашдан тийиб туради. Мўғулларнинг яқинлашганидан ваҳимага тушган бир гуруҳ хон ва амирлар султоннинг қароргоҳига паноҳ излаб келади. Султон уларни тинчлантиради ҳамда бўлажак жанг борасида машварат ўтказади ва муҳораба кунини белгилайди. Исфаҳон қозиси ва раисига пиёда аскарларни қўриқдан ўтказишни буюради. Рашидиддиннинг ёзишича, Жалолиддиннинг қўшини бу пайтда юз мингдан зиёд отлиқ ва пиёдалардан иборат бўлган. Мўғуллар султоннинг Исфаҳонда туриб қолганлигини унинг қўркувга тушганлигига, жанг қилишга ботинолмаётганлигига деб билади ва икки минг кишилик суворийлар тұдасини Луристон тоғларига ғорат мақсадида жұнатади. Бундан хабар топган Жалолиддин уч минг отлиқдан ташкил этилган гурухни душман ўтиши кутилаётган йўл ва сўқмокларни түсіш учун йўллайди. Мазкур отликларнинг түсатдан берган ҳамласи тұфайли душман өнгилади. Тўрт юзга яқин ғаним асирга түшади, уларнинг барчаси Исфаҳон майдонида қатл қилинади.

Белгиланган муддатда Жалолиддин лашкарларни жанговар тартибга солған ҳолда мұхораба майдони сари йүлгә чиқады. Қүшиннинг маркази асосан қора тулпорлар мингандык суворийлардан тузилған, унга Жалолиддин сардорлик қиласы. Сүл қанот күлранг отларда үтирган жангчилардан иборат бўлган. Ўнг қанотда кўпдан-кўп жангу жадалларда суюги қотган тажрибали ботирлар жойлашган.

Исфаҳон яқинидаги жанг ҳижрий 625 йил рамазон ойининг йигирма иккиси, милодий 1226 йилнинг 25 августидаги бўлиб үтади. Икки қўшин бир-бирига рўпара келган пайтда сultonнинг укаси Гиёсиддин Пиршоҳ ва Жаҳон Паҳлавон Элчи ўз қисмлари билан қўшинни тарқ этади ҳамда Луристон тарафга жўнаб кетади. Жалолиддин бу хиёнатга унчалик эътибор бермайди. Ҳатто исфаҳонлик пиёдаларнинг ортга қайтиб кетишига ҳам ижозат беради. Жанггоҳда эътиборсизлик туфайли сultonнинг ўнг қўл ва сўл қўл қисмлари бир-бираидан узоқроқ масофада жойлашади. Натижада улар у ёки бу қўлда бўлаётган жанг воқеаларидан бехабар қоладилар. Жангнинг биринчи куни ўзаро шиддатли ҳужумларда үтади. Кечга яқин сultonнинг ўнг қаноти мўғулларнинг сўл қанотига кучли зарба беради ва уни тўзитиб юборади. Муваффакиятдан руҳланган ўнг қўл жангчилари тартибсиз қочаётган ёвни Камон мавзеси чегараларигача кувиб боради. Айни чоғда, Жалолиддин қўшинининг сўл қаноти мўғуллар томонидан кўйилған пистирма қаршилигига дуч келади. Душман бу қанотни бутунлай янчид ташлайди. Алихон, Ортиқон, Кучбўғон, Юлуқон, Мангибекон каби кўпгина номдор саркардлар ҳамда беклар шаҳид бўлади. Фақат Кучтегин паҳлавон, Ҳожиб Хонберди ва Амирохун Ўдак тирик қолади.

Авваллари бу сўл қанотга Ганжа шаҳрида исмоилийлар томонидан ўлдирилган истеъододли лашкарбоши Ўрхон қўмон-донлик қиласи ва унинг раҳбарлигигида ушбу қисм деярли барча жангларда ғолиб келарди. Марказда шафқатсиз душман билан олишаётган Жалолиддиннинг ҳам ахволи яхши эмасди. Унинг атрофида бор-йўғи ўн тўртта хос аскари қолганди. Душман қўлига тушишдан чўчиган сulton аламдори санжақ – жанговар байроқни қўлда тутган ҳолда жанггоҳни тарқ эта бошлияди. Байроқнинг кўздан ғойиб бўлиши мағлубиятдан дарак беришини яхши тушунган Жалолиддин аламдорни

найза билан уриб отдан йиқитади ҳамда санжақни ўзи тутган тарзда ёвга ташланади. Мұғул аскарларидан анчаси қурбон бўлади. Султон қўшинининг марказ ва сўл қаноти тарқаб кетади. Бир қисм Форс вилоятига, бошқа бир қисми эса Кермон ва Озарбайжон томонга йўл олади. Жангда жуда катта талафот кўрган мўгуллар ҳам ортларига саросимао ваҳимада қайтади. Жайхунга етгунга қадар уларнинг аксарияти нобуд бўлади. Тарихчи Ибн ал-Асирининг ёзишича, чингизий хонзодалардан бири томонидан Жалолиддин номига жўнатилган мактубда Исфаҳон яқинида мағлубиятга учраган қўшин: «Бизга тегишли эмас, биз уларни сафларимиздан аллақачон бадарга қиласли эдик», – деб ёзишган.

1230 йилнинг 7 – 10 август кунлари Арзинжон яқинидаги Ясситоғ этагида салжуқий Султон Алоуддин Кайкубод ҳамда айюбийлар султони Ал-Малик ал-Ашрафининг бирлашган қўшини билан бўлган жангда мағлубиятга учраган Жалолиддин Табризга келади. Султоннинг мағлубиятидан Исфаройинда хабар топган мўгуллар ўша заҳотиёқ унга қарши отланади. Мўгуллар ҳақида керакли хабар келтириш учун жўнатилган Йилон Буғу Ширвон водийсида ёвнинг илгорига дуч келади ва бўлиб ўтган қисқа олишувда енгилиб Табризга, Жалолиддин ҳузурига, қайтишга мажбур бўлади. Вазиятнинг ўта ноқулагилидан таҳликаға тушган султон Муғон тарафга шошилинч жўнайди. Муғонга етиб келган Жалолиддин ўз қўшинининг турли томонларга тарқалиб кетганига шоҳид бўлади ва уларни тезлиқда бир ерга жамлаш мақсадида човушу паҳлавонларни қизил рангли камон ўқлари билан чопар тарзида юборади. Бироқ лашкар тўплангунга қадар мўгуллар уларга ҳужум қиласди. Шу сабабли Жалолиддиннинг бор аскарларни бир ерга жамлаган ҳолда душманга зарба бериш режаси бу гал амалга ошмайди. Қўшиннинг тўпланишини сабрсизлик билан кутаётган Жалолиддин мингга яқин ёш, бақувват, ҳеч қандай хавф-хатардан кўрқмайдиган турк йигитларидан ташкил қилинган хос гвардияси билан Шарқабут қалъаси яқинидаги тепаликка уюштирилган овдан сўнг тунаш ниятида тушади. Султон оз сонли жангчилари билан ширин уйқуда ётганлигидан фойдаланган мўгуллар ҳужумга ўтади ҳамда Жалолиддинни Аракс дарёси томонга чекинишга мажбур қиласди. Душман султон Араксдан ўтиб Ганжа сари йўл олса

керак деган муроҳазада бўлади. Бироқ Жалолиддин уларни гафлатда қолдириб тулпорининг жиловини Озарбайжон тарафга буради ҳамда Моҳон қалъасида тўхтайди.

Киши ниҳоясига ётиб, кўклам келиши билан мўғуллар Жалолиддинни таъқиб қилишни қайтадан бошлаб юборади. Душманнинг Табриз шаҳри шарқида жойлашган Учан қальасига етганлигини эшитган сulton Арронга қараб елдай учади. Аммо бу ерга ҳам ёвнинг яқинлашуви боис Зорис қальасидан бошпана излашдан ўзга чораси қолмайди. Зорисга келган Жалолиддин ўзига содик амирлар, хонлар ва туркман суворийларига ёрликлар жўнатади, уларни бирлашишга, мўгулларга қарши зарба беришга ундайди. Жалолиддиннинг каттагина қўшин тўплашга мусассар бўлганлигини эшитган йигирма минг кишилик мўгул лашкари Чирмоғун қўмондонлигида Арронни ташлаб Учангга қайтади. Ана шу кезларда Ганжада бирнома авбошлир Бандар исмли кимса раҳнамонигида шаҳарда турган хоразмликларнинг жонига қасд қилиб исён кўтаради. Сulton тарихчи Шаҳобиддин Насавий ҳамда Хонборди ҳожибни исёничилар билан музокара олиб бориш ҳамда итоатга чақириш мақсадида шаҳарга жўнатади. Исёничилардан сұлҳ борасида рад жавоби олингач, Жалолиддиннинг ҳужум қилиб шаҳарни қўлга киритишдан бошқа йўли қолмайди. Ганжада 27 кун туриб қолган Жалолиддинга унинг бир қанча амирлари Дамашқ сultonи Ал-Малик ал-Ашрафдан мўғулларга қарши ҳаракатлар олиб бориш учун кўмак сўрашни маслаҳат беради. Сulton қалбдан Дамашқ ҳукмдорининг ёрдам бермаслигини сезса-да, ноиложлиқдан бунга рози бўлади ҳамда Дамашққа кетма-кет номалар йўллайди. Чопарларнинг номалар билан йўлга чиққанлигидан хабар топган Ал-Малик ал-Ашраф Мисрга жўнаб кетади ва сultonга «Биз яқин орада Мисрдан катта сонли қўшин билан қайтамиз ва сизнинг хизматингизга кирамиз» мазмунидаги ваъдалардан нари ўтмайди. Омид, Мордин ва ўзга мулкларнинг ҳукмдорлари ҳам худди шундай йўл тутадилар. Улар катта суръат билан ҳаммаёқни вайрон қилиб келаётган мўғулларга фақат Жалолиддиннингина қалқон бўла олиши, бунинг учун унинг атрофида жипслashiш лозимлигини яхши англаб етмаслик оқибатида юз бераётган ҳодисаларга томошабин бўлишдан нари ўтмайдилар.

Ўзлари учун қулай вазиятнинг пайдо бўлганилигидан тегиши хуоса чиқарган мўгуллар Ахлот мавзеига қадам қўядилар ва Жалолиддинни ахтаришга тушадилар. Кутимаган кўмаклардан бутунлай умидини узган Жалолиддин Диёрбакрнинг шимоли-ғарбидаги Жабажхарда ёв томонидан мингта аскари билан қочиб ўтган мўғул нўёни Кўка Бажкамдан Ўқтоҳоннинг сultonни бартараф этиш тўғрисидаги қарори қатъий эканлигини, бунинг учун Чирмогун кучли лашкар билан йўлга чиқсанлигини билиб олади. Кўка Бажкам Жалолиддинга бор ўлжаларни мўгуллар келиши кутилаётган йўлда қолдириб, ўзи қўшин билан пистирмада туришни маслаҳат беради. Бу фикр сultonга маъкул тушади. Жалолиддин ўзининг ишончли ҳамда садоқатли лашкарбошиси деб хисоблаб юрган журъатсиз, кўркоқ Утурхонни тўрт минг суворий бош қилиб разведкага юборади. Аммо ўз зиммасига юқлатилган вазифага совуқонлик билан қараган Утурхон текширмасдан «Душман аскарлари Малазжирд худудларини тарқ этиби, улардан асар ҳам йўқ» деган қалбаки маълумот келтиради. Утурхоннинг сўзларига ишонган сulton от-арава ва асбоб-аслаҳани Диёрбакра қолдириб, ўзи Исфаҳонга кетишга қарор қиласди. Лекин у сўнгги дакиқада Исфаҳонга боришдан воз кечади ва Омул томон юришга фармон беради. Тунда унинг ҷодирига бир туркман келиб «Кеча сиз турган кўнимгоҳда хоразмлик аскарлар кийим-бошидан фарқ килувчи кийим кийган, кулранг отларга минган суворийларни кўрдим» деган хабарни етказади. Бироқ Жалолиддин негадир туркманнинг рост сўзларини ёлғонга йўяди ва шароб ичишга машғул бўлади. Маст ва ғафлат уйкусидаги ётган мовароуннахрликларни Чирмогун қуршовга олади. Жалолиддин юз берган ҳодисалардан бехабар май таъсирида ухлаб ётарди. Сulton ҳаётининг катта хавф остида қолганини кўрган мард Ўрхон ўз жангчилари билан мўгулларга ҳужум қиласди ва уйкудаги Жалолиддинни бир амаллаб отта миндириб ёв исканжасидан олиб чиқишига улгуради.

Ўзига келиб душман томонидан таъкиб қилинаётганини пайқаган Жалолиддин Ўрхонга ўзидан ажралиб, отни бошқа томонга буришни буюради. Ўрхоннинг сultonдан бўлак бўлиб кетишига қарамасдан, мўгуллар Омид томон чекинаётган Жалолиддинни қувишда давом этади. Бир неча хос аскарлари

ҳамроҳлигига султон тунни Маёфариқин қирларида ўтка-
зишни мўлжаллайди. Бироқ тонг-саҳарда яна мўғулларнинг
хужумига дучор бўлади. Отларга минишга ҳам улгуролмаган
бир нечта хоразмликлар душманга асир тушади. Қочишга ул-
турган Жалолиддинни таъқиб қилиш учун ёв ўн беш нафар
отлиқни унинг кетидан юборади. Етиб олган икки мўгул Жа-
лолиддин томонидан ўлдирилгач, таъқибчилар орқаларига
қайтишга мажбур бўлади. Жалолиддин эса йўлтўсар курд қа-
билалари яшаётган баланд тоқقا чиқиб кетади... Бу воқеалар
бундан 775 йил муқаддам – 1231 йилнинг ёз ойларида содир
бўлганди.

Қалқон.
2006. №6.

ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМШОХ САЛТАНАТНИ ҚАНДАЙ БОШҚАРГАН ЭДИ

Жаҳонгир Чингиз бошлиқ мӯғул истилочиларининг кучли зарбалари остида Хоразм ва Мовароуннаҳрдан сиқиб чиқарилган Султон Жалолиддин XIII асрнинг 20-йилларида Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Кавказорти, Ироқ ерларида қисқа муддатга бўлса-да аждоди Ануштегин (хукмонлик йиллари 1077 – 1097) асос соглган Хоразмшоҳлар салтанатини ўрнатишга муваффақ бўлганди. Сўнгги хоразмшоҳ тарихига оид манбаларда қайд этилишича, Жалолиддин барпо этган салтанат тасарруфида бўлган ерлар асосан икки турга тақсимланган. Бевосита султон хонадонига тегишли кўчмас ва ҳаракатдаги мулклар амлек ул-хос ёки асбоб ул-хос деб юритилган, улар маҳсус маъмурий маҳкамам – дёвон ул-хос томонидан идора қилинган.

Жалолиддиннинг хукмонлиги вақтида Аррон ва Озарбайжондаги хос ерлар вазир Шараф ул-мулкка топширилган ва унга шу мулкларда ўз хоҳишига кўра сиёsat юритиш ҳуқуқи берилган. Айни ҷоғда, ушбу хос мулклардан йигилган маблаг бекаму кўст салтанат ҳазинасига келиб тушиши шарт бўлган.

Мулкнинг иккинчи тури иқто истилоҳи билан юритилган. Иқто ҳукмдор томонидан номдор ҳарбий зодагонларга салтанат олдиаги улкан хизматлари эвазига инъом қилинган. Иқто эгаси, яъни муқтo унга тааллуқли мулкни шахсан ўзи бошқариши шарт ҳисобланмаган, бундай вазифани унинг ишончли кишиси гарданига юклатилиши қонунга хилоф бўлмаган. Иқто наслдан наслга мерос тарзида ўтувчи мулк сирасига кирмасди. Муқтонинг ўлимидан кейин унинг ерлари бошқа бир амалдорга берилиши ҳам эҳтимолдан холи бўлмаган. Масалан, Жалолиддиннинг атоқли лашкарбошиси ва

содик сафдоши Ўрхон Ганжа шаҳри яқинида исмоилийлар ўюштирган суюқасд пайтида ўлдирилгандан сўнг унинг мулки Сафиууддин ат-Туроийга тортиқ қилинганди. Баъзи вақтларда султон хизматида бўлган давлатманд кишиларга ҳам иқто бахш этилганлигини кузатиш мумкин.

Хоразмшоҳ ҳукуматида мавжуд рутбалар ичидаги вазирнинг мавқеи ўта залворли ва баланд бўлган кишиларга «Низом ул-мулк», «Шараф ул-мулк» сингари унвонлар берилган. Салтанат вазирининг асосий нишони дасталарига олтин суви юритилган тўрт найза ҳисобланган. Вазир бирор ерга хоҳ пиёда, хоҳ отда борса, албатта тўрт найзадор унга ҳамроҳлик қилган. Хоразмшоҳлар салтанатининг ўзига хосликларидан бирни вазирни «хожа» унвони билан сарафroz қилиб, тантанали маросиму қабуллар чоғида унга ҳукмдорнинг ўнг томонидан ажратилган маҳсус ўрин бериш эди. «Низом ул-мулк» рутбасига сазовор бўлган буюк вазир дөвонхонадаги қора ранги ўриндиқ – дастга ўтирган ва бошқа аркони давлат унинг қабулига кирган вақтда ўрнидан турмаган. Бу вазирлик амалига бўлган улкан ҳурмат-эҳтиромнинг ифодаси саналган.

Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (хукмронлик йиллари 1200 – 1220) учинчи ўғли валиаҳд Қутбиддин Ўзлоғшоҳга (1221 йили мӯгуллар билан бўлган жангда асир олинган ва ииниси Оқшоҳ билан бирга қатл қилинган) Хуросон ва Мозандарон ўлкалари хукмронлигини берган, Носириддин номли шахсни унинг вазири этиб тайинлаганди. Топширилган вазифа ҳамда ваколатнинг кўлами кенглигидан эсанкираб қолган вазирда калондимоғлик ва манманлик белгилари зоҳир бўла бошлайди. У ҳузурида қонун тусига кириб қолган тўрт найза ўрнига саккизта найза кўтариб юришни жорий этади. Натижада хукмдорнинг қаҳру фазабига дучор бўлади. Ушбу воқеадан сўнг вазирнинг қандай вазифаларга жавобгар эканлигини олий мансабдорлардан иборат олти вакилдорлар гуруҳи ҳал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилганди.

Жалолиддин салтанатида ўлка, вилоят ва шаҳар вазирлари ҳам фаолият кўрсатган, улар волий, яъни вилоят, шаҳар ҳокимларидан кейинги иккинчи даражадаги амалдор ҳисобланган. Ўлка, вилоят, шаҳар вазирларигига, академик З.Бунётовнинг эътироф этишича, туркий бўлмаган кишилар

қўйилган ва улар тўғридан-тўғри хоразмшоҳга ёинки унинг бош вазирига бўйсунган.

Жалолиддин салтанатида давлат ишларини юритиш идораси мавжуд бўлиб, у девон ул-иншо ёки девон ут-туғро истилоҳлари ёрдамида ифодаланган. Аббосийлар вақтида жорий этилган девон ул-иншо нафақат салтанат ишлари, балки чет мамлакатларга тааллуқли турли ҳужжатларни расмийлаштириш билан ҳам шуғулланган. Девон ул-иншода малакали ҳамда саводли котиб ул-иншоларнинг фаолият кўрсатиши талаб этилган, уларга хуснihat сирларини аъло даражада эгаллаган соҳиби девон ул-иншо раҳбарлик қилган.

Аскарий кучларнинг мавқеи ўта юқори бўлган хоразмшоҳ салтанатида девон ул-жайш мавжуд бўлиб, ҳарбий зодагонларга берилган иқтоларни бошқариш, оддий жангидан тортиб олий мансабдаги саркардаларгача бериладиган ойлик маош ва нафақаларни ўз фурсатида тўлаш, қўшиннинг таркибий қисмини ҳамда курол-яроғни назорат қилиш сингари вазифаларга жавобгар бўлган. Девон ул-жайшнинг тепасида соҳиби девон ул-жайш ёки ориз турган. Ҳарбий қурилиш билан бевосита машғул бўлган оризнинг ўлка, вилоят ва шаҳарларда ноиби хизмат қилган, вазият тақозо этса, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган.

Салтанат хазинасидаги маблағларни назорат қилиш масъулияти девонни нозир зиммасида бўлган. Молия нозирлари – мутасаррифлар кишим-чиқимларни маҳсус дафтарларга қайд этганлар. Дафтарларни архив – маҳзанда саклаш лозим бўлган. Ушбу девонда хизмат қилаётган нозирнинг ўлка, вилоят ёки шаҳарларда ўринбосарлари мавжуд бўлган.

Султон саройидаги барча сарф-харажатларни назорат қилиш, ошхона, шаробхона, ётоқхона юмушларига бош-қош бўлиш, ҳукмдорнинг хос соқчилари ва ғуломлари аҳволидан боҳабар бўлиб туриш сарой мулозимларидан бири устоздорга топширилган. «Ихтиёруддин» рутбаси билан шарафланган устоздорга салтанат хазинасидаги тушумнинг маълум улуши новвойлар, ошпазлар, отбоқарлар, сарой хизматкорларини маош билан таъминлаш учун ажратилган. Сарой аҳли қилган сарф-харажатлар вазир, муставфий, мушриф, нозир, ориз сингари ўн икки юқори мансабдорнинг муҳрлари босилиб

тасдиқланган ҳужжатда ўз аксини топган. Устозлар давлат хазинасидан олинган маблагнинг нималарга ишлатилганилиги тўғрисида сultonга ҳисобот берип туриши шарт ҳисобланган. Салтанатнинг молиявий захираларини назорат қилиш мақсадида молия-назорат бошқармаси – девон ул-ишроф фаолият кўрсатарди. Мазкур девонда хизмат қилувчи ходим – мушрифлар даргоҳда содир бўлаётган барча молиявий амалиётлардан хабардор бўлиши, бу ҳақда ўз вақтида аҳборот берип туриши шарт эди. Ҳар бир ўлка, вилоят ва шаҳарда мушрифларнинг вакиллари – мушриф ул-мамолик меҳнат қиласарди.

Мамлакатда бевосита ҳукмдоргагина итоат этувчи шикоятлар девони – ўулук ус-султон (девон ул-мазолим деб ҳам аталган) фаолият кўрсатиб турган. Ушбу девонга сultonнинг ишончини оқлаган шахслар бошчилик қилган. Ҳусусан, Жапониддин йўлуқ сардори этиб содик сафдоши Амир Санжаҳонни тайинлаганилиги тарихдан маълум. У девонга тушган аризаларни қабул қилган.

Салтанатнинг ўлка, вилоят ва шаҳарларида ҳам шикояту аризалар қабул қилувчи – қиссадорлар мавжуд бўлиб, улар ҳафта давомида тушган ариза, илтимоснома ва шикоятларни жамлаган ҳамда пайшанба куни оқшомда сultonга жавоб олиш учун топшириб турган. Қиссадор мансаби Хоразмшоҳлар салтанатидаги юқори рутбалардан бири сифатида диққатга молик бўлган.

Дин, оила, мерос ва жиноий ишлар масалаларига оид ҳукмлар қози томонидан чиқарилган. Қози, шунингдек, Қуръони Карим кўрсатмалари, шариат ва суннат қоидаларининг мўминлар томонидан қай даражада бажарилаётганини ҳам кузатиб турган. Йирик шаҳарларда шариат судларига қози ул-қуззот бошчилик қилган. Қозилик мартабасига мусулмон ҳукуқшунослиги – фиқҳни аъло даражада эгаллаган атоқли фақиҳлар тайинланган. Шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларни муайян соҳаларга татбиқ этишдан яхши хабардор бўлган қозиларнинг Жалолиддин салтанатида аксар ҳолларда элчилик вазифасини талаб даражасида бажарганлигини кузатиш мумкин. Элчи сифатида жўнатилаётган кишиларнинг ташки кўриниши, айниқса, нотиқлик маҳорати инобатга олинган.

Катта-кичик шаҳарларда гавжум бозорлар фаолият кўрсатган. Бозорлардаги нарх-наво, тартиб-интизом, озиқ-овқат, мева-чева, сабзвотларнинг сифати, тош-тарозиларнинг созлиги мухтасиб томонидан назорат қилинган. Омманинг ахлоқий нормаларини ҳам кузатиб турувчи мухтасиблик мансаби саводли ва кўп ҳолларда имом унвонига эга шахслар зиммасига юклатилган.

Сўнгти хоразмшоҳ Жалолиддин қўшинида ранг-баранг ҳарбий мансабу унвонлар мавжуд бўлиб, бош қўмондонлик вазифаси сипоҳсолорга, йирик аскарий қўшилмаларнинг саркардалиги хон, малик ва амирларга, вилоят ва шаҳарнинг ҳарбий ишлари шихнага, қалъя, қурғон, ҳисорлар мудофааси кутволга, қурол-ярог омборлари мудирлиги силоҳдорга, шикор уюштириш амири шикорга, аскарлар ўртасида содир бўлувчи диний-хукуқий низоларни ажрим қилиш қози аскарга, беш юз кишилик аскарий бирлашмага бошчилик қилиш сарҳангса, шахсий гвардия раҳбарлиги амир жондорга (тан соқчи), қўшиннинг жанговар байроқларини кўтариб юриш, уларни эҳтиёт қилиш амир ул-аламга, лашкар ҳисобини олиш мұхосибга, султон паҳлавонлари, яъни шахсий гвардияга маош улашиш жамакдорга топширилганди.

Хоразмшоҳлар, жумладан, Жалолиддин даврида аркони давлат, номдор зодагонлар, олиму уламо, фозилу фузало, зоҳиду зуҳҳодларга салтанат маблағлари ҳисобидан нафақа (ал-идорот) тайинлаш, турли мукофоту инъомлар бериш кенг йўлга қўйилганди. Анъана тусини олган нафақа тўлашни бекор қилишга уринишни ўзлари учун номақбул деб билган хоразмшоҳлар ўзларигача ўтган ҳукмдорлар ёки сулолалар тайинлаган нафақаларни ҳам сақлаб қолишгача боргандар.

Хуллас калом, бу йил таваллудининг 800 йиллиги кенг кўламда нишонланган сўнгти хоразмшоҳ Султон Жалолиддин томонидан вужудга келган сиёсий вазият натижаси ўла-роқ мўғул истилосига қарши туриш мақсадида барпо этилган мустақил феодал салтанатни идора қилиш услубларига, ундан даги ер эгалигига оид маълумотларга ўкувчиликлар диққатини қаратиш савобдан холи бўлмаса керак.

Ватан.
1999. №27 (266).

«БОБУРНОМА»ДАГИ БАЪЗИ БИР ТЕРМИНЛАРГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Улуг саркарда ва давлат арбоби, XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган забардаст намояндадаридан бири Захирiddин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонга машхур «Бобурнома» асари тарих, география, этнография, зоология, топография, адабийшунослик ва бошқа фанлар қатори ўзбек тилшунослиги учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мемуар ҳарактердаги шоҳ асарда фаннинг қатор соҳаларига оид сўз ¹³⁸ терминлар жуда кўп микдорда кўлланган. Айниқса, ҳарбий ишга тааллукли терминлар ўзининг ранг-баранглиги билан акралиб туради.

Академик В.Зоҳидов таъкидлаганидек, «ҳарбий санъатнинг машхур арбобларидан бири бўлган Бобир»¹³⁹ ўрта аср ҳарбий санъатининг барча қирраларини мукаммал эгалланган, ўз навбатида, уларни такомиллаштирган.¹⁴⁰

Маълумки, Бобур* мусиқа ва поэтика қатори ҳарбий санъатага бағишлаб маҳсус илмий рисола ёзган.¹⁴⁰ Афсуски, бу рисола бизгача етиб келмаган.

Адибнинг асосий асари бўлмиш «Бобурнома»да XV аср охири – XVI аср бошларида Моварооннахрда таҳт учун

¹³⁸ Қаранг: Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида // Бобурнома. – Тошкент, 1960. – Б.15.

¹³⁹ Қаранг: Даёдабеев Ҳ. Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг кўлланилиши (VII – XVII асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. №2.

‘Захирiddин Муҳаммаднинг таҳаллуси унинг шеърпарида «Бобур» тарзида берилган. Шунинг учун биз ҳам «Бобур» шаклида ёзишин мәъқул кўрдик.

¹⁴⁰ Валихўжаев Б.Н. Захирiddин Муҳаммад Бобир (1438 – 1530) // Ўзбек адабиёти ва тарихи. – Тошкент, 1978. Т.3. – Б.64; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – Б.637; Ҳасанов С. Бобирнинг «Аруз рисоласи» асари. – Тошкент, 1981. – Б.3.

бўлган ўзаро урушлар, Шайбонийхоннинг кўчманчилардан иборат катта армияси билан кечган шиддатли жанглар, шунингдек, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган йирик тарихий воқеаларнинг хронологик баёнида ҳарбий лексиканинг турли тематик группалари¹⁴¹ қатори курол-яроғ номларини ифодаловчи терминлар ҳам алоҳида ўрин эгаллади.

Биз ушбу мақоламиизда «Бобурнома»да қайд этилган ўт сочиш куроллари номларини билдирувчи терминлар ҳақида тұхталмоқчимиз.

Тарихий маълумотларга қараганда, ўт сочиш куроллари Үрта Осиёда илк бор XIV асарнинг иккинчи ярмида, яъни Амир Темур ҳокимият тепасига кедгандан сўнг пайдо бўлган.¹⁴²

Амир Темурнинг ҳарбий юришларини акс эттирувчи кўпгина тарихий манбаларда бундай ўт сочувчи курол, яъни тўп раъд термини билан аталганини кўриш мумкин.

Араб тилига хос раъд сўзи, аслида, «момақалдироқ»ни билдиради.¹⁴³ Тўпни раъд термини билан аташларинининг боиси шундаки, ундан ўқ (снаряд) отилганда кучли гумбурланган товуш чиқсан.

Бобур қўшинида раъд куролининг бўлганлигини қўйидаги факт орқали тасдиқлаш мумкин. «Бобурнома»да Бобурнинг Рано Санго билан 1529 иили Ҳиндистондаги Хурда кўли яқинида бўлган жангига раъдандозлар (раъд тўпу отувчилик) қатнашгани айтиб ўтилади: «Ва Низомиддин Али Халифани ғазоти Рум дастуридек, буюрудиким, милтиқилар ва раъдандозларким, чериқимизни олдида эдилар, аларнинг паноҳи учун аробаларни келтуриб, занжир билан боғладилар» (454).

Муҳаммад Салиҳнинг «Шайбонийнома» асарида¹⁴⁴ Шайбонийхон армияси Самарқандни узоқ муддат қамал қилган пайтда (1500 – 1501 ийллар) шаҳарни ҳимоя қилиб турган

¹⁴¹ Қаранг: Дадабаев X.А. Военная лексика в староузбекском языке: Авто-реф. канд. дисс. – Ташкент, 1981.

¹⁴² Қаранг: Беленицкий А.М. О появлении и распространении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV – XVI веках. Известия АН СССР. Таджикский филиал. – Сталинабад, 1945. – С.23.

¹⁴³ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М., 1977. – С.302.

¹⁴⁴ Муҳаммад Салиҳ. Шайбани-наме. – СПб.: Изд. П.М.Мелиоранского, 1908.

Бобур аскарларида *тахш* (ёйнинг кичик тури, арбалет), *новак* (ўқ-ёй) ва *туфана*//*туфак* (милтиқ) каби қороллар билан бир қаторда *раъд* асбоби ҳам борлиги айтиб ўтилади:

*Шайхулислом, ямону яхши,
Туфаку новаку раъду тахши,
Бўлдилар барчалари нопайдо,
Туттилар шаҳр ичинда маъво.*

Раъд тўпининг кўчманчи ўзбекларда, яъни Шайбонийхон кўшинида бўлганлиги ҳақида «Бобурнома»да ҳам, Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома»сида, шунингдек, Шайбонийхон мадҳига багишланган бошқа асарларда ҳам сўз юритилмаган.

Раъд тўпининг қайси йўл билан қўйилиши Алишер Навоининг «Хамса» достонига кирувчи «Садди Искандарий» асарида қизиқарли баён этилган. Аввало, қалай, симоб ва мис қотишмалари темир билан аралаштирилиб дамли ўчоқ ва кўрада эритилган. Эритмадан ичи бўш, коптотка ўхшаш, думалоқ шаклдаги снаряд – раъд тоши ясалган. Бу снаряд ичи порох – дору, адовий билан тўлдирилган. Снаряд сиртида иккита тешик бўлиб, уларга ўт пилиги – фатила ўрнатилган. Сўнгра снаряд тўп камони – раъд ёйига жойлаштирилган. Ўт пиликлари ёқилгач, снаряд ёв қалъаси томон отиб юборилган. Снаряд ерга тушиб портлаши билан ундан даҳшатли садо чиқкан. Албатта, бундай тўплар қамалдагиларни қаттиқ ваҳимага солган ва кўпинча таслим бўлишга мажбур қилган.

«Бобурнома»да, бундан ташқари, ўша давр артиллериясининг бошқа турларини англатувчи терминлар ҳам учрайди. Шулардан бири асарда энг кўп тилга олинадиган қозон атамасидир. Бу термин XV – XVI асрларда Ўрта Осиё ва Эрон кўшинларида бўлган энг катта тўпни билдирарди. А.М.Беленицкийнинг фикрича, қозон атамаси форсча дег (тўпнинг катта тури) сўзининг айнан таржимасидир.¹⁴⁵ Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қозон термини «тўп, замбарак» маъносида туркӣ тиллар ичida фақат эски ўзбек тилидагина

¹⁴⁵ Қаранг: Беленицкий А.М. Кўрсатилган асар. – С.27.

ишлиатилган. Форс тилида бу сўзниң қозғон формаси «кatta тўп» маъносида Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сида (XIII аср) учрайди.

Қозон тўпи душманинг жонли кучларини ва техникасини яксон қилиш, унинг қалъа ва қўрғонларини ўққа тутиш, ис-теҳкомларини вайрон айлаш каби ҳарбий операцияларни амалга оширишда актив қўлланган.

«Бобурнома»да қозон термини ҳақида биринчи бор Султон Ҳусайн мирзонинг Ҳисор қалъасида Хисравшоҳни қамал қилиши (1495 йил) тасвирида сўз юритилади: «Султон Ҳусайн мирзо келиб Ҳисор қўргонини қабоб тушди. Нақб солмоқ ва қўргон олмоқ ва тош урмоқ ва қозон қурмоқнинг иш-кучидаги кечка ва кундуз ором ва қарори йўқ эди» (93).

Куролланишда тўп қўллана бошлагач, ундан отиладиган ўқ, снаряд маъноси умумтуркий *тош* сўзи орқали ифодаланган.

Бобурнинг ёзишича, қозондан бир кунда анчагина тошлар отилган: «Бу неча кўпрук боғлагунча Устод Алиқули яхшилар тош отти. Аввалғи кун секкиз тош отти, иккинчи кун ўн олти тош отти» (408). Асарда таъкидланишича, тўпдан отилган *тош* (снаряд) анча масофага бориб тушган: «Якшанба куни ойнинг секкизида Устод Алиқули ўшул улуқ қозони билаким тош отти, минг олти юз қадам борди» (379).

Бобур қозон тўпини қуйиш жараёнини қуйидагича тасвирлади: «Душанба куни муҳаррам ойининг ўн бешида Устод Алиқулининг қозон қуярининг тафарружиға бордук. Қозон қуяр ернинг гирдида секкиз кўра қилиб олотни эритибтур. Ҳар қўранинг тубидин бир ариғе бу қозоннинг қолибиға рост қилибтур. Биз борғоч, қўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдин эриган олот сувдек шарилдоб қолибиға кирап эрди. Бир-икки кун қолиб совуғандин сўнг очтилар. Устод Алиқули кўп башошат била киши йиборибтурким, қозоннинг тош уйи бекусурдур. Дорухоносини қўймоқ осондир» (373). Мазкур парчада қўлланган *тош* уй бирикмаси қозон тўпи тош (снаряд) қўйиладигани қисмини билдирса, дорухона термини по-роҳ (дору) солинадиган қисмини англатади, тўпнинг бу иккала қисми алоҳида-алоҳида қўйилган: «Якшанба куни ойнинг секкизида Устод Алиқули ўшул улуқ қозони билаким, қуярда тош уйи нуқсон эди, дорухонасини ҳам сўнгра қуюб, тайёр қилиб эрди, тош отарда тафарружиға бордим» (379).

Ҳажм ҳамда оғирлик жиҳатидан ўша давр учун энг катта түп ҳисобланган қозон маҳсус лафет – қозон арабасига ўрнатилиб, бир позициядан иккинчи позицияга (бўлжор) туялар ёки филлар ёрдамида кўчирилган: «Яна тўрт-беш юз киши тортар қозон арабасини уч-тўрт фил осон тортиб борадур» (345). «Бобурнома»да бу улкан түп баъзан ғози қозон (ғолиб) лақаби билан ҳам юритилганини учратиш мумкин. Бобурнинг ёзишича, Ганг дарёсини кечиб ўтиш пайтида Устод Аликули бошчилигидаги түп бўлинмаси душманга «ғози қозон» билан тош отиб турган. Мазкур тўлга нима сабабдан бундай лақаб берилганини асар муаллифи шундай тушуниради: «Бу қозон ул қозон эдиким, Сангойи кофирнинг урушида тош отиб эрди. Ул жиҳатдин ғозига мавсум бўлуб эрди» (408).

«Бобурнома»да тез-тез кўзга ташланиб турадиган яна бир термин зарбзандир. Бу атама ҳажми қозондан кичик бўлган, аммо отиш тезлиги ундан тезроқ дала тўпини билдиради.¹⁴⁶ Зарбзан ҳам қозон тупи сингари лафет (зарбзан арабаси)га жойлаштирилган: «Кўпрук боғлар ердин қўйироқ Мустафо Румий зарбзанлиқ арабаларини бир оролға кечуруб, оролдин зарбзан ота киришти» (408).

Зарбзан ва бошқа ўт сочувчи қуролларнинг бу даврга келиб фақат Бобур армиясидагина эмас, балки қўшни Эрон хукмдорлари қўшинида ҳам мавжуд бўлганлиги турли хил ёзма манбалардан маълум. XV аср Хуросон армиясида зарбзан тупи мавжуд эканлигини Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асаридан билиш мумкин.¹⁴⁷ Бобур ўзининг мемуар асарила Шоҳ Исмоил қўшини билан ўзбек ҳонлари ўртасида 1528 йили бўлган жанг эпизодини тасвиirlаркан, қизилбошларда зарбзан тупи борлигини таъкидлади: «Қизилбош одами Рум дастурӣ била ароба ва зарбзан ва туфакандоз тартиб қилиб ўзини беркитиб урушур» (425).

Зарбзан термини «Бобурнома»да илк бор Бобурнинг Панипатда 1526 йилнинг 21 апрель куни Султон Иброҳим Лўдий билан бўлган жангни тасвирида учрайди.

¹⁴⁶ Қаранг: Беленицкий А.М. Кўрсатилган асар. – С.31; Ҳофиз Таниш Буҳорий. Абдулланома: Кўлёзма. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. №2207, 153-вараг; Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. – СПб., 1869. Т.1. – С.718.

¹⁴⁷ Қаранг: ЎзР ФА Шарқшунослик институти: Кўлёзма. №7108.

Қўшин маркази (ғўл)нинг чап томонида Мустафо Румий зарбзан тўплари билан Иброҳим аскарларига зарба бериб турган: «Мустафо тўпчи ҳам ғўлнинг сўл қўлидин ароба устидаги зарбзанлар билан яхши зарбзанлар отти» (336).

Бобур зарбзан тўпининг жангдаги аҳамиятини 1510 – 1512 йилларда Шоҳ Исмоил Сафавий билан иттифоқдош бўлиб юрган вақтларида билган ва уни қизилбошлардан ўзлаштириб (зарбзан Хуросонга Кичик Осиёдан кириб келган) ўз армиясига олиб кирган бўлиши мумкин. Султон Иброҳим ва Рано Санго билан кечган жангларнинг Бобур фойдасига ҳал бўлишида, албатта, тўпнинг бошқа турлари қатори зарбзаннинг ҳам роли катта эди.

Асарда кўзга ташланиб турадиган терминлардан яна бири фарангий бўлиб, у европача тўпни билдиради.¹⁴⁸ Куролнинг бу тури Султон Ҳусайн миrzода ҳам, Бобур қўшинида ҳам мавжуд бўлган. «Бобурнома»да фарангий тўпни отувчилар фарангибоз термини билан ифодаланганини кўрамиз: «Мирзобек фарангибоз анда қилич төгурур» (92).

Фарангий снаряди ҳам *тош* атамаси билан номланган. Фарангий ҳам зарбзан каби душманнинг жонли кучларини қириш билан бирга унинг истеҳкомларини бузиш, техникасини вайрон қилиш каби операцияларда ишлатилган. Бобурнинг ёзишича, 1529 йили Ганг дарёсини кечиб ўтиш пайтида зарбзан тўплари билан бирга фарангий тўплари ҳам душман кемаларига ўт сочиб аскарларнинг дарёдан муваффақиятли ўтишини таъминлаб турган: «Ушбу кун Устод Алиқули фарангий тоши билан икки кемани уруб синдурууб ғарқ қилди. Мустафо ҳам ул юздин фарангий тоши билан икки кема уруб синдурууб ғарқ қилди» (441).

«Замбарақ» маъносини англатувчи *тўп* термини илк бор Бобур асарида 1529 йил воқеалари тасвирланганда тилга олинади: «Алар келгунча Устод Алиқули ва Мустафо тўп ва туфак ва зарбзан ва фарангий била урушқа машғул бўлуб чиқфайлар» (441). Тўп отувчилар *тўпчи* термини билан ифодаланар эди (336).

Жанг бошланиши олдидан қозон, зарбзан, фарангий ва тўп учун маҳсус жой, яъни бруствер тайёрланарди. Бруствер мўлжор термини билан номланган: «Устод Алиқули била

¹⁴⁸ Қаранг: Будагов Л.З. Кўрсатилган асар. Т.1. – С.717.

Мустафога зарбзан отмоқقا ва қозон қурмоқقا, мүлжор қўпариб, ер ясамоқ учун қалин белдор ва қаҳорға муҳассиллар тайин қилинди» (440).

Қалъя ва кўргонларни тўплардан ўқса тутиш учун, аввало, уларнинг атрофида баланд тупроқ кўргон – саркўблар барпо этилар ва улар устига тўплар олиб чиқилгач, ўша ердан қамалдагилар тўплардан ўқса тутиларди: «Буюрилдиким, икки-уч ерда саркўблар ясад, нақблар солғайлар. Қалъагарлик асбобига бажид машгул бўлгайлар» (89).

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур қўшинида бор бўлган замбараклар асосан усмонли турк мутахассислари томонидан ишлатиларди.¹⁴⁹

«Бобурнома»да тез-тез учраб турадиган *туфанг* (*туфак*) термини ўт сочувчи куроллардан бири – узун стволли милтиқни билдиради. Туфанг XVI асрда Ўрта Осиё ва Хуросонда кенг тарқалганди. Ўт сочиш куролининг бу тури асосан душманинг жонли кучларига қирон келтиришда ишлатилган.

Туфана//*туфак* туркий сўз бўлиб, у эски туркий ёдномаларда **тўвак** формасида қайд этилган. Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида бу сўзга шундай изоҳ беради: тўвак – туппак. Тол дарахтининг, умуман, хўл шохларнинг пўстлоғини ёрмай, шох новдадан сугуриб олинади ва учига гўлакчалар қўйиб чумчуқлар отилади. Ёғочнинг ичини ковак қилиб ҳам туппак ясалади (Девону луғотит турк. I. 369).

Хофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, *туфанг* термини узун стволли милтиқ маъноси билан Кичик Осиё (*Рум*)дан Ўрта Осиё ва Хуросонга кириб келган.¹⁵⁰ Туфана//*туфак*¹⁵¹ билан параллел равишда туппак сўзи ҳам сақланиб қолган. Туфак термини ҳозирги замон туркий тиллари ичida фақат усмонли турк тилидагина (*tüfek*) ишлатилмоқда.¹⁵² Туппак сўзи эса ҳозирги кунда оғзаки нутқимизда «лой соққани пуфлаб қуш отиш учун маҳсус тайёрланган қамиш най»ни англатади.¹⁵³

¹⁴⁹ Қаранг: Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. – М., 1977. – С.114.

¹⁵⁰ Абдулланома. 19^a, 349^a.

¹⁵¹ А.Матгозиевнинг фикрича, бу сўз тўғ (тўл) анг (ак) элементларидан ясалган бўлиб, «кичик тўл» деган маънони англатади. Ҳарбий терминлар тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. №1.

¹⁵² Türkce sözlük. – Ankara, 1974. – S.806.

¹⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. Т.2. – Б.224.

Туфанг//туфак қуролининг Бобур томонидан 1500 – 1501 йилларда Самарқандни Шайбонийхон аскарларидан мудофаа қилиш вақтида ишлатилганини Мұхаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асаридан юқорида көлтирилған парчада күриш мүмкін. Аммо Бобур асарида бу сүз биринчи марта 1518 йил воқеалари тасвирланганда тилга олинади. Мәйлумки, 1508 йилдан 1518 йилгача бұлған воқеалар «Бобурнома»дан жой олмаган. Шундай экан, туфангнинг Бобур күшинида нисбатан илгарирок бұлғанлигини таъқидаловчи Мұхаммад Солиҳ сүзига ишонса бўлади.

Туфанг милтиги ҳамда бошқа ўт сочувчи қуроллар бу даврда Афғонистоннинг шарқий вилоятларида ва Ҳиндистонда ҳам маълум эмасди. Буни ҳатто Бобурнинг ўзи ҳам айтиб ўтади: «Бажур эли чун туфангни күрмайдур эдилар, туфанг унидин ҳеч парво қилмадилар, балки туфанг унини әшигтгач тамасхур қилиб, муқобалада шаниң ҳаракатлар қипурлар эди» (283). Туфанг//туфакдан отилган ўқ қалқонни, совутни ва бошқа мудофаа қурол-яроғларини бемалол теша олган: «Ўзга туфангандозлар ҳам туфанг отмоқта бисёр жалодат кўрсатиб яхшилар оттилар. Қалқондин, жибадин, говсардин ўткара-ўткара, йиқита-йиқита оттилар» (283). Мисолда қайд этилган туфангандоз (туфакандоз) термины туфанг//туфак отувчи жангчиларни билдиради. Бундай жангчилардан ташкил топган махсус отряд Бобур кўшинида мавжуд бўлган.¹⁵⁴ Бобурнинг Султон Иброҳим ва Рано Санго билан бўлган жангларида туфангандозлар маълум тактик операцияни амалга оширганлар. Кўшинда бор бўлган етти юз арава бир-бирига қайиш ҳамда дарахт пўстлогидан тай-ёрланган арқонлар билан маҳкам боғланиб, ҳар икки арава орасига тура термини билан ифодаланувчи, одам бўйига мос қилиб ишланган қалқонлар кўйилган. Туфангдозлар бу арава ва тураларнинг орқасида туриб душман аскарларини туфангдан ўққа тутганлар. Туфанг//туфак атамаси милтиқ маъносида XIX аср эски ўзбек тили ёзма манбаларида ҳам учраб туради.¹⁵⁵

¹⁵⁴ Қаранг: Азимджанова С.А. Кўрсатилган асар. – С.114.

¹⁵⁵ Қаранг: Матғозиев А. Ҳарбий терминлар тарихига доир // Ўзбек тили на адабиёти. 1974. №1; Оғаҳий. Риёз уд-давла (333⁶). ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлэзмалар фонди. №821//II.

Ўт сочиш қуролининг яна бир турини билдирувчи **милтиқ** термини «Бобурнома»да Бобурнинг Рано Санго билан 1529 йили бўлган жанг воқеалари тасвирида айтиб ўтилади: «Ва нодурул-аср Али Қули ўз улуси билан ғўлнинг олдида эди ва милтиқ ва зарбзан ва тош отмоқда ишлар қилур эрдилар» (455). Милтиқ билан қуролланган аскарлар **милтиқчи** термини билан аталар эди: «Буюордимким, ғўлнинг ўнг ва сўлидин милтиқчиларни ўртада қўюб, икки тарафдин корзор қилсунлар» (455). Милтиқ кейинги асрларда Ўтра Осиёда асосий ўт сочиш қуролларидан бирига айланиб қолди. Милтиқ ва туфанд//туфак каби қуролларга жойлаб отиладиган кичкина снаряд, патрон ўқ термини билан аталган. Бу сўз, шунингдек, ўй ўқи, тирни ифодалаша ҳам ишлатилаверган.

Ҳозирги кунда тилимизда юқорида кўриб чиқилган ўт сочувчи қуроллар номларини ифодаловчи терминлардан фақат иккитасигина ишлатилмоқда. *Тўл* термини «замбарак» маъносида¹⁵⁶, милтиқ атамаси эса «ўқ отадиган узун стволин кўл қуроли»¹⁵⁷ маъносида қўлланмоқда. *Раъд*, зарбзан, франгий, туфанд//туфак каби ўт сочувчи қуроллар истеъмолдан чиқиб кетиши билан уларни англатувчи терминлар ҳам ўз функциясини тутагтган.

Адабий мерос.
1988. №1 (43). – Б.38 – 43.

¹⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М., 1981. Т.II. – Б.250.

¹⁵⁷ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М., 1981. Т.I. – Б.464.

ҲОЖАТБАРОРЛИК

Тарихий манбалар Амир Темурнинг хонадон аҳли: хотинлар, ўғил-қизлар, набиралар, шунингдек, қавму қариндош, ёру дўстлар, хөшу ақраболар, қолаверса, ҳар бир катта-кичикка ўта меҳрибон, самимий бўлганилиги, уларнинг ҳол-аҳволи, турмуш тарзи, машғулотидан доимо боҳабар бўлиб туришни бир дақиқага ҳам хаёлидан фаромиш этмаганини тасдиқлайди.

Ўттиз олти йилга яқин ҳукмронлик даврининг жуда катта қисмини беҳисоб юришлар, шиддатли жанг жадаллар билан ўтказган Соҳибқирон ҳарбу зарблардан холи пайтларда мамлакат равнақи ва ободонлиги, ҳалқ тинчлиги ва фаронвонлиги, оила баҳти ва саодатига йўналтирилган ишларни жадаллиқда амалга оширган.

Маълумки, Амир Темур наслидан эллик уч нафар зурриёд дунё юзини кўрган бўлиб, шулардан ўттиз олтитаси ўғил ва ўғил набира, ўн еттитаси эса қиз ва қиз набира эди. Уларнинг аксарияти, хоссатан, ўттиз олти ўғил ва ўғил набира Соҳибқирон ҳаётлигига таваллуд топган.

Ҳам оталик, ҳам боболик вазифаси ва бурчини аъло даражада уddeллаган ҳазрат балоғат ёшига етган фарзандларни уйлантириш ёхуд турмушга узатиш масаласига ҳам фавқулодда масъулият билан ёндашган.

Темурий хонадонга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилажак келин ёки күёвни танлаш Амир Темурни бефарқ қолдирмаган.

Фарзанди аржумандларнинг таваллуд, суннат ҳамда нижоҳ тўйларини ўтказишдан мурод-мақсад азалий удумларга риоя қилиш қатори эл-юртга дастурхон ёзиш, етим-есир, мискину бечоралар ҳожатини чиқариш, раиятга завқу шавқ, хузур ва шодмонлик бағишлиш, кўнгилларни ғаму андуҳ, дарду аламлардан фориг этиш бўлган.

Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий сингари муаррихлар томонидан битилган асарларда Амир Темур раҳнамолигигида ўтган кўпдан-кўп тўйлар, зиёфатлар ҳакида қизиқарли маълумотлар берилган. Таъкидлаш жоизки, бундай шодиёналар нафақат она юрт тупрогида, балки забт этилган элларда ҳам ташкиллаштирилган.

1370 йил 9 апрель куни Балх шаҳрида барча беку амирлар, саййидлар, хонзодалар иштирокида бўлган улуғ тўй Соҳибқироннинг Чигатой улуси ҳукмдори шоҳсупасига ўтиришига бағишланган. Олий фармонга биноан хазина эшиклиги очилиб, ганж ва моллар аркони давлатга, саркардаларга, сафдошларга салтанатда тутган ўрни ва мавқеи, улусни бир ярим асрлик мўғул истилосидан озод қилишдаги ролига қараб улашилган.

Амир Темур бошчилигигида берилган тўйлардан дастлабкиси 1374 йилнинг март ойида Самарқандада ўтганди.

Хоразм волийси Юсуф Сўфининг иниси Оқ Сўфининг асл исми Севинбека, аммо Хонзода номи билан шухрат топган қизи Амир Темурнинг тўнгич фарзанди Жаҳонгир мирзога тантанали равишда никоҳлаб берилган.

Низомиддин Шомий таъбирича, мамлакатнинг акобир ва аъёнлари иштирокидаги мажлисда шариатга мувофиқ никоҳ аҳди тузиленган. Тилла-кумуш, дуру жавоҳир, мушку анбар сочқи қилинган. Машҳур тўйларгагина хос асбоб-анжом, турфа таомлар муҳайё этилган, эл маълум муддат осоишталик, хотиржамлик, кўнгилчоғлик ва роҳатда вакт ўтказган.

Навбатдаги никоҳ тўйи 1375 йилнинг мартада Жата саркардаси Шамсиддинбек қизи Дилшод оғонинг Соҳибқиронга никоҳ қилиниши муносабати билан Иссиққўлдан жануби-ғарбдаги Отбоши шаҳри яқинидаги Арпа номли дарё водийсида ўтган.

Амир Темурнинг набиралари ақиқа тўйларини нақадар севинч ва хурсандлиқда ўтказганига тарих шоҳид.

1394 йил 14 августда Шоҳруҳ мирzonинг ўғли Иброҳим Султон таваллуд топади. Ушбу хушхабарни Сароймулк хоним шу кезларда Жанубий Гуржистондаги Карс шаҳри яқинидаги ўтлоқда тин олаётган Соҳибқиронга чопар орқали етказади. Чопарни суюнчи билан тақдирлаган ҳазрат элга олтин

ва кумуш тангалар улашади, вилоятдан ундирилиши лозим бўлган бир йиллик хирожу солиқни бекор қиласди. Дунёга келган янги набиранинг таваллуд тўйи Шарқий Онадўлининг Мингқўл кентига туташ даштда ўтказилган. Теварак-атрофдаги саноқсиз шаҳару қишлоқларни мусаххар этган номдор амирлар, темурий мирзолар, олий мақом беклар, турли дарражадаги мулозимлар муборакбодидан сўнг барча шодмон ва хуррамлиқда зиёфат билан машғул бўлган. Тўй ниҳоясида Аббос баҳодирнинг ўғли Усмонбек Иброҳим Султонга отабек, унинг завжаси Сотқин оғо эса энагаликка тайинланган.

Узоқ муддатли ҳарбий юришлардан зафар билан она юртга қайтган Амир Темурнинг эл-улусга дастурхон ёзиг, ба-лоғат ёшига етган мирзоларни уйлантариши анъана тусини олганди.

Муаррихлар томонидан атрофлича тасвирланган икки шюхона тўй маросими Самарқанд яқинидаги Конигил мавзенида ўтказилган. Чунончи, Даشتி Қипчоқ хони Тўхтамиши 1391 йилнинг 18 июнида Қундузчада кечган даҳшатли жангда мағлуб этган Соҳибқирон ўн бир ойлик ҳарбий сафардан сўнг қиш мавсумини Тошкентда ўтказгач 1392 йилнинг мартаиди лашикари билан Самарқандга келади. Бир неча кундан сўнг у бўйи еттан набираларининг бошини икки қилиш мақсадида Конигилга йўл олади. Қисқа фурсат ичida тўй тайёргарликлари ниҳоясига етказилади. Маликалар, мирзолар, салтанат арконлари, саркардалар, беклар, кўшин қисмлари ва ҳалқ вакиллари иштирокида уюштирилган тўйда мархум Умаршайх мирзонинг ўғиллари Пир Муҳаммад мирзо ва Рустам мирзога Фиёсиддин тархоннинг икки қизи, Мироншоҳ мирzonинг фарзанди Або Бақр мирзога эса Амир Ҳожи Сайдиддиннинг қизи шариатга кўра никоҳ қилинган.

Айниқса, Хитойга қўшин тортишдан бир оз муддат олдин Конигилда ташкиллаштирилган олтмиш кунлик тўй ҳашамати ва улуғворлиги билан унда иштирок этгандарни лол қолдирган.

1404 йилнинг июлида Шом, Рум (Кичик Осиё), Гуржистон ва Эронзаминга қилинган етти йиллик сафардан доруссалтана Самарқандга зафар билан қайтган Соҳибқирон сентябрь ойининг еттисида фарзандлари, лашкарбошилари ва улкан қўшини билан эсон-омон она юрт тупроғига қадам қўйишига

мұяссар бұлғанлиги, шунингдек, набиралари Улугбек мирзо, Иброҳим Султон мирзо, Ийжал мирзо, Аҳмад мирзо, Сайд Аҳмад мирзо ва Бойқаро мирзони мұносиб қызларга уйлантириш мұносабати билан үтказиладиган навбатдаги қурултой ва түйга бошқош бўлиш мақсадида Конигилга келади.

Кўркам Конигил ўлангидан то Шовдоргача тахминан ўнг фарсанг (60 – 70 км)лик оралиқда жадалллик билан тўй-ҳашам тараддуди бошланади. Зиёфат арафасида Амир Темурнинг силоҳ амирлари ва баҳодир жангчиларни мансаб ҳамда ҳурматига қараб суюргол ва мукофотлар билан тақдирлаш ҳақидағи фармони эълон қилинади.

Соҳибқироннинг маросимда қатнашишга таклиф этилган хотинлари, келинлари, набиралари, номдор саркардалар, аркони давлат, хориж элчилари, ботир жангчилар учун ҳар бирининг эгаллаган мавқеи ва лавозимига мувофиқ маҳсус ўринлар белгиланади, боргоҳлар, чодиру капалар ўрнатилилади.

Соҳибқирон ўрдуси тушган жойда юқори увуқлари олтиндан ясалган, жавоҳирлар билан зийнатланган түрт саропарда, оқ уй (утов) ва хаймалар тикланади. Фаррошлар ва ўзга хунар эгалари томонидан бир ҳафта ичида барпо этилган қирқ устунлик улуғвор боргоҳ зиёфат үтадиган марказга айлантирилади. Ичида ўн минг киши бемалол үтиришга мўлжалланган ушбу боргоҳнинг сирти жундан тўқилган мато (сақарлот), ичи эса ипак ипли баҳмал билан ўралган, устунлари зар билан безатилган. Олий боргоҳнинг деярли ярим фарсанг келадиган теварак-атрофи улкан чодир ва сояблар өрдамида қуёш нури тушмайдиган ҳолатга келтирилган. Баковуллар ва соқийлар турли-туман егулик-ичимликларни дастурхонга тортиш билан банд бўлган. Маросимда қатнашиш учун келган тобе мамлакатлар раҳбарлари чодирлари Соҳибқирон ўрдуси атрофида тикланган. Уларнинг ортидан машхур саркардалар, дин ва шариат пешволари, давлат арбоблари чодирлари курилган. Буларнинг кетидан қўшин қисмлари тартиб билан ўрнашган. Сўнгти қатордан оддий халқ намояндайлари жой олган.

Айни шу кезларда Миср подшоҳи Малик ан-Носир Фаражнинг элчisi Менглибўға ҳожиб Соҳибқирон ҳузурига ташриф буюради. Элчи муборакбоддан сўнг подшоҳ номидан көлти-

рилган катта миқдордаги тұхфани, чунончи, битта зирофа (йүлбарсга үхашаш ҳайвон) ва тұққызта тұяқушни Соҳибқиронға тортиқ қилади. Үз навбатида, ҳазрат Миср әлчисига тегишли иззат-икром күрсатади. Шу тартибда Хитой, Олтой, Марокко, Рум, Фаранг (Испания) ва Ҳиндистон әлчилари қабул қилинади, улар ранг-баранг совғалар билан шод этилади. Құруттой араfasида Қалмоқ хонининг үғли Тайзи үғлон ва чинизий Тоштемур үғлон үйгинга Ҳорсондан Шоҳрух мірзони, Ғазнидан Пир Мұхаммад мірzonи чақириш мақсадға молик дәған мулоҳаза билан Соҳибқиронға мурожаат қилишади. Амир Темур Пир Мұхаммад міrzonинг Конигилга келиши учун ижозат беради ва бу ҳақда Ғазни (Афғонистондаги Ғазна шаҳри)га зудликда чопар жүнатилади. Бироқ Шоҳрух міrzonинг йүқлигидан Ироқ ва Озарбайжондаги ғанимлар фойдаланиши әхтимоли борлигидан хавотирланған Соҳибқирон көнжа фарзандининг үштирилаёттан қуруттой ва түйда қатнашишини шарт әмас дәб билади. Үйгінда иштирок этишга рухсат олған темурий мірзолардан бириңчи бўлиб Луристондан Халил Султон бобоси ҳузурига қадам ранжида қилади. Йигирма бир ёшни қоралаган амирзода билан келган Ёдгор Барлос, Бердібек, Ҳудайдод Ҳусайній, Довуд Малик барлос, Саодат Темуртош, Давлат Темур тавочи каби номдор беклар, лашкарбошилар ҳазратга турфа тұхфалар тортыб, унинг дийдорини күришга мушарраф бўладилар. Оз фурсатдан сўнг Пир Мұхаммад міrзо ҳам Ғазнидан етиб келади. Соҳибқирон тұнгич фарзанди Жаҳонгир міrzonинг иккінчи үғлини самимий қарши олади. Ҳазрат ва амирзода 1403 үйнинг 13 марта Туркияning Қорахисор қалъаси яқында йигирма тұқызы ёшида боқий дунёга риҳлат қилған таҳт вориси Мұхаммад Султон міrzonи ёдга олиб зор йиғлашади, Куръон оятлари тиловат қилинади. Шундан кейин Пир Мұхаммад міrзо жаҳонгир бобосига салтанатда үрнатилған қонун-қоид (тўра)га мувоғиқ олиб келған турли-туман совғаларини топширади.

Эртанги кун марҳум оғаси үрнига валиаҳд қилиш ва үз үрнига қойиммақом этиш ниятими күнглиға тугиб қўйған Соҳибқирон йигирма етти ёшли Пир Мұхаммад міrzonи зарбоф тұн, қимматбаҳо тошлар қадалған тож ва олтин камар билан сарафroz этади, у билан келған беклар ҳамда навкар-

ларга тұнлар кийдіриләди. Мотам либослари ечилиб, барча хұрсандчилікка машғұл бұлади. Шу паллада Хурсон вилоятида девонбеги вазифасини ўтаётган Хожа Мұхаммад Тусий күп совға-салом билан Соҳибқирон ҳузурига келади.

Тұй тайёргарчилікпәрәптери үшін шоқыланғанда, боргох марказига Амир Темурнинг маҳсус таҳти үрнатылади, хонимлар, келинлар, темурий мірзөлар, лашқарбошилар, етти иқтим әлчила-ри ўзлари учун белгиланған үриндан жой оладилар. Зарбоф тұнлар кийиб, белгі олтін камарлар боғлаб, заррин түрзилар күттарған ясовуллар тартиб-интизомға масъуллик қылған. Улкан дастурхонлар турфа таом, мева-чева ва ичимлик (бода, қимиз, бол, мұсаллас ва ҳоказо) билан ясатылған, ёш йигитлар мемлекеттің ош тортыш, олтін пиёлаларда ичимлик тутиш хизматини адо этишгандар.

Хоғизи Абрұнинг күйидаги тасвири үкувчидә шоқона тұй ҳақида кераклы таассурот туғдирауды: «Оламнинг түрли тарафларидан йиғилған тилләрі ва кийимләрі бир-біридан фарқлы ҳар қайсы мамлакат созандалары, ҳар иқтимининг санъат аҳллари ҳунар соҳиблари гурұх-гурұх бұлишиб ҳар диёрнинг ўзида расм вә одат қылинған зеб-зийнат буюмлары, тақиңчоқлары, кийим-көчак ва матолары билан ясаниб ўзларига оро бердилар. Ҳушнағма созандалар ва хушвөз хонандалар форс тарықасыда, ажам тартибида, араб қоидасыда, түрк йұсунида, мұғул аәлғусыда, хитой русумида, алтой услубида соз ғалымоқ, ашула айтмоқ ва оқаңғ боғламоқ ила машғұл әдилар».

Хусусан, ўз даврининг тенги йўқ созандаси бўлмиш Хожа Абдулқодирнинг қўбуз, ётугон ва удда мохирона ижро этган куйлари базмға алоҳида тароват ва кайфият баҳш этган.

Зиёфатда қатнашган давлат бошлиқлари, темурий амирзодалар, бекларга тұнлар кийдірилған, қимматбаҳо тошлар қадалған тожлар ва камарлар тақдим этилған, олтін ва күмуш тангалардан сочқилар сочилиған.

Шу алпозда тұй тантаналари икки ойга чўзилған. Тұй туга-гач, Соҳибқирон юртни бошқариш ҳамда тоату ибодат қилиш билан машғұл бўлған.

САРКАРДА, МУНАЖЖИМ, ҲОЖИ (Амир Темур ардоқтаган инсон)

Тарихнинг далолат беришича, Амир Темур қўшинининг турили қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбекилик, иккинчи юзтаси юзбекилик, учинчи юзтаси эса мингбекилик рутбаларини эталлаган. Туман, яъни ўн мингликларга Соҳибқирон фарзандлари, набиралари ҳамда Амир Ҳожи Сайфиддин, Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик, Амир Аллоҳдод, Амир Сулеймоншоҳ, Амир Жаҳоншоҳ сингари истеъдодли лашкарбосилар раҳбарлик қилган.

Темур тарбиялаб вояга етказган атоқли саркардалар қаторидан Соҳибқироннинг яқин сафдоши, бутун умрини Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги курашга баҳшида қилган Ҳожи Сайфиддиннинг алоҳида ўрин олганлиги тарихдан маълум.

1362 йили Чигатойхон наслидан бўлмиш Жата (Мўғулистон) ҳукмдори Туғлуқ Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга черик тортгандан сўнг ўз юртига қайтади. Мовароуннаҳда қолган мўғул нўёнлари ва қавмига бошчилик қилиш Амир Бикижак зиммасига юклатилади. Маҳаллий халқнинг тинчлик-осоийишталигини таъминлаш ишлари эса эндиғина йигирма олти ёшга тўлган Амир Темурнинг вазифаси этиб белгиланади.

Туғлуқ Темурхон ўз қароргоҳига қайтгандан кейин Бикижак зулм ва бедодлик кўчасига қадам қўяди. Ўэбошимчалик ва зўравонлик авжига чиқади. Адолат ва ҳақиқат бузилади. Хоннинг ясогига амал қилинмайди. Бошбошдоқлик ҳукм суро бошлайди.

Ушбу ҳолатда эл-улуснинг келажаги, меҳнаткаш омманинг аҳволи инқирозга юз тутиши муқаррарлигини тез фаҳмлаб етган Амир Темур 1346 – 1357 йиллар давомида Мовароун-

нахрда ҳукм сурган Амир Қазағаннинг набираси, Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятларининг фармонбардори Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузишга, биргаликла зулматда қолган мамлакатни мұғул босқинчилари истибдодидан халос этишига аж қиласы.

Хива яқинидаги Согаж кудуги бошида Соҳибқирон Амир Ҳусайн билан дийдор күришади ва бу ердан биргалашып Хива ҳокими Тұқалнинг ҳузурига йўл оладилар. Бироқ Хива ҳокими икки бекни қўлга тушириб, уларни қатл этмоқни режалаштиради. Гаддор Тұқалнинг макридан ўз вақтида огоҳ бўлған иттифоқчилар олтмиш нафар суворий ҳамроҳлигига Мурғоб дарёсининг қўйи қисмига қараб илдам юрадилар. Тұқал уларнинг изидан яхши куролланган мингта отлиқ аскар билан равон ва шитобан бўлиб, кун чиққан пайтда иттифоқчиларга етиб олади. Икки томоннинг баҳодирлари уруш ва савашга юз тутади. Аёвсиз жанг шу даражага етадики, Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг олтмиш навкаридан етти киши, Тұқалнинг минг аскаридан эса атиги эллик нафари тирик қолади.

Соҳибқироннинг омон қолган сафдошлари ичидаги Тағойбўға барлос, Элчи баҳодир қатори нукуз ургидан чиққан Сайдиддин ҳам бор эди. Ушбу тенгиз жанг чоғида Амир Сайдиддиннинг ўзи амалга оширмоқчи бўлған ўта масъулияти, яъни ўз мустақиллiği ва бирлигидан маҳрум бўлған, тобелик кишанига боғланиб қолган, ҳокимият учун беклар, амирлар олиб бораётган ўзаро қирғинбарот урушлар туфайли тинкаси куриган она юрт – Туронзамиинни сал кам бир ярим асрлик мұғул зулмидан озод қилиш, бек ва амирларнинг бошини қовуштириб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, айниқса, ҳарбий жиҳатдан қудратли марказлашган давлат барпо этишдек олижаноб ишга ҳамфир ва содиқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қылған Амир Темур ҳокимият тепасига келгач унга улуғ саркардалар сафидан жой берди, шоҳона лутфу ҳусравона марҳаматлар билан тақдирләди, чексиз карам ва иноятлар кўрсатиб, ҳамиша кунглини олишига ҳаракат қиласы.

Амир Темур эл-юрт орасидаги мавқеи кучайғанлиги ва омма орасидаги эътибори орттанингি равшан бўлғач, икки минг отлиқ аскар билан Вахш водийсидан чиқиб киндик қони түқилған, айни кезларда Жата лашқари қўл остида қолган Кеш, яъни Шаҳрисабз томон юради. Бойсун яқинидаги «Темир

дарвоза»га құнған Соҳибқирон аскарлари сафига Кеш ва унинг итрофидан қочиб келган кишилар тұда-тұда бұлиб қүшила болшайди. Амир Темур қүшиндан уч юз сарасини танлаб олади на Яраттандан мадад тилаб таваккал юзини йұлға қаратади. Юриш асносида мазкур уч юз жангчининг икки юзтасига Амир Сайфиддин, Амир Сулаймон барлос, Амир Жаку барлосни сардор қилип Кеш тарафига илғор қилишни буюради.

Тұрт қүшун, яъни қисмға бўлингган аскарларнинг ҳар бири Соҳибқирон амрига биноан ҳар бир отнинг иккала ёнига иккита шохни боғлаб ерга судрагудек осиб қўядилар ва ҳаммаёкни чангитадилар. Узоқдан кўтарилиган гард ва тўзонни кўрган Кош доруғаси катта қўшин келаётганини хаёл қилип қочишдан ўзга чора топмайди.

Маълумки, 1365 йил май ойи охирида Арис дарёсига күйилувчи Бодом суви яқинида Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн бошлиқ қўшиннинг Илёсхожахон сардорлигидағи Жата сипоҳи билан тўқнашуви бўлиб ўтади. Тарихда «Лой жанг» номи билан машҳур бўлган ушбу муҳораба чоғида Амир Темур қўшиннинг чап қаноти – жуванғардан ўрин олади. Жуванғарнинг қанот ҳимояси – қунбулга қипчоқ қавми билан Амир Сарибўғани тайинлайди. Илғор қисм – ҳиравулда Темурхожа ўғлон муқаррар бўлади. Амир Сайфиддин, Амир Мусо барлос ҳамда Аббос баҳодир марказ – кўлда қарор топадилар.

1365 йилнинг кузида Соҳибқирон улкан черик билан Амир Ҳусайн размига азм этиб, Амир Сайфиддинни катта бир аскарий гурухга бош қилип манглай – илғор қисмга қўяди.

Амир Ҳусайннинг Амир Мусо ва Амир Ҳиндушоҳ сардорлигидағи қўшини Қаршини эгаллаб турган вақтда Темур озигина сипоҳ билан Марв шаҳри яқинидаги Мохон қишлоғи орқали Амударёдан ўтиб чўлда қўним топади.

«Биз Ҳиротга, Малик ҳузурига, кетяпмиз», – деб овоза тарқатган Соҳибқирон ўз кўл остида икки юз қирқ уч нафар марду майдон билан ғанимлардан интиқом олмоққа жазм қиласи ва Нашабда турган Амир Ҳусайннинг ўн икки минг кишилик қўшинига қарши юради.

Жасурлик ва довюраклик нишонаси ҳисобланмиш ушбу зафарли юриш чоғида Соҳибқиронга бир тану бир жон бўлган Амир Довуд дуғлат, Амир Жаку, Амир Муайяд арлот, Сујорғатмиш ўғлон, Амир Сарибўға жалойир, Ҳусайн баҳодир,

Аббос баҳодир қипчоқ, Оқбўға баҳодир найман, Маҳмудшоҳ
Бухорий каби хослар қаторидан Амир Сайфиддин ҳам муно-
сиб ўрин олганди.

Амир Темур ишлатган ҳарбий тадбир натижасида Қар-
шини эгаллашга муваффақ бўлган ғолиб аскарларни қалъа-
дан сиқиб чиқариш ниятида тўплланган ўн икки минг кишилик
дushman лашкари шаҳарни қамал қиласди. Соҳибқироннинг
фармонига кўра шаҳар дарвозаларидан Хузор дарвозасини
ҳимоя қилишини Амир Довуд, Амир Муайяд ва Амир Сай-
фиддин ўз зиммасига олади.

Суюргатмиш ўғлон, Амир Аббос, Ҳусайн баҳодир, Оқбўға
ва ўзга беклар қалъанинг буржу боруларида туриб ғаним
аскарларига қирон келтиради.

Амир Муайяд ўттиз нафар жасурлар бошчилигига ташқа-
рига чиқади ва ажал уруғини сочмоқчи бўлиб ҳаракат қила-
ётган дushman сафлари устига шердай ташланади. Шу вақтда
рақиб қаторида бўлган Дуваррака баҳодир ундан юз ўгиради
ва қалъага кириб Соҳибқирон мулозимлари сафидан ўрин
олади.

Амир Темур жанг натижасини шу куниёқ ҳал этиш мақса-
дида ташқарига чиқмоқчи ва ёвга интиқом қиличи зарбини
намойиш этмоқчи эканлиги ҳақида беку амирларга маълум
қиласди. Илми нужум сирларидан яхши хабардор бўлган
Амир Сайфиддин Темурга бугунча сабр қилиш лозимлиги-
ни, эртаси пешин пайтида ўйлаган режасини амалга ошириш
мақсадга мувофиқ эканлигини маслаҳат беради. Соҳибқирон
Сайфиддиннинг бамаъни маслаҳатини маъқул топади ва
қалъадан ташқарига чиқиш режаси вақтинча кечиктирилади.

Амир Темур ўзи билан Амир Ҳусайн ўртасидаги нифоқ
мамлакат ҳаробалигига ва раият паришонлигига сабаб бўла-
ётганидан ич-ичидан ээзилиб юрар, иложини топса Ҳусайн
билан ярашиш ниятида эди.

Амир Ҳусайн қошидан келган ишончли кишилар унинг Со-
ҳибқирон билан сулҳ тузиб, ярашишга аҳд қилганлигини арз-
га етказади.

Темурбек пайдо бўлган имкониятни қўлдан чиқармаслик
мақсадида иккilanmasdan йўлга отланади. Сирдарёдан
ўтиб, Амир Ҳусайннинг саркардаси Пўлодбўға эгаллаган Са-
марқанд томон равона бўлади.

Шаҳарга яқин келингач, ичкаридан бир киши чиқиб Амир Ҳусайннинг бевақт вафот этганлиги ҳақидаги сохта хабарни отказади. Соҳибқирон ушбу нохуш хабарни эшигтгач Са-марқондига киришдан воз кечади ва Жом сойи бўйига тушади. Ўзигичилар ҳордиқ чиқариб, отлар тўйиб ўтлаб олгандан кеини Томур Уратепа томонга қараб жиловни буради.

Соҳибқирон Ниёзий мавзеига етиб келганда таҳт учун кураш олиб бораётган, айни чоғда Амир Ҳусайн тарафида турган Амир Мусо улкан лашкар билан унинг йўлини тусади. Томурнинг довюрак ботирлари Соҳибқироннинг Амир Мусога нисбатан заррача ҳам ғарази йўқлигини, ҳозирда у билан Амир Ҳусайн ўртасида ниш ураётган адватни дўстлик ва симимиёт ришталари билан алмаштириш ниятида Амир Ҳусайн билан битим тузиш, мамлакатда тинчлик ва осойиштапик ўрнатиш учун келаётганлигини изҳор қиласидилар. Лекин Амир Мусо ўз туғи остига йигилган қўшиннинг кўп сонлилигидан мағурланиб бу сўзларга қулоқ солмайди, муҳораба шактида лашкар адади эмас, балки саркарданинг истеъодиди шижоати муҳим омил эканлигини англаб етмайди.

Натижада аввал ҳам бир неча қатла Темур билан бўлган тўқнашувларда мағлубият аламини тортган Амир Мусо ўч олиш йўлида аскарларини жанговар тартиб – ясолга тизади Соҳибқиронга зўр келтирмоқчи бўлади.

Душман билан жант қилишдан ўзга чора йўқлигига иқрор бўлган Темурбек Амир Сайфиддин ва Хитой баҳодирни эллип киши билан ёвнинг ён қанотидан айланиб ўтиб ортдан кучли зарба бериш учун жўнатади. Ўзи эса етмиш жангчи билан ғанимга юзма-юз келади. Ҳам олддан, ҳам ортдан қилинган қақшатқич зарбага бардош беролмаган Амир Мусо лашкари фирор йўлини тутади.

Аллоҳ таоло ато этган буюк ташкилотчилик салоҳияти ва саркардаплик истеъодиди туфайли она заминни бир неча йилик мўғул босқинчилари истибододидан халос қилишга, беклар, амиrlар, нўёнлар ўртасидаги ўзаро низо ва жанжалларни бартараф этишга, раиятнинг турмуш тарзини маълум даражада яхшилашга эришган Амир Темур ўттиз тўрт ёшида, яъни 1370 йилнинг 9 апрелида таҳтга ўтиргач Ватан озодлиги, эл-улус осойишталиги ва равнақи йўлида унга сидқидилдан ҳамроҳ бўлган, қанчадан-қанча жанг жадалларда

қаҳрамонлик намуналари күрсатган, қишининг қаҳратон тунларида, ёзниң жазирама кунларида совуқни совуқ, иссиқни иссиқдемай ўзига ҳамфир, ҳамсаф бўлган энг яқин биродарларини, хосларини, мулозиму навкарларини уларнинг жамиятда туттан ўрни ва салтанатдаги мавqeига қараб улуглади, олий увоннлар ва мансаблар билан сарафroz қилди, шоҳона тухфалар ва тортиқларга сазовор этди.

Бу кезларга келиб Самарқанд яқинидаги Сарипул атроф ва жавонибида яшовчи ясавурийлар сардори Хизр Ясавурийнинг қизига ўйланган Амир Сайфиддинга Амир Жаку, Аббос баҳодир, Амир Искандар ва бошқа номдор саркардалар қатори давлатдаги мавжуд олий ҳарбий рутбаларнинг навбатдагиси ҳисобланган лашкар амири ва тавочи мансаби берилади.

1371 йилнинг баҳорида Соҳибқирон катта лашкар жам қилиб, уруш асбобларини мураттаб этиб Хоразм волийси Ҳусайн Сўфига қарши илк марта қўшин тортади. Амир Сайфиддин Темурбек томонидан Самарқанд доруссалтана доруғаси қилиб тайинланганлиги туфайли ушбу юришда иштирок этолмайди.

Сайфиддин Самарқанд доруғаси вазифасида 1375 йилнинг кўкламигача, яъни Соҳибқирон учинчى маротаба Хоразм тарафга лашкар тортиб боргунга қадар фаолият кўрсатади.

1376 йили Амир Темур севимли фарзанди Жаҳонгир мирзони Самарқандни бошқариш учун қолдириб, ўзи Мўғулистан томонга юриш қиласи. Сафардан пойтахтга мансур ва музaffer қайтган Соҳибқирон машъум воеанинг устидан чиқади. Эндиғина йигирма баҳорни қаршилаган Жаҳонгир мирзо беъвақт ҳаётдан кўз юмган, оғир жудоликдан чукур мусибатга тушган шаҳар аҳли мотам ва аза қонун-қоидаларини бажо келтирмоқда эди.

Фарзанди доғида куйган Амир Темур Аллоҳнинг ҳукмига бўйсуниб бир неча кун давомида шариат аҳлини йигиб навқирон амирзода арвоҳига хатми Куръон қилдиради, халқка ош ва таомлар тортади, фақиру мискинларга садақалар улашади. Шундан сўнг марҳум амирзода наъши олий фармонга кўра Шаҳрисабзга жўнатилади ва у ерда иззат-икром билан дағн этилади.

Жаҳонгир мирзо вафотидан маълум фурсат ўтгач Амир Сайфиддин Байтуллоҳга ҳаж зиёратига бориб Маккан

муаззамада турати ҳамда бир неча вақт марҳум мирзонинг фироқида маълул ва маҳзун бўлиб, ғаму ҳасрат чекади. Ҳаж амалларини адо этган Амир Ҳожи Сайфиддин 1377 йилнинг қишида муборак сафардан қайтади ва Соҳибқирон палосини утиш шарафига муваффақ бўлиб, Темурбекка мулоzамат қиши саодатига эришади ва шоҳона меҳрибонлик билан тақдирланади.

Соҳибқирон Ҳожи Сайфиддиннинг нафақат илми ҳарб, илми нужум, илми шариат, шунингдек, дипломатиядан ҳам ихши хабардорлигини билар, шунинг учун кўп ҳолларда унинг зиммасига масъулиятли музокаралар олиб бориш ва тифасини юкларди.

Мисол тариқасида 1380 йили Ҳожи Сайфиддиннинг Темурбек топширигига биноан Ҳиротга бориши, доррассапом волийси Малик Фиёсiddинни Самарқанди фирдавсмонандга келишга даъват этишини келтириш лозим. 1382 йилнинг охирида Малик Муҳаммад бошлиқ ғурийлар исён кутариб Ҳиротда хизмат бурчини ўтаётган мовароуннаҳрликлар жонига қасд қиласди. Исён хабари Мурғоб дарёси яқинидаги қишлоғда турган Мироншоҳ мирзо қулогига еттич, амирзода Ҳожи Сайфиддин ва Оқбўғани нусратпаноҳ қўшин билан Ҳиротга жўнатади. Ҳиротга шитоб билан етиб колган қўшин ҳар дақиқани ғанимат билиб душман кучлари билан жангга киради. Ҳар икки томоннинг йигитлари қитол ва жидол бобида жонбозлик кўрсатадилар. Ниҳоят, Ҳожи Сайфиддин ва Оқбўға аскарлари ғолиб келиб, исёнчилар шикаст топади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, Амир Темур юришлари тарихига оид асарларнинг аксариятида мана шу йилдан койинги сана воқеалари тасвирида Ҳожи Сайфиддинни Амироншоҳ кўрагон сардорлигидаги ўнг кўл – баранғарнинг қўмондонлари сафида тез-тез қўриш мумкин.

1383 йилнинг ёзида Соҳибқирон учинчи марта Эрон жонибига черик тортиб боради.

1386 йили Соҳибқирон зафарёр лашкарини жамлаб бўлгандан сўнг Амир Довуднинг ўғли Амир Сулаймоншоҳ раҳбарлигидаги номдор умарони Самарқандни бошқаришга тайин этади ва таважоҳу юзини ғарбга қаратади. Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад жалойир нусратосор қўшин билан юзма-юз ке-

лишга ботинолмай лашкарини ташлаб қочади. Фирор йўлни тутган Султон Аҳмадни таъқиб қилишини Амир Темур Ҳожи Сайфиддин бошлиқ бир неча бекларга юклайди.

1387 йили Соҳибқирон Амир Шайх Али баҳодирни Озарбайжоннинг мустаҳкам қалъаларидан Боязид қальасини забт этишга юборади. Маълум фурсатдан сўнг Ҳожи Сайфиддин ва Эйгу Темур Шайх Али баҳодирга мадад ва кўмак бериш учун унинг изидан йўлга чиқадилар. Умаролар нақб (лаҳм)чиларнинг яқиндан кўрсатган ёрдами натижасида қалъа атрофида қазилган хандақларни тўлдирилган сувдан қуриладилар ва ҳарбу қитолдан кейин Боязид қальасини фатҳ этадилар. Қалъа ҳокими банди қилиниб, Темурбек даргоҳига етказилади.

1388 йилнинг эрта кўкламида Мовароуннаҳрга суқилиб кирган Тўхтамишхоннинг Тангриберди бошчилигидаги аскарий қисмини Сирдарё бўйида мағлуб этган Соҳибқирон иккинчи ўғли Умаршайх мирзо, Ҳожи Сайфиддин ва Эйгу Темурни Сирдарёдаги кўприкларни тартибга солиш учун жўнатади. Шу йилнинг нояброда Амир Темур Ҳожи Сайфиддинни ўғруқ (обоз)қа кўмондан қилиб белгилайди ва уни доруссалтан Самарқандга узатади. Ўзи эса қўшин билан Арис дарёсидан ўтиб, Сабронни ишғол қиломаётган Тўхтамишхонга қарши юради ва Дашти Қипчоқ ҳудудларига қадам кўяди.

Амир Темур 1390 – 1391 йилларда Тўхтамишхон билан жанг қилиш мақсадида уни бир неча ой Дашти Қипчоқ бўйлаб таъқиб қилиб боради. Хон Соҳибқирон билан юзма-юз тўқнашишга ботинмай шимолга чекинади. Амир Темур узоқ муддатли сафарнинг аскарлар руҳига салбий таъсири қила бошлаганлигини пайқағач зудлик билан ўғли Умаршайх мирзо, Амир Ҳожи Сайфиддин, Суюнчак, Санжар ва Усмон ибн Аббос кўмондонлигидаги йигирма минг кишилилк отлиқ қушинни қандай йўл билан бўлса ҳам хон сипоҳини излаб топиш ва уларни жангга киришга мажбур этишни буюради. Бу суворий аскарий қисм олий бош кўмондоннинг топширигини бекаму кўст бажаради ва икки қўшин орасида 1391 йилнинг 18 июнида Самара вилоятининг Қундузча мавзеида ўша вақтнинг энг даҳшатли муҳорабаларидан бири бўлиб ўтади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришичча, ушбу жанг чоги Амир Темур ўзининг икки юз минг кишилилк армиясини етти

қисм, яъни қўлга бўлади. Амир Ҳожи Сайфиддинга Мироншоҳ бошчилигидаги ўнг қўл – баранғарнинг қанот қўриқчиси, яъни қунбулга қўмондонлик қилиш вазифаси юклатилади. Икки риқиб қўшинлари таббу ноғораларни гумбурлатиб, туғу байроқларни ҳилпиратиб, наъраю сурон солиб бир-бирига рўпаштага, Амир Ҳожи Сайфиддин ўз қунбули билан ҳаммадан бурун интиқом тифини қиндан чиқариб шиддат билан қаршисида турган хоннинг сўл қўл – жуванғарига ҳужум қиласди ва уни тор-мор этади. Душман қисмининг сафи бузилиб қочмоққа юз туттиди. Ғалабадан илҳомланиб кетган Амир Ҳожи Сайфиддин аскарлари қочоқларни таъқиб қиласди. Шу пайт ғанимнинг бир номи бўлинмалари таъқибчиларни куршовга олиш мақсадида упарнинг изига тушади. Ёв режасини ўз вақтида сөзган Амир Жаҳоншоҳ ўз қисми билан бу аскарларнинг йўлини тұсади.

Темурбек Тўхтамишхонни мағлуб этгандан кейин маълум Фурсатдан сўнг доруссалтана Самарқандга йўл олади. Ўғруқни эсон-омон пойтахтга етказиб боришини ишончли ва тажрибали саркарда Ҳожи Сайфиддинга топширади. Моҳир лашкарбоши Ҳожи Сайфиддин бу вазифани ҳам ўринлатиб адодади. 1392 йил марта турган Ҳумоюн ўрдуга қўшиласди. Соҳибқирон ўғруқнинг бошикаст ва талафотсиз етиб келганлигидан беҳад шод бўлади ва Ҳожи Сайфиддин шаънига таҳсину оғаринлар айтади.

Дашти Қипчокдан зафар кучиб қайтган ғолиб қўшин қиши мавсумини Тошкентда ўтказгач, кўкламда Самарқандга етиб колади.

Пойтахт аҳли музaffer лашкарни зўр шоду хуррамлик билан кутиб олади. Узоқ ва оғир юришдан қайтиб келган Темурбек улуғ тўй асбобини тузишга фармон беради ва набирапари: Умаршайх мирзонинг икки ўғли Пир Муҳаммад мирзо, Рустам мирзо ва Мироншоҳ қўрагоннинг фарзанди Абу Бақр мирzonинг никоҳ тўйлари муносабати билан эл-улусга дастурхон ёзади. Соҳибқирон Ҳожи Сайфиддин билан бўлган дўстона алоқаларни қариндошлик риштаси билан мустаҳкамлашга қарор қиласди ва амирнинг қизини севимли набираси Абу Бақрга никоҳлаб беради. Бу воқеа 1392 йилнинг баҳорида содир бўлади. Ушбу тўю тароналардан сўнг Амир Темур беш йиллик юриш азми билан сафар туғини баланд кўтаради.

1393 йили Соҳибқирон Кавказдаги бир қанча мустаҳкам қалъаларни забт этиб, Уник қалъаси теварагидаги мавзеда хуррамлик билан турган чоғда Ҳожи Сайфиддин Мовароуннахрдан келиб салтанатдаги ахволдан Амир Темурни боҳабар қилади. Бир неча кундан кейин Соҳибқирон Ҳожи Сайфиддин, Бурҳон ўғлон, Амир Жаҳоншоҳ, Амир Усмон ибн Аббос баҳодир бошлиқ катта қўшинни Гуржи斯顿 томонга юборади. Тифлисга яқин келингач Ҳожи Сайфиддин ва бошқа беку амирлар фармонга кўра бу вилоятнинг кенту қишлоқларига кирадилар.

1395 йилнинг эрта баҳорида Тўхтамишхон билан сулҳ тузиш нияти рўёбга чиқмаган Соҳибқирон улкан қўшин билан Дарбанд довонидан ошиб, Даشتி Қипчоқ лашкари билан Терек дарёси бўйидаги кенг даштда унга рўпара келади.

15 апрель чорсанба куни Амир Темур ва Тўхтамишхон қўшинлари ўртасида иккинчи марта жанг бўлиб ўтади.

Ҳожи Сайфиддиннинг лашкарбошлиқ истеъоди, шижоати ва мустаҳкам иродаси уч кун давом этган ушбу савашда яна бир бор яққол намоён бўлади.

Жангнинг биринчи куни кутилмагандага Соҳибқирон кўл остида турган қисмлар душман исканжасига тушиб хавфи пайдо бўлиб қолади. Амир Темурга биринчи бўлиб кўмакка этиб келган Амир Шайх Нуриддин сардорлигидаги аскарлар ёпирилиб келаётган хон жангчиларини тўхтатади. Бироқ Тўхтамишхон қўшинининг ҳамласи тобора кучая боради. Марказдан ёрдамга ташланган Муҳаммад Султон баҳодир мирзо ҳамда Устайбек кўмондонлигидаги кучли қисмларнинг жангга кириши, айниқса, Амир Ҳожи Сайфиддин ва Амир Жаҳоншоҳ қўл остидаги қисмларнинг пиистирмадан чиқиб хон армиясининг сўл кўл – жуванғарига кучли зарба бериши вазиятнинг маълум даражада барқарорлашишига олиб келади.

Жангнинг иккинчи куни Тўхтамишхон Исабий ва Бахши ҳожи қисмларидан ташкил топган жуванғарини майдонга ташлайди. Соҳибқироннинг илғор қисм – ҳиравулини янчиб ўтишга муваффақ бўлган бу қўшин қаноти Амир Темур лашкари ўнг қўлидан жой олган Ҳожи Сайфиддин туманини қуршаб олади ҳамда тўзитиб юборади. Жангчиларнинг тарқалиб кетгандигидан мутлақо саросимага тушмаган Ҳожи Сайфиддин туманининг қолган қисми билан қаршилик кўрсатишда

давом этади. Ўз сафдошларининг отлардан сакраб тушиб, тиз чўккан ҳолда душман устига ажал ўқлари ёғдираётганлигини кўрган аскарлар ортларига қайтиб дўстлари сафига кўшилади.

Соҳибқирон қўшинининг тўла ғалабаси билан ниҳоясига оттан мазкур жанг пайтида отдан ийқилиб оёғи лат еган Амиршоҳ мирзони Темурбек ўғрук раҳбарлигига қўяди. Моҳир ба тажрибали саркарда Ҳожи Сайфиддин ҳамда Амир Ёдгор барлос амирзодага ноиблик қилади.

Соҳибқирон мағлубиятга учраган Тұхтамишхон ва унинг қисмларини таъқиб этиб, Рус ва Черкас ерларидан ўтиб, Албурз тоги томон жўнаб кетар экан, ишончли Амир Ҳожи Сайфиддинни қўшда қолдиради. Юришдан қайтган Темурбек шарафига Ҳожи Сайфиддин ўз қароргоҳида шоҳона базм ўюширади ва хукмдорнинг таҳсинига сазовор бўлади.

1398 йили Амир Темур набираси Пир Муҳаммад мирзоға Мўғулистонга бориб у сарҳадни бошқаришни амр этади. Амир Ҳожи Сайфиддин ҳамда Бердигек Сарибўға, Худайдоди Ҳусайний, Шамсаддин ибн Аббос баҳодир бошлиқ бир нима номдор умаро 40 минг аскар билан ёш амирзоданинг мупозимлигига тайинланди. Уларнинг зиммасига Ашира қалъаси атрофини девор билан мустаҳкамлаш, хандақ қазиб иҳота қилиш вазифаси юклатилади.

1401 йили Соҳибқирон Қорабоғда қиш мавсумини ўтказиш учун Нахичевандан йўлга чиқиб, Қоравултепа мавзеига оттандан хабаргирлар келиб, ҳумоюн қўшинга қўшилиш мақсадида доруссалтана Самарқанддан амирзода Муҳаммад Сulton билан ҳамроҳликда сафарга чиқкан Амир Ҳожи Сайфиддиннинг Нишопурга етгач икки-уч кунлик бетобликдан сўнг фоний дунёдан кўз юмиб, Аллоҳ раҳматига борганлигини арзга етказадилар.

Амир Темур яқин сафдоши ва биродари, атоқли ташкилотчи ва лашкарбоши Ҳожи Сайфиддиннинг миллат ва давлат олдидаги улкан хизматларини ёд қилиб, кўп ҳазин бўлади.

Миллий тикланиш.
1996 йил 3 сентябрь.

СОҲИБҚИРОН ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН САРКАРДАЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрӯ-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъоди ва маҳорати, жаҳон ҳарб санъатига кўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадиий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу борадаги изланишларни уз-луксиз давом эттириш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги янгидан-янги хусусиятларини кашф этишга хизмат қилади деган фикрдаман.

Ҳазрат Амир Темурнинг бутун жаҳон аҳлини ҳайратга соглан ҳарбий зафарларига, албатта, фақат унинг Аллоҳ томонидан инъом этилган лашкарбошилик салоҳияти маҳсули дебгина қарамасдан, балки унинг фавқулодда замонавий қурол-ярголар билан таъминланган, ўша даврнинг илғор жанг олиб бориш амалийётларини мукаммал эгаллаган ўта интизомли армияни тузиши натижаси тарзида баҳоламоқ ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асосий карвон йўллари устидан қатъий назорат ўрнатиш, салтанат қудратини юқори погонага олиб чиқиши, ҳалқ турмуш тарзини кўтариш каби олий мақсадлар йўлида Амир Темур XIV – XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактический жиҳатдан тенги йўқ тезкор ҳарбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда иштирок этди, оламшумул галабаларга эришди. Амир Темур ўзининг 35 йил давомида олиб борган тўхтовсиз ҳарбий ҳаракатларида кўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъододли қўмондонларни танлашга, уларни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида куч сарфлади.

Ҳарбий ишнинг мураккаб сир-асороридан тўла воқиғ бўлган, ганим кучлари сафларини синдириш усулларини пухта таплаган, мураккаб вазиятларда ҳам эсанкирамай дадил ҳуракат қиласиган, ҳар қандай тўсиғу ғовларни усталик билан босиб ўтадиган, мақсадларнинг рӯёбга чиқиши йўлида ўз жонини ҳам бахшида этадиган фидокор ва содик шахсларни Соҳибқирон, биринчи навбатда, кўшинда мавжуд бўлган турли лашкарбошилик вазифаларига лойиқ топар, аскарлар таудирини уларга топширади.

Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, Амир Темур барпо этган қудратли армиянинг турли-туман қисм ва бўлинмалари уч юз ўн уч бек сардорлик қиласиган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси мингбегилик мансабларига эгалик қиласиган. Туман, яъни ўн минг жангчидан иборат дивизияларга Соҳибқироннинг ўғиллари, сафдошлари ва уларнинг фарзандлари бош бўлган. Амир Темур армиясида хизмат қиласиган саркардаларни шартли равища уч гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухга Соҳибқироннинг марказлашган салтанат барпо этиш иддаоси билан сиёsat саҳнасига чиқсан вақтдан умрининг сўнгги онларигача унга садоқат билан ҳамфир, ҳамнафас бўлган Амир Сулаймон барлос, Амир Жаку барлос, Амир Ҳожи Сайфиддин нукуз, Амир Аббос баҳодир қипчоқ, Амир Довуд дуғлат, Амир Муайяд арлот, Амир Оқбўға баҳодир найман, Амир Шайх Али баҳодир, Амир Элчибўға баҳодир, Амир Эйгу Темур баҳодир сингари уруғ ва қавм сардорларини киритиш жоиз.

Иккинчи гурухдан Соҳибқироннинг дўстлари, тенгқурлари, содик сафдошлари фарзандлари ўрин олади. Булар ичida 1383 – 1384 йили вафот этган Амир Жаку барлоснинг ўғли Амир Жаҳоншоҳ, 1391 йили Тўхтамишхон билан бўлган тонгсиз жангда ҳалок бўлган Эйгу Темурнинг қондоши Амир Шоҳмалик, Амир Аббос баҳодирнинг ўғиллари Амир Усмон, Амир Умар, Амир Шамсуддин, Амир Ҳожи Сайфиддиннинг укаси Амир Аллоҳдод, Амир Тоғайбўғанинг ўғли Амир Рустам сингари кўпдан-кўп саркардалар алоҳида жой эгаллайди.

Учинчи гурухни Соҳибқироннинг хос фарзандлари, набиралари, яқин туғишганлари ташкил этади. Булар жумласига Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо, Амираншоҳ мирзо,

Шохрух мирзо ва уларнинг пушти камаридан бўлган фарзандлари Муҳаммад Султон мирзо ва Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо, Пир Муҳаммад мирзо, Рустам мирзо ва Искандар мирзо ибн Умаршайх мирзо, Абубакр мирзо, Умар мирзо ва Халил Султон мирзо ибн Амираншоҳ мирзо киради. Шохрух мирзонинг ўғиллари ҳали ўта кичик ёшда бўлганлари боис, улар Амир Темурнинг ҳаётлик пайтида унинг аскарий қисмларига, табиийки, саркардадлиқ қила олмас эди.

Мазкур гурухга Соҳибқирон қизи Оғабегининг ўғли Султон Ҳусайн мирзо ҳамда опаси Қутлуғ Туркан оғанинг Амир До-вуд дуғлатдан туғилган фарзанди Амир Сулаймоншоҳ баҳодир мирзо ҳам ҳақиқиравишида тааллуқидир.

Амир Темур кўмондонлар таркибининг ҳарбий ишда талаб даражасида маҳорат ва малакага эга истеъод соҳибларидан шаклланишига катта эътибор қаратган. Ҳарбий қобилияти бор муайян бир шахс, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, лашкарошибиллик рутбасини кўлга кирифтган. Соҳибқироннинг хос навкарларидан бўлмиш Мубаширнинг Амир Темурнинг шахсий раҳҳамолигида амирлик даражасига ўсиб бориши зикр этилган мулпоҳазани тасдиқлади. Соҳибқирон шахсан ўзи олий бosh кўмондонлик қилган барча йирик муҳрабаларда бевосита қатнашган Амир Мубашир, масалан, Туркия султони Боязид Илдирим билан 1402 йили Анқара бўсағасидаги жангда Амираншоҳ мирзо, Муҳаммад Султон мирзо, Пир Муҳаммад мирзо, улуғ амирлар: Шайх Нуриддин, Али Султон, Али Қавчин ҳамда Тахуртан қатори кўшиннинг барангаридан жой олган.

Бўлажак саркардлар жуда ёшлиқдан ҳарбий санъатнинг нозик жиҳатлари билан яқиндан танишган, тажрибали мураббийлар, яъни отабеклардан аскарий иш борасида сабоқ олган, ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этганлар.

Манъбаларга мурожаат қиласиз. Жаҳонгир мирзо ва Умаршайх мирзо ўспиринлик чогидан сиёсий ҳамда ҳарбий ҳаётда фаоллик кўрсатганлар. Амираншоҳ ўн тўрт ёшида Хурсон мулки хукмдори этиб тайинланган ва шу ўлканинг кўшинлари ни бошқарган. 1377 йили таваллуд топган Шохрух мирзо 1390 – 1391 йилларда амалга оширилган юришларда қатнашган.

1398 йилнинг 17 декабрида Дехли хукмдори Султон Маҳмудхон билан тўқнашув вақтида Амир Темурнинг эътиборли

бекпиридан Худойдод құлида таълим олган, эндигина үн беш бакорни қаршилаган Халил Султон миңде ҳаммадан бурун дүшіманға ҳамла қиласы да бир жанговар филни үлжас олиб Сохибқирон хузурига келади. Натижада бобоси томонидан түрпі туман мақтому навозишлар билан тақдирланади.

Амир Темурнинг ҳарбий сафарлари синциклаб таҳлил этилса, ишониб топширилган қисм, бүлинмаларга тажрибали, агадсиз жанг жадалларнинг иштирокчиси бүлган эътиборли бекларнинг үзига хос назорати остида қўмондонлик қилинганини пайкаш мумкин. Масалан, Сохибқироннинг Шероуда турғанидан фойдаланган Тұхтамишхон 1388 йили Самирқанд ҳудудига бостириб киради. Сохибқирон йўқлигиде Мовароуннахр чегараларини асраш масъулияти топширилган йигирма ёшли Умаршайх миңде зудлик билан черикка бош бўлиб ёвга қарши сафарга отланган. Унга Амир Темурнинг яқин сафдоши, ҳисобсиз савашларда суюги қотган Амир Аббос баҳодир ва бошқа нуфузли беклар ҳамкорлик қиласы.

1383 йили сеистонниклар билан бүлган тўқнашувда үн етти ёшли Амираншоҳ миңде үнг кўлнинг манғлай (авангард)идан жой эгаллаган, улуғ амирлардан бир гурухи, жумладан, Амир Ҳожи Сайфиддин, Амир Оқбўға унинг хизматида бўлганлар.

Маълумки, Сохибқироннинг саркардалиқ салоҳияти унинг бир неча бор оз сонли аскар билан кўп сонли ғаним лашкарига қарши жанг олиб борган вазиятларда ҳам рўй-рост намонон бўлган. Қуръони Каримдаги «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилинг»лиги ҳақидаги оятни яхши билган Амир Темур аксар ҳолларда миқдор жиҳатидан бир неча бор зиёда ёвга рўбарў қолиб, үзига хос лашкарбошилик зеҳни кўмагида зафарлар қуянган. Сохибқироннинг мана шу жиҳатини унинг лашкарбосилари фаолиятида ҳам қайта-қайта кузатиш мумкин.

Хинди斯顿 юриши вақтида Жаун дарёси бўйида Севинчак баҳодир, Саййидхожа ва Амир Мубаширнинг уч юз кишилик отлиқ аскарлари Маллухоннинг тўрт минг суворий, беш минг пиёда, йигирма етти жанговар филига қарши мардонашор жангга кириб ҳиндуларни Дехли томон чекинишга мажбур этганлигини ёки Умаршайх миңзорининг 1389 йили олтмиш навкари билан саккиз юз кишилик ғаним лашкарларини тор-мор қилгани шулар жумласидандир.

Соҳибқирон лашкарбошилари матонати, жасурлиги, душмандан асло чўчимаслиги, ўта оғир вазиятларда ҳам аскарларни ўз кетидан эргаштириш, улар қалбида ғалабага бўлган ишончни авж олдириш салоҳиятига эга эди. Соҳибқироннинг 1372 йили Хоразмга қилинган дастлабки сафарида Кат шаҳрини ишғол этиш чоғида Амир Шайх Али баҳодирнинг биринчи бўлиб қалья фаслига чиқиши ёхуд Муҳаммад Султон миранониг 1393 йили Шуштар қальасини эгаллаш пайтида ҳаммадан аввал хисор устига чиқиб тут ҳамда байроқларни ўрнатиши сингари ҳисобсиз ҳаракатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Саркардаларнинг жасорати, қаҳрамонлиги, довюраклиги, ҳарбий тактик амалиётларни моҳирона қўллаши Амир Темур эътиборидан четда қолмас, аксинча, инояту марҳаматлар кўрсатилар, муносиб даражау уйоннлар билан шарафланар, турфа тортиғу суюрголлар билан сийланарди.

1388 йили Кўча Малик Мўғулистан ҳукмдори Инкотўра ортидан қувлаб бориб ўн уч навкари билан Хўжанд ва унинг теварак-атрофидан олинган асирларни душман тутқунидан кутқаргани, уларга йўл озиғи бериб юртларига жўнатгани боис Соҳибқирон унга суюргол тайин этди ҳамда тархонлик мансабини бериш ҳақида фармон чиқаради. 1391 йили Даشتி Қипчоқ қўшини билан кечган даҳшатли мұҳорабада кимдаким мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, Амир Темур ўша шахсга тархонлик нишонини беради ҳамда уларни ўз хузурига киришдан ҳеч ким ман қиласин, улар ва фарзандлари тўқиз марта гуноҳ содир этмагунча сўроқ қилинмасин, отларидан улов учун солиқ олинмасин, барча фавқулодда йигинлардан озод этилсин деб ҳукм чиқаради. Амир Шоҳмаликнинг марта басини улувлаб унга парвоначи мансабининг хос муҳрини топширади. Унинг яқинлари ва қариндошларини ҳам ўз иноят ва марҳаматига мушарраф этиб, содик саркардасига вазирлик тўнини кийгизади.

Амир Темур армиясида лашкарбошиларнинг жанг чоғида бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишлари, қийин, хавфли ҳолатларда зудликда кўмакка келишлари аъло даражада йўлга кўйилганини кузатамиз. 1398 йилинг 2 ноябрда Батнайр қальаси аҳолисидан солиқ мулкини ундириш мақсадида жўнатилган Амир Шайх Нуриддин ва

Амир Аллоҳдод бошлиқ жангчилар гурухи ғабрлар қуршовига тушиб қолади. Жангда анчагина киши ярадор бўлади. Амир Шайх Нуридинни душман ўртага олиб асирга туширишига өз фурсат қолганда Феруз Сеистоний ва унинг наъкарлари ғабрлар устига шиба ўки ёғдириб Амир Шайх Нуридинни ҳалокатдан кутқариб қоладилар. Соҳибқирон Феруз Сеистонийни ушбу жасорати учун муносиб тақдирлайди.

Амир Темур ўз саркардаларини ўта қадрлаган ва эъзозлаган, ҳурматини жойига кўйган. Уларнинг ҳаёти хавф-хатар остида қолганда бор куч-қувватини, қобилиятини, тажрибасини уларни бартараф этиш учун сарфлаган. Мисрликлар қулида банди бўлган Амир Отламишин кутқариш йўлида Соҳибқирон томонидан олиб борилган ҳам дипломатик, ҳам ҳарбий саъй-ҳаракатлар фикримизни тасдиқлаб турибди.

Амир Темурнинг шахсий раҳнамолиги остида вояга етган, ўрта асрнинг энг кудратли ва интизомли армияларидан бирини барпо қилишда, жаҳоншумул нусрлатларни қўлга киритишда унга сафдош бўлган саркардаларнинг ҳаёт йўлини асп манбалар асосида чукур ўрганиш, темурий саркардалар ташреясини яратиш истиқлол мафкураси қўяётган талабпарга муайян даражада жавоб беради.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати.
2004 йил 9 апрель.

хавф-хатарга қўйған кишилардан, жумладан, Соҳибқироннинг Амир Жаку, Амир Сайфиддин, Оқ Бўға баҳодир, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ бахши сингари яқин сафдошларидан ҳам маблаг үндириб олиш ниятида мухассил (солик үндирувчи) тайинланади. Бироқ улар «Лой жанг» воқеасидан кейин аксар моллари йўқ бўлиб кетганлиги сабабли Ҳусайн талаб килган маблагни йигиб бериш имконига эга эмасдилар. Ҳиммати баланд Амир Темур биродарларининг мушкулуни осон қилиш мақсадида мададга кўл чўзади, катта миқдордаги олтину кумушдан иборат маблагни, хусусан, рафиқаси Үлжай Туркан оғонинг билагузук ҳамда исирғасини ҳам амирларнинг тўлови ҳисобидан Ҳусайнга топширади.

Қимматли молларнинг бир қисми синглисига тегишли эканлигини англаган Ҳусайн уларни эгасига қайтариб юбориша оқизлик қиласди. Чунки очкўзлик ва хасислик унинг табиатида шунчалик илдиз отиб кетгандикки, ҳатто қариндошлик, ака-сингиллик қадр-қиймати ҳам бунга тўқсинлик қилолмайди, уларни ўзлаштиришдан тўхтатиб қололмайди.

Шунча маблаг берилганига қарамай, белгиланган тўлов ҳажмидан яна 3000 динор қолганди. Бунинг ўрнини қоплаш учун Соҳибқирон ўзининг хос отларини Ҳусайнга тортиқ қиласди. Отларнинг Амир Темурга тегишли эканлигини пайқаган Ҳусайн уларни қайтариб юборишдан ўзга чора топмагач Соҳибқиронга ўзининг Соли Саройга кетаётганлиги, оптин-кумушга эҳтиёжи борлиги, у ердан Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи қизининг қалин моли сифатида нақд маблаг юбориши зарурлиги, шу боис қолган уч минг динорни жўнатиш кераклиги хусусидаги мулоҳазани билдиради. Ўз ваъдасини қандай бўлса ҳам бажаришга ўрганган Соҳибқирон Кешга келиб тушгандан оз фурсат ўтмасдан етмаган миқдордаги маблагни нақд қилиб Амир Ҳусайнга юборади.

1371 – 1372 йилларда кўл бор Соҳибқироннинг лутфу марҳаматига мусассар бўлган бир гурӯҳ беклар, хусусан, Амир Мусо, Зиндачашм, Абу Исҳоқ Ясавурий Амир Темурга сунқасд уюштиришга аҳдлашади. Бу гурӯҳга Хонзода Абул-Маолий Термизий ҳамда шайх Абул-Лайс Самарқандий ҳам араплашиб қолганди. Уларнинг рёжасига биноан Амир Темур Ўтрор яқинидаги Қаросмон мавзеида ов билан машғул бўлган чоғда кўлга олиниши керак эди. Мазкур суюқасддан

юкиф бўлган Соҳибқирон уларни ҳибсга олиб, сўроқ қилишга фармон беради. Суриштириш ва юзлаштириш натижасида фитначи гуруҳнинг исён ҳамда хиёнат қилмоқчи эканлиги исботланади. Шунга қарамай, Амир Темур қадимий дўстлиги ҳакки, шунингдек, Сароймулк хонимнинг бўласи бўлганлиги ҳамда ўзаро қуда-андалик ришталари мавжудлигини ҳисобга олиб Амир Мусонинг гуноҳидан ўтади. Насаби расул алайхиссаломнинг силсиласига уланган Хонзодага вилоятдан чиқиб кетиш, шайх Абул-Лайсга эса ҳаж сафарига жўнаш буюрилади. Зиндачашм кишанланиб, Самарқандга олиб кетилади. Абу Исҳоқ Ясавурий амир Сайфиддиннинг илтимосига кўра Соҳибқирон томонидан бутунлай афв этилади.

Амир Ҳусайнга қарши қилинган юришлардан бирида Соҳибқирон бекларидан Дуваррака ва Шайх Али баҳодир Кағиши яқинида суриштирмасдан у ерда тұхтаб турган савдо карвони аҳлини душман хаёл қилиб улар билан жангта киради. Голиб кепган беклар савдогарлардан катта миқдордаги ипак матони ўлжа сифатида олиб Амир Темур ҳузурига көнтирадилар. Масаланинг асл моҳиятини тезликда аниқланган Соҳибқирон амирларини койиб изза қиласи ва матони кам-кустсиз згаларига қайтариб беради.

Илгари Соҳибқиронга дўст ва ихлосманд бўлган Ўлжайту Тойхоний ва Пўлод исмли юқори мартабали шахслар баязи субъектив сабаблар оқибатида кейинчалик унга нисбатан ганимлик макомида туриб, қаравунос лашкари таркибида Амир Темурга қарши бош кўтарадилар.

Көш ва Насаф йўлидаги қадимий шаҳар Навқат яқинида Соҳибқироннинг олти юз кишидан иборат аскарий қисми қарашуносларнинг беш мингдан зиёд лашкарини тор-мор этади, улкан миқдордаги от-улов, қурол-аслаҳани қўлга кирилади. Амир Темур аскарлари танимасдан юқорида номлари витилган кишиларнинг бошини кесиб келтиради. Содир бўлгани воқеа марҳамати ва фазилати етук Соҳибқирон кўнглига оғир ботади. Марҳумларнинг жасадлари Кеш шаҳрига олиб борилиб, уламо ва солиҳ бандалар уларга жаноза ўқигандан ғўни шариат аҳкомларига мувофиқ дағн этишга буйруқ беради. Мухтасар қилиб айтганда, ҳалок бўлганлардан ганимлик то исёнкорлик содир этилса-да, Амир Темур собиқ дўстликчиқи-хурматини керакли даражада бажо келтиради.

СОҲИБҚИРОНГА АТО ҚИЛИНГАН ХИСЛАТЛАР

Амир Темур тарихини ёритишга бағишланган бир қатор манбаларни ўрганиш, қайта-қайта мутолаа қилиш уларда Соҳибқиронга хос кўпдан-кўп хусусиятлар ўз ифодасини топганилиги борасида мулоҳаза юритиш имкониятини туддиради.

Буюк аждодимизнинг сурати ва сийрати ҳақида гап кетганда биз, аввалимбор, унинг марказлашган давлатни барпо этиш йўлидаги стратегияси, жаҳон ҳарб санъатининг ривожига кўшган улкан ҳиссаси, ижтимоий, сиёсий, иқтисадий, маданий, диний нуқтаи назардан жаҳон тараққиётидаги туттган ўрни, эл-улус равнақи, ҳалқ фаровонлиги, юрт тинчлиги сингари устувор йўналишлардаги фаолиятига кўпроқ ургу берамиз. Бундай ёндашишга ҳеч қандай эътиroz бўлиши мумкин эмас. Зоро, Соҳибқиронга дунёвий шуҳрат келтирган, номини машриқдан магрибга қадар достон айлаган сифатлар ичida қайд этилган жиҳатлар, яъни умум манфаатига хизмат қилиш асосий ўринни эгаллади десак асло хато бўлмас.

Айни чоғда, таъкидлаш лозимки, тарихий ёдгорликларда Аллоҳнинг солиҳ бандаси бўлмиш Амир Темурга оид турли фазилатлар, ахлоқий нормалар, хатти-ҳаракатларни белгиловчи тўғрилик, сахийлик, ростгўйлик, бағрикенглик, марҳаматлилик, меҳрибонлик, муруватпешалик, содиқлик каби хусусиятлар ҳаётий лавҳаларда, деталлар мисолида реал гавдалантирилган. Таъкидланган характерларни чуқур таҳлил этиш Соҳибқирон ҳаёти, серқирра фаолиятини яна-да тўлароқ, мукаммалроқ билиб олишга хизмат қиласди.

Ашёвий материалларга мурожаат этамиз.

1365 йили Тошкент ва Чиноз оралиғига Жата хукмдори Илёсҳожаҳон лашкари билан бўлган жангдан сўнг Амир Ҳусайн Соли Сарой (Амударё бўйидаги шаҳар, кейинчалик

Сарой деб номланган)га, Амир Темур эса ўзининг юрти Кешти көлиб тушади. Беҳисоб жангу жадаллар, ҳаёт ташвишлари па машаққатларидан чарчаган Соҳибқирон бир оз вақтни фарогату осойишталиқда ўтказиш, муборак хотирини шод этиш мақсадида бўлади. Бироқ бу баҳтиёрлик узоққа чўзилмайди. Амир Ҳусайннинг такабурлиги, ноқонуний хатти-ҳаракати кўпчилик дилида унга нисбатан нафрат ва ғазабнинг ўйганишига олиб келади. Аммо токи Амир Темур Амир Ҳусайн билан иттифоқдош экан, бирор кимса очиқдан-очик душманлигини унга нисбатан намойиш қилолмаслигини ҳамма яхши тушунарди. Шу боис икки иттифоқчи ўртасига низо солиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ғаразида Амир Мусо, Боязид жалойирнинг ўғли Али Дарвеш ва Фарҳод исомпи шахс Тармаршинхоннинг хотинларидан бўлмиш Ўрду хотун билан тил бириктириб фитна уюштирадилар. Улар: «Амир Темур Амир Ҳусайнга қарши душманлик йўлига кириб, бу ишни амалга ошириш режаси билан машғул. Бизлар буни кўриҳоҳлик билан маълум қилмоқдамиз», – деган мазмунда ёлғону бўхтонга тўла соҳта бир мактуб тузиб Амир Ҳусайнга жўнатишиади. Амир Ҳусайн ҳақиқатдан йироқ мактубдан хабар топгач ваҳимага тушади ва у ҳақда хонга маълумот отказади. Хон бир кишини ёрлиқ билан Соҳибқирон томон ўйлайди. Ёрлиқда Амир Темур ҳамда мактуб эгаларининг Самарқандга, Ўрду хотун ҳузурига, зудлиқда йиғилиши, у орда текшириш ўтказилиб, даъвонинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш масаласи қўйилади. Бу сўз Соҳибқиронга етгач, ўзининг ҳақлигини исботлаш, ноҳақ айблангандиги ва тухматга қонгандигини ошкор этиш учун дарҳол Самарқанд томон от суради. Амир Темурнинг келишидан хабар топган фитнани пар тафтиш ўтказилса шарманда бўлиб қолиш ва ясоққа тортилиш хавфидан кўркиб Ҳужанд томон равона бўладилар.

Сарбадорларни ҳийла-найранг билан маҳв этиб Самарқандни эгаллаган Амир Ҳусайн фаолиятида омадсизлик ша бахтсизлик белгилари қўрина бошлайди. Ҳукмдорлар обру-эътибори, шаънига муносиб бўлмаган хасислик, очкўзлик, ваҳшийлик каби салбий иплатлар унинг вужудида яққолзоҳир бўлади, мол-дунё тўплашга муккасидан шўнгийди.

Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, аҳвол шу даражага бориб етадики, уни деб ҳаётини

Амир Темур ташаббусига мувофиқ Амир Ҳусайн ва Соҳибқирон ўртасида узилган дўстлик, ҳамкорлик ришталарини қайта тиклаши шарлигига ҳар икки томондан мойиллик пайдо бўлади. Ҳусайн Амир Мусо ва Ўлжайтуни ўн минг кишилик кўшин билан жўнатиб Соҳибқиронни рози қилиш, у билан албатта сулҳ тузиш борасида топшириқ беради. Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн юборган элчилар Кўҳжак сувига яқин Алиобод мавзесида учрашадилар. Элчи томоннинг юз киши билан келганинги кўрган баъзи мулозимлар Соҳибқиронга: «Амир Ҳусайнинг номдор саркардалари шулардир, агар уларни кўлга олсан, унда бошқа бизга қарши туришга куч-куввати етадиган ўзга кишиси қолмайди. Қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш мақсадга мувофиқ», – деган мулоҳазани билдиришади. Амир Темур айтилган сўзларга қулоқ солмайди. Аксинча, «аҳанди бузмоқ мардлиқдан эмас» тамоийлига содик қолиб элчиларини хурматини жойига кўяди. Оқибатда икки томон дўстлик ва ҳамжиҳатлик аҳдини янгилаб, кудурат ва душманликни ўртадан кўтарадилар.

Бадахшонда олип борилган ҳарбий ҳарракатлар пайтида Соҳибқироннинг Жаҳон Малик сардорлигидаги илғор қисми кўп ўлжа билан ортга қайтаётганида душманлар уларнинг йўленини тўсиб, олдирган ўлжаларининг ҳаммасини қайтариб оладилар, баъзи аскарларни ҳалок қиласидилар. Олти юз ўтиз кишини отдан қулатиб тутқун этадилар. Мазкур ноҳуҳи ҳабар Амир Темурга еттач, ўн уч киши билан бадахшонликларнинг бир неча ўн баравар кўп сонли лашкарига қарши жанг қиласиди, хавф-хатар остида қолган кишиларини тутқунлиқдан озод этади. Тарихий манбалар Соҳибқироннинг кейинчалик: «Мен кўпдан-кўп жангу жадаллар қилдим. Кўп қийинчиликларни бошимдан кечирдим. Аммо ушбу жангдан қаттигини кўрмадим», – деган сўзларини келтиргани маълум.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон мамлакат равнақи йўлида жонбозлик кўрсатган, ҳаёти хавф остида қолишига қарамай, ҳар қандай шахсни эъзоzlаган, қадрлаган ва муносиб тақдирлаган. 1370 ийли Балхдан Самарқандга қайтган Амир Темур яқин сафдошлари, хослари, мулозимлари ва хайриҳоҳларини турли сийлов ва марҳаматларга сазовор этади. Ҳар бир кишини салтанатда тутган ўрни ва мавқеяга қараб олий мансаблар ҳамда мартабалар билан сарафзор

этади. Алалхусус, Амир Довудга Самарқанд доруғалиги, Жаку, Сайфиддин, Аббос, Искандар, Оламшайх, Ардашер қашин ва бошқаларга лашкар амирлиги ва тавочиликни топширади. Сарибұға, Ҳусайн барлос, Оқбұға, Элчи баҳодир киби амиру бекларни девон амири этиб тайинлайди. Хуллас, ҳар бир киши имкониятига күра бирор-бир иш ёки хизматтаға бўлади.

Ибн Арабшоҳ тан олганидек, Амир Темур қўрқмас, шижоатти, жасоратли кишиларни ёқтирас, довюрак ва мардларни ҳурмат қиларди. Соҳибқирон муайян кишининг мавжуд айбини ошкора қилмаслик, унинг иззатини тўқмасликка қаттиқ риоя этган. Тўхтамишга қарши қилинганд сафарлардан биррида кўп саркардалар мардоналик ва ботирлик изҳор қилиб турган бир чоғда Бурҳон ўғлон ихтиёрини қўлдан бериб жанг майдонини ташлаб қочган эди. Соҳибқирон унинг бу нолоийқ ҳаракатидан воқиф бўлса-да, чингизийзода йигитнинг пайбини ёпади, шаънини сақлаб қолади. 1398 йили Кобулнинг шимоли-шарқидаги тоғли вилоят томон Рустам мирзо катори Бурҳон ўғлон ҳам катта қўшинга бош қилиб юборилади. Соҳибқирон Бурҳон ўғлон ёрдамида бирор иш амалга оширилар, унинг мардоналиги билан бирор муҳим ғалаба қўлга киритилар деган фикрда эди. Аммо, таассуфлар бўлсинким, Бурҳон ўғлоннинг юраксизлиги бу гал ҳам унга панд беради, душманнинг қорасини қўрмай туриб совутини ташлаб қочишига мойиллик қўрсатади. Соҳибқирон қўрқоқ ва юраксиз пашкарбоши ўрнига кейинчалик шахсий тарбияси туфайли отук саркарда бўлиб етишган Муҳаммад Озодни тайинлаб янглишмаганди.

Қаҳрамонлик, жавонмардлик, айниқса, шахсий матонат йигитлик пайтида маълум сабабга кўра жисмонан шикаст топган Амир Темур учун ҳам бегона хислат эмасди. Қатор савашларда жаҳонгир қўрсатган ботирлик ва жасурлик, сабот ва матонат намуналари омма қалбидан ўрин олган, тилларда достон бўлган, турли афсонаю ривоятларнинг туғилишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати.
2007 йил 6 апрель.

АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИКЛИК

XIV асрнинг 70-йилларига келиб мӯгуллар истилосидан эътиборан Чигатой улуси номи билан юритилиб келган Мовароуннахрда буюк бобомиз Амир Темурнинг тинимсиз саън-ҳаракати, шикоати, ақл-заковати ва жонбозлиги туфайли мавжуд феодал тарқоқлик, бекликлараро низолару бошбош-докликларга чек кўйилди. Бир ярим асрлик мӯгуллар истибодди барҳам топиб, марказлашган, мустақил, кучли ҳарбий салоҳиятга эга улкан салтанатга асос солинди.

Шарқий Туркистону Ҳиндистон ўлкаларидан тортиб Рум (Кичик Осиё), Шом (Сурия) ҳамда Мисргача, Кавказорти музофотларидан тортиб Дашиби Қипчоқу Мӯгулистоннинг көнг худудларигача бўлган мамлакатларни қамраб олган буюк империя ташкил топди. Уни идора этишда соҳибқирон Амир Темур мавжуд ҳукукий меъёрларга изчили амал қўиди ва уларни давр талабига биноан такомиллаштириб, янада юқорироқ босқичга олиб чиқди. Амир Темур ўзининг тузукларида қайд этганидек, салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машаврат, қолган бир улуши эса қилич билан амалга оширилди.

Соҳибқирон салтанат байроги, зарб этиладиган динору дирҳамларга босиладиган белги ҳамда хос тамғасидаги «Рости русти», яъни «Ҳақ бўлсанг нажот топсан» ёки «Куч – адолатдадур» тамойилига бир умр содик қолди. У, биринчи галда, кенг ҳалқ оммаси, чунончи, бёваю бечоралар, гарибу мискинлар, савдогару деҳқонлар, косибу чорвадорлар, ҳунарманду зиёлилар, олиму фузалолар, донишманду машойхлар ҳукуқини муҳофаза этишда қонун-қоидаларга риоя қилиб, адолат билан иш юритди.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида таъкидланганидек, Соҳибқирон буюк империяда адолатли сиёсат

урнатди. Шу боис ҳам Мовароуннахрнинг энг чекка жойлари-дангина эмас, балки Хитой ва Ҳутан чегарасидан Дехли ва Ҳиндистон яримороли шимоли-ғарбида жойлашган Канбойит бандаргоҳи атрофларигача, Кавказ тоғ тизмасининг шарқий қисмидаги Дари ал-дарасида бунёд этилган Бобул-Абвоб қалъасидан то Рум ва Миср ҳудудларигача бўлган ерлардан тоқирлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли, ҳарир матолар, олтин, кумушдан ясалган зебу зиннати бошқа энг зариф моллар билан савдо-сотиқ қилгандар. Амандорлар, нуфузи қанчалар юқори эканидан қатъи назар, унгарнинг бир донасига ҳам кўз олайтириш, бир дирҳамига ҳам зиён етказишдан бутунлай маҳрум бўлган.

Соҳибқирон томонидан олиб борилган бундай сиёсат ва адолат натижасида салтанат жиноятчилар, йўлтусару қароқчилардан тозаланган. Бузунчилик, босқинчилик, талон-торож сингари раият бошига кулфат келтирувчи салбий омилларга барҳам берилган, саркашлар гарданни итоат ҳалқасига киритилган.

Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Амир Темур таникли ва диднотли олимлардан бир гурухини салтанатнинг турли чекка ўлкаларига ҳалқининг ахволидан, турмуш тарзидан маълумот келтириш мақсадида жўнатган. Уларга тайин этилган жойларда мамлакат ишларининг ахволини ўрганиш, агар бирорта мазлумга зулм етган ёки бирон ожиз кишига зўравончик ўтказилган бўлса, улардан зўрлик билан олинган нарса исботини топса, мавжуд ҳазина молидан азият чекканларга белгиланган миқдорда маблагни қайтариб бериш, содир бўлган воқеани судликда очиқ-ойдин ҳукумат девонига етказиш назифасини юклаган.

Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» асарида келтиришича, 1382 йили Ироқ ерларини Сulton Аҳмад ибн Шайх Увайс кўлига олгач шафқат ва эзгуликни унтиб жиноят йўлига қадам кўяди. Оммага зулм қилиш авжига чиқади. У кунларини жабру жафо ҳамда фасод ишлар билан ўтказа бошлилди. Фиску фужур хаддидан ошиб, ёвузи кенг кулоч ёзади. Инсонларнинг қони беҳуда тўкилади. Бағдод ахли ҳукмдордан безиб ва ноғратланиб Соҳибқирондан мадад сўрайди. 1393 йилнинг октябринда Амир Темур суворий ва пиёдалардан иборат кўшин билан Бағдодга келади

ҳамда бу қадимий шаҳар аҳлини золим ҳукмдор зулмидан озод этади. Шаҳарни ташлаб қочишдан ўзга чораси қолмаган Султон Аҳмад Миср султони Барқүк ҳузурига равона бўлади ва Соҳибқирон вафотига қадар Бағдодга қайта қадам қўйишга журъат этмайди.

Соҳибқироннинг юрт ободлиги, улус фаровонлиги йулидаги фидокорона фаолияти унинг бунёдкорлик соҳасидаги хизматларида яқол намоён бўлган. Кўпгина жаҳонгирилардан фарқли ўлароқ, ҳаётини бунёдкорлик ишларига баҳшида этган Амир Темур: «Қай бир жойдан бир ғишт олсан ӯрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам ӯрнига ўнта кўчат эктирдим», – деганида тўла ҳақли эди. Зотан, Ибн Арабшоҳ ургу берганидек, Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиниб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этилган. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос тарҳда, кўркам ва ажиб қўринишга эга бўлган. Бўстонлар турли навдаги мевали кўчатлар билан тўлдирилган. Уларга Эрам боғи, Дунё зийнати, Шимол боғи. Олий жаннат деб ном қўйилган. Қасрлар турфа нақшинкор кошинлар билан зийнатланган, ранг-баранг саҳналарни акс эттирувчи суратлар тасвиirlанган.

Соҳибқирон Самарқанднинг теварак-атрофи ва этак қисмларида ҳам бир қатор қасабалар бунёд этиб, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби машҳур ва азим шаҳарлар номи билан атаган. Самарқанд ва Шахрисабз (Кеш) оралиғида бўстон барпо этилиб, унда бир ҳашаматли қаср қурилган, унга Тахта Қарача деб ном қўйилган. Ривоятларга кўра, қаср қурувчилардан бирининг йўқолган биёси шу бўстонда олти ой ўтлаб юргандан сўнг эгаси ҳузурига қайтган.

Бунёдкорлик ишлари Мовоароннаҳр шаҳарларидан ташқари Туркистон, Эрон, Ироқ, Кичик Осиё, Кавказорти ҳудудларида ҳам амалга оширилган.

Маълумки, Аракс ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган Байлақон шаҳри 1221 йили мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган. Кавказортига қилинган юришдан зафар билан қайтаётган Соҳибқирон Эрон заминида ҳам ёдгорликлар қолдириш ниятида мазкур шаҳарни қайта тикилашга бел боғлайди. Унинг бевосита раҳбарлигига қисқа фурсатда шаҳар тарҳи чизилади. Шаҳар айланаси чуқур хандак билан ихота қилинган кенг девор билан ўралган, тўртбурчак шаклида

бозорга эга, кўпдан-кўп уй-жойлар, ҳоким яшайдиган сарой, омма тўпланадиган майдон ва чечакзорлардан иборат эди. Шаҳар девори айланасининг узунлиги икки минг тўрт юз газ (1 газ – қарийб 70 см), девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг биландлиги кунгурулар тепасигача ўн беш газ атрофида, хандакнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги тахминан йигирма газ бўлган. Шаҳар девори бўйлаб посбонлар ва соқчилар учун маҳсус жойлар белгиланган. Шаҳарнинг тўрт бурчагида бир бурж – минора қад ростлаган. Деворга чиқишига мўлжалланган жойлар, мудофаа вақтида қўл келувчи тош отиладиган ўринлар тартибга келтирилган. Хуллас, Байлақон шаҳрини қайта бунёд этишга жадаллик билан киришилади ва атиги бир ой ичида, яъни 1403 йилнинг октяброда шаҳарни қуриш ниҳоясига етказилади. Соҳибқирон Байлақонни ободонлаштириш мақсадида наҳр (канал) қазиш режасини ишлаб чиқади. Олий фармонга мувофиқ Аракс дарёсидан шаҳар томон узунлиги оғзи фарсах (фарсах – 6 – 7 км), кенглиги тахминан ўн газ бўлган ариқ қазилади. Наҳр нафақат Байлақон шахри, балки атроф қишлоқларда яшовчи аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради, экинзорлар, дарахтзорларни обиҳаёт билан ташминлайди. Истеъмолдан ортиб қолган сув Кура дарёсига бориб қўйилган. Ариқ қазиш ишларига музafferар кўшиннинг барча аскарлари жалб қилинган. Йирик саркардалар, амиру боклар ишнинг боришини қаттиқ назорат остига олишган. Бир йилда бажарилиши мумкин бундай улуғвор иш бир ой муддатда якунланган. Узоқ йиллар давомида Байлақон мавзесининг ободу ва маъмур булишида Соҳибқирон ташаббуси билан қашинган ариқнинг роли катта эди.

Айни шу кезларда Абубакр баҳодир мирзо 1378 – 1469 йилларда ҳукмронлик қилган қора қуюнли туркман қабиласининг сардори Қаро Юсуфни Бағдоддан сиқиб чиқаради. Абубакр мирзо бобосининг: «Саъй-ҳаракатларини ободончилик ва фуқаро фарновонлигига йўнатиришни ҳукмдорлик йўп-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик», – деган сўзларига оғишмай амал қилган ўнда азият чеккан раиятни юпантаб, курилиш ва дехқончилик ишларига машғул бўлади. Адолат қайта тикланиб, аҳолининг тинч меҳнат қилиши, осуда ҳаёт көчиришига имконият нратилади.

Шубҳасиз, юқорида зикр этилган бунёдкорлик ишлари катта миқдордаги маблагни, иш күчини талаб қылған. Со-лиқ тизимининг тартибга солиниши давлат солиқтарининг ўз вақтида ундирилиб хазинага тушиши ободончилек, курилиш ишларининг бажарилишига имкон яратган. Шунингдек, Бадахшон ферузаси, Нишопур, Эрон, Хурсон маъданлари, Ҳиндистон ёқут ва олмослари, Ҳурмуз (Форс қўлтиғига киришда жойлашган порт шаҳар) марваридлари, Хитой духо-баларийо бахмаллари, мушки анбарлари, бошқа юртлардан кептирилган соғ олтин ва кумушлардан катта солик ундирилган. Тушган маблағ иқтисодиётни ривожлантириш, ху-жаликнинг асоси бўлган дәхқончиликда сезиларли силжишлирга эришиш, салтанат хавфсизлигини таъминлаш, армияни қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, от-улов билан таъминлаш каби устувор мақсадларга йўналтирилган. Шу билан бирга, хунармандчилек, косибичилек, ички ва ташки савдони ривожлантириш, илм-фан, маданиятни равнақ топтириш, шаҳар, қишлоқ, мавзеларни ободонлаштириш сингари эзгу ишларга сарфланган.

СОҲИБҚИРОН ПАНДЛАРИ

Ўзбек давлатчилигининг том маънодаги асосчиси Амир Тимур ҳаёт йўлини ёритиша бағишлиланган туркий, форсий ва араб тилларида битилиб, бизгача етиб көлган турфа ман-бипарни тадқиқ этиш, уларни синчковлик билан ўрганиш Соҳибқиронга Аллоҳ томонидан ато этилган хислатлар: эл-үнусга раҳнамолик қилиш, ўз даврининг монанди йўқ ҳарбий қўйларини шакллантириш, мамлакатни мислсиз даражада обод этиш, халқ турмуш тарзини юқори погонага кўтариш, илм, фан, маданият, санъат ва дин ахлига ҳомийлик кўрса-тиши каби салоҳияту қобилят борасида мулоҳаза юритиш им-конини беради.

Жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равища тан олин-гани буюк бобокалонимизга хос сийрат ва суврат хусусида фикр кетганда, даставвал, унинг йигирма саккиз мамлакатни қамраб олган марказлашган кўдратли салтанатни барпо этишдаги стратегияси, жаҳон ҳарб иши тараққиётига кўшган муҳим ҳиссаси, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, диний нуқтаи назардан ўрта аср тамаддунида тутган ўрни, она юрт равнақи, Ватан осойишталиги каби устувор йўналишлардаги серқирига фаолияти кўз ўнгимизда намоён бўлади. Масалага шу йўсинда ёндашиш тарихий воқеалини объек-ти, ҳаққоний мушоҳада этишига имкон беради. Тарихий оби-дилларда Соҳибқиронга оид бағрикенглик, миллатсеварлик, адолатларварлик, тўғрилик, марҳаматлилик, мурувватпеша-лик, содиклик, ростгўйлик, фидойилик сингари хусусиятлар расо тасвирланган. Таъкидланган инсоний белгиларни чукур таҳлил этиш атоқли салтанат бошлиги ҳаётни, жўшқин фаолияти ҳақида янги-янги маълумотларга эга бўлиш имконини тутдиради.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур ҳаддан ташқари улкан худудда қурилган салтанатни бошқариш, учи ташки ҳужумлардан саклаш, ақолининг тинч турмушини муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришиň йўлга кўйиш, иқтисодни замон талабрагига мослаштириш, оқилона сиёсат юритиш, бунёдкорлик ишлари олиб бориши каби долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этишда ўзи томонидан ишлаб чиқилган ҳәётӣ принципларга оғишимай амал қилган, ворисларидан ҳам шуни талаб этган. Соҳибқироннинг бу борадаги панд-насиҳатлари, биринчи галда, «Амир Темур тузуклари», қолаверса, тарихий асарларда рўй-рост ўз аксина топган.

Подшоҳлик иши барча вазифалардан ортиқ ва мушкул бўлиб, Тангри таоло томонидан бандасига иккى жиҳатдан иноят қилинади. Биринчидан, салтанат жиловини бошқаришда ақл ва фаросат билан иш юритиш зарур. Эл-улус бошига кулфат келган тақдирда у ақл ва фаросат билан бартараф этилади. Иккинчи жиҳат баҳодирлик ва шижаот бўлиб, тахт соҳиби ганимидан мутлако ҳадискирамай, ўз куч-күввати, амалида мардона туреб душманга қарши чиқади. Айни чоғда, тадбиру ақл шижаоту мардоналийдан устуноқдир. Шамширнинг зарби ақли тадбир билан бирикса, ёв кўнглига йўл очилади.

1361 йили мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темурхон кўп сонли мўғул лашкарига бош бўлиб иккинчи бор Мовароннаҳрга бостириб киради. Ҳозирги Бўка, Алимкент, Оққўрон ва Сирдарё оралигидаги кўмлоқ чўллар орқали Чаноқ Булоқ мавзеида тўхтаган хон уч бекни қўшингга раҳбар қилиб Кеш томон жўнатади. Шу кезларда Кеш вилояти ҳоқимлиги курсисини эгаллаб турган Амир Ҳожи барлос ёвга қарши кураш олиб бориши ўрнига эл-улуси билан Хуросон сари қочишни афзал кўради. Бу маҳалда эндиғина йигирма беш ёшни қаршилаган Темурбек қариндоши Ҳожи барлос тутган йўлдан афсусланиб: «Вилоят раҳбарсиз, юртда тарқоқлик ва бошбошдоқлик воқе бўлиб, эл ҳаробаликка юз тутиши аниқ. Шу боис маслаҳатим шуки, сиз Хуросон томон борсангиз, мен Кеш сари йўл олай. Эл-улусга мадад бўлиб, мўғул лашкарини бошлаб келган беклар билан сулҳ тузиб, хон ҳузурига бораман. Натижада вилоят вайрон бўлмайди, халқ заҳмат ва ташвишдан кутулади», – дейди ва Туғлуқ Темур қароргоҳига келади. Темурбек хоннинг ақлда, тадбирда машхур, иш

юритишда ва халқ ҳожатини чиқаришда маълум маслаҳатчиси Ҳамидбек билан учрашиб, унга кўп маъқул ҳамда кўнглига ёқадиган муроҷаузаларни билдиради. Ҳамидбек кўмаги түфайли хон томонидан қабул қилинган Соҳибқиронга Кеш вилоятини бошқариш ва ўн минг кишидан иборат ҳарбий кучлар унинг итоати ва қарамоғида туришга қарор қилинади. Соҳибқироннинг ушбу оқилона тадбири натижаси ўлароқ Көш вилояти босқиндан омон қолади, омма тинч меҳнат қилишда давом этади.

Соҳибқирон душман қўшинларини маҳв этиш, мамлакатларни забт қилиш ишларида донолар билан маслаҳатлашган, зарур пайтларда берилган маслаҳатларга мувофиқ қирапат қилган. Амир Темур 1370 йили Мовароуннахрни муҳалифлардан халос айлаб, салтанатда аждодларга хос қонун-қоидаларни тиклаш билан банд бўлган чоғда фурсатдан фойдаланган Хоразм вилояти ҳокими Ҳусайн Сўфи Кот ва Хивани ўз тасарруфига киритиб, закотдан тушган маблагни сақлаш билан банд эди. Ушбу ҳолдан воқиф бўлган Соҳибқирон унга Алфа тавочини бир гуруҳ киши билан элчиликка юбориб, ҳар икки мавзе закотининг Чигатой улусига тегишли қанлиги, шу боис закот тушумига бундан кейин дахл қилмаслик, оқибатда дўстлик ва бирликни мустаҳкамлаш мумкинлигини изҳор этади. Бироқ беш йил давомида ўзи билганича сиёsat юритган Хоразм вилояти ҳокими «Мен бу вилоятни қилич билан қўлга киритганман, уни мендан қилич билангина тортиб олиш мумкин» тарзида жавоб қайтаради. Айтилган сўзларнинг кор қилмаслигини тушунган Соҳибқирон Хоразм томон лашкар тортишга аҳд қиласди.

Амир Темур доимо салтанат равнаси йўлида жонбозлик кўрсатган, ўзи билан бир сафда туриб жанг азобларини бошидан кечирган ҳар қандай шахсни, хоҳ у атоқли саркарда, хоҳ оддий аскар бўлсин, қадрлаган, эъзозлаган, ҳурматини жойига қўйган.

Лашкардан анча олдинда бораётган Шайх Али баҳодир, Сөвинчак баҳодир ва ёшлигидан Соҳибқирон хизматида унгайган Мубашшир Гов Куш мавзеида душман айғоқчилари билан тўқнашади. Мубашшир баҳодирлик кўрсатиб душманга ҳамла қиласди. Лекин ёв томонидан отилган ўқ оғзига тегиб икки тишидан ажралди. Марди майдон бунга эътибор бер-

май қайта душманга хужум қиласы, ўқ отган ғанимниң қилич билан қатты етады. Бу ҳолатни күрган душман гурухи қочишга мажбур бўлади. Воқеадан хабардор бўлган Соҳибқирон Гов Куш мавзесини Мубашишлага суюргол сифатидаги тортиқ этади.

1385 йилнинг қишида Соҳибқироннинг бегарас мадади туфайли Даشت Қипчоқ таҳтига ўтирган Тўхтамиш тўқиз туманлик лашкарига ўн икки чингизий ўғлонни бош қилип Соҳибқирон салтанатини таркибидан ўрин олган Табриз вилоятини забт этиш учун жўнатади. Табриз ғаним томонидан чор атрофдан исканжага олинади. Шаҳар ахли илгари ҳам шундай воқеалар юз берганда бирор бошилик ёки раҳбар ва зиятни ўз кўлига олмаганинги боис муддоға иншоотларини мустаҳкамлаб жангга ҳозирлик кўради. Бир ҳафта давом этган мухосарадан кейин душман аскарлари шаҳарга киришга муваффақ бўлади.

Жабру ситам, бузгунчилик чегарадан чиқади, масжиду мадрасалар вайрон қилинади. Ёшу қарининг барис асирлика олинади. Бир неча йиллар давомида йигилган мол-мулк, қиммат баҳу бўюмлар, зебу зийнатлардан ўн кун ичидаги асар ҳам қолмайди. Шу кунга қадар Амир Темур марҳамати соясида умргузаронлик қилган Табриз халиқи бутунлай кўплика солинади. Рўй берган воқеадан Соҳибқирон қаттиқ таъсириланади, сабабсиз мусутмонларга етказилган зулмдан изтиробга тушади. Маълум бир муддат қуббат ул-ислом номига мұяссар бўлган Табриз ҳароб ва кимсасиз қиласи. Лекин Соҳибқироннинг адолати ва олий фармони сабабли шаҳар қайтадан тикланади, мазлум ҳалқ ўз мансизларига қайтиб, эркин турмуш кечира бошлайди.

Амир Темур ислом дини, шариат ва фиқих қоидаларининг равнақиға ҳамиша диккәт қилган, исломни ҳар ерда, ҳар вақт кўплаб-қувватлаган, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлган.

Мұхаммад пайтамбар авлодлари ҳурматини жойига қўйиш, буюк авлиёлар, уламолар, файласуфлар, тарихи ва бошқаларни иззат-икром қилишини ўзининг асосий бурчларидан ҳисоблаган Соҳибқирон 1397 йили Конигиг яқинидаги Боги Дилкушони барпо этгандан сўнг Тошкент сари йўлга чиқади. Сирдарёдан ўтиб, Чиноз яқинидаги қарорхонини тикади. Оз фурсаддан кейин Яссага бориб шайх Аҳмад Яссавий мозорини

тивоғ қиласи. Амир Темур фармонига мувофиқ сўфиийлик тариқатининг асосчиси қабри устида кўк билан сўзлашибди, маҳбобатли иморат солинади. Томлар рангин кошин билан безатилади, хожаниянг қабри оқ тош билан безатилади. Мақбарани режалаштирилган тарҳга биноан қуриш вазифаси Убайдуллоҳ садр зиммасига юклатилади.

Икки йилдан сўнг Аҳмад Яссавий мақбараси барпо этилади. Факиру мискинларга кўпдан-кўп садақалар, эҳсонлар ушашган Соҳибқирон 1399 йили шуду ҳуррам қарорхонига юзланади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида замондошлари ёзиб көлдирган асарларда унинг кўп ибратли сифатлари тасвирланган. Тўғри, муруватли, эл-юрта мұхаббатли, саховатли, багрикен ва донишманд одам бўлгани кўз олдимизга келади. Амир Темурнинг панд-насиҳатлари, ўйтлари, унинг ҳақидаги нақл-ривоятлар асрдан асрга ўтиб келяпти.

Амир Темур ўйтларидан бирида шундай дейди: «Салтаният исхларида тўрт нарсага амал қилдим, яъни 1) кенгаш; 2) мушваратида маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик; 4) эхтиёткорлик. Соҳибқироннинг бу пурмаяно насиҳати бўғунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жойлардаги корхона, ташкилот, фирмалар раҳбарлари учун жуда ўринли иўп-йўриқиди.

«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёй бир киши минг-минглаб тадбirsiz, покайд кишилардан яхшидир», – дейилган ўйтларнинг бирида. Бугун ҳам мамлакатимиз ривожи, равнақи учун курашиб, қолоп меҳнат қилиб, турли тадбиркорлик билан шуғулланадиган кишилар қаторида кўлидан бир иш келмай, ишлашни хоҳламай, жамиятга фойдаси тегмаётган шахслар ҳам борни ҳақиқатдир.

Соҳибқирон ўйтларидаги яна шундай жумлалар бор: «Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрими унутмадиган ва унга муруват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим». Албатта, яхшилик – оқил кишиларнинг фазилати. Ёмонлик эса жамиятнинг иллати. Бошқаларга ёмонлик истайдиган кишилар ҳеч қачон дўст бўлмайди. Яхшилик уруғини сочғанлар эса эл орасида ҳурмат-эътибор қозонади.

Амир Темурнинг ўзига хос фазилатларидан яна бири мана бу ўйтда акс этган: «Дўст-дushman кимки менга илтико қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки. дўстлиги яна ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди».

Буюк бобомиз Амир Темур ўз салтанатида савдо-сотик, дехқончилик, ҳунармандчиларни ривожлантириш, фуқароларга моддий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратганини мана бу ўйтдан билса бўладики, унинг ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаганини эътироф этиш мумкин: «Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга курби етмай қолган бўлса, унга экин-тиқин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг ўй-иморати бузилиб, тузатишга курби етмаса, керакли усукуналарни етказиб бериб унга ёрдам берилсин».

Шу ўринда ҳарбийлар ҳақидаги пурмаъно насиҳатларни ҳам келтириш мумкин. Зеро, бу ички ишлар идоралари ходимларига ҳам тааллуқлидир. «Ёши улуг, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинглар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб билгандаридир». Ёки мана бу ўйтни ҳам келтириш мумкин: «Йўлларга кузатувчи ва сокнилар қўйсинглар, ҳар бир работга бир неча одамии жойлаштириларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб ўғирлатиб қўймасликлари ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин».

Соҳибқрон Амир Темур ўйтларидан яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири жуда кенг маъно касб этадики, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Постда.
2010 йил 3 апрель.

ЖАКУБЕК

Амир Темур асос соглан буюк салтанатни қуриш ва бошқариш жараёнида Соҳибқиронга сидқидилдан ишонч билдирган, унинг олиб борган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фалиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-куватлаган, ўйлаган режаларининг рӯёбга чиқишида том маънода мардлик, қаҳрамонлик ва хонбозлик намуналарини намоён этган қавмдошлари, маслақдошлари, сафдошу бирордларининг ўрни улкан бўлганига тарих шоҳид.

Соҳибқрон ўз олдига қўйган устувор вазифаларни амалга ошириш, чунончи, Ватанни мўгул истибодидан ҳолос қилиш, Амир Қазаған ҳалокатидан сўнг ўзаро урушлар, талон-торожлар гирдобига тушиб қолиша оқибатида ишлаб чиқариш бутунлай издан чиқсан, эл-улуснинг турмуши, бор-йўғи ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бошвошдоқпик чўққисига чиқсан мушкул вазиятни қандай бўлмасин ўнглаш, юрт озодлиги, бирлиги, фаровонлигини таъминлашда Амир Довуд дуглат, Амир Сайфиддин нукуз, Сулаймон барлос, Аббос баҳодир қипчоқ, Оқ бўға баҳодир найман, Тағой бўға барлос, Ҳусайнбек барлос сингари содик ва фидойи сафдошларининг бегараз кўмагига суюнган. Амир Темур сиёsat саҳнасига қадам қўйиш арафасида, яъни XV аср ўрталарида Мовароуннаҳр ҳудуди турли уруғ ва қавм бошлиқлари томонидан тақсимлаб олинган, фитяно галаёнлар авжига чиқсан бўлиб, «Зафарнома» асари муаллифи Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, беклардан ҳар кишиким озигина кучи бор эди, салтанат даъво қилур эди. Алалхусус, Кеш (Шахрисабз) Амир Ҳожи барлос, Ҳўжанд Амир Боязид жалойир, Балх Үлжай бўға сулдуз, Шибирон Муҳаммад Ҳожа Апардий найман, Хутталон (Хатлон) Кайхусрав ва Үлжайту Апардий, Самарқанд Ҳизр Ясавурий тасаввубу-

рида қолган. Бу беклар орасида рүй берган тинимсиз жангы жадаллар, қыргынбарот урушлар күплаб талафотларга сабаб бўлганди. Таркоклика барҳам бёриш, қабилалар, ургулар орасидаги низоларга чек кўйиш, уларни ягона халқ сифатида бирлаштириш Соҳибқирон танлаган сиёсатнинг бош мақсади ҳисобланган. Амир Темур бундай шарафли, айни чоғда, ута оғир вазифани амалга оширишда, шубҳасиз, биринчи галда, ўз қавмдошлари – барлосларга таянган. Илмий манబаларнинг гувоҳлии беришича, барлос (лугавий маъноси «саркарда») қабиласи ўзбек халқи таркиби қисмларидан бўлиб, XIII асрнинг иккичи ярмида Или дарёси бўйларидан Қашқадарё воҳасига кўчиб келган, XIV – XV асрларда воҳанинг сиёсий, иктиносидий ва маданий ҳаётida муҳим рол ўйнаган.

Соҳибқирон фаолияти тарихини ёритувчи манбаларни синчковлик билан ўрганиш Амир Темур барпо этган салтаният вилоятлари, туманлари ҳожимлари, доругалари, кўшин қисмлари саркардалари асосан барлос ургути вакилларидан тайинланганини кўрсатди.

Барлос ургунинг баланд мавқели вакилларидан бўлмиш Жакубек ибн Муборак ибн Тўғон ибн Кодон ибн Шарға ибн Қорачар нўён фаолияти билан боғлиқ дастлабки маълумот Амир Темурнинг 1360 ийли Хизр Ясавурий иштироқида Самарқандни Амир Ҳожи барлосдан тортиб олишга доир воқеалар силсиласида кўзга ташланади. Оқёр мавзесида Амир Темур ва Хизр лашкари билан кечган тўқнашувда мағлубиятга учраган Ҳожи барлос Самарқандга бориб Амир Боязидга қўшилади. Соҳибқирон ва Амир Хизр ўз лашкарларига бош бўлиб Самарқанд сари азимат қиласидар. Йўлда Шаҳрисабз лашкари гумроҳликка юз буриб қочиб кетади ва бориб Амир Ҳожи барлосга қўшилади. Амир Темур қошида Жакубекдан бошка ҳеч ким қолмайди. Ушбу ҳолатдан бадгумон бўлган ва уни пинхона келишиб тарзида фахимлаган Амир Хизрнинг Соҳибқиронга муносабати тубдан ўзгаради. Иттилоқиди Хизр Ясавурийнинг ўзидан гумонсираёттанини сезган ва мавжуд вазиятдан сергакланган Амир Темур ундан айрилиб, қавмдоши Жакубек билан Самарқандга, Амир Ҳожибек барлос хузурига, кетишига мажбур бўлади.

Маълум бир вақт Соҳибқирондан айрилиқда, аниқроғи, Жата (Чигатой улусининг Еттисув, Чуй воҳаси ва Шарқий

Туркистонни ўз ичига олган шарқий қисми)да ҳаёт кечирган Жакубек Сулаймон барлос, Амир Мусо, Жалопиддин барлос ■■■ Хиндукга барлос ҳамкорлигига мўгуллар томонидан ўзларига нисбатан қилинган зулму бедодлик ва хурматсизликка чидоммай улардан ўзигириб, бир гурух киши билан Термизги кайтади. Мазкур хушхабардан воказиф бўлган Соҳибқирон Тўлан бўғани булар томон жўнатади ҳамда бекларнинг бир кечга ўтқазиб Амударёдан ўтишларини буюради. Айни шу кезлардади Амир Темур Балх Яқинида Жата лашкарига биринчи зарбарни беришига тараффуд кўрмокда эди. Қўшичининг маймана (ўнг) ва майсара (сўйл) қанотлари тартибга солинанёттан пайтда Жакубек Амир Мусо, Амир Сулаймон билан бирга Соҳибқирон хизматига келади.

Икки мини кишилик қўшина бош бўлиб Қаҳалиқа (Темир дарпозозу)га этиб келган Соҳибқирон Жата аскарлари томонидан ишғол қилинган Кенши ганимдан холос этишга киришади. Қўл остидаги юз нафар мард жангилларни тўрт гурух (қўшун)га бўлган Соҳибқирон Амир Сулаймон барлос, Амир Баҳром жалойир, Амир Жалопиддин барлос, Амир Сайфиддин нукус, Амир Йўл Темур ҳамда Жакубекни уларга сардор қилиб Кеш томон жўнатади. Фармонга мувофиқ ҳар бир отлиқ аскар эгарниңг икки томонига дараҳт шохини осиптириб боғлаган ҳолда жадал йўлга тушади. Узоқдан чангу тўзоннинг кўтариғланини кўрган Жата лашкари улкан қўшин кеплаётир деган хаёлга бориб саросимада қочишига юз тутади. Амир Темур ва унинг тадбиркор беклари томонидан кўлланилган ушбу ўзига хос тактик амалиёт натижасида Кеш бежанг танафотсан кўлга кирилтилганди.

1359/1360 ийли Қабойи Матон (Шаҳрисабз ва Китоб оралигидаги Наматон қишлоғи) мавзесида Илёсхожа кўмандонлигидаги Жата лашкари Темурбек ва Амир Ҳусайн томонидан мағлуб этилгач, Соҳибқирон Амир Сайфиддин ва Амир Жакуни Самарқандга юборади. Ушбу икки истеъодли саркарданинг қатъий саъй-ҳаракати туфайли Самарқанд шаҳри кўлга киритилади. Самарқандга юду хуррамлик билан келган Соҳибқирон ҳамда Амир Ҳусайн беклар, нўйнлар ва аркони давлат иштироқида курултой чақириб, Чигатойхон наспидан бўлган Кобулшоҳ ўғлонини хонлик таҳтига ўтказадилар.

1365 ийлиниг кўклиамида улкан қўшинга бош бўлиб Мовароуннаҳрга бостириб кирган Жата ҳукмдори Илёсхожани

даф этиш мақсадида Темурбек ва Амир Ҳусайн черик йифадилар. Амир Ҳусайн лашкари Тошкент ва Чиноз оралигига турган Соҳибқирон аскарлари билан қўшилади ва олдиндан белгиланган лашкаргоҳга жойлашади. Илёсҳожа қўшини эса Кандибодом (Сирдарё) суви яқинида ўрнашади.

Қарама-қарши томон соқчи гурух – қаравулларининг наазари бир-бирига тушгач, ҳар икки қўшин туғу байроқларини ҳиллпратиб, ногораю табл (ногоранинг катта тури)ларни гумбуzlатиб, жанговар саф – ясолга тизилади. Амир Ҳусайн лашкарнинг баранғар (ўнг қанот)ига раҳбарлик қиласди. Амир Темур жуванғар (чап қанот)дан жой эгаллайди. Қўшин кўли – маркази Амир Сайфиддин, Амир Мурод, Аббос баҳодир қатори Жакубекка ишониб топширилади.

Соҳибқирон Сайфиддинбек, Оқбўғабек, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ баҳодир, Аббос баҳодир сингари сафдошлари, биродарлари сафида Амир Жакунни ҳам беҳад иззат-хурмат қиласар, қўлидан келадиган саховат ва мададни улардан аслпо дариг тутмасди. Маълумки, Амир Темур падари бузруквори Тарагайбекнинг содиқ беклари, мулоzимлари, хизматчилари билан муносабатларни саклаш, уларни янада чукурлаштиришга жиддий эътибор қаратган. Чунончи, Соҳибқирон Жакубек билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамроқ боғлаш ниятида 1355 йили унинг қизи Турмуш оғо бегимга уйланган, 1356 йили Амир Темур ушбу биринчи хотинидан ўғил кўрган ва унга Умаршайх деб ном кўйганди.

Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарида гувоҳлик беришича, Амир Ҳусайн Соҳибқирон мададида сарбадорларни маҳв этиб доруссалтана Самарқандда ўрнашиб олгач, унинг табиатидаги хасислик ва очкӯзлик иллати ғолиб келиб, мол-дунё, зебу зийнат йиғишига муккасидан кетади. У ҳатто энг яқин кишиларининг ҳам бойликларини турли баҳоналар билан ўзлаштиришга киришади.

Давлат ҳирси ғолиб келган Амир Ҳусайн бир нечта хос мулоzимлари сингари Жакубекни ҳам талаб қилинган миқдордаги мол-дунёни беришдан бош тортгани боис муҳассил қўлига топширади. Ушбу воқеадан хабар топган Амир Темурнинг тезликда кўмак ва ёрдам кўлини чўзиши қайнатаси Жакубек ва ўзга бекларнинг жазодан қутулишига имкон яратади. Соҳибқирон хазинасида бор бўлган олтину кумушларни, хусусан, иккинчи

завжаси – Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркон оғонинг зирак ҳамда билагузукларини Жакубек ва бошқа амирларнинг мусодара қилинган моллари ҳисобига топширади.

1366 йил ўрталарида Амир Темур иккюзламачилик ва бузғунчиликка юз тутган Амир Мусо ҳамда Амир Боязид жалойирнинг ўғли Али Дарвешни қўлга олиш учун Жакубек, Аббос баҳодир ва Амир Баҳром жалойирни катта аскарий туругча бош қилиб Хўжанд вилояти томон жўнатади. Лашкарнинг шаҳдам келётганидан воқиф бўлган Мусо ва Али Дарвешнинг қочишдан бўлак чораси қолмайди.

Шу йилнинг кузида Соҳибқирон кўп сонли черик йигиб Амир Ҳусайн билан жангга отланади. Темир дарвозадан ўтган лашкар Бойсун мавзесида тин олиш учун тўхтайди. Шу кезда аскаргоҳга Амир Ҳусайн қошидан Малик баҳодир ва Ибодуллоҳ сиртдан сулҳ ва тинчлиқдан сўз очмоқчидек, аслида, Соҳибқирон қўшини таркибидаги ясавурийларни фитнага даъват қилиши мақсадида келади. Элчиларнинг ҳақиқий муддаосини пайқаган Амир Темур айтилган аҳдномаю ваъдаларга қулоқ тутмайди. Айни шу пайтда Хўжандга юборилган Жакубек ва Аббосбек ўрдугоҳга қайтиб келишади ва бу ердаги бошқа беклар билан маслаҳатлашиб ясавурийларнинг сардорларини ҳибсга олишни маъқул топишади. Бироқ Амир Темур бундай иш юритиш бошқа кишиларнинг шубҳага тушишига, қўшилиш ниятидагиларнинг иккиланишига сабаб бўлишини бекларга уқтиради ҳамда ўйланган режанинг амалга ошишига розилик билдирумайди. Аллоҳ томонидан Соҳибқиронга ато этилган ҳадсиз жасорату қаҳрамонлик, мардлилик унинг оз сонли аскарлари билан бир неча ўн ёки юз баробар зиёд ғаним қўшинидан чўчимасдан саваш қилган онларида яққол намоён бўлганига тарих гувоҳ.

1366 йили Амир Темур Қарши шаҳрини иккى юз қирқ уч кишидан иборат аскари ёрдамида Амир Мусо кўл остидаги етти минг ҳамда Малик раҳбарлигидаги беш минг қаронос эли суворийларидан тортиб олишга жиддий аҳд қилган вақтда Суюргатмиш ўғлон, Қутлуғ Туркон оғо (Соҳибқирон эгачиси)нинг эри Довудбек дуғлат, Сарибўға жалойир, Ҳусайн баҳодир, Сайфиддинбек нукуз, Аббос баҳодир қипчоқ, Оқбўға баҳодир найман, Маҳмудшоҳ Бухорий билан ёнма-ён қайнотаси Жакубек ҳам унга кўмақдош бўлганди.

Амир Жакунинг ўта фаросатли, бирор ишга кўл уришда етти ўлчаб, сўнг кесиши, ширинсухан ва маслаҳатгўйлигини яхши билган Соҳибқирон уни зарур чоғларда элчиликка ҳам тайинлаган. 1366 йили Хиротга элчи сифатида келган Жакубекка Малик Ҳусайн кўп иззат-икром билдириб, турли-туман илтифотлар кўрсатган, Соҳибқиронга нисбатан тарафдорлик ва муҳаббат изҳор этиб, иттифоқчилик ҳусусида саъй-ҳаралатлар қилган.

Маълумки, Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги иттифоққа «Лой жангига»дан сўнг дарз кетган бўлиб, Амир Ҳусайн Соҳибқироннинг Мовароуннаҳрда марказлашган салтанат барпо этиш мақсадидаги хатти-ҳаракатига тўскенилк қилиш йўлига ўтганди. Низомиддин Шомийнинг қайд этишича, Амир Темурни йўқ қилиш ниятида турли-туман ҳийла-найранглардан тап тортмаган Амир Ҳусайн гарчи жасур киши ва шамширдор баҳодир бўлса-да, аммо баҳил ва ҳасис эди. Шу сабабли одамлар ундан нафрлатланар ва кўпчилик ундан юз ўғирганди.

Соҳибқиронни заифлаштиришни кўзлаб Амир Ҳусайн бир талай тадбирларни амалга оширишни мўлжаллайди. Бузук фикрли ҳамда ғаразли кишиларнинг сўзига учib гаддорлик билан тўсатдан қасд қилиб қолиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмаслигини пайқаган Амир Темур Амир Мусо, Амир Довуд ва Амир Жаку каби давлат арконлари билан кенгаш қиласди. Барча беклар Соҳибқирон билан яқдил бўлиб Амир Ҳусайнга қарши курашда бир ёқадан бош чиқаришади. Амир Ҳусайн ишини бир ёқли қилиш учун Балх томон сафарга чиқкан Соҳибқирон сипоҳи Жайхундан ўтиб, Хулм мавзесида тушган вақтда Амир Жаку Хутталондан сулдуз қавми лашкари ва ўзининг хос аскарлари билан келиб асосий кучларга кўшилади. Балх вилояти кўлга киритилиб, Амир Ҳусайн Кайхусрав ва Муайядбек томонидан ўлдирилгач, Соҳибқирон марҳум амирнинг хотини – Кайқубод Хутталонийнинг қизи Одил Малик (Мулк)ни Жакубекка тақдим қилган.

1370 йилнинг 9 апрелида ўттиз тўрт ёшга кирган, Мовароуннаҳрнинг якка ҳукмдорлигига муносаб деб топилган Амир Темур эл-юрт озодлиги, мустақиллиги йўлида улкан хизматлар қилган барча кишиларни сийлаб, ҳар қайсисини салтанатда мавжуд юксак мансаб, рутба ва лавозимлар билан

тақдирлаган. Ҳожи Сайфиддинбек, Аббос баҳодир, Искандар, Қумари иноқ сингари номдор лашкарбошилар қатори Жакубек черик беги ва тавочи мансабларига сазовор бўлган.

1372 йилнинг баҳорида Соҳибқирон Хоразм вилояти ҳукмдори Ҳусайн Сўғига қарши юришга отланиб, Қарши чўлида шикор (ов) қилиб, Қуббаи Метин мавзесида тўхтайди ва Жакубекка катта миқдорда аскарий қисм ҳамда буралди элини қўшиб уни Кундуз, Бағлон ва Кобул вилоятлари ҳокими этиб тайинлади. 1373 йилнинг қишида Жакубек Соҳибқирон фармонига биноан Хатлон (Хутталон), Кундуз ва Бағлон лашкарига бош бўлиб Шибирғон (Афғонистоннинг шимолидаги қадимий шаҳар)га бекиниб олган Зиндачашм ибн Муҳаммад Ҳожа Апардийни узоқ муддат қамалга олади. Шу йилнинг баҳорида Зиндачашм Шибирғонни Жакубекка топшириб, ўзи хижолат ва шармандалик билан Амир Темур ҳузурига кела-ди. Соҳибқирон уни иззат-икром билан қабул қилиб, афв эта-ди ва сарой мулозими этиб белгилайди.

1376 йили Амир Темур улкан қўшин йигиб Оқ Ўрда ҳукмдори Ӯрусхон (хонлик йиллари 1364 – 1376)га қарши йўлга чиққанда ҳар қандай вазифани аъло даражада адо этувчи Жакубекни Самарқандда мамлакат ишларига масъул қилиб қолдирганди.

1383 йилнинг кузида Амир Темур кўп сонли чериги билан Мозандарон сари юзланади. Лашкар Мурғоб ёқасида дам олишига тушган кезда Кобул вилоятида ҳокимлик вазифаси-ни бажараётган Жакубек Соҳибқирон ҳузурига келади. Күёви билан дийдор кўришган Жакубек вилоятнинг муҳим ишлари хусусида аҳборот бериб Соҳибқиронни хотиржам қиласди ва Кобулга қайтиб кетади.

1383 йилнинг қишида Жакубек фонийдан боқий оламга риҳлат қиласди. Соҳибқирон қайнотасига тааллуқли ерларни Сеистон, Зобулистон вилоятларининг мусаххар бўлишида қаҳрамонлик ва баҳодирлик намуналарини курсатган Жаҳон-шоҳга, яъни Жакубекнинг ўғлига иноят қилганди. Амир Темур барпо этган, кудратли салтанатнинг жаҳоншумул мудаффақиятларга эришишида Жакубекнинг яна икки фарзанди – Амир Зийрак ва Амир Мизроб ҳам фидойилик зоҳир этишган.

АМИР ТЕМУР ҮГИТЛАРИ

Ишбилиармон, мардлик ва шижаат сохиби, азми қатъ-ий, тадбиркор ва ҳүшёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

* * *

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гунохкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳақоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

* * *

Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

* * *

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, журматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, унут бўларди.

* * *

Шижаатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

* * *

Уламо билан сұхбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиха беришларини илтимос қил.

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

Постда.
2009 йил 4 апрель.

МУНДАРИЖА

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ (РИСОЛА)

| | |
|--|----|
| Буюк саркарда | 4 |
| Истеъдоднинг сайқал топиши | 7 |
| Қарор қатыйй, шикоятга ўрин йўқ | 42 |
| Тўфон | 50 |
| Хиндишон фатҳи | 59 |
| Яшиннинг сўниши | 71 |
| Рум султони Боязид Илдирим билан бўлган жанг | 72 |
| Якунланмаган юриш | 81 |
| Хотима ўрнида | 88 |
| Лугат | 89 |

МАҚОЛАЛАР

| | |
|---|-----|
| Кўк турк хоқонлигига ҳарбий қурилиш | 94 |
| Халоскор | 102 |
| Жалолиддин Хоразмшоҳ салтанатни қандай бошқарган эди | 113 |
| «Бобурнома»даги баъзи бир терминларга доир муроҳазалар | 118 |
| Ҳожатбарорлик | 127 |
| Саркарда, мунажжим, ҳожи | 133 |
| Соҳибқирон ишончини қозонган саркардалар | 144 |
| Соҳибқиронга ато қилинган хислатлар | 150 |
| Адолат тамойилларига содиқлик | 156 |
| Соҳибқирон пандлари | 161 |
| Жакубек | 167 |
| Амир Темур ўйтитлари | 174 |

Илмий-оммабол нашр

Ҳамидулла Дадабоев

**АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ
ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ**

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Алимардон АҚИЛОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаҳҳих: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Төришга берилди: 20.12.2015 й.

Босишига рухсат этилди: 18.03.2016 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Arial гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,16. Шартли б.т.: 9,24.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 142.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» XК босмахонасида чоп этилди.
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳжӯйаси 44-уй.

